The article presents the results of the study of the reaction of the sodium salt of citric acid dichloroacetylhydroquinone in presence of dimethylformamide and dimethylsulfokside. The experiments attained the best exposures in the presence of dimethylformamide. The structure of the obtained materials are installed by means of IR- and UF- spectroscopy.

*Наширға доц. Л. Камолов тавсия этган*

**VALERIANELLA Miller ТУРКУМИ АЙРИМ ТУРЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК  
ТАРҚАЛИШИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ**

**Акбаров Ф.И., Кодиров У.Х., Тожибаев К.Ш.** (ЎзР ФА Ботаника институти)

**Таянч сўзлар ва иборалар.** *Valerianella dactylophylla*, *Valerianella szovitsiana*, ареал, ҳарорат, ёгингарчилик, TASH, GBIF, Diva-GIS, Maxent.

**Ключевые слова.** *Valerianella dactylophylla*, *Valerianella szovitsiana*, ареал, температура, осадки, TASH, GBIF, GIS, Maxent.

**Keywords.** *Valerianella dactylophylla*, *Valerianella szovitsiana*, areal, temperature, precipitation, TASH, GBIF, GIS, Maxent

**КИРИШ**

*Valerianella* Mill. туркуми (Caprifoliaceae Juss.) асосан бир йиллик ўтлардан иборат бўлиб, Ўрта ер денгизи, шу жумладан Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда, шунингдек, Ғарбий Европа, Шимолий Америкада тарқалган [12]. Бу туркум 60 га яқин турга эга бўлиб, Европада 30 [6], Ироқда 15 [1], Покистонда 13 [2], Туркияда 31 [4], Эронда 24 [5], Ўрта Осиёда 28 [16] турлари учрайди. Ўзбекистон флорасида *Valerianella* туркумининг 16 тури тарқалган [17]. Улар асосан Помир-Олой, Ғарбий Тиёншон – Ғарбий Помир-Олой, Эрон – Ўрта Осиё, Қадимий Ўртаер денгизининг шарқий қисми учун хос бўлган турлар ҳисобланади. Турларнинг аксарият қисми Р.В. Камелин (1973) талқинидаги Шарқий қадимий Ўртаер денгизи ареал типига мансуб бўлиб, 7 турдан иборат.

Фитогеографияга «Қадимий Ўртаер денгизи» тушунчаси М.Г. Попов (1927) томонидан киритилган бўлиб, Ўрта Осиёнинг катта қисми, хусусан унинг жанубидаги чўл ва тоғли минтақалар табиий-географик хусусиятларига кўра Ўртаер денгиз минтақасига мос келиши ва бу ҳудуддаги флора ва ўсимликлар қопламанинг шаклланишига катта таъсири мавжудлигини таъкидлаган. Кейинчалик бу борадаги илмий қарашларни В.П. Овчинников (1971), Р.В. Камелин (1973, 1990), А.Л. Тахтаджян (1978, 1986) ривожлантириб, Тоғли Ўрта Осиё (асосан Тиёншон ва Помир-Олой тоғ тизмалари ҳудудлари) ва Турон (Шарқий Кавказорти текисликлари, Каспийолди текисликлари, Қизилқум, Қорақум чўллари) провинцияларини Голарктика флористик оламининг Қадимий Ўртаер денгизи флористик вилояти таркибига киритишган.

Қадимий Ўртаер денгизи флористик вилояти флораси ва ўсимликлар қоплами унинг улкан ҳудуди давомида албатта бир хил кўринишга эга эмас. Ўрта Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди кўпроқ унинг шарқий қисми учун хос бўлган хусусиятларни ўзида акс эттиради (Попов, 1927). Тоғли Ўрта Осиёнинг маҳаллий флораларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда (Закиров, 1961; Камелин, 1971, 1973, 1990; Тожибаев, 2010) Шарқий қадимий Ўртаер денгизи ареал типини ажратилган ва унинг таркибига Фаластин, Сурия, Жанубий Болгариядан тортиб, Ғарбий Ҳимолай ва Тиёншонгача (Зайсан ва Шинжон, Жанубий Олтой) қамраб олган катта ҳудуд киритилган [8]. Бу ареал типига мансуб турлар Ўзбекистон маҳаллий флораларида 4–5 фоиздан [26, 27, 28] 7 фоизгача [20, 30] ташкил этади. Бу кўрсаткичлар Ўрта Осиё маҳаллий флораларини Қадимий Ўртаер денгизи флористик вилояти, айниқса унинг шарқий қисми билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Мазкур мақола юқорида келтирилган фаразларни Ўзбекистон флорасида тарқалган *Valerianella* туркумининг айрим турлар мисолида мустаҳкамлаш, уларнинг географик таҳлилини замонавий тадқиқот услубларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга қаратилган.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот объектларининг тарқалишини ГАТ дастурларида моделлаштириш, эҳтимолий ўсиш нуқталарини башорат қилиш, ўсиши

учун энг оптимал шароитга эга хуудларни аниқлаш (MaxEnt), турларнинг экологик тахлилини амалга ошириш (DIVA–GIS) асосий вазифалар сифатида қабул қилинган.

## 2. Тадқиқот методлари

### 2.1. Тадқиқот объектлари ва тўпланган маълумотлар учун манбалар

Тадқиқот объекти сифатида эса *Valerianella* туркумининг Шарқий қадимий Ўртаер денгизи ареал типига мансуб бўлган икки тури – *V. dactylophylla* Boiss. & Hohen. ва *V. szovitsiana* Fisch. & C. A. Mey. танланган. Турларнинг табиий шароитда ўсиш нуқталарини акс эттирувчи географик координаталар сонининг кўп бўлиши моделлаштириш сифатини оширади [3]. Шу мақсадда тадқиқот объектлари бўйича жами 256 та нуқталар аниқланиб, уларнинг ўсимлик турларининг табиий ареали бўйича тақсимланиши ўрганилди. Маълумотларнинг асосий манбалари Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH), Москва давлат университети гербарийси (MW,) ва Global Biodiversity Information Facility (GBIF, [www.gbif.org](http://www.gbif.org)) портали ҳисобланади.

Тўпланган маълумотларнинг хуудлар бўйича тақсимланиши ва олинган манбалар 1 жадвалда келтирилган.

1-жадв.

### Гербарий намуналари сони ва улар олинган манбалар

Маъмурий хуудлар	Турлар номи		Жами намуналар сони	Маълумот олинган манба
	<i>V. dactylophylla</i>	<i>V. szovitsiana</i>		
	Намуналар сони			
Ўзбекистон	37	110	147	TASH, MW, GBIF
Афғонистон	–	32	32	GBIF
Покистон	–	20	20	GBIF
Исроил	2	15	17	GBIF
Қозоғистон	3	6	9	TASH, MW, GBIF
Тожикистон	3	4	7	TASH, MW, GBIF
Эрон	3	2	5	GBIF
Ливан	4	–	4	GBIF
Қирғизистон	1	2	3	TASH, MW, GBIF
Арманистон	3	–	3	GBIF
Саудия Арабистон	–	3	3	GBIF
Туркменистон	–	2	2	GBIF
Сурия	2	–	2	GBIF
Ҳиндистон	–	1	1	GBIF
Уммон	–	1	1	GBIF
<b>Жами</b>	<b>58</b>	<b>198</b>	<b>256</b>	<b>TASH, MW, GBIF</b>

### 2.2. Турларнинг тарқалишини моделлаштириш

Турларнинг тарқалиши мумкин бўлган потенциал майдонларини моделлаштириш MaxEnt (version 3.4.1), DIVA–GIS (1.1.4) дастурлари ва WorldClim маълумотлар базаси ([www.worldclim.org](http://www.worldclim.org)) 2020 –йил январда тақдим этган WorldClim 2.1 иқлим сценарийлари (1970–2000 йиллар учун атроф–муҳитга тегишли параметрлар 2.5 дақиқалик фазовий пикселлар сонига эга тахминан 4.5 км<sup>2</sup>) ҳамда стандарт 19 та биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялари асосида амалга оширилди (2–жадвал). Турлар намуналарининг баланд-ликлар бўйича тарқалиши SRTM (Shuttle Radar Topography Mission) маълумотларига ([www.2jpl.nasa.gov](http://www.2jpl.nasa.gov)) асосан DIVA–GIS (1.1.4) дастурида моделлаштирилган.

## Биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялари


Код	Биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялари	Изоҳлар	Бирлиги
BIO1	Йиллик ўртача ҳарорат		°C
BIO2	Куннинг ўртача оралиғи		°C
BIO3	Изотермаллик	BIO1 / BIO7 * 100	фоиз
BIO4	Ҳароратнинг мавсумийлиги	Ўзгарувчанлик коэффи- циенти	
BIO5	Энг иссиқ ойнанинг максимал ҳарорати		°C
BIO6	Энг совуқ ойнанинг минимал ҳарорати		°C
BIO7	Ҳароратнинг йиллик оралиғи	BIO5 – BIO6	°C
BIO8	Иссиқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO9	Қуруқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO10	Энг иссиқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO11	Совуқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO12	Йиллик ёғингарчилик		мм
BIO13	Энг иссиқ ойдаги ёғингарчилик		мм
BIO14	Қурғоқчилик ойдаги ёғингарчилик		мм
BIO15	Ёғингарчиликнинг мавсумийлиги	Ўзгарувчанлик коэффи- циенти	1
BIO16	Нам чоракдаги ёғингарчилик		мм
BIO17	Қуруқ чоракдаги ёғингарчилик		мм
BIO18	Энг иссиқ чоракдаги ёғингарчилик		мм
BIO19	Энг совуқ чоракдаги ёғингарчилик		мм

## 3. Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

## 3.1. Турларнинг потенциал ареали


*V. dactylophylla* ва *V. szovitsiana* учун бутун ареали бўйича турли манбалардан тўп-ланган маълумотлар асосида турларнинг реал ва потенциал ареали баҳоланди. Олинган маълумотларнинг таҳлили ҳар икки тадқиқот объектининг тарқалиши Қадимий Ўртаерденгизининг шарқий қисмидан ташқарига чиқмаслиги тўғрисидаги назарий маълумотларни [8,16] рад этмади ва тўлиқ мос келади (1,2 харита).

1-харита.

*V. dactylophylla* тарқалиши учун мос шароит мавжуд ҳудудлар




*V. szovitsiana* тарқалиши учун мос шароит мавжуд ҳудудлар



Харитада турларнинг тарқалиши учун мос шароитнинг юқори эҳтимоли мавжуд ҳудудлар – қизил, мос келиш эҳтимоли кам минтақалар – яшил, ўрта мос келувчи ва ўртадан юқори мос ерлар – оч ва тўқ сариқ рангларда тасвирланган. Бунда ҳудудлардан тур намунаси топилган ёки топилмаганлиги тўлиқ инобатга олинмаган. Тузилган хариталар турларнинг ўсиши учун қайноқ нуқталар Ўрта Осиё (Ғарбий Тиёншон, Помир-Олой), Афғонистон (Ҳинду Куш), Эрон (Шимолий–ғарбий Загрос), Шимолий Ироқ ва Шарқий Туркия (Шарқий Анатолу) ҳудудларига тўғри келишини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олинган натижалар асосида шуни башорат қилиш мумкинки, яқин келажакда мазкур турлар турли омиллар ёки уларнинг мажмуаси таъсирида ўз тарқалиш ҳудудларини кенгайтиргани тақдирида ҳам Шарқий қадимий Ўртаер денгизи ареал типичегарасида ташқарига чиқмайди. Бу ареал типичар иккала турнинг ўсиши учун оптимал ҳудудлар ҳисобланади. Турларнинг тарқалишида BIO1, BIO3, BIO6, BIO11, BIO18 биоиклимий ўзгарувчанлик тенденцияларининг таъсири катта бўлиб моделлаштиришда 90–97 фоиз иштирок этди, BIO13, BIO14, BIO16, BIO17 65–70 фоиз энг кам кўрсаткичга эга (3 жадвал).

3-жадв.

**Турларнинг тарқалишида биоиклимий ўзгарувчанлик тенденцияларнинг иштироки**



### 3.2. Турларнинг баландлик минтақалари бўйича тарқалиши

Тадқиқот объектларининг географик тарқалишини таҳлил этиш баробарида уларнинг бутун ареали бўйлаб баландлик минтақалари бўйича тақсимланиши ҳам аниқланди (2–харита). Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудидаги маҳаллий флоралар бўйича илмий манбаларда бу каби турларнинг баландлик минтақалар бўйича тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилган тарзда келтирилган. Улар асосида турларнинг тик минтақалар бўйича тарқалиш диапозонини аниқлаш имконияти мавжуд эмас. DIVA–GIS дастури, SRTM (Shuttle Radar Topography Mission) маълумотлари асосида турлар намуналари баландлик минтақалари бўйича жойлаштирилди (4 жадвал, 3,4 харита).


4-жадв.


Турлар намуналарининг баландлик минтақалари бўйича тарқалиши

Баландлик, д.с., метр хисобида	<i>V. dactylophylla</i>		<i>V. szovitsiana</i>	
	Намуналар сони	фоиз	Намуналар сони	фоиз
0–500	–	–	41	20.7
500–1000	7	12	66	33.3
1000–1500	10	17.3	34	17.2
1500–2000	28	48.3	22	11.1
2000–2500	12	20.7	23	11.6
2500–3000	1	1.7	7	3.6
3000–3500	–	–	5	2.5
<b>Жами:</b>	<b>58</b>	<b>100</b>	<b>198</b>	<b>100</b>

3-харита.

*V. dactylophylla* баландлик минтақалари бўйича тарқалиши




***V. szovitsiana* баландлик минтақалари бўйича тарқалиши**

Натижалар шуни кўрсатдики, *V. dactylophylla* тоғ ўсимликларига хос хусусиятларга эга бўлиб, текисликларда учрамайди. Турнинг баландлик минтақалари бўйича тарқалиш диапозони 500–3000 метрни ташкил этиб, оптимал баландлик 1500–2000 метр ораси ҳисобланади. Тўпланган намуналарнинг 48.3 фоизи айнан шу ораликқа тўғри келади. Намуналарнинг баландликлар бўйича жойлашувида энг паст кўрсаткич 2500–3000 м орасида бўлиб, га 1.7 фоиз ташкил этади.

*V. szovitsiana* асосан текислик ва тоғларнинг қуйи қисмига хос жиҳатларни ўзида акс эттирди. Тарқалиш диапозони ва намуналар 179–3500 метр баландликларга тўғри келди. Бу тур учун энг қулай баландлик оралиғи 500–1000 метр, намуналар сони энг кам учраган баландлик оралиғи 3000–3500 + ҳисобланади. Мос равишда намуналар 33.3 фоиз ва 2.5 фоиз ташкил қилди.

1-диаграмма.

**Турлар намуналарининг йиллик ёнинггарчилик миқдори бўйича тақсимланиши**

### 3.2. Турларнинг тарқалишига айрим иқлим кўрсаткичларининг таъсири

Турлар ареалининг шаклланишида иқлим кўрсаткичларининг таъсири жуда катта аҳамиятга эга. Улар орасида йиллик ёғин миқдори ва йиллик ўртача ҳарорат асосий ўрин тутаяди. Шунинг учун бу иқлим кўрсаткичларининг турларнинг тарқалишига таъсири баҳоланди. Бунинг учун ҳар бир турнинг 41 тадан ўсиш нуқталари таҳлиллар учун жалб этилди.


Йиллик ёғин миқдори бўйича олинган натижалар 1- диаграммада келтирилган.

*V. dactylophylla* учун атмосфера ёғинлари миқдори умумий амплитудаси 57–1202 мм бўлган ҳудудларда ўсишига шароит мавжуд эканлигини кўрсатди. Бундан оптимал оралик 286–515 мм ҳисобланади ва намуналарнинг 41.5 фоизи шу ҳудудларга тўғри келади. Йиллик ёғин миқдори 57–286 мм, ва 973–1202 мм бўлган ҳудудларда намуналарнинг 7.3 фоизи жамланган, холос.

*V. szovitsiana* учун бу кўрсаткич амплитудаси 58–813 мм оралигини ташкил этади. Оптимал ҳолат 209–300 мм ёғингарчилик оралиғида (31.2 фоиз), турлар кам тарқалган ҳудудлар эса 511–662 мм ёғингарчилик мавжуд минтақаларга тўғри келиши (4.9 фоиз) аниқланди.

2-диаграмма.

#### Турлар намуналарининг йиллик ўртача ҳарорат бўйича тақсимланиши



Йиллик ўртача ҳарорат бўйича таҳлил натижаларига кўра *V. dactylophylla* 2.8°–19.3°С оралиғида учрайди. Бу турнинг ўсишига энг қулай йиллик ҳарорат 9.9°–12.2°С бўлиб, намуналарни 24.4 фоиз ўз ичига олади. 14.6°–17°С, ҳамда 17°–19.3°С йиллик ҳароратларда эса, энг паст натижа 5 фоизга тенг.


*V. szovitsiana* намуналари 4.3°–20.2°С йиллик ҳарорат мавжуд ҳудудларда учрайди. Бу тур учун энг оптимал йиллик ҳарорат 11.1°–13.4°С га тўғри келди, унга намуналарнинг 27 фоизи тегишли бўлиб, энг паст натижа 6.5°–8.8°С, намуналарнинг эса 5 фоизини ташкил этади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, тадқиқотда фойдаланилган *V. dactylophylla* GPS координаталарининг 92.7 фоиз 180–1200 мм ёғин, 4°–16.5°С ҳароратга эга ҳудудларга (Ғарбий Тиёншон, Помир Олой, Ҳинду Куш, Шимоли–ғарбий Загрос ва Шарқий Анadolу) тўғри келди.


*V. szovitsiana* GPS координаталарининг 92.7фоизи эса йиллик ёғин 120–730 мм, ҳарорат 5.2°–19.7°С бўлган минтақаларда (Тиёншон, Помир Олой, Ҳинду Куш, Осиёнинг Ўрта ер денгизи соҳиллари) жойлашди.

Турларнинг ўзи учун оптимал йиллик ёғин ва ҳароратга мос равишда тарқалиши 5,6 харита, 3 диаграммада кўрсатилган.

Турларнинг ўзи учун оптимал йиллик ёғин ва ҳароратга мос равишда тарқалиши



*V. dactylophylla*




*V. szovitsiana*

*V. dactylophylla* ўзи учун оптимал йиллик ёғин ва ҳароратга мос равишда тарқалиши



***V. szovitsiana* ўзи учун оптимал йиллик ёгин ва ҳароратга  
мос равишда тарқалиши**



**Хулоса**

Тадқиқот объектлари *V. dactylophylla* ва *V. szovitsiana* ГАТ дастурларида моделлаштириш орқали турларнинг тарқалиши учун оптимал иқлим кўрсаткичлари ҳамда тик минтақалар бўйича тарқалиш диапозони аниқланди ва бу натижалар тасвирланган хариталар яратилди. Шунингдек, бу дастурлар ҳар икки турнинг ўсишида аҳамияти катта бўлган иқлим омилларини белгилаш ва турларнинг келажақдаги ўсиш ареалини башорат қилиш имкониятини берди.

Тадқиқотлар 2019–2020 йиллари “Ўзбекистон табиий флорасининг икки уруғпаллали ўсимликларининг систематикаси” (ВА–ФА–Ф–010) ва Зарафшон тизмаси ғарбий тармоқлари флорасини тўр тизимли хариталаш ва алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш” (ПЗ–20170925347) лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Al-Rawi A. Wild plants of Iraq with their distribution. Ministry of Agriculture & Irrigation, State board for agricultural & water resources research, National Herbarium of Iraq // Baghdad. 1964. P.101–102.
2. Perveen A., Qaiser M. Pollen flora of Pakistan LVI. Valerianaceae //Pakistan Journal of Botany. 2007. – Т. 39. – №. 6. – С. 1889–1896.
3. Wisz M. S. et al. Effects of sample size on the performance of species distribution models // Diversity and distributions. – 2008. – Т. 14. – №. 5. – С. 763–773.
4. Coode M.J.E. and V.A. Matthews. Flora of Turkey Vol.4. // Edinburgh at the University press, 1972. – P. 559–581.
5. Rechinger K. H. Flora Iranica. №69/30.4. // Akademische Druck-u. Verlagsanstalt, Graz–Austria, 1969. – P. 1–23.
6. Ernet D., Richardson I. B. K. Valerianella Miller // Flora europaea. – 1976. – Т. 4. – С. 48–52.
7. Камелин Р.В. Видовой состав растительного покрова ущелья р. Варзоб. Высшие растения. В кн. Флора и растительность ущелья реки Варзоб. – Наука. Ленингр. – 1971. – 272 с.
8. Камелин Р. В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. — Наука. Ленингр. отд., 1973.
9. Камелин Р.В. Флора Сырдарьинского Каратау. – Наука. Ленингр. отд., 1990. – 146 с.
10. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. Т. 2. – Ташкент, 1961. – 446 с.
11. Тахтаджян А.Л. Флористические области Земли. – Наука. Ленингр. отд., 1978. – 246 с.

12. Тахтаджян А.Л. Жизнь растений (Цветковые растения) Т. 5. Часть 2. – Москва: Просвещение, 1981. – С. 378–382.
13. Takhtajan A., Crovello T.J., Cronquist A. Floristic regions of the world. Berkeley: University of California press. Т. 544. 1986.
14. Попов М.Г. Основные черты истории развития флоры Средней Азии. Бюллетень Средне-Азиатского Государственного Университета. Выпуск 15. – Ташкент, 1927. – С. 239–292.
15. Овчинников П.Н. Ущелье р. Варзоб, как один из участков ботанико–географической области Древнего Средиземья. Флора и растительность ущелья р. Варзоб, 1971. Т. 2. – С. 200–260.
16. Абдуллаева М.Н. Определитель растений Средней Азии. Том 10. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 69–79.
17. Каримов Ф.И. Флора Узбекистана. Том 3. – Ташкент: Маънавият, 2019. – С. 47–96.
18. Тожибаев К.Ш. Флора Юго-Западного Тянь-Шаня (в пределах Республики Узбекистан): дисс.... докт. биол. наук. – Ташкент, 2010. – 271 с.
19. Ибрагимов А.Ж. Флора Сурханского заповедника (хребет Кугитанг): дисс. канд. биол. наук. – Ташкент, 2010. – 160 с.
20. Батошов А.Р. Флора останцов Юго-Восточного Кызылкума: дисс.... докт. биол. наук. – Ташкент, 2016. – 258 с.
21. Тургинов О.Т. Бойсун ботанико-географический район флоры: диссер...PhD. биол. наук. – Ташкент, 2017. – 136 с.
22. Азимова Д.Э. Молгузар тизмаси флоры: диссер...PhD. биол. наук. – Ташкент, 2018. – 107 с.
23. <http://www.gbif.org>
24. [www.worldclim.org](http://www.worldclim.org)
25. [www.2jpl.nasa.gov](http://www.2jpl.nasa.gov)

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада *Valerianella dactylophylla* ва *Valerianella szovitsiana* турларининг географик тарқалиши, экологияси Ўзбекистон Миллий гербарийи ва GBIF гербарий маълумотлари асосида, *Diva-GIS*, *Maxent* дастурларидан фойдаланиб таҳлил қилинди. Бу турларнинг тарқалиши учун энг оптимал шароитга эга ҳудудлар башорат қилинди ва турларнинг тарқалишини ифодаловчи хариталар яратилди. Йиллик ёғингарчилик ва ўртача ҳароратнинг турларнинг тарқалишига таъсири баҳоланди.

#### РЕЗЮМЕ

В статье проанализировано географическое распределение, экология видов *Valerianella dactylophylla* и *Valerianella szovitsiana* с использованием программного обеспечения *Diva-GIS* и *Maxent* на основе данных Национального гербария Узбекистана и GBIF. Были предсказаны наиболее благоприятные условия для распространения этих видов и созданы карты, показывающие распределение видов. Было оценено влияние годовых осадков и средней температуры на распределение видов.

#### SUMMARY

In the article, the geographical distribution, ecology of *Valerianella dactylophylla* and *Valerianella szovitsiana* species was analyzed using the *Diva-GIS* and *Maxent* softwares, based on data from the National Herbarium of Uzbekistan and GBIF. The areas with the best conditions for the distribution of these species have been predicted and created maps that represent the distribution of the species. The influence of Annual precipitation and Annual mean temperature on the distribution of the species has been evaluated.

*Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган*

### **CURCUMA LONGA L. НИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА ХЎЖАЛИҚДАГИ АҲАМИЯТИ**

**Сотиболдиева Д.И. (ЎЗМУ), Маҳкамов Т.Х. (ЎЗР ФА Ботаника институти)**

**Таянч сўз ва иборалар.** *Zingiberaceae*, *Hedychieae*, *Зарчава*, *Ҳинд зафарони*, *куркумин*, *антибактериал*.

**Ключевые слова.** *Zingiberaceae*, *Hedychieae*, *Зарчава*, *Индийский шафран*, *куркумин*, *антибактериальный*.

**Keywords.** *Zingiberaceae*, *Hedychieae*, *Turmeric*, *Indian saffron*, *curcumin*, *antibacterial*.

**Кириш.** Дунёда аҳоли сонининг ошиши кенг ассортиментдаги доривор, озиқ-овқат-боп ва хушбўй-зиравор ўсимликлар хом ашёси хилма-хиллигини кўпайтиришни ҳамда улардан янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Ўз навбатида, бундай хусусиятларга эга бўлган доривор ўсимликларни танлаш, уларнинг хом ашёсига бўлган эҳтиёжларни маҳаллий флорада мавжуд бўлган ёки ўзга ҳудудлар флорасига тегишли интродуцент ўсимликлар ҳисобига қондириш, ўсимликларни турли тупроқ-иқлим шароитида етиштиришнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда доривор, озиқ-овқатбоп ва хушбўй-зираворлик хусусиятларини сақловчи қимматли ўсимликларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳамда етиштириш йўллари тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай истиқболли ўсимликлар қаторига *Curcuma longa* L. ҳам киради ва ҳозирда кўпгина тропик ва субтропик ҳудудларда етиштирилиб, хом ашёси экспорт қилинмоқда. Ўсимликнинг қимматли доривор ва озиқ-овқат хом ашё манбаи эканлигини ҳисобга олган ҳолда, турли тупроқ-иқлим шароитларида хом ашё етиштиришнинг илмий асосланган йўллари ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

*Curcuma* L. туркуми *Magnoliophyta* бўлими, *Liliopsida* синфи, *Liliidae* кенжа синфи, *Zingiberales* кенжа тартиби, *Zingiberaceae* оиласи, *Hedychieae* трибасига мансубдир [3: 992]. Ушбу туркумга мансуб бўлган *Curcuma longa* L. бир паллали, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, халқ таъбиотида доривор ва кулинарияда зиравор ўсимлик сифатида кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда *Zingiberaceae* оиласининг 49 туркумга мансуб 1300 га яқин кўп йиллик ўтсимон ҳаётий шаклидаги турлари тарқалган. *Zingiberaceae* оиласи жуда ҳам таниқли оила бўлиб, унинг таркибига стратегик зираворлардан кардамон (*Elettaria cardamomum* Maton), йирик кардамон (*Amomum subulatum*) ва занжабил (*Zingiber officinale*) киради.

**Келиб чиқиши ва тарқалиши.** *Curcuma* табиий ҳолда Ҳиндистон, Жанубий ва Шарқий Хитой, Тайван, Филиппин, Индонезия (Ява ороли), Гаити, Ямайка, Перу, Камбоджа, Шри-Ланкада тарқалган бўлиб, кўпгина субтропик мамлакатларда маданий ҳолда етиштирилади. Субтропик иқлим зарчава ўсимлигини маданийлаштириш учун энг қулай жой ҳисобланади. Ўсимликнинг 2000 м баландликда ҳам жуда яхши ўсиши қайд этилган [1: 25].

*Curcuma* туркумининг 40 га яқин тури Ҳиндистоннинг абориген ўсимликлари бўлганлиги сабабли, унинг келиб чиқиши Ҳиндистондан деб қаралади [32: 149]. Ушбу туркумни *Curcuma longa* туридан ташқари иқтисодий аҳамиятга эга бўлган бир қанча вакиллари ҳам мавжуд, уларга *Curcuma aromatica* Salisb., *Curcuma amada* Roxb., *Curcuma caesia* Roxb., *Curcuma aeruginosa* Roxb., *Curcuma zanthorrhiza* Roxb. мисол бўла олади. Ушбу туркумнинг тахминан 70 – 110 тури тропик Осиёда қайд этилган. Ҳиндистон, Мьянма ва Тайланддаги турлар ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу ўсимликлар ўз ватанидан анча йироқда – Хитой, Австралия ва Тинч океанининг жанубий қисмида ҳам учрайди ва айрим таниқли турлари бутун тропик мамлакатлар бўйича маданий ҳолда етиштирилади. Бундан ташқари, ушбу ўсимликни МДҲ давлатларида ҳам етиштириш ишлари олиб борилган. Озарбайжонда зарчава ўсимлигининг саноат плантациялари 1976 йилдан буён ташкил этиб келинади. Россияда фақатгина иссиқхоналарда етиштирилади. Сухуми (Абхазия) ва Шимолий Кавказ (Пятигорск) ҳудудида очик грунтда етиштириш бўйича тажрибалар олиб борилган [2: 15].

Зарчавани Ҳиндистондан келиб чиққан деган илмий қарашлар ҳанузгача тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда, аммо баъзи адабий манбаларда зарчаванинг келиб чиқишини Фарбий ва Шимолий Ҳиндистонга бориб тақалиши ҳақида маълумотлар келтирилган [23: 514].

К.С. Велаюдхан ва бошқаларнинг [32: 149] “*Curcuma* генетик манбалари” деб номланган илмий асарида “Зарчаванинг географик келиб чиқиши бўйича берилган фикрлар ҳали-ҳануз турли хил бўлишига қарамаздан аниқ тахмин қилиш мумкинки, уни келиб чиқиши Шарқий-Фарбий Осиёдир” деган фикр илгари сурилган.



Г.А. Ватнинг [33: 689] таъкидлашича, Ҳиндистонда зарчава туркумининг бир қанча турлари учрашига қарамай, *Curcuma longa* нинг айнан шу ҳудуддан келиб чиққанлигини исботлайдиган далиллар мавжуд эмас. П.Н. Равиндран ва бошқалар ҳам [24: 15-70] зарчаванинг дунё бўйлаб тарқалишини ўрганиб, мамлакатлар бўйича турларнинг тахминий сонини келтирганлар.

1-жадв.

№	Мамлакат	Турларнинг тахминий сони
1	Бангладеш	16-20
2	Хитой	20-25
3	Ҳиндистон	40-45
4	Камбоджа, Вьетнам ва Лаос	20-25
5	Малайзия	20-30
6	Непал	10-15
7	Филиппин	12-15
8	Таиланд	30-40
	Жами	100-110

Зарчава ўсимлиги Хитой қирғоқларига эрамиздан аввалги 700 йиллари, сўнгра 100 йиллар ўтиб Шарқий Африкага, 500 йилдан кейин эса Ғарбий Африкага ҳам кириб борган. Араб савдогарлари Европа қитъасига ўн учинчи асрларда зарчаванинг кириб келишига катта ҳисса қўшганлар. Бу даврда зарчава билан бирга қора мурч ҳам кириб келган. Васко да Гаманинг Ҳиндистоннинг Керала штати Кожикодде тумани, Каппаденинг Малабере кўрфази атрофидаги ҳудудлари бўйича берган маълумотларига кўра, бу иккала зиравор ўсимликларнинг савдосини йўлга қўйишга биринчи бўлиб араб савдогарлари муваффақ бўлишган ва улар томонидан денгиз йўллари Европа сайёҳлари ўз юришларини бошлагунларигача қатъий сир сақланганлар [23: 514].

**Хўжаликдаги аҳамияти.** Ғарб ва Шарқ мамлакатлари халқ таъбиотида зарчава ўсимлигининг илдизпоясини кенг қўллашади. Эрамиздан аввалги 3300 йиллари Инкларнинг цивилизациялашган водийси аҳолисининг Ғарбий Ҳиндистон билан савдо алоқаларида зарчава асосий сотиб олинган зиравор маҳсулотлардан бири ҳисобланган. Шунингдек, Грек-Рим, Миср ва Яқин Шарқ мамлакатлари зарчавадан кенг фойдаланганлар [24: 330]. Зарчава илдизпояларини майдалаб, кукун кўринишига келтирилган ҳолда Осиё мамлакатлари кулинариясида, косметикада, таъбиот ва газламаларни бўйлаб кенг қўлланилган [5: 1-7].

Европалик изланувчилар зарчавани ғарб мамлакатларига биринчи бўлиб ўн тўртинчи асрда олиб кирганлар [4: 1-75]. Зарчавадан Ҳиндистонда қарийб 5000 йилдан зиёд вақт мобайнида фойдаланиб келинмоқда. Бу тўғрисида Марко Поло 1280 йиллари Хитойга уюштирилган сафарларидаги қўлёзмаларида маълумот берган. Марко Поло Ҳиндистонга “Ипак йўли” орқали бир неча бор уюштирган тарихий саёҳатларида зарчавадан жуда ҳам илҳомланган ва уни мисоли мева сингари тасвирлаб, уни заъфарон бўлмаса-да, мевага қиёслаган [22: 231].

Зарчава эрамиздан аввалги 4000 йиллари “Ҳинд заъфарони” номи билан машҳур бўлиб, кўплаб мақсадларда қўлланилган. Бу ўсимлик ибтидода Аюрведа –қадимий Ҳиндистон таъбиотида ишлатилган ва бу эски ҳинд ёзувлари –Ведаларда 1700 ва 800 йиллари келтирилган. Эрамиздан аввалги бу давр Ведалар асри деб номланган. Умуман олганда, зарчава кўплаб мақсадларда қўлланилган. Масалан, бўёқ, зиравор ва дориворлар сифатида ишлатилган. Айни вақтда зарчавани бўёқ ва овқат ҳазм қилиш хусусиятига эга бўлган зиравор сифатида қўлланилади. Ҳинд кулинариясида ҳеч бир таом (хоҳ вегетариан) зарчавасиз тайёрланмайди. Тўқ сариқ рангга эга бўлган “ҳинд карриси” ҳозирда зарчавадан олинади [23: 514].

Қадимий буюк ҳинд табиблари Аюверик медицина тизимига зарчавани қўллаш бўйича турли усулларини киритганлар [6: 401, 21: 1292-1294]. Малайзияда аёлларни туғруқ жараёнида ёвуз инс-жинсларни ҳайдашда ва, биринчи ўринда, антисептик восита сифатида, шунингдек, бебаҳо дори сифатида фойдаланилган, яъни аёлнинг қорин соҳасига ва киндик атрофига зарчава эритмаси суртилган. Шунингдек, товуқ шўрваси ва тузламаларни қадоклашда қўлланилган. Қадокланган сут маҳсулотлари, музқаймоқ, йогурт, сариқ кекслар, бисквитлар, попкорн, конфетлар, торт қиёмлари, бодроклар, қайлалар, желатинлар ва баъзи таблеткалар учун “Е 100” озуқа қўшимчаси сифатида қолланган. Зарчава ўзининг бетакрор ранги ва тарихи сабабли индуист ва буддистларнинг диний маросимларида алоҳида ўрин тутди [23: 514].

Дастлаб зарчава ўсимлиги бетакрор сариқ ранг берувчи бўёқ сифатида етиштирилган. Вақт ўтиши билан кўпгина соҳаларда ишлатила бошланган. Шунингдек, косметикада ҳам фойдаланилганлар. Ўсимликнинг илдизпоялари Ҳиндистон аювердларининг энг машҳур бўлган “Дашамуларийшта” деб номланувчи дори воситасида қўлланилади. Бу аралашмани тайёрлашда 10 хил турдаги ўсимлик илдизлардан фойдаланиб, ундан, асосан, ҳолсизлик ва чарчокни олдини олишда қарийб минг йиллар давомида фойдаланиб келинади. Бундан ташқари, ўсимлик гулларида инсон ичакларидаги гижжаларини туширишда, жинсий таъносил касалликларда, руҳий хасталикларга қарши курашишда махсус таъсирга эга бўлган дори воситаси сифатида қўлланилади. Аёлларнинг кўкрак беши ўсмаларини даволашда зарчаванинг баргларида тайёрланган малҳамлардан фойдаланилади [23: 514].

Куркумин зарчава зировори таркибидаги мавжуд табиий бирикма бўлиб, баъзи вирусларни йўқ қилишда ёрдам бериши тадқиқотлар натижасида аниқланган. “General Virology” журналида нашр этилган мақолада [17: 1-6] куркуминнинг таъсир механизми тўғрисида илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Куркумин ҳужайраларнинг трансмиссив гастроэнтерит (TGEV) (чўчкаларга зарар етказувчи коронавируслик альфа-гуруҳи) билан зарарланишидан ҳимоя қилади, шунингдек, вирус зарраларини ўлдиради. Ҳозирги кунда альфа-коронавируслик тасдиқланган даволаш усули мавжуд эмас. TGEVга қарши ишлаб чиқилган вакцинани эса вирус тарқалишининг олдини олишда самарали деб бўлмайди. Тадқиқот гуруҳи куркуминнинг потенциал антивирус хусусиятларини аниқлаш учун TGEV юктиришдан олдин турли концентрациядаги куркумин бирикмаси билан экспериментал ҳужайраларга ишлов берилди. Сўнгра TGEV экспериментал ҳужайраларга юктирилди. Натижада куркуминнинг юқори концентрацияли бирикмаси ҳужайра културасида вирус зарраларини камайтириши аниқланди. Куркуминни TGEVга бир неча хил таъсир қилишининг қуйидаги йўллари аниқланди: а) вирусни ҳужайрани зарарлашидан олдин тўғридан тўғри ўлдириш; б) вирусни “инактивация қилиш” учун вирусли қобик билан бирлаштириш; в) вирус кириб боришининг олдини олиш учун ҳужайра метоболизмидаги ўзгаришлар [17: 1-6].

Куркумин баъзи турдаги вирусларни, шу жумладан, денг вирусини, гепатит В ва Зика вирусларининг тарқалишини чеклаганлиги аниқланган. Ушбу бирикма, шунингдек, яллиғланишга қарши ва антибактериал таъсирларни ўз ичига олган бир қатор муҳим биологик таъсирга эга эканлиги аниқланган [17: 1-6].

**Систематик ўрни. Кўпгина систематик олимлар – К.Линней, Ж.Хукер, А.Рендл, Т.Валетон, Ж.Хатчинсон ва Г.Уотт [18: 574, 13: 792, 26: 403, 30: 1-8, 14: 243, 33: 689] илмий изланишлар олиб боришига қарамасдан, ҳанузгача зарчаванинг таснифланиши ва номенклатурасида хилма-хиллик мавжуд. Ж.Хукер [13:792] ўзининг таснифида зарчавани Scitamineae тартиби ва Zingibereae трибасига киритади. Аммо кейинчалик А.Рендл томонидан [26:403] эса ушбу туркум турлари Zingiberoideae кенжа оиласини Zingiberaceae оиласи сифатида ажратишни таклиф этиб, зарчава туркумини *Hedychieae* трибасига жойлаштирган. Унинг бу систематик номенклатураси Ж.Хатчинсон [14: 243] томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Р.Холтум [12:1-249] томонидан ишланган Zingiberaceae оиласининг таснифи ҳозирги кунда энг мақбули деб топилган бўлиб, у оилани икки кенжа оилага**

ажратган: *Zingiberoideae* ва *Costoideae* ва зарчавани *Zingiberoideae* кенжа оиласининг *Hedychieae* трибаси таркибига киритган.

*Curcuma* алоҳида туркум сифатида дастлаб К. Линней томонидан “Species Plantarum” (1753) номли асарида келтирилган. К. Линней ўша даврларда Цейлонда (ҳозирги Шри-Ланка) олиб борилган кузатувлардан олинган маълумотлар асосида туркум тавсифини берган [18:574]. Туркумнинг номи сариқ рангни англатувчи араб сўзи – «Kurcum» дан олинган бўлиб, *Curcuma* эса лотинлаштирилган версиясидир [34:361, 15:136, 25:15–70]. Лекин зарчава ундан аввал Van Rheeде [31:1678-1693] томонидан “Hortus Indicus Malabaricus” асарида баён этиб ўтилган. У икки турдаги зарчавани маҳаллий номланиши «Kua» ва «Manjella Kua» билан баён этган. Кейинчалик бу икки тур *C. zedoaria* Rosc. ва *C. longa* L. номлари билан идентификациялаштирилган. Б.Л. Берттом [9:209–215] «Manjella Kua»ни *C. longa* ўсимлигининг лектотиби деб танлаган. Зарчаванинг яна бир номи Turmeric бўлиб, у лотинча “terra merita” сўзидан олинган. Terra merita – минерал пигментларни эслатувчи мериториал тупроқлар деган маънони англатади. Санскритчада уни «Харидара» («Сариқ»), «Гаури» («Ёрқин чехрага эга бўлган»), «Канчани» («Олтин маъбуда») ва «Аушади» («Майса») деган номлари учрайди. «Харидара» номи ҳаётининг кўп даврини шимолий Ҳиндистонда ўтказган “доарий” қабиласининг Мундасларидан келиб чиққан [11:251]. Қадимий Ҳиндистон Ведалари “Нишадас” деб номланган одамлар қабиласига мансуб бўлиб, “нишадас” сўзи тўғридан-тўғри таржима қилинганда “Зарчава хўрандалари” деган маънони англатади [23:514].

Ж.Г. Бакер [8:311] Ҳиндистонда (The Flora of British India) зарчаванинг 27 тури учраши ҳақида маълумотлар келтириб, ушбу туркумни учта секцияга ажратган: *Exantha*, *Mesantha* ва *Hitcheniopsis*. Айниқса, *Exantha* секцияси таркибиде 14 турни ўзига бирлаштирган бўлиб, зарчава ва бошқа муҳим иқтисодий аҳамиятга эга турларни ўз ичига олади: *C. augustifolia* Roxb., *C. aromatica* Salisb. ва *C. zedoaria* Rose [32:149].

Т.Х. Валетон [30: 1-8] *Curcuma* туркуми турларининг чанг тиканакларига асосланган ҳолда икки кенжа туркумга *Paracurcuma* ва *Eucurcuma* ажратган. *Paracurcuma* га икки турни киритган, чунки уларнинг чангчилари бўлмаган ва ўсимталари жуда калта бўлган. *Eucurcuma* кенжа туркуми учта секцияга ажратилган: *tuberosa* (илдизтуганаклари мавжуд), *non tuberosa* (илдизтуганаклари мавжуд бўлмаган) ва *stolonifera* (столонли илдизтуганаклари мавжуд). Дастлаб, Т.Х. Валетон томонидан *C. longa* ни *C. domestica* деб номлаб, кейинчалик *C. domestica* турини *C. longa* L. синонимига ўтказган.

С.Э. Фисчер [10:1399–1478] зарчаванинг Жанубий Ҳиндистонда тарқалган турлари ҳақида маълумот берган. S. Kumar (1991) Ҳиндистоннинг Сикким штатидаги Химолай тоғининг турли баландлик минтақаларида туркумнинг бешта тури *C. augustifolia* Roxb., *C. aromatica* Salisb., *C. caesia* Roxb., *C. longa* L. ва *C. zedoaria* (Christm.) Rose тарқалганлиги тўғрисида маълумот берган.

М.А. Сабу [27:322] томонидан жанубий Ҳиндистонда тарқалган *Zingiberaceae* оиласи вакиллари устида ўтказилган таксономик ва полиген изланишлар натижасида зарчаванинг 12 тури кўрсатиб ўтилган, улар орасида Жанубий Ҳиндистон эндемлари бўлган *C. coriaceae*, *C. ecalcarata*, *C. haritha*, *C. kudagensis*, *C. neilgherrensis*, *C. raktakanta*, *C. vamana* ва *C. oligantha* var. *lutea* лар мавжуд бўлган. Бу изланишлар натижасида Жанубий Ҳиндистондаги саккизта янги таксонларни идентификациялашга имкон бўлган бўлиб, улар орасидан фан учун тўртта янги тур келтирилган: *C. coriaceae* Mangaly & Sabu, *C. haritha* Mangaly & Sabu, *C. raktakanta* Mangaly & Sabu ва *C. vamana* Sabu & Mangaly.

Жанубий Ҳиндистонда тарқалган зарчава туркум турлари 1993 йили Ж.К. Мангалй ва М.Сабу [19:139–171] томонидан қайта кўриб чиқилади. Бунда туркум 17 турни бирлаштирган бўлиб, ундан 16 та тур *Eucurcuma* кенжа туркумига ва битта (*C. ecalcarata*) тур *Hitcheniopsis* кенжа туркумига ажратилган. Шунингдек, таксонларни идентификация қилиш ва уларни аниқлаш мақсадида туркум калити, кўрғазма манбалари ва туркумга тааллуқли бўлган изоҳлар ишлаб чиқилган.

К.С. Велаюдхан ва бошқалар томонидан [32:149] Ҳиндистонда зарчава туркумидан 40 тур аниқланган бўлиб, Т.Х.Валетон [30:1–8] таклифига кўра чанг тиканларини инобатга олган ҳолда улар икки кенжа туркумга ажратилган. Шунингдек, бу муаллифлар янги *C. malabarica*, *C. kudagensis* ва *C. thalaaveriensis* турларини [32:149] фанга киритишган. Ж.Скорнискова ва М.А. Сабу [28: 187-198] Ҳиндистондаги *C. roscoeana* ҳақида кўпроқ маълумотлар келтирганлар. Бу маълумотларда тирик намуналари ва тарихий номенклатураси бўйича илмий асосланган фикрлар батафсил баён этилган. J.Skorniskova ва унинг ҳаммуаллифлари [29: 37-46] томонидан зарчавани ўхшашлик тарафларини ўрганишда *C. longa* ни тўпланишига эътибор қаратишган. Жанубий Ҳиндистондаги зарчава турлари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

*C. longa*. турини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамадан, турлараро ва тур ичидаги тафовутлар бўлганлиги сабабли зарчавани классификациялашда хилма-хиллик кузатилади. Бу муаммоларни ҳал этишда зарчаванинг дунёнинг турли қисмларидаги турларини синчковлик билан ўрганиб чиқиш лозимдир. Шунингдек, морфологик маълумотларни, цитологиясини ва молекуляр маркерларини моделлаштириш керак. Маданий ҳолда етиштирилаётган *C. longa* ни фенологик харитасини мукамаллаштириш интродуцент ўсимлик учун жуда ҳам зарурдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Борисов М.Ю. Фармакогностическое исследование корневищ куркумы длинной (*Curcuma longa* L.): автореф. дис. ... канд. фармац. наук. – Самара, 2017. – 25 с.
2. Горчакова Н.К. Фармакогностическое изучение куркумы длинной, интродуцированной в СССР: автореф. дис. ... канд. фармац. наук. – М., 1984. – 15 с.
3. Черепанов С.К. Сосудистые растения России и сопредельных государств (в пределах бывшего СССР). – СПб.: Мир и семья, 1995. – 992 с.
4. Aggarwal B.B., Sundaram C., Malani N., Ichikawa H. Curcumin: the Indian solid gold. *Adv. Exp. Med. Biol.* 2007. № 595. – P. 1-75.
5. Ammon H.P., Wahl M.A. Pharmacology of *Curcuma longa*. *Planta Med.* 1991. № 57. – P. 1-7.
6. Anon. Curcuma in the Wealth of India - Raw Materials, vol. II. PID, CSIR, New Delhi, 1950. – P. 401.
7. Baker J.G. Scitamineae In: Hooker, J.D. (Ed.), The Flora of British India, vol. VI L. – London: Reeve and Co., 1890. – P. 198-264.
8. Baker J.G. Scitamineae in dyer. *Flora Trop. Afr.* 1898. – №7. – 311 p.
9. Burt B.L. The nomenclature of turmeric and other Ceylon Zingiberaceae. In: Notes from the Royal Botanic Garden, Edinburgh. 1977. № 35(2). – P. 209-215.
10. Fischer C.E.C. In Gamble: The Flora of the Presidency of Madras. Pt 8. London, 1928. – P. 1399-1478.
11. Frawley D., Lad Vasant. The Yoga of Herbs. – New Delhi: Lotus Light Publications, 1993. – 251. p.
12. Holtum R.E. The Zingiberaceae of Malay Peninsula. *Gard. Bull. Singapore*, 1950. № 13. – P. 1-249.
13. Hooker J.D. The Flora of British India, vol. VI. L. – London: Reeve and Co., 1894. – 792 p.
14. Hutchinson J. Families of Flowering Plants II Monocotyledons. – London: Oxford University Press, 1934. – 243 p.
15. Islam M.A. Genetic diversity of the genus *Curcuma* in Bangladesh and further biotechnological approaches for *in vitro* regeneration and long-term conservation of *C. longa* germplasm. Ph.D. Thesis, University of Hannover. – Germany, 2004. – 136 p.
16. Kumar S. Turmeric (*Curcuma longa* L.) and related taxa in Sikkim Himalaya. *J. Econ. Tax. Bot.* 1991. – P. 721-724.
17. Li Y., Jing W., Liu Y., Luo X., Lei W., Xie L. Antiviral and virucidal effects of curcumin on transmissible gastroenteritis virus in vitro. *Journal of General Virology*, 2020. – P. 1-6. [Doi.org/10.1099/jgv.0.001466](https://doi.org/10.1099/jgv.0.001466).
18. Linnaeus C. Species plantarum: exhibentes plantas rite cognitatas ad genera relatas. – London: Salvii, 1753. Tomus I. – 574 p.
19. Mangaly J., Sabu M., A taxonomic revision of the South Indian species of *Curcuma* (Zingiberaceae). *Rheedea*, № 3. 1993. – P. 139-171.
20. Morphology, Histology and Chemistry. Chemical Publishing, New York, NY.

21. Nadkarni K.M. Indian Materia Medica. 3rd Ed. Vol.1, 1976; Popular Prakashan (Mumbai), pp.1292-1294.
22. Parry J. W. Spices. Vol I. The story of spices and spices described. Vol II (Morphology, histology and chemistry). – New York: Chemical Publishing, 1969. – 231 p.
23. Prabhakaran Nair K.P. The agronomy and economy of turmeric and ginger: the invaluable medicinal spice crops. – London: Elsevier Science, 2013. – 514 p.
24. Raghavan S. Handbook of Spices, Seasonings and Flavourings. CRC Press, 2007.– P. 330. (ISBN O-8493-2842-X).
25. Ravindran P.N., Babu K.N., Shiva K.N. The genus *Curcuma*. Botany and Crop Improvement of Turmeric. Boca Raton: CRC Press, 2007. № FL. – P. 15-70.
26. Rendle A.B. The Classification of Flowering Plants I. Gymnosperms and Monocotyledons. Cambridge: Cambridge University Press, 1904. – 403 p.
27. Sabu M.A. Taxonomic and phylogenetic study of South Indian Zingiberaceae. Ph.D. Thesis, University of Calicut, Kerala State, India, 1991. – 322 p.
28. Skornickova J., Sabu M. *Curcuma roscoeana* Wall (Zingiberaceae) in India. Gard. Bull. Singapore, 2005. № 57. – P. 187-198.
29. Skornickova J., Sida O., Wijesundara S., Marhold K. On the identity of turmeric: the typification of *Curcuma longa* L (Zingiberaceae). Bot. J. Linn. Soc. 2008. № 157. – P. 37-46.
30. Valetton T.H. New notes on Zingiberaceae of Java and Malaya. Bull. Jard Buitenzorg, 1918. Ser. II 27. – P. 1-8.
31. Van Rheede H.A. Hortus Indicus Malabaricus Amsterdam. 1678. Vol. 1-12. – P. 1678-1693.
32. Velayudhan K.C., Muralidharan V.K., Amalraj V.A., Gautam P.L., Mandal S., Dinesh Kumar. Curcuma Genetic Resources. Scientific Monograph No. 4. National Bureau of Plant Genetic Resources, New Delhi, 1999. – 149 p.
33. Watt G.A. Dictionary of the economic products of India. 1908. Periodic. Experts, India, Rep., 1972. – 689 p.
34. Williamson E. Major Herbs of Ayurveda. Churchill Livingstone, UK., 2002. – 361 p.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада *Curcuma longa* L. нинг ўрганилиш тарихи ва хўжаликдаги аҳамияти кенг миқёсда ёритилган. *Curcuma* туркумининг келиб чиқиши ва тарқалиши, систематикасидаги муаммоли вазиятлар бўйича дунё олимларининг фикрлари баён этилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье широко освещены история изучения и хозяйственное значение *Curcuma longa* L. Приведены рассуждения ведущих специалистов мира о происхождении и распространении *Curcuma*, а также проблематические ситуации в систематике.

#### SUMMARY

This article covers the history of the study of the plant *Curcuma longa* L. and its economic value. The arguments of world scientists on the origin and distribution of *Curcuma*, as well as problematic situations in systematics are given.

*Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган*

### НЕКОТОРЫЕ ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫЕ ПРИЗНАКИ ТОНКОВОЛОКНИСТЫХ СОРТОВ И ЛИНИЙ ХЛОПЧАТНИКА

**Чоршанбиев Н.Э., Набиев С.М., Хамдуллаев Ш., Пардаев Э.** (Институт генетики и экспериментальной биологии растений Академии наук Республики Узбекистан)

**Таянч сўз ва иборалар:** *гўза, навлар, линиялар, ўсимлик баландлиги, умумий кўсақлар сони.*

**Ключевые слова:** *хлопчатник, сорта, линии, высота растения, общее количество коробочек.*

**Keywords:** *cotton, varieties, line, high plants, general number of bolls.*

Республика Узбекистан - одна из немногих стран мира, где успешно освоена культура тонковолокнистого хлопчатника. Как отмечает М.И. Иксанов (2009), этому способствовали уникальные почвенно-климатические условия южных районов нашей республики. В

1987 г. под сортами тонковолокнистого хлопчатника было занято 204 тыс. га посевных площадей, сбор хлопка-сырца составил 587 тыс. тонн. По объему производства этого вида хлопка республика занимала 2-е место в мире, после Египта. В настоящее время большое внимание уделяется вопросам создания новых тонковолокнистых сортов хлопчатника. В Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №378 от 1 ноября 2016г, отмечается, что создание новых скороспелых, урожайных, с волокном I-II типов, ресурсосберегающих, устойчивых к гармселю сортов тонковолокнистого хлопчатника вида *G. barbadense* L. позволит получить импортозамещающую и экспортно ориентированную продукцию для местной текстильной и других отраслей промышленности [1]. Перед селекционерами стоят важные задачи по созданию высокоурожайных, крупнокоробочных, с высоким выходом волокна (более 35%) I – II типов, устойчивых к заболеваниям и скороспелых сортов.

Тонковолокнистое хлопководство республики может и должно вносить существенный вклад в ее экономику. В связи с этим возникает актуальность расширения посевных площадей *G. barbadense* L. и улучшение скороспелости и продуктивности (М.А.Бахши и др, [5]). Как отмечает Д.Х.Ахмедов (2008), сорта тонковолокнистого хлопчатника проявляют высокую полевую устойчивость к вертициллезному вилту, основной болезни средневолокнистого хлопчатника.

Немаловажное значение имеет возможность использования их не только в южных областях, но и в более северных районах. В этой связи представляется интересным исследование новых тонковолокнистых линий и стандартных сортов в условиях умеренного климата Ташкентской области.

#### **МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДИКА ИССЛЕДОВАНИЙ.**

Объектами исследования были линии, созданные селекционерами ИГЭБР АН РУз, линии Т-1 и Т-10, полученные с участием рудерального подвида *spp. Vitifolium*, стандартные сорта, а также линии, полученные в результате гибридизации сортов тонковолокнистого хлопчатника (Сурхон-9, Сурхон-10, Термез-32, Бухара-7, Дуру-гавхар) с последующим отбором. Эксперименты проводили в 4 повторностях (в каждой повторности 4 грядки по 25 растений). Постановка опытов и определение морфохозяйственных признаков линий и сортов проводили общепринятыми методами [2].

#### **РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЙ**

При анализе высоты исследованных линий в различные периоды онтогенеза (бутонизация- цветение-созревание) показали отличия по этому признаку как между линиями, так и между сортами (таблица 1).

Ш. Акмурадов и др. (1988) указывают, что высота растений у тонковолокнистого хлопчатника наследуется по типу полигенных признаков. В первом гибридном поколении в основном наблюдается промежуточный характер наследования признака, у некоторых гибридных комбинаций частично доминируется низкорослость, а во втором поколении в основном отмечается промежуточный тип наследования высоты растений.

Наиболее низкорослым из всего исследованного на всех этапах онтогенеза материала оказалась линия Т-167. Остальные линии и сорта по высоте на стадии бутонизации существенно не различались по этому признаку – колебания от 38,8 см. (Т-663 и Т-450) до 33,7 (Т-206). В фазе цветения максимальный рост зафиксирован у линии Т-2006 и сорта Термиз-31 – 76,6 см. 74,3 соответственно. Остальные расположились в диапазоне от 70,6 см. до 74,3 см.

Изучение признака скороспелости является одной из актуальных задач хлопководства, тем более в самой северной зоне его возделывания – в Узбекистане. Вместе с тем, раносозревающий хлопчатник, у которого наибольшее количество коробочек раскрывалось бы до наступления неблагоприятных погодных условий, нужен не только для северных, но и южных районов Республики, чтобы в сжатые сроки собрать урожай первого

сорта. С этой точки зрения, скороспелость – один из важнейших хозяйственных и структурно-сложных признаков, которая определяется ускоренными темпами прохождения фаз и этапов развития, протекающих в строгой последовательности от начала пробуждения жизни в семени до формирования зрелого семени и раскрытия первой коробочки на кусте.

Табл. 1.

**Морфохозяйственные признаки тонковолокнистых линий и стандартных сортов на различных стадиях онтогенеза.**

№	Линии, сорта	Высота растений, см			Период, дни	
		Бутониз.	цветение	созревание	цветение	созревание
1	T-167	26.4	66.4	78,1	75.0	133,8
2	T-663	30.8	72.0	99,8	77.0	135,0
3	Сурхон-14	31.2	73.4	102,3	76.2	134,0
4	T-2006	33.7	76.6	111,4	79.7	139,9
5	T-5440	32.6	72.5	97,8	78.0	138,3
6	T-10	31.9	73.3	107,2	80.0	140,0
7	T-1	32.8	72.3	101,4	80.3	140,3
8	Термиз-31	31.5	74.3	99,9	78.0	134,3
9	T-5445	32.7	73.2	102,4	78.3	138,3
10	T-450	30.8	70.6	92,2	76.3	134,7
	ЭКФ <sub>05</sub>	1,4	2,2		1,1	

Фаза созревания характеризуется, в основном, теми же тенденциями, что и в предыдущих этапах – максимальный рост отмечен у линии T-2006 (111,4 см.), минимальный - у линии T-167 (78,1 см. и линии T-450 (92,2 см.).

Проведены исследования некоторых хозяйственно-полезных признаков указанного материала (таблица 2). Масса одной коробочки и урожайность (помимо качества продукции) являются ключевыми показателями перспективности селекционного материала.

Масса хлопка-сырца одной коробочки – важный структурный компонент урожайности. Наследуемость его, по данным большинства исследователей, в широком и узком смысле выше, чем наследуемость числа коробочек на растении и продуктивность. Данный признак подвергается значительной паратипической изменчивости. С.А.Усманов, С.С Алижоджаева и другие (2007) отметили, что масса хлопка-сырца одной коробочки у некоторых тонковолокнистых доноров по крупности коробочки может достигать до 5,0-6,8 г.

Результаты исследований В.А. Автономова и др. (2000) показали, что масса хлопка-сырца одной коробочки наследуется независимо от выхода волокна. Из всех гибридных комбинаций не обнаружено ни одной, где отмечалась бы достоверная корреляционная связь между этими признаками, что позволяет сделать вывод о независимом характере наследования высоковыходных форм с крупной и мелкой коробочкой.


По признаку “вес хлопка-сырца одной коробочки” все линии, кроме одной, превосходили стандартный сорт Сурхан-14 ( $3,10 \pm 0,15$  г.). Наибольшее значение этого признака отмечено у сортов T-2006 ( $3,81 \pm 0,21$  г.), T-450 ( $3,72 \pm 0,29$  г), T-5440 ( $3,68 \pm 0,08$  г), T-1 ( $3,64 \pm 0,19$  г), T-5445 ( $3,53 \pm 0,12$  г). Эти линии в перспективе могут быть использованы в качестве первичного материала в селекционных работах. У сорта Термиз-31 ( $3,21 \pm 0,09$  г.) и линии T-167 ( $3,11 \pm 0,05$  г.) разница со стандартом оказалась статистически недостоверной.

Несколько иная картина наблюдается при анализе урожайности исследованных образцов. Минимальную урожайность показали линии T-10 и T-1. Максимальные показатели этого признака отмечены у сортов Сурхон-14 -  $41,4 \pm 1,8$  г. и Термиз-31 -  $40,3 \pm 5,1$  г. Близкие показатели по этому признаку отмечены у линий T-167 -  $41,5 \pm 2,5$  г. и T-450 -  $40,4 \pm 2,1$  г. Урожайность остальных линий колебалась от  $30,8 \pm 1,6$  г. (T-5445) до  $36,1 \pm 4,0$  (T-663)

Маҳмуд Маздаконийнинг маслаҳати билан Сайид Ҳамадоний бутун умрини илм-маърифат эгаллаш ва саёҳатда ўтказади. Тасаввуф таълимотини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Ҳамадоний 21 йиллик умрини саёҳатга бағишлаган ва тасаввуфнинг 1400дан ортиқ вакиллари билан учрашган ҳамда уларнинг барчаси Ҳамадонийнинг тасаввуфий ғояларига катта таъсир кўрсатган. Саёҳатлари давомида Сайид Али Ҳамадонийнинг диққат-эътибори кўпроқ Бадахшон, Хутталон, Кашмир вилоятларига жалб бўлган ҳамда ўша юртларда кўпроқ яшаган ва фаолият кўрсатган. Ҳамадоний Кашмирга уч маротаба ташриф буюрган [11, 117].

Ҳамадонийнинг биринчи ва иккинчи бор Кашмирга ташрифининг мақсади тўғрисида маълумотлар йўқ. Мирза Ҳайдар ва Абул Фазл Ҳамадонийнинг Султон Кутбиддин даврида бўлган биргина Кашмирга қилган ташрифи ҳақида маълумот беради. Бироқ ушбу муаллифлар маълумотларида ташрифнинг аниқ санаси бир-биридан фарқ қилади. “Баҳористон шаҳзодаси” асари муаллифлари Рафиуддин Аҳмад ва Ҳайдар Малик Ҳамадонийнинг 1381 йилда Кашмирга борганлиги тўғрисида маълумот беради [6,4].

Ҳамадоний Покистон, Бангладеш, Панжоб, Хитой, Ҳиндистон, айниқса Кашмирда ислом динининг тарқалиши ва ислом маърифатини ерли халққа сингдиришда катта хизмат қилган. 1374 йили Амир Темур маслаҳати билан 700 шогирдини олиб Кашмирга борган ва у ерда илмий мажлислар ўтказиб, ваъзлар айтиб, халқни ўзига эргаштиришга эришган [12,170].

Сайид Али Ҳамадоний Амир Темур билан учрашган шайхлардан бири ҳисобланади. Сайид Али Ҳамадоний билан Амир Темурнинг учрашувлари, ўзаро суҳбатлари Амир Темур ўз ҳаётида машҳур мутасаввифларга, турли тасаввуфий тариқатлар машойихларига алоҳида катта аҳамият бериб, ўзининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий юмушларининг муваффақиятли амалга ошувида халқ орасида машҳур бўлган дин, ирфон, тасаввуф вакиллариининг улкан нуфузидан усталик билан фойдаланганидан дарак беради.

Сайид Али Ҳамадоний билан Амир Темурнинг учрашуви тўғрисида шундай маълумотлар келтирилган: Ҳамадоний Амир Барлос билан биргаликда Амир Темур ҳузурига борибди. Суҳбат давомида Соҳибкирон Шайхдан сўрабди:

– Устози аржманд, нега қора либос кийиб, қора салла ўраб юрасиз?

– Улуғ амир, мен Ҳақ йўлида ҳар икки нафсни шаҳид этганман. Уларга мотам тутиб, шундай хирқа кияман, - деб жавоб берибди Ҳамадоний [12, 172].

Амир Темур салтанатида сарой аёнлари билан Сайид Али Ҳамадоний ўртасида ихтилофлар ҳам бўлиб турган. Ҳамадонийни ёмон кўрган баъзи бир аёнлар Амир Темурга: “Бохабар бўлинг, амирим, Ҳамадоний салтанатингизда сиёсий ҳукмдорликка интилаётир, уларнинг орасида Исҳоқ Хутгалоний ҳам бор” , деб доимо огоҳлантириб туришган. Шундан сўнг Амир Темур Ҳамадонийни суҳбатга чақиртиради.

Амир Темур билан суҳбат давомида Ҳамадоний елкасини қибла томонга қилиб ўтиради. Бунинг сабабини сўраганда, Ҳамадоний шундай жавоб беради: “Олампаҳо, кимки Сиз билан суҳбатлашса, юзи Сиз томонда бўлади, бас шундай бўлгач, унинг елкаси (орқа томони) қибла томонга қараб қолиши муқаррардур!” Мазкур суҳбатда Сайид Али Ҳамадоний ҳеч қандай сиёсий ҳокимиятга интилмаслигини очиқ-ойдин баён этади. Суҳбат давомида Ҳамадоний Амир Темурга кечаси кўрган тушини таъбири билан айтиб беради: “Олампаҳо, тушимда менга бир одам таом пешкаш қилди. Мен унинг таомидан бирор лўқма тановул этмадим. Чунки, ҳазратим, Расулиллоҳ (с.а.в.)нинг “Ҳадиси шариф”ларида келтирилган мана бу “Бу олам, молу дунё шундай бир жасаддурким, уни тасарруф этмок учун фақат итлар интилади!” деган ҳикматга амал қилдим ва ўша хўрақдан бир лўқма ҳам тановул этмадим”, деди. Шундан сўнг Амир Темур: “Сиз дарҳақиқат, улўғ шайх экансиз. Сиз бутун жаҳонни эгаллашга маънавий ҳақкингиз бор экан”, дея ундан узр сўраб, иззат-икром ва самимий эҳтиром билан саройидан кузатиб қўйган экан [10, 26].

Ҳамадоний Сринагар шаҳрида кўпроқ умрини ўтказган ва мазкур шаҳарда хонақоҳ, масжид ва мадраса қурдирган. У муқаддас жой ўз вақтида “Хонақоҳулло” деб аталган. Сафарларидан бирида Ҳамадоний 1372 йили Ҳатлон вилоятининг Алишоҳ қишлоғига тушади. У ер Шайхга ёқиб қолади ва оила қуриб, бир умр шу ерда яшайди.

Тарихий маълумотлар ва тадқиқотларга кўра Сайид Али Ҳамадоний 1384 йилнинг 19 январиди ҳозирги Покистон ҳудудида вафот этган. Ҳамадонийнинг васиятига кўра издошлари томонидан Хутгалонга (Жанубий Тожикистоннинг Кўлоб ёнида) дафн этилган [11, 76].

Жаъфар Бадахший деган муаллифнинг ёзишича, Афғонистоннинг шимоли-шарқий вилоятлари ҳамда Тожикистон билан чегарадош жойларида Сайид Али Ҳамадонийнинг Шамсуддин Хутгалоний, Муҳаммад Толиқоний, Қавомиддин Бадахший, Хожа Исҳоқ Хутгалоний [10, 26] каби йирик шогирдлари яшаб фаолият кўрсатганлар. Ҳамадония тариқати вакиллари ҳақида Ҳамадоний-қубравий шайх Аҳмад Кашмирий ўзининг “Шажарот” асарида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Тасаввуфнинг таниқли вакили ҳисобланган Ҳамадоний дунёқарашининг асосини диний қарашлар ташкил этган.

Сайид Али Ҳамадоний таълимотининг асосий мақсади – жамиятда комил инсонни тарбиялаш бўлган. Ҳар бир сўфи, шайх, дин арбобидан мукамал билимдон, бирор касб эгаси, исломий фарз ва суннатларни, билимларни элга ўргатиб, ҳалол ҳамда фидойи бўлмокни талаб қилган. Шунинг учун барча мурид ва шогирдларининг ҳар бири ҳунар эгаси бўлган. Ҳамадонийнинг ўзи ҳам қалпоқ тикишдан келадиган даромад эвазига кун кечирган.

Ҳамадонийнинг фикрига кўра, фақат комил инсонгина ўзининг ахлоқий ва жисмоний дунёсини ёмон инсоний фазилатлардан тозалайдиган ва яхши фазилатлар ёрдамида ўзининг ахлоқий ва жисмоний дунёсини бойитадиган мукамал инсон даражасига эришиши мумкин бўлган. Шунингдек, ўзининг “Заҳират-ул мулук” рисоласида комил инсонни тарбиялашга оиланинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб, оилавий тарбия усуллари, воситалари ва асосий йўналишлари ҳақида ёзади.

Шайхдан бизга қадар араб ва форсий тиллардаги шеърлар девони, “Заҳират-ул мулук”, “Муръот-ул-толибин”, “Машориб-ул-азвок”, “Авроди фатҳия”, “Зикрия”, “Ақлия”, “Баҳромшоҳия”, “Довудия”, “Воридоти Амирия”, “Даҳ қоида”, “Чихил мақоми суфия”, “Рисолаи эътиқодия”, “Ислоҳоти суфия”, “Оқибат ё Қуддисия”, “Ҳақиқати имон”, “Мушқили ҳал”, “Сайр-ул-сулук”, “Хал-ул-фусус”, “Одоб-ул-машоих”, “Инсоннома”, “Нурия”, “Вужудия”, “Одоби суфра”, Тоифаи мардум”, “Минчох-ул-орифин”, “Фик фазлият фикри ва баёни холати фуқаро” “Ал-инсон-ал камол” ёки “Рух-ал-аъзам”, “Фи ҳавас ақл-ул-



ботин”, “Хавотирия” [1, 16] каби асарлар мерос бўлиб қолган ва ушбу асарлар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланади. Айрим маълумотларда Ҳамадонийнинг 170 га яқин асарлар ёзгани келтирилади. Ҳамадоний илмий мероси асосан қисқа рисоалардан иборат бўлиб, уларда олим илм ўрганишнинг аҳамияти, хунарнинг инсон ҳаётидаги ўрни, шайх, сўфиларнинг маънавий пок бўлиши, имон, эътиқоднинг мустаҳкам бўлиши, барча одамларга яхшилик қилиш, бева-бечораларга нисбатан мурувватли бўлиш хусусида йўл-йўриқлар кўрсатади.

Ҳамадонийнинг дунё кутубхоналарида сақланаётган илмий мероси Ўзбекистон, Афғонистон, Англия, Тожикистон, Швеция, Эрон, Голландия, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Россия каби кўплаб мамлакатларда илм-фаннинг турли соҳаларида муҳим тадқиқотлар манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ҳамадоний ислом динини дунёга кенг ёйишга ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Ислом дини ва тасаввуф ғоялари асосида инсонларни тинч ҳаётга, илмий ва ижодий ишлар қилишга, ҳаётда фаровонлик, ҳалоллик, ростгўйлик, инсонийлик ва инсонпарварлик, адолатлилик, дўстлик ва ҳамжихатлик, поклик ва садоқат, саховат ва раҳм-шафқатли бўлишга ундаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳам Ҳамадонийнинг тасаввуфий ғоялари, мероси ёш авлодни тарбиялаш ва маънавий дунёсини бойитишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдурахимов К.С. Педагогические идеи Мир Саида Али Ҳамадони: Автореф. Диссертация на соискание ученой степени доктора педагогических наук. – Душанбе. 2006. – Б. 32.
2. Дроздов В.А. Мусульманский мистицизм. Санкт-Петербург. Президентская библиотека, 2015. – С. 88.
3. Ислом тасаввуфи манбалари. (Илмий мажмуа). Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи. 2005. – Б. 400.
4. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Рисола. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1995. – Б. 32.
5. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон. 2009. – Б. 445.
6. Mohmad Iham Shiekh. Mir Sayyid Ali Hamadani: Religious Activism and his impact on Kashmiri Society. International Journal of Historical Insight and Research (IJHIR) Vol.4, No.2, Apr-Jun, 2018.
7. Nur-ud-Din, Jaffar Badakshi, Khulasat-ul Manaqib, Oriental Research Department, p. 441.
8. Pir Hassan, Tarikh-i-Hassan, Vol III, n.d., p. 11.
9. Пўлатов Ҳ, Маматов М. Тасаввуф тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011. – Б. 320.
10. Усмон О. Амир Темур ва мутасаввифлар// Мулоқот. 1996. – №1. – Б. 25-26.
11. Усман А. Крупнейшие суфийские братства Центральной Азии. – Самарканд, 1999. – Б. 117.
12. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б. 2008.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Амир Темур даврида яшаб фаолият юритган, Амир Темур билан учрашган, ислом динини Покистон, Ҳиндистон, Хитой ҳудудларида кенг тарқалишига ўзининг катта ҳиссасини қўшган, Кубравия тариқатининг “Ҳамадония” силсиласига асос солган Сайид Али Ҳамадонийнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ҳамадонийнинг тасаввуфий ғоялари, илмий мероси биз учун қимматли бўлиб, бу мерос ҳозирда ҳам ёш авлодни тарбиялаш ва маънавий дунёсини бойитишда хизмат қилиши билан қимматлидир.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье даётся информация о Саиде Али Ҳамадани, который жил в эпоху Амира Темура, встречался с ним и вложил огромный вклад в распространение исламской религии в Пакистане, Индии, на территории Китая, основал династию “Ҳамадания” суфийского тариката Кубравия. Мистические идеи и научное наследие Ҳамадани очень дороги для нас тем, что они служат воспитанию и обогащению духовного мира молодого поколения.

#### **SUMMARY**

The article provides information about Sayyid Ali Hamadani who lived during the period of Amir Temur, met with Amir Temur, made a huge contribution to the spread of the Islamic religion in Pakistan,

India, and Chinese territory, and founded the Hamadania chain of the Sufi tariqah Kubravia. The mystical ideas and the scientific legacy of Hamadani are very dear to us, his legacy is dear to those that now help in educating and enriching the spiritual world of the young generation.

*Наширға доц. О.Бўриев тавсия этган*

## АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙНИНГ “МАТЛАИ САЪДАЙН ВА МАЖМАИ БАХРАЙН” АСАРИДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ АДАБИЁТ, ТАРИХ, САНЪАТ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАЛАРИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Ахмедов С.Б. (ЎзМУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Амир Темур, темурийлар, Абдураззоқ Самарқандий, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Шохрух Мирзо, Улуғбек Мирзо, маданият, манбалар, адабиёт, тарих, санъат, ҳунармандчилик.*

**Ключевые слова:** *Амир Тимур, тимуриды, Абдураззак Самарқанди, «Матлаи садайн ва маджмаи бахрейн», Шахрух, Улуғбек, культура, источники, литература, история, искусство, ремесла.*

**Keywords:** *Amir Timur, timurids, Abdurazzak Samarkandi, Matla al-sadayn wa-majma al-bahrayn», Shahrukh, Ulugbek, culture, sources, literature, history, arts and crafts.*

Иккинчи уйғониш даври деб эътироф этилаётган Амир Темур ва темурийлар даврида адабиёт, санъат ва ҳунармандчилик жуда ҳам ривожланди. Бу жараёнларнинг бошида Амир Темур туради. Унинг авлодлари ҳам ота изидан боришиб улкан яратувчанлик ишларини давом эттиришди. Темурийлар қурилиш ишларига кенг ўрин бериш билан бир қаторда, шеърят, мусиқа, ҳунармандчилик каби бадиий ижод йўналишларига ҳам аҳамият беришди. Уларнинг ўзлари яхшигина ғазаллар ёзишгани бизга манбалар орқали маълум. Уларнинг ижодлари тўғрисида Алишер Навоийнинг асарларида айниқса кўп маълумотлар мавжуд. Темурийларнинг деярли барчаси шеърят шайдоси бўлишган. Ўз девонларини тузган темурийлар ҳам бизга маълум. Улар икки тилда ҳам бемалол ижод қила олишган. Улуғбек форс адабиётини яхши тушунган ва айрим масалалар бўйича ўз акалари Иброҳим ва бу соҳанинг билимдони Бойсунғур билан ёзишмалар олиб борган<sup>1</sup>. Бундан тушуниш мумкинки, ака-укалар ўртасида шеърый ёзишмалар бўлиб турган. Бунга доир маълумот “Матлаи саъдайн”да ҳам келтирилган. Унда ёзилган маълумотларда темурийлар бир-бирларига нома юборар экан, албатта, бирон шеър парчасини ҳам киритишни канда қилмаган. Мирзо Пир Муҳаммад Шохрух ҳузурига элчи тайинлаб, ушбу мазмунда бир мактуб ёзди: «Бу банда у даргоҳга куллик қилишни дил саҳифасининг нақшию, жон номасининг унвони деб биламен ва ҳаётимдан бир нафас бўлса-да боқий экан, фармонни бажаришдан бош тортмайман ва тобелик ҳам итоаткорликда жонбозлик кўрсатамен». Аҳволини арз қилиш асносида мирзо Пир Муҳаммад «Шоҳнома»дан бир байтини шу тарзда хатга киритган, — байт —.

“Мену Рустам, Искандару яна ким бўлмасин ҳаммамиз шаҳрухпараст бандалармиз”<sup>2</sup>. Бу даврда етук ижодкорлар Қутб, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар яшаб ижод қилди. Айниқса, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг мавқеи орта борди. Хуросондаги туркийзабон халқлар ва уларнинг зиёлилари Самарқанд, Бухоро, Туркистон ва бошқа шаҳарлардаги олимлар, шоирлар ва санъаткорлар билан ўзаро жуда яқин муносабатда бўла бошладилар. Қайси ижодкор ўзига қайси мамлакат ёки шаҳарни қулай деб билса, ўша ерда яшаб ижод қилди. Масалан, Хоразмлик шоирлар Ҳайдар ва Ҳофиз Хоразмийлар Шерозга, Исмоил Ота авлодларидан бўлган шоир Шайх Атоий Турбатдан

<sup>1</sup> Массон М.Е. Обсерватория Улуғбека. — С. 17.

<sup>2</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 1-китоб. — Б. 61-62.

(Тошкент якинида) Балхга, Мавлоно Лутфий ҳам асли Тошкентдан бўлиб Ҳирот якинига бориб яшаб қолганлар.

Темурийлардан 22 та ижодкор-шоир бўлиб, улар ўзлари шеър ёзиш билан бирга ижодкорларга ҳомийлик ҳам қилган. Халил Султон, Хусайн Бойқаро кабилар ўз шеърларидан девон тузганлар. Хусайн Бойқаро шеърятга катта эътибор берган. Ўзининг ижодида ғазал жанрида асарлар яратиб, асосан дунёвий севгини мадҳ этган. "Рисолаи Хусайн Бойқаро" (1485) номли насрий асарида давр, ҳокимият, сиёсат билан алоқадор масалалар, маданият, маърифат гўзал ҳаёт ҳақида фикр юритган. Бойқаро мумтоз адабиёт оламида "Хусайний" таҳаллуси билан ижод этган. У туркий тилнинг ўта жонкуяри бўлиб ўз фармони билан мамлакатда бу тилни янада раванқ топиши учун, унинг тараққиёти ва келажакдаги раванқи учун бир қанча ҳам сиёсий, ҳам маданий тadbирларни амалга оширган. Навоийнинг "Мажолис-ун нафоис" асарида: "Хусайн Бойқаро"...ул ҳазратнинг хуб ашъори ва мағруб абёти бағоят кўпдир", - деб ёзилган.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда форсий ва туркийда ҳам иккала тилда ижод қилувчи шоирлар кўп бўлиб, адабий ҳаёт юксалади. Шарқ классик адабиёти таржимонларига ҳам эътибор кучайди. "Чаҳор манолий" каби адабиёт назариясига оид асарлар яратилган. Бадиий ижоднинг ғазал, рубоий, туюқ каби турлари ривож топган. Адабий жараёнда шохлар ҳам, оддий касб эгалари ҳам, хунармандлар ҳам, олим ва фозиллар ҳам қатнашган.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида кўпроқ Мовароуннаҳр ва хуросонлик шоирлар ҳақида маълумотлар берса, Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкират ушшуаро" асарида ўтмишда ўтган ижодкорларга тўхталади. Яқинда маълум бўлган Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг "Фуқукул-балоға" (1437 й.) асари темурийлар даври Мовароуннаҳрдаги адабий ҳаётни ўрганиш имкониятларини очди. Шайх Аҳмад Тарозий ўз асарида бизга маълум бўлган машҳур шоирлардан ташқари, бизга номаълум бўлган машҳур Бузонинг туюқларини, Шамс Кисорийнинг "ал-мақлубул баъз" шеърини санъати намуналарини, Жалолий деган шоирнинг ишқий мазмундаги байтларини, "мутасалсал" санъатига оид ўзининг ғазалидан намуналар келтиради. XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг энг ривожланган даври бўлиб, бу юксаклик Темурий Бойқаро ва ўзбек адабиётининг порлоқ куёши Навоий номлари билан боғлиқ. Бойқаро ҳукмронлиги даврида адабиёт, санъат ва фаннинг кўп соҳалари ривожига катта аҳамият берган.

Алишер Навоийнинг "Ҳамса" ва "Ҳазойинул-маоний" девони, Жомийнинг "Ҳашт аранга" ва шеърини девонлари шу давр адабиётининг энг буюк намуналари бўлади. Хусайн Бойқаро ўз "Рисола"сида унинг ҳукмронлиги даврида шундай асарлар яратилганидан чексиз фахрлангани бежиз эмас. Бу бой адабий мерос ўзбек адабиётининг кейинги тараққиётига ҳам ўзининг чуқур таъсирини кўрсатади.

"Матлаи саъдайн"да Султон Иброҳимнинг тарих фанига қўшган ҳиссаси баён қилинган. Унда ёзилишича, Шарофуддин Али Яздий "Зафарнома" асарини Султон Иброҳим кўмагида ёзган. Ҳиротда Фосиҳ Ҳавофий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Исфизари, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир ва бошқа олимлар ижод қилишган<sup>1</sup>. Амир Темур ва Темурий шаҳзодалар давр тарихини ёзиб қолдиришга аҳамият қаратиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг мўғуллар зулмидан озод этилиши тарихини ўрганиш ва ёритишга катта эътибор бердилар. Низомиддин Шомий, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абру, Натанзий, Фосиҳ Ҳавофий, Муйниддин Исфизорий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар темурийлар даври тарихини ёзиб қолдирдиларки, улар ёзиб қолдирган асарлар ҳозирда биз учун ўша давр ҳодисаларини, маданий юксалишини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўша замоннинг энг машҳур тарихчилари Мирхонд (1433-1498) ва Хондамир (1475-1535) эдилар. Мирхонд Ҳиротда таваллуд топиб, шу ерда ижод қилган. Унинг асосий тарихий асари 7 жилддан иборат бўлиб, "Набиралар, подшоҳлар ва халифалар таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғлари" деб аталади. У олти жилдини ёзиб вафот этади, еттичиси-

<sup>1</sup> Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хондамира. – С. 10.

ни набираси Хондамир ёзиб тугатади. Хондамир ҳам Хиротда туғилиб, ёшлигидан тарих-нависликка ҳавас қўяди. У Аграда вафот этади. Унинг муҳим рисоалари "Макорим ул-ахлоқ", "Ҳабиб ус-сияр", "Вазирлар учун қўлланма" ва бошқалардир.

Бу даврда мантиқ, табиий-илмий фанлар, айниқса фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшунос-ликка катта эътибор берилди.

Тафтазоний ва Журжонийнинг фалсафий ва мантикий қарашлари илм-фан ривожда катта ҳисса бўлиб қўшилди ва кейинги даврларда яшаган мутафаккирларнинг дунёқара-шига самарали таъсир кўрсатди. "Матлаи саъдайн" да бу икки алломанинг ўртасида бўлиб ўтган мунозара ҳақида батафсил маълумот берилган.<sup>1</sup>

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши бадиий хунармандчиликнинг турли шаклларида намоён бўлди. Бадиий хунармандчилик асосан меъморчилик билан боғлиқ бўлмай, кошинкорлик кулолчилиги, ёғоч ўймакорлиги билан ҳам боғлиқ эди. Қабртошларига қисман ўсимликсимон, асосан геометрик рамзларда хаттотлик намуналари билан сўзлар битилган. Қабртошлар сағана ёки суна шаклида бўлиб, бўз рангли мрамрдан, айрим ҳолларда ўта ноёб тошлардан тантана идишлар ишланган. Ёғоч ўймакорлигида Гўри Амирда, Шоҳи Зинда, Яссавий макбаралари, эшиклар, шунингдек, XV асрга оид уй устун-лари нақшлар билан ишланган. Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврларида металл ўймакор-лиги тараққий этади. Буюм ва идишлар олтинсимон бронза, латун, кизил мисдан ишланган.

Амир Темур ва Темурийлар даврининг амалий санъат турларидан тўқимачилик, гиламдўзлик, каштачилик юксак санъат даражасига кўтарилди. Кулолчилик энг сертармоқ соҳа бўлган. XIV-XV асрларда сирли сопол бадиий ранг-барангликда турли соҳаларда ишлатилган ва турли буюмлар ясалган. Тоштарошлиқда нақш, хаттотлик кенг қўлланила бошланган. Бинокорликда ғишт терувчилар "Банно", пештоқ, равоқ ҳамда тоқларга парчин ва чироқ қопловчи пардозчилар "Устоз" дейилган. Ободончилик, суғорма деҳқончилик-нинг ривожланиши иқтисодий ҳаётда муҳим соҳа -хунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Хунармандчилик тармоқлари-нинг кўпайиши туфайли шаҳарларда хунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қурилди. Дастлаб бир авлоддан иккинчисига ўтадиган гилам тўқиш хунармандчилиги, Илхонийлар даврида ва Темурийлар сулоласидан Сафа-вийлар даврида аста-секин ривожланган саноат ва сарой хунармандчилигига айланди. Ушбу даврда юқори сифатли гиламлар тўқилиб Узоқ Шарқ ва Европа мамлакатларига экспорт қилинган. Темурий ҳукмдорлар гиламчилик соҳасига эрон, хитой ва исломий элементларни ёнма-ён қўллаш орқали катта ўзгаришлар киритди.<sup>2</sup>

Самарқанд қуролсозлик марказига айланиб, совунсозлар маҳалласи қурилган. Ша-ҳарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Амир Темур фармони билан Уста Изодин Исфаҳоний ясаган жез қозон ва шамдон ҳозиргача сақланиб қолган.

Хаттотлик санъати тараққиётига XV асрда анъанавий насх, қуфий, деворий хатлари билан бирга пештоқларни безовчи сулс ва тезкор-настаълиқ ноёб қўлёзма асарлар кўчи-риладиган махсус устахоналар китобатчиликнинг равнақига ижодий таъсир кўрсатди. Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Ҳозир Туркия ва Берлин кутубхоналарида сақланаётган кўчирма-хомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид бўлиб, уларда алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик компози-циялар нақшларда чизикларнинг уйғунлиги, ҳаракатлар аниқлиги, қиёфаларнинг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Тарихий шахсларнинг қиёфалари ҳам миниатюраларда акс этган. Амир Темур қиё-фаси тириклик вақтида акс этган миниатюралар ҳали топилмаган. Асл ҳолатига яқин суратлар "Зафарнома"нинг дастлабки кўчирилган нусхаларида учрайди. Унинг бир мунча

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Кўрсатилган асар. 2-китоб. – Б. 9-12.

<sup>2</sup> Abouali, L., Ni, J., & Kaner, J. (2020). The Evolution of Iranian Carpet Designs with the Influence of Islam and Chinese art; Ilkhanid, Timurid, Safavid. *Journal of History Culture and Art Research*, 9(1), 494-506. doi:http://dx.doi.org/10.7596/taksad.v9i1.2560

ёркинрок қиёфаси Хиротда (1467 й) кўчирилган “Зафарнома”да келтирилади. Дастлаб Мирак Наққош бошлаган ва Бехзод яқунлаган ушбу миниатюрада бой композиция ва сержило бўёқларнинг уйғунлиги ажралиб туради.

Амир Темури ҳаётлик даврида деворларда шоҳ ва шаҳзодалар портретини Камолидин Бехзод шакллантирди. Умуман, Темури ва темурийларнинг қиёфалари тасвирланган кўплаб миниатюралар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Бироқ бу миниатюраларда нур сочиб турган қуёшсимон шернинг боши тасвирланган туғ – Амир Темурнинг герби - унинг саройи пештоқида, Халил Султон ва Улуғбек зарб қилган тангаларда учрайди.

Шарқ миниатюрачилигида оддий халқ ҳаёти мавзуи темурийлар даврида пайдо бўлган. Масалан, “Самарқанд масжидини қуриш”, “Искандар деворини бунёд этиш”, “Кўчманчилар турмуши”, “Жамшиднинг оддий халққа хунари ўргатиши” мавзуидаги миниатюралар бунга мисолдир. Мирзо Бойсунғур хунарамандчилик, санъатга жуда катта эътибор берган. Бу “Матлаи саъдайн” асарида қайд қилинган. Айнан шу соҳалар борасида сўз юритар экан, Самарқандий Бойсунғурга катта урғу берган. Бу маълумотларни ишончли деб айтишимиз мумкин. Аввало бу ҳеч кимга сир эмас. Асарда унинг эзгу ишлари билан бирга ичкиликка ружу қўйганлиги ҳам ёзилган.<sup>1</sup>

Амир Темури ва темурийлар даври ўзбек халқи ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа халқлари мусиқа санъатининг ривожланиши тарихида айниқса муҳим даврдир. “Темури тузуклари”ни ўрганиб чиқиш борасида шу маълумотларга эга бўламизки, Амир Темури ва темурийлар даври - ўзбек халқи ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа халқлари мусиқа санъатининг ривожланиши тарихида айниқса муҳим давр эканлигига ижобат қиламиз.

“Матлаи саъдайн” асарида мусиқа санъати хусусида маълумот жуда кам берилган. Асарда фақат Абдулқодир ғўянда ҳақида маълумотлар келтирилади. Унда унинг мусиқа борасида жуда иқтидорли эканлиги таъкидланади.<sup>2</sup> Мусиқа илмида Хожа Абдулқодир ғўяндага тенг келадигани бўлмаган<sup>3</sup>.

Амир Темури ва темурийлар даври барча ижтимоий қатламларда маънавиятнинг гуллаб-яшнаши, мақом санъати ва бастакорлар ижодининг ривожланиши, ижрочиларни тайёрлаш тизимининг мустахкамланиши, мусиқа фани соҳасида йирик рисоалар яратилиши учун асос бўлди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 1, 2-китоблар. – Т.: Ўзбекистон, 2008. Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев.
2. Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандий. – Т.: Фан, 1965.
3. Массон М.Е. Краткая историческая справка о СА миниатюрах. – Т., 1933.
4. Массон М.Е. Культурно-исторические экскурсии по Самарканду. – Т., 1926.
5. Массон М.Е. Соборная мечеть Тимура, известная под именем мечети Биби Ханым. – Самарканд, 1929. – С. 16.
6. Массон М.Е. Архитектурно планировочный облик Самарканда времени Навои: (краткий историко-топографический очерк). – Т.: Б. и. 1956.
7. Массон М.Е. К исторически топографии Герата. – Т.: Фан, 1941.
8. Массон М.Е. Мавзолей Гур-Эмир. – Т.: Средазкомстарис, 1926.
9. Массон М.Е. Самарқанд осори-атиқаларига оид уч воқеа. – Т.: Ўзбекистон, 1973.
10. Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. – Т.: Фан, 2006.
11. Abouali, L., Ni, J., & Kaner, J. (2020). The Evolution of Iranian Carpet Designs with the Influence of Islam and Chinese art; Ilkhanid, Timurid, Safavid. *Journal of History Culture and Art Research*, 9 (1)

#### РЕЗЮМЕ

Маълумки, Темурийлар даврида кўплаб ижтимоий соҳалар сингари адабиёт, тарих, санъат ва хунарамандчилик соҳалари ҳам юқори даражада ривожланди. Мазкур соҳаларга оид маълумотлар

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б. 30-32.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 50.

<sup>3</sup> Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хондамира. – С. 173.

давр манбаларида қайд этилган. Темурийлар даври ҳақида кимматли манба бўлган Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида бу каби маълумотлар қай даражада қайд этилган? Мазкур мақолада адабиёт, тарих, санъат ва ҳунармандчилик соҳаларига маълумотлар ажратиб олиниб таҳлил қилинган.

#### РЕЗЮМЕ

Известно, что в эпоху Тимуридов на высоком уровне развивались литература, история, искусство и ремесла. Данные по этим сферам приведены в источниках того периода. В какой степени такая информация была зафиксирована в произведении Абдураззака Самарканди “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, являющемся ценным источником об эпохе Тимуридов? В данной статье выделены и проанализированы данные в области литературы, истории, искусства и ремесел того периода.

#### SUMMARY

It is known that during the reign of the Timurids, the spheres of literature, history, art and crafts developed, since many social spheres are at a high level. Data on these areas is recorded in periodic sources. Being a valuable source of the Timurid period, “Matlai Sadin wa Majmai Bahrain” by Abdurazzak Samarkandi, at what level do they contain such information? This article analyzes data in literature, history, and craft.

*Наширға доц. О.Бўриев тавсия этган*

### БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЖАНУБИЙ ТАРМОҒИДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Норматов Ш.М. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Буюк ипак йўли, Шимолий Хуросон, Тохаристон, Хўтан, “Жанубий тармоқ”, Суғд, Нахшаб, Дарбанд (Темир дарвоза).*

**Ключевые слова:** *Великий шелковый путь, Северный Хорасан, Тохаристан, Хотан, Южная сеть, Согд, Нахшаб, Дарбанд (Железные ворота).*

**Keywords:** *The Great Silk Road, North Khorasan, Tokharistan, Khotan, South Network, Sogd, Nakhshab, Darband (Iron Gate).*

Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари, хусусан, Шимолий Хуросон (Жанубий Туркменистон), Тохаристон (Шимолий Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон ва Жанубий Тожикистон) ва Хўтан (Шарқий Туркистон) ўлкалари ўзларининг географик жойлашувига кўра, Буюк Ипак йўлидаги савдо манзилларининг чорраҳасидан ўрин олиб, уларнинг кўпчилиги илк ўрта асрларда ушбу савдо йўлининг қадимий ва муҳим йўналиши бўлиши “Жанубий тармоқ” бўйлаб жойлашган эди. Шу билан бирга, Суғд ўлкасидаги бир қатор шаҳарлар, хусусан, Жанубий Суғд ушбу тармоқ билан узвий боғланган бўлиб, суғдлик савдогарлар Ипак йўли тижорати фаолиятида катта ўрин тутганлар[1:105-109].

Буюк Ипак йўлининг жанубий ва шимолий тармоқлари кўп асрлар давомида ўзаро бир-бири билан боғланиб, турли халқларнинг маданий ҳамкорлигини таъминлаши билан бирга илк ўрта асрларгача Жанубий тармоқнинг мавқеи юқори бўлиб келган бўлса, Турк хоқонлиги даврида Шимолий тармоқда ривожланиш жадаллашгани кўзга ташланади. Айниқса, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзаларида ўнлаб шаҳарлар ташкил топгани, Ўтрор, Чоч ва Еттисувда иқтисодий ўсиш кузатилиб, бу ҳолат хоқонликнинг бошқарув марказлари асосан Суяб (Еттисув) ва Чоч воҳасида жойлашгани билан изоҳланади[2:80].

Шу билан бирга, ҳар иккала тармоқнинг катта қисми Турк хоқонлиги қўл остида бўлиши ушбу тармоқлар бўйлаб жойлашган савдо манзилларининг хавфсизлигини таъминлайди. Шунингдек, хоқонликнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган, қадимдан ҳунармандчилик ва савдо-сотикқа моҳир Суғдий аҳоли бу даврда ҳам халқаро савдода фаол иштирок этиб, Ипак йўли манзилларида, хусусан, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, Еттисув ва Шарқий Туркистон, Ўрхун водийси (Мўғулистон),

Шимолий-Ғарбий Хитой каби ўлкалардаги тижоратнинг ривожланишига ҳисса қўшадилар. Турк хоқонлигининг асосий таянч ҳудудлари бўлмиш бу ўлкаларга Суғд аҳолисининг миграцияси кучайиши натижасида бир неча туркий-суғдий асосли шаҳарлар қад ростлайди. Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги Фороб (Утрор), Исфижоб (Сайрам), Етгисувдаги Тароз, Болосоғун, Барсхон, Шарқий Туркистондаги Бешбалик (Турфон атрофи), Мўғулистондаги Бойбалик каби шаҳарларга асос солганларнинг ёки улар аҳолисининг бир қисмини суғдийлар ташкил этиши[3:19-20] ҳам буни кўрсатиб турибди.

Илк ўрта асрларда, айниқса, Эфталитлар давлати ҳукмронлиги йилларида Жанубий Суғднинг сиёсий ва иқтисодий мавқеи янада ортиб, Нахшаб шаҳри ушбу давлатнинг сиёсий марказларидан бири бўлгани [4:313-315], Кеш шаҳри маълум бир муддат бутун Суғднинг сиёсий марказига айлангани[5:316], бу даврда Суғднинг Тохаристонга туташган жойлари мавқеи ошишида бош омилларни ташкил этарди. Жанубий Суғддан ўтувчи карвон йўллари бу ердаги йирик шаҳар –Нахшабда бирлашиб, бу ердан жанубга Дарбанд (Темир дарвоза) тоғ дараси орқали Тохаристонга, жануби-ғарбга йўл олганлари эса ушбу ўлкага туташ Хуросонга олиб чиққан. Биринчи йўналиш Хузор (Ғузор) орқали Дарбанддан ўтиб Чағониён (Денов) ва Термизга элтса, иккинчиси Амударёнинг ўрта оқимидаги Келиф, Керки, Бурдалиқ каби кечув йўлида жойлашган шаҳарлардан ўтиб, Тохаристон орқали Ҳиндистонга, Хуросон орқали эса Эрон ва Олд Осиёга элтувчи карвон йўллари эди [6:133-134].

Ўзининг эгаллаган ҳудуди ва табиий географик жойлашувига кўра Суғд воҳасидан бир неча баравар йирик бўлган Тохаристон эса Буюк Ипак йўлининг айнан жанубий тармоғида ўрин олиб, катта қисми тоғлар билан ўралган ва ўз навбатида илк ўрта асрлардаги карвон йўлларида келадиган сердаромад бож ерларига эга эди. Улардан бири Дарбанд ўша давр ёзма манбаларида “Темир дарвоза” маъносида қадимги турк битикларида “Темир Қапиғ”, хитой йилномаларида «Тие-мен” (Темир дарвоза), араб манбаларида “Боб ал-ҳадид”, форсий манбаларда “Дари оҳанин” номлари остида тилга[7:106-109] олиниши бежиз эмасди. 629 йилда Тохаристонга келган хитой роҳиби Сюан Цзан бу ерни қуйидагича таърифлайди: *“Тие-мен (Темир дарвоза)нинг ўнг ва сўл томони тоққа туташган. Тоғ бениҳоя юксак ва тик қоялардан иборат. Тоғ бир жой бўлишига қарамай (бу ердан) ўтиши қийин ва таҳликали. (Кечит)нинг икки томонидаги девор каби қоя ҳам темир рангидадир. (Бу ерга) тахтадан қилинган темир дарвоза жойлаштирилган ва (бу дарвозалар) темир қисмлар билан бир-бирига жипслаштирилиб, мустаҳкамлангандир. Дарвозаларнинг тепаларида анчагина қўнғироқчалар осилган. (Бу ер) ошиб ўтиши қийин ва жуда яхши қўриқлангани учун ушбу жой шундай номланган”*[8:35].

Ушбу маълумотдан маълум бўладики, Темир дарвоза ўша кезларда божхона вазифасини ўтаб, Тохаристондан Суғдга ва у ердан Буюк Ипак йўлининг Шимолий тармоғи бўйлаб ҳаракат қилувчи ёки Суғддан чиқиб Ҳиндистон ва Эронга элтувчи Жанубий тармоққа ўтувчи савдо карвонлари тўхтаб ўтадиган асосий масканлардан бири бўлган. Роҳиб келган пайтда бу ер Тохаристон Ябғулари сулоласи (620-750) назоратида бўлиб, у келишидан эллик йил олдин бу ўлка Турк хоқонлиги қўл остига ўтган, 620- йилларда эса хоқонликнинг Ғарбий тармоғига, яъни Ғарбий Турк хоқонлиги Ашина хонадонига мансуб шахзодалардан бири “ябғу” унвони билан бошқарадиган янги сулолага асос солинган эди[9:15-17]. Демак, Турк хоқонлиги Тохаристонда тўғридан-тўғри бошқарув жорий қилар экан, бу ернинг нафақат Сосонийларга қарши узок чегараларидаги стратегик аҳамиятга эга ўлка эканини, балки иқтисодий аҳамиятини ҳам назардан тутган кўринади.

Илк ўрта асрларда Суғд ва Тохаристоннинг Буюк Ипак йўли тармоқларидаги фаолияти ва бу ердан ўтган йўллари асосан Жанубий Суғд ва Шимолий Тохаристон мисолида кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, бу даврда ушбу ҳудудлар аҳолисининг иқтисодий ва маданий ҳаётида халқаро тижорат катта ўрин эгаллаган. Бу эса ҳар иккала ҳудуднинг чуқур миграция жараёнларига тортилишига олиб келган. Ёзма манбалар ва археологик материалларнинг кўрсатишича, бу даврда Суғд ва Тохаристон орасида ўзаро этномаданий жараёнлар юз бериши билан бирга минтақанинг шимоли-шарқий ҳудудлардан бир қатор кўчман-

чи элатларнинг Зарафшон ва Қашқадарё воҳасига, шунингдек, Амударёнинг юқори оқимида жойлашган тарихий географик вилоятларга келиб жойлашуви кенг қўлам касб этган.

Суғд ва Тохаристон орасида кечган миграция жараёнларида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва диний омил ҳам ўзига хос роль ўйнайди. Бу даврда Суғдда буддизмнинг таъсири кучайиб, унинг илдизи Кушон салтанати (мил.ав. I – мил. III асрлар) даврига бориб тақалиши билан бирга ушбу эътиқод тизимининг илк ўрта асрларда Тохаристон ўлкасида давлат дини даражасида бўлиб, Суғд воҳасида ҳам ёйила бошлайди. Суғд воҳасида зардуштийлик эътиқоди ўз мавқеини сақлаб қолгани, бироқ ҳар иккала дин тизимида ўзаро қоришув ҳолатлари кўзга ташланиб, бу ҳолат тасвирий санъатда ўз ифодасини топган. Афросиёб, Панжикент, Болаликтепа ва яна бир қатор сарой деворий расмларида буддавийликка хос анъаналар – илоҳлар тасвири, турли рамзий белгилар бунинг яққол мисолидир[10:101-144]. Ўз навбатида Суғдийларга хос эътиқодий анъаналар Тохаристонга, хусусан, унинг шимолий қисмидаги ҳукмдорликлар – Чағониён, Термиз, Хуттал ва Қубодиён жамиятига ўз таъсирини кўрсатгани нумизматик материалларда ўрин олган ўша давр бошқаруви ва диний эътиқодлари билан боғлиқ Суғдий иборалар учрашида ҳам ўз тасдиғига эга[11: 192–206].

Суғд ва Тохаристон ўлкаларида миграция жараёнлари айнан илк ўрта асрларга келиб янада кучайиши ва унга сабаб бўлган омиллар ҳамда оқибатлари кўпроқ ҳар иккала ҳудудга минтақанинг шимоли-шарқий ҳудудлари – Олтой, Шарқий Туркистон ва Еттисувдан бўлган кўчишларда кўринади. Юқорида айтиб ўтилганидек, дастлаб Хионитлар, Кидаритлар ва Эфталитлар, кейинчалик Турк хоқонлиги даврида Суғд ва Тохаристоннинг текислик ва тоғлик ҳудудларига бир неча кўчманчи элатлар кўчиб келиб, асрлар давомида бу ернинг маҳаллий аҳолисига айлана борадилар. Айниқса, милoddан олдинги даврлардаёқ сак, юечжи, милoddий биринчи минг йилликнинг дастлабки асрларида хун элатларининг кўчиши даврида улар таркибида кириб келган туркий (аниқроғи, прототурк) қатлам бу даврга келиб янада қалинлашади.

Тохаристондаги миграция жараёнларида фаол иштирок этган туркий уруғлардан бири қарлуқлар бўлиб, улар Турк хоқонлиги давридан то XIX аср охири – XX аср бошларигача “турк қарлуқлар”, “қарлуқ” каби этнонимлар остида ўзларининг этник ўзлигини сақлаб қолиб, Амударёнинг юқори оқимидаги йирик ўзбек уруғларидан бири сифатида билинадилар[2:158-161]. Илк ўрта асрларда Тохаристон эфталитлари билан қарлуқ туркларини орасида қандайдир бир даражада этник боғлиқлик борлигини кўрсатувчи далиллар кўплаб учрайди. Бу яқинлик нафақат Олтой тоғлари теграсида, балки Помир / Бадахшон ва Ҳиндикуш тоғлари этакларида ҳам давом этади. Гардизий “Зайн ал-ахбор” асарида (XI аср) Тохаристон ҳайталлари ва халлух (қарлуқ)лар орасида яқин алоқалар бўлгани тўғрисида куйидагича ёзган: «*Турк хоқони қарлуқларнинг кўпайгани, устунликка эга бўлгани ва Тохаристон ҳайталлари билан иттифоқ тузиб, улардан қиз олиб, қиз бергани ва Туркистоннинг заифлашганини кўргач, ўлкасининг оқибатидан қўрқди*»[13:71-72]. Ушбу маълумотдан англашилича, қарлуқлар турк хоқонларига қарши тура оладиган даражада кучга эга бўлиб, сон жиҳатдан ҳам анчагина салмоққа эга бўлишган. Айниқса, уларнинг Тохаристондаги элатлар, хусусан, эфталитлар билан бирлашиши натижасида хоқонликка хавф соладиган даражага етганлар. Бугунги кунда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида – Жанубий Тожикистон, Жанубий Ўзбекистон, Шимолий Афғонистон ва Ҳиндикуш тоғлари атрофида ўзларини қарлуқ уруғига мансуб деб биладиган аҳоли масканларининг анча-мунча учраши илк ўрта асрлардаги миграция жараёнларининг маҳсулидир[14:20-35].

Хуллас, Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғида миграция жараёнлари, ушбу жараёнларнинг сабаблари ва оқибатлари масаласи билан илк ўрта асрлар мисолида танишиб чиқиш шунини кўрсатадики, бу даврда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари – тарихий Суғд ва Тохаристон ўлкалари ўзининг сиёсий воқеликларга қанчалик бойлиги билан ажралиб турса, этномаданий жараёнларнинг бир бўлаги бўлмиш миграцияларга ҳам тўла бир тарихий паллага гувоҳ бўлади. Миграция жараёнларининг бош сабабларидан бири бир томондан ушбу ўлкаларнинг табиий географик жойлашуви ва иқлим шароити билан боғ-



лик бўлса, иккинчи томондан Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган ўнлаб иқтисодий марказлар –шаҳарларнинг қадимдан турли эл ва элатларни ўзига жалб қилиб келиши бўлган.

Миграция ҳаракатлари кўпроқ Олтой ва Тяньшан тоғлари атрофида яшовчи кўчманчи туркий уруғлар томонидан содир этилиб, уларнинг Ўрта Осиё жанубига келиб жойлашувлари натижасида Суғд ва Тохаристоннинг этник қиёфаси бирмунча ўзгариб, этнослараро ўзаро аралашув жараёнлари жадаллашади. Айниқса, Амударёнинг юқори ва ўрта оқимида аҳоли сонининг ўсиши ушбу ҳудудда ташкил этилган Хионитлар, Эфталитлар ва Тохаристон ябғулари каби сулолаларнинг ўз ҳудудларини Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон ва Хуросон томонларга кенгайтиришга интилишига сабаб бўлади.

Минтақанинг жанубий ҳудудларида турли маданиятларнинг – шарқий эроний, туркий ва ҳинд урф-одатларининг ўзаро қоришуви натижасида ўзига хос этник ранг-баранглик вужудга келиб, бу ҳолат қарийб бир ярим минг йилдан бери бугунги кунгача у ёки бу даражада сақланиб келаётганлиги билан диққатга сазовордир.

Бугунги кунда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги Помир, Бадахшон, Ҳисор, Ҳиндикуш ва ҳатто Ҳимолай тоғлари этақларида тожик, Тоғли Бадахшонликлар, пуштун каби шарқий эроний ва ўзбек, туркман, қирғиз каби туркий миллатларнинг биргаликда истиқомат қилишини ўша даврларнинг инъикоси деб ҳисоблаш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – С. 105-116.
2. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Т., 2010. – Б. 80.
3. Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. – Б. 19-20.
4. Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб. – Т.: Фан, 2000. – С. 313-315.
5. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. - Л.: Изд. АН СССР. Том II. – 1950. – С. 316.
6. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Б. 133-134.
7. Бобоёров Ф. Тун ябғу-хоқон. – Abu-Matbuot Konsalt, 2011. – Б. 34.
8. Бобоёров Ф. Тун ябғу-хоқон. – Б. 35.
9. Бобоёров Ф. Тун ябғу-хоқон. – Б. 34.
10. Джуманиязова Ф. Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 15-17.
11. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. – М.: Искусство, 1982. – С. 101-144.
11. Зеймаль Е.В. Монеты раннесредневековой Средней Азии // Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. – М., 1999. – С. 192–206.
12. Шониезов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 158-161.
13. Şeşen R. İslam Coğrafyacılarına göre Türkler ve Türk ülkeleri. – Ankara 1985. – S. 71-72.
14. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана – С. 20-35.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада илк ўрта асрлар даври Буюк ипак йўлининг жанубий тармоғида кечган миграция жараёнлари таҳлил этилган. Муаллиф бой манбалар асосида Суғд ва Тохаристоннинг ушбу тармоқда тугган мавқеи ҳамда ўзаро муносабатлари масалаларини таҳлил қилиб, муайян хулосалар берган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье анализируются миграционные процессы, имевшие место в южной сети Великого шелкового пути в период раннего средневековья. Основываясь на авторитетных источниках, автор анализирует положение и отношения Согда и Тохаристана в этой области и делает определенные выводы.

#### **SUMMARY**

This article analyzes the migration processes that took place in the southern network of the Great silk road in the early middle ages. Based on rich sources, the author analyzes the situation and relations of Sogd and Tokharistan in this area and makes certain conclusions.

*Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган*

## ИЛК ЎРТА АСР СУҒД ҚУРОЛСОЗЛИК СОҲАСИ ТАРИХИ

Саидов А. (Ўз Р Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Афросиёб, Панжикент ва Варахша деворий суратлари, камон, найза, ўқдон.*

**Ключевые слова:** *Афросиаб, Панжикентская и Варахская фрески, лук, копье, стрела.*

**Key words:** *Afrosiab, Panjikent and Varakhsha wall paintings, bow, spear, arrow basket.*

Илк ўрта асрлар даврига келиб мулкка бўлган муносабатларнинг ўзгариб бориши натижасида Суғд конфедерациясида мамлакат тараққиёти ва ташқи душман хужумини қайтариш мақсадида ҳарб ишига жиддий эътибор қаратилган. Бундан ташқари араб халифалиги кучларининг Суғдга юришлари бу ерда ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш билан боғлиқ муаммоларни кўндаланг қўярди. Бу аввало темирчилик ва унинг бир тармоғи ҳисобланган қуролсозликнинг ривожини билан боғлиқ бўлган.

Суғд қуролсозлик тарихи бўйича Муғ тоғи ва Панжикент шаҳри харобаларида олиб борилган археологик материаллар асосида дастлаб А.И. Васильев (Суғдийлар ва уларнинг қуроллари. Фан. – Ленинград: 1935.), 1952 йилда К.Г. Рудо (VII-VIII асрларда суғдликларнинг қуроллари масаласига доир. – Душанбе: 1952.) тадқиқот олиб борган бўлса, кейинчалик ушбу тадқиқотлардаги фикрларни ривожлантирган ҳолда А. Жалилов (Араблар босқини арафасида Суғд ва суғдликларнинг VIII биринчи ярмида араблар босқинига қарши кураши – Душанбе: 1961) номли монографиясида Суғдда қуролсозлик тарихи ёритилган.

Бугунги кунда Суғдда илк ўрта асрларда қуролсозлик соҳасига оид археологик моддий ашёвий далиллар унчалик кўп эмас. Улар асосан Панжикент, Афросиёб ва Варахшада олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган моддий ашёвий артефактлар ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур туркум далиллар кўп бўлмаса-да, Суғдда қуролсозлик соҳасига доир умумий тасаввурларга эга бўлишга хизмат қилиши танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Бундан ташқари Афросиёб, Панжикент ва Варахша деворларига чизилган суратлардаги жанг манзаралари ҳам Суғдда қуролсозлик соҳасининг айрим жабҳалари бўйича хулосаларга келишга имкон берувчи манбалар ҳисобланади.

Мақолани ёзишда тарихий таққослаш, сабаб, жараён ва натижа боғлиқлиги, тарихий билишнинг ҳолислик ҳамда тизимлилик тамойилларидан фойдаланилди.

Ўрта аср қуролсозлик соҳасида турли жанг қуроллари орасида айниқса камон алоҳида аҳамият касб этган бўлиб, буни манбалар ва халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам тасдиқлайди<sup>1</sup>. Шунингдек, Панжикент ва Афросиёб харобаларида олиб борилган изланишлар чоғида қўлга киритилган бир қанча камон ўқлари бу борадаги фикрларни тасдиқлайди. Камон асосан узоқ масафадаги жанглар учун ишлатилган [1].

Умуман олганда, камон (ёй)нинг Суғдда ишлатилиши қадим даврларга бориб тақалади. Баъзи олимлар ушбу қурол тури асосан кўчманчи халқлардан кириб келган, жумладан, милoddан аввалги II асрларда Марказий Осиё худудига хунлардан мағлубиятга учраган юэчежилар ушбу қурол турини олиб келишган деган фикрни илгари суришади [1]. Фикримизча, бу қараш ҳақиқатдан узоқ, чунки мезолит даврида кашф қилинган камондан Марказий Осиёда юэчежилар келгунга қадар ҳам фойдаланилган.

Суғдда камон ясашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Панжикентдан топилган камоннинг суякдан ясалган ўрта қисми бунга мисол бўлади. Камон ўртасидаги мустаҳкам дастакнинг суякдан ясалиши унинг эгилувчанлигини таъминлашга хизмат қилган. Қолган қисмлари ушбу дастакка бириктирилгандан сўнг камон тайёр ҳолга келган. Археологларнинг таъкидлашларича, ушбу камонларга типологик жиҳатдан ўхшаш камонлар Бошқир-

<sup>1</sup> “Алпомиш”, “Одиссей” каби дostonларда камон алоҳида аҳамиятли образ сифатида талқин қилинган.

дистон, Сибир хуудларида олиб борилан археологик қазималар натижасида топилган [2]. Мазкур топилмалар, қуролсозлик борасида Суғднинг бошқа хуудлар билан алоқалари бўлганлиги билан изоҳланади. Камонларнинг умумий узунлиги 1,20 метрдан 1,40 метргача бўлган.

Суғдий жангчилари доимо ўзлари билан бирга камон олиб юришган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, камонни тақишнинг ҳам ўз қоидалари бўлиб, деворий суратларда ушбу ҳолат аниқ тасвирланган. Масалан, камон ипини таранг тортилган ва осилган ҳолда тақиб юриш доимо жангга тайёр бўлишни кўрсатган бўлса, уни суёт ҳолда олиб юриш хавфсизлик ва керак вақтда яқин масофадаги жангларда халақит бермаслик чораси сифатида амал қилинган.

Суғд шаҳарлари харобаларида олиб борилган тадқиқотларимиз давомида камон учлари ҳарбий қурол-аслаҳалар ичида энг кўп топилган ашёвий далиллардан бири ҳисобланади. Панжикентдан уларнинг 100 га яқини топилган бўлиб, уларнинг ҳаммасининг узунлиги асосан 3-4 см ва эни 2 см бўлган. Камон учлари асосан темирдан ясалган бўлсада, улар асосан уч ва икки қиррали қилиб ясалган. Бундан кўзланган мақсад жангда рақибга жароҳат етказиш билан боғлиқ бўлган. Панжикентдан топилган камон учларининг баъзилари одатдагидан анча катта бўлиб, улар найза учлари ҳам бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас [3].

Қайд этиш лозимки, камон учларини ишлашга қуролсоз уста алоҳида эътибор берган. Камон учларининг баъзиларида ҳаттоки камон душманга қадалгач, унинг ҳалокатини тезлаштирадиган узун ҳаво кирувчи тешиқлар ҳам ишланган. Мазкур камон учларига ўхшаш учлар Афросиёб ва Тали Барзуда ҳам топилган [4.]. Мазкур камон учларини ҳам тузилишига қараб бир неча турларга бўлиш мумкин. Масалан, пирамида, ромб, учбурчак шаклли камон учлари археологик изланишлар давомида топилган. Юқорида таърифланган камон учлари асосан VII аср охири ва VIII аср бошларига тўғри келади. Фикримизча бунинг сабаби, араблар босқини арафасида ўз ватанларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган суғдликлар узоқ масофадан душманга ҳужум қилишга ҳаракат қилишган. Бундан ташқари баъзи маълумотларга кўра, араблар босқинидан ҳимояланиш мақсадида Суғддаги шаҳарларнинг деворлари мустаҳкамланган ва қалинлаштирилган. Арабларнинг Суғддаги шаҳар деворларини бузишда фойдаланилганлиги ҳам ушбу фикримизни тасдиқлайди [5].

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, камон учлари нафақат Суғддан, балки Марказий Осиёнинг бир қатор шаҳарларидан топилганлигини гувоҳи бўлаемиз. Уларнинг айна бир даврга тегишли эканлиги араблар босқини давридаги душман ҳужумини қайтариш билан боғлиқ қуролли ҳаракатлар натижаси деб баҳолашимиз мумкин. Топилган камон учларининг араблар босқинидан олдинги даврларга тегишлиси жуда камлиги ҳам фикримизни асослашга хизмат қилади.

Суғд қуролсозлигида камон учларига доир маълумотлар нафақат деворий суратлар ёки археологик ашёлар асосида, балки ёзма манбалардаги маълумотларда ҳам мавжуд.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатларнинг Б-12 рақамлисида 250та ўқ топшириш кераклиги тўғрисида сўз юритилган. Манбадаги ушбу сатрларга изоҳ берган В.А. Лившицнинг келтиришича, ушбу ўринда гап камон ўқларининг учи эмас, балки камон учлари боғланадиган даста ҳақида гап бормоқда. Дастаннинг диаметри 3 см ва узунлиги 34,5 смни ташкил этган [6].

Мазкур маълумотдан кўриниб турибдики, суғдийлар камонни яшадан махсус ёғоч дастадан фойдаланишган ва бу дастани ҳамма дарахтдан тайёрлаш мумкин бўлмаган. Буни ҳужжат матнидан келтирилган дасталарни саройга жўнатиш тўғрисидаги махсус кўрсатма ҳам тасдиқлаб турибди. Бундан ташқари кўрсатмада жанг пайтида отга тақиладиган совутлар юбориш тўғрисидаги фармон келтирилган. Отга тақиладиган совутларнинг жўнатилиши хусусида Муғ тоғи суғдий ҳужжатларининг Б-18 рақамлисида ҳам буйруқ берилганлиги жангда отларни муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилганлигидан дарак беради [6].

Суғдийлар жангда фойдаланидиган камон ўқлари солинадиган ўқдонлар бизгача етиб келмаган. Афтидан, ушбу ўқдонлар матодан тайёрланган. Лекин деворий суратларда-

ги тасвирлардан уларнинг икки хил бўлганлиги маълум бўлади. Уларнинг биринчи турида ўқлар пастга қаратиб ва иккинчи турида камон ўқлари тепага қаратиб солинган. Деворий суратлардан маълум бўлишича, ушбу ўқдонлар ҳар хил тошлар билан безатилган. Уларнинг чиройлилигига ҳам эътибор беришган.

Деворий суратлардаги баъзи расмларда суғдийлар туркий жангчиларга хос тарзда камон ўқдонини елкага ва баъзи ҳолларда белга осиб юришган. Бундай ҳолатни Панжикент деворий суратларидаги қальани ишғол қилиш тасвирида ҳам кўришимиз мумкин [7].

Камон ўқдонларини белда осиб юриш жанг пайтида уларни тез алмаштириш билан боғлиқ бўлиб, камарда осилиб турган камон ва унинг ўқдони жангчининг ҳаракатларини чеклаши мумкин эди. Шунини эътиборга олган ҳолда ўқдонлар енгил ва ҳаракатланишда ҳалакит бермайдиган ихчам қилиб тайёрланган.

Камонлар узоқ масофадаги жангларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, яқин масофадаги жангларда ва яккама-якка жангларда найзалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қурол ҳисобланади. Найзалар тўғридан зарба бериш ва ёриб кириш учун муҳим аҳамиятга эга қурол ҳисобланган.

Афросиёб, Панжикент ва Варахша деворий суратларида худди камончи жангчилар каби найза тутган жангчиларнинг тасвирланганлиги ва найза учлари ҳамда уч маҳкамландиган дастакларнинг археологик тадқиқотлар натижасида топилиши мазкур қурол туридан Суғдда фойдаланилганлигини асослайди.

Найзалар камонлар каби кўп топилмаган бўлса-да, умумий тасаввур учун етарли даражада. Найзаларнинг сопи бир-биридан фарқ қилган. Таъкидлаш лозимки, археологик ашёвий далилларга нисбатан деворий суратлар бизнинг найзалар ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Суратларда тасвирланган найзаларнинг узунлиги жангчидан узун қилиб тасвирланган. Бу эса Суғдда найзаларнинг узунлиги 2 метр атрофида бўлганлигини билдиради. Бундан ташқари Панжикент шаҳри харобаларидаги 41-объектда ҳам жангчиларнинг жанг жараёнидаги ҳолати тасвирланган бўлиб, мазкур манзарадаги найзалар ҳам жангчидан узун бўлганлиги кўриниб турибди [8].

Мазкур деворий суратда иккала бир-бирига ҳужум уюштираётган найзачи жангчилар акс эттирилган. Улар юзма-юз ҳолатда турибди. Найзачининг ўз қуролини рақиб кўксига йўналтирган ҳолати расмда яққол кўрсатилган. Жангчилардан бири эгардан йиқилаётган ҳолатда тасвирланган. Бу эса найзачилар гуруҳи нафақат пиёдалардан иборат бўлиши, балки отлиқлар ҳам найзабардорлар бўлиши мумкинлиги борасидаги тўхтамга келишга имкон беради.

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш керакки, Суғдда қуролсозлик тарихини илмий асосда ўрганиш, ўзбек халқи моддий ва маънавий маданияти тарихи, турмуш тарзи, қадимий урф-одат ҳамда анъаналарини ўрганишда катта аҳамиятли ҳисобланади.

Шунингдек, илк ўрта асрда Суғдда юқори даражадаги қуролсозлик соҳаси ривож топган, буни Хитойга юборилган қурол-аслаҳалар орқали ҳам кўришимиз мумкин. Бу манзара Ўзбекистон худудидаги қуролсозлик тарихининг муҳим бир босқичини белгилаб беради ва унинг қадимий тарихий асосларини кўрсатади.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Литвинский Б.А. Среднеазиатские железные наконечники стрел / СА. 1965. – №2. – С. 75-91.
2. Литвинский Б.А. Сложносоставной лук в древней Средней Азии / СА. 1966. V 4. – С. 58.
3. Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. – Л.: Наука, 1980. – С. 65-110.
4. Тереножкин А.И. Согд и Чач / КСИИМК. 1950. – Вып. 33. – С. 152-169.
5. Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Древнейшее изображение осадной машины в Средней Азии / Культура Востока. Древность и раннее средневековье. – Л.: Аврора, 1979. – С. 215-221.
6. Согдийские документы с горы Муг. – Вып. 2. Юридические документы и письма: чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 155. (Кейинги ўринларда СДГМ 2 деб келтирилади).

7. Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. – М: Искусство, 1973. – 65 с.

8. Беленицкий А.М. Новые памятники искусства древнего Пенджикента / Скульптура и живопись древнего Пенджикента. – М.: Изд. АН СССР, 1959. – С. 47.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада илк ўрта асрлар Суғдаги қуролсозлик соҳаси тарихи ёритилган. Шунингдек, Суғдада ишлатилган қуроллардан камон ва камон ўқлари тўғрисидаги мулоҳазалар археологик материаллар ва деворий суратларга асосланиб ёритилган. Тадқиқотда жанг қуролларидан ҳисобланган найзаларга муносабат билдирилган ҳамда суғд ҳунармандчилиги ва металлсозлик намунаси ҳисобланган найза, камон ва ўқдонлардан фойдаланиш ҳолатлари ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается история развития оружейной промышленности в Согдийской области в раннем средневековье. Кроме этого, на основе археологических материалов и настенных росписей описаны такие виды оружия, используемого в Согде, как лук-комон и стрелы комона. В исследовании высказано отношение к копьям, которые считаются боевым оружием. В данной научно-исследовательской работе рассматривается использование копья, лука и наконечников стрел в качестве примеров согдского ремесла и металлообработки.

#### SUMMARY

The article covers the history of the first medieval weapons industry of Sughd. Also from the weapons used in Sughd, reviews of bow and arrow shooters were highlighted based on archaeological materials and wall images. The study showed the ratio of a spear as item of combat weapon. This research paper highlights the use of spears, bows and arrows, which are examples of Sughd crafts and metalworking.

*Наширға доц. О.Бўриев тавсия этган*

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ: ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ДЎСТЛИК ЙЎЛИДА

Саидов Ф. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Марказий Осиё, минтақа, БМТ, яхши қўшничилик, ҳамкорлик, дўстлик, ҳавфсизлик, тинчлик, барқарорлик, муаммо, геосиёсат, маданият, тараққиёт, прагматик сиёсат.*

**Ключевые слова:** *Центральная Азия, регион, ООН, добрососедство, сотрудничество, дружба, безопасность, мир, стабильность, проблема, геополитика, культура, развитие, прагматическая политика.*

**Keywords:** *Central Asia, region, UN, good neighborliness, cooperation, friendship, security, peace, stability, problem, geopolitics, culture, development, pragmatic policy.*

XXI аср дастлабки ўн йилликларида инсоният тарихида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бутун дунёни қамраб олган глобал микёсдаги туб ўзгаришлар юз бермоқда. 1993 йил январда ташкил этилган Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилоти аъзолари Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон давлатлари жаҳонда ўз ўрни ва салоҳиятига эга ҳамда минтақанинг геостратегик мавқеи юксак ва табиий ресурсларга жуда бойдир. Дарҳақиқат, 70 миллион нафардан зиёд аҳоли яшайдиган минтақа ўзининг географик-сиёсий ҳолати жиҳатидан Россия, Хитой ва Ҳиндистоннинг, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари манфаатлари юзага чиқадиган асосий ҳудуд ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақасидаги яхши қўшничилик, дўстлик масалалари Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг муштарак қисми ва устувор йўналишларидан биридир.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йилги 8 сентябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилишидаги Ўзбекистоннинг Марказий Осиё сиёсатида илк маротаба алоҳида урғу бериб таъкидлаган эди: “Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзимизга яқин қўшнилариимиз Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Туркменистон билан очик дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламыз” (1:17).

Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканлигини доимо таъкидлаб келмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг (2017 йилги 7 февраль) “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари” бўлимида таъкидлаганидек: “... мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш”[2:27].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлашича, «Евроосиёнинг “юраги”да жойлашган минтақамиз Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан чегарадошдир. Минтақамиз табиий ресурсларга бойдир, бу ерда кўплаб мамлакатлар ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд (3:264).

Давлатимиз раҳбари ўзининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир стратегик қарашларини 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясининг юксак минбарида ҳам теран баён этди: “Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташки сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир” (4:248).

Президентимиз анжумандаги нутқида қуйидаги бир қатор устувор масалаларни ўртага ташлади:

- Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақанинг барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир;

- тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатидан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир;

- Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир;

- Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона мурося асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. (5:248).

Давлатимиз раҳбари шу юксак минбардан туриб БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан чиқди. Шунингдек, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ҳам резолюция қабул қилишга дават этди.

Анжуманда Орол фожияси, Афғонистондаги вазият, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш масалаларига ҳам тўхталди ва БМТ нинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ишлаб чиқишни таклиф этди.

Юртбошимиз мажлис қатнашчиларига илк бор ватандошимиз буюк аллома Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” нинг яратилганлиги ҳақида фикр юритди. Ўзбекистонда буюк алломалар меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича бажарилаётган тадбирлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берди.

2017 йил 10 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда Юртбошимиз нутқида Марказий Осиё, жумладан, Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро микёсдаги қўшма саъй-ҳаракатларнинг кенг қамровли дастурини таклиф этди ва бу халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотди (6:263-275).

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти адолатли саволларни ўртага ташлади: минтақада вазият қандай ривожланади? Бу ерда қандай сценарий устун келади – низо ва қарама-қаршиликларми ёки ҳамкорлик ва тараққиётми?

Бу саволларга жавоб равшан – энг аввало, барчаси Марказий Осиё давлатлари минтақанинг умумий келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга нечоғли тайёрлигига боғлиқ. Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон минтақани барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшнилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир.

Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек: “Бизнинг бош мақсадимиз – умумий саясий-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат” (7: 265).

*Халқаро конференция натижаларига таянган ҳолда, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашуви учрашувларини мунтазам ўтказиш бўйича ташаббуси минтақада қўллаб-қувватланганини мамнуният билан таъкидланди.*

2018 йил 15 мартда Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувида сўзлаган нутқида 2016 йил сентябрь ойидан кейинги даврда амалга оширилган туб ўзгаришлар, чегараларни очилганлиги, барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларининг ўсганлигига алоқалиқ тўхталиб: “Ўзбекистон минтақамиз давлатлари билан очик, ўзаро манфаатли ва яқин ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир бор қайд этишим зарур. Бу – бизнинг ташқи сиёсатимизнинг энг асосий устувор йўналишидир” деган фикрларни билдирди (8:351).

Мазкур нуфузли анжуман Марказий Осиё халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничилик ва ҳамкорлик солномасида янги саҳифа очди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларига тўхталди: “...Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур”(9).

Ўзбекистонда барқарорлик, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувликни сақлаб қолишда минтақада мавжуд бўлган ёки туғилиши мумкин бўлган турли хил таҳдидларнинг моҳиятини, уларнинг тарихий илдизларини чуқур англаб етиш, уларни келтириб чиқараётган қуйидаги омилларни ўз вақтида ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади:

– **биринчидан**, XX асрнинг охири – XXI аср бошида жаҳон сиёсий харитасида юз берган туб ўзгаришлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришларга олиб келди. Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгач, минтақа ва минтақа давлатларининг барқарор ҳаёт кечиришлари ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлида янги таҳдидлар вужудга келди. Бу таҳдидлар – терроризм, диний экстремизм, сепаратизм ва бошқа бир қанча омиллар занжиридан иборат. Бугунги геосиёсий вазият ушбу таҳдидларга қарши минтақа давлатларининг бирдамлик асосида ва жаҳон ҳамжамиятининг йирик халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда кураш олиб боришларини тақозо этмоқда;

– **иккинчидан**, ҳозирги замон воқелиги Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари сиёсий истиқлолга эришгач, ўзларига хос ва мос тараққиёт, ривожланиш йўлини танлаб олганликларидан далолат бермоқда. Шу билан бирга, минтақа давлатлари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, айниқса, минтақавий ва умумжаҳон миқёсида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласида ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатмоқдалар. Бундай бирдамлик улар ташқи сиёсатининг асосий принциплари, Марказий Осиё миқёсида умумий манфаатлар нуқтаи назаридан халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли ҳамкорликни амалга ошираётганларида яққол намоён бўлмоқда;

– **учинчидан**, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ушбу минтақа давлатларининг БМТ, ЕХХТ, МДХ ва ШХТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш зарурияти

кучаймоқда. Бундай ҳолат ўз навбатида давлатлараро ва халқлараро можаролар келиб чиқишининг олдини олишга имкон яратади;

– **тўртинчидан**, минтакавий муаммоларни ҳал этишда “Ўзбекистон омили”нинг ўрни ва роли алоҳида аҳамият касб этади. “Ўзбекистон омили” деганда Ўзбекистоннинг: а) минтақа марказида жойлашганлиги; б) минтақадаги барча давлатлар билан чегарадошлиги ва уларни ҳудудий жиҳатдан ўзаро боғлаб турганлиги; в) аҳолиси жиҳатдан катталиги, ҳарбий қудратининг мустаҳкамлиги ва бир қатор стратегик ресурсларга бой эканлиги; г) унинг минтақадаги муаммоларнинг келиб чиқиши, уларнинг олдини олиш зарурлиги масалаларида прагматик қарашлари ва бартараф этишдаги амалий фаолиятида етакчилиги каби имкониятлари билан бутун минтақадаги муаммоларни ҳал этишга ўтказиб берган таъсири тушунилади. Минтақадаги муаммоларни “Ўзбекистон омили”дан самарали фойдаланмасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди. Бу бугунги куннинг реал воқелиги ҳисобланади. Чунки Ўзбекистоннинг минтақа марказида жойлашганлиги барча давлатлар билан чегарадошлиги ва уларни ўзаро боғлаб туриши минтақадаги ҳамма давлатлар кучларини умумий ёвуз кучларга қарши уюштириш имконини ҳам беради.

Демакки, халқимизда “Ён қўшни – жон қўшни”, “Қўшнинг тинч – сен тинч” деган ажойиб мақоллар мавжуд. Булар тарих тажрибасидан келиб чиққан ҳамда синовлардан ўтган неча минг йиллик яхши қўшничилик муносабатларини инобатга олиб айтилган буюк ҳикматли сўзлар ҳисобланади.

Хуллас, ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон Республикалари билан ўзаро манфаатли алоқаларини янада янги босқичга кўтариш энг муҳим вазифадир. Зеро, халқларимиз ўртасидаги даврлар синовидан ўтган асрлардан қардошлиқ ришталари ўзаро ҳурмат, дўстона муносабатлар ва муштарак маданий қадриятлар орқали чамбарчас боғланиб кетганлиги айни тарихий ҳақиқатдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 592 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: Адолат, 2017. – 112 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.
4. Шу асар.
5. Шу асар.
6. Шу асар.
7. Шу асар.
8. Шу асар.
9. “Халқ сўзи”, газетасининг 2020 йил 25 январь сони.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги яхши қўшничилик ва дўстлик сиёсати масалалари баён этилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье описаны актуальные вопросы политики добрососедства и дружбы Республики Узбекистан в Центральноазиатском регионе

#### **SUMMARY**

This article describes the current issues of good neighborliness and friendship policy of the Republic of Uzbekistan in the Central Asian region.

*Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган*



## XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ

Тўхтаева Р.Н. (ҚарДУ)

**Таян сўз ва иборалар:** Совет давлати, пул, молия, бюджет, чакана савдо, омонот кассалари, ислохот, колхоз, ижтимоий ҳаёт, пенсия.

**Ключевые слова:** Советское государство, деньги, финансы, бюджет, розница, сберкассы, реформа, колхоз, общественная жизнь, пенсия.

**Key words:** Soviet state, money, finances, budget, retail, savings banks, reform, collective farm, social life, pension.

Ўтган XX аср 50-йилларининг ўрталаридан бошлаб совет давлати тарихида турли соҳаларда инкирозли ҳолатлар юзага кела бошлади. Мазкур давлатининг таркибий қисми бўлган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган Ўзбекистон Марказ томонидан ишлаб чиқилган йўл-йўриқларга амал қилиб яшашга ва ишлашга мажбур эди. Марказдан Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳаддан ташқари оширилган ривожлантириш ҳажмлари ва режалари белгиланди, аммо ижтимоий муаммолар масаласи эътибордан четда қолдирилди.

Совет пул ислохотининг ижобий натижалари ижтимоий соҳада деярли сезилмади. Масалан, Ўзбекистонда ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланаётган маблағлар миқдори ислохотдан кейинги йилларда камайиши кузатилади. Масалан, 1960 йил шу мақсадда 552 млн рубль ажратилиб, бу умумий харажатларнинг 48,3 фоизини ташкил қилган бўлса, 1970 йили бу 149,0 млн рубль ва 46,9 фоизни ташкил этди<sup>1</sup>.

Мамлакат иқтисодий ҳаёти, қолаверса молия сиёсатининг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши аҳоли ижтимоий турмуш шароитини яхшилашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Турли соҳа ишчи-ҳодимларининг иш ҳақи, аҳоли ижтимоий таъминоти, турур-жой масаласи, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражаси, оила даромади масалаларининг ижобий ҳал этилиши давлат молия сиёсатида боғлиқ.

Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу – демографик вазият ҳисобланиб, Ўзбекистонда аҳолининг кўпайиши Иттифоқ, кўрсаткичига нисбатан бир неча баравар юқори эди. Масалан, 1961 йил Ўзбекистон аҳолиси 8 млн нафардан зиёд, 1970 йил 12 млн нафар ортиқ киши бўлди<sup>2</sup>. Аҳоли сонининг тез ўсиши ижтимоий соҳада қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Таълим муассасалари сонини ошириш, умумий оқатланиш соҳасини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, турур-жой қурилишларини кўпайтириш каби масалаларни кун тартибига қўйди.

Ўзбекистонда миллий даромаднинг ўсиши аҳоли сонининг ўсишидан жуда орқада бўлди. Миллий даромадни аҳоли жон бошига тақсимлаганда, Ўзбекистон Иттифоқдош республикаларга нисбатан анча орқадалиги маълум бўлди. Масалан, 1960 йилга нисбатан 1970 йил Иттифоқда аҳоли жон бошига сарфланган миллий даромад 176 фоизга ортадан бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 141 фоиз бўлди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилган сиёсат ўз ўрнида аҳоли ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиб борди. Бу аввало ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маошлари, ижтимоий таъминоти, аҳоли даромади ва харажатлари, омонат кассаларидаги жамғармалари, турур-жой, аҳолига кўрсатилаётган савдо ва бошқа хизматлар таҳлилида яққол кўзга ташланиб турди. Бу даврда ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошлари ҳам секинлик билан ўсиб борди.

<sup>1</sup> Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. –Т.: Узбекистан, 1984.–С.141.

<sup>2</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. – Т.: 1987.– С. 5. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1990.– С.14.

<sup>3</sup> Народное хозяйство СССР в 1980 году.–С.540., Народное хозяйство Узбекской ССР в 1982 году. – С. 195.

1965 йил ишчи ва хизматчиларнинг оиласи даромадининг 73,1 фоизи маошдан, 22,8 фоизи пенсия, стипендиядан 2,4 фоизи ёрдамчи хўжаликлар ҳисобидан олинди<sup>1</sup>.

1964 йил 15 июлда КПСС МК ва Министрлар Советининг ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини ошириш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда энг кам иш ҳақи 40-45 рубль миқдорида белгиланиб, маориф ходимлари маоши 25 фоизга, соғлиқни сақлаш ходимлариники 23 фоизга, умумий овқатланиш соҳаси ходимлариники 18 фоизга, уй-жой, коммунал хўжалиги ходимлариники 15 фоизга ошириш ҳақида гапирилди<sup>2</sup>.

1971 йили сут соғувчиларга 5-разрядга мувофиқ ҳақ тўланиб, 5-разряддагилар 69 рубль 42 копейк миқдорида маош олди. Оддий слесарларга эса 4-разряд асосида маош тўланиб, ўртача ойига 67,3 рубль иш ҳақи тўланди<sup>3</sup>.

Ижтимоий таъминот учун ЎзССР давлат бюджетидан жудаям кам маблағ ажратилди. Йиллар давомида ижтимоий соҳага бюджетдан ажратилаётган маблағлар деярли ўзгартирилмади. Масалан, шу мақсадда 1961 йил давлат бюджет харажатларининг 7,8 фоизи, 1962 йил 7,9 фоизи, 1963 йил 8,1 фоизига ажратилди. Кўп болали ва ёлғиз оналар учун бюджет харажатлари миқдори ҳам жуда кам бўлди. Жорий йилларга тааллуқли рившда бу 3,5 фоиз, 3,6 ва 3,7 фоизни ташкил этди<sup>4</sup>. Бу рақамларни аҳоли сонининг ўсиши билан таққосий таҳлил этилса ҳақиқий аҳвол кўзга ташланади.

XX асрнинг 60 йилларида пенсия таъминоти масаласида давлат томонидан қисман эътибор берилиб, соҳа ҳуқуқий асослари яратилди. 1964 йил 11 декабрда Ўзбекистон Компартияси МК ва ЎзССР Министрлар Советининг колхозчиларга пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди<sup>5</sup>. Барча тармоқ ишчи ва хизматчилари учун ягона пенсия тартиби белгиланди. Ижтимоий ёрдамнинг имтиёзлар ва енгилликлар кўринишидаги янги турлари пайдо бўлди. Кексалар ва ногиронларга, кўп тармоқли интернат уйлари, болалар уйлари тарбияланувчилари, протез қилиш, ногиронлар ва пенсионерларга шаҳар транспортларидан фойдаланиш каби имтиёзлар жорий этилди.

1965 йил 15 июлда СССР ҳукуматининг «Колхоз аъзолари учун пенсия ва нафақалар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди<sup>6</sup>. Бу қонуннинг аҳамияти шундаки, у ягона тамойиллар ва меъёрлар асосида ижтимоий таъминотнинг кафолатли тизимини шакллантирди. Колхозчилар учун Иттифоқ миқёсида ижтимоий таъминотда марказлаштирилган жамғармани вужудга келтирди. Қонунда пенсиянинг энг кўп миқдори 102 сўм, энг кам миқдори 12 сўм қилиб белгиланди. 1965 йили Ўзбекистонда 369 минг нафар колхозчига пенсия ва нафақалар бериш режалаштирилиб, бунинг учун 69 млн рубль ажратилди<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда пенсиялар белгилашда аниқ тартибнинг йўқлиги, пенсиялар колхозчининг жамоат ишлаб чиқаришига қўшаётган меҳнат ҳиссасини ҳисобга олмай текисчилик асосида тайинланиши бу тизимдаги энг асосий камчилик бўлди.

1965 йил августда Ўзбекистонда жами 332523 нафар пенсионер бўлиб, уларга ўртача 13 рубль 12 копейкдан пенсия тайинланди. Республикада пенсия миқдори Тошкент шаҳрида, (12 рубль) Хоразм вилоятида (12 рубль 66 копейк) кам эди. Ўртача пенсия миқдори Тошкент вилоятида (14 рубль 11 копейк), Сурхондарё вилоятида (14 рубль 14 копейк) юқори бўлди. Республика бўйича пенсия миқдори баъзи ойларида камайган. Масалан, 1965 йил сентябрда ўртача пенсия 13 рубль 12 копейкдан шу йилнинг октябрь ойида 13 рубль 10 копейкка камайди. Қорақалпоғистон АССР, Фарғона, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида пасайганлиги кузатилади<sup>8</sup>. Баъзи колхозчиларга тайинланган пенсия миқдори ниҳоятда кам эди. Масалан, 1965 йил Тошкент

<sup>1</sup> Народное хозяйство СССР за 60 лет.— Ст.сб. М.: Статистика, 1977. — С. 490.

<sup>2</sup> Ўз МА, 2433-фонд, 3-рўйхат, 333-иш, 160-161-варақлар.

<sup>3</sup> Ўз МА, 90-фонд, 10-рўйхат, 4904-иш, 80-89-варақлар.

<sup>4</sup> Советской Узбекистан за 40 лет. — С. 35-36.

<sup>5</sup> Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 2409-иш, 5-варақ.

<sup>6</sup> Справочник нормативных документов по социальному обеспечению. — М.: Финансы и статистика, 1982. — С.94-99.

<sup>7</sup> Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 2409-иш, 7-варақ.

<sup>8</sup> Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 2409-иш, 23-варақ.

вилояти Янгийўл тумани «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Г. Шайхутдинов 3 рубль 60 коп., Г. Чужаевга 3 рубль 30 коп., Жуматаевга 2 рубль 91 коп. миқдорида пенсия тайинланади<sup>1</sup>.

Пенсионерларнинг ёшини аниқлашда кўплаб қийинчиликларга дуч келинган. Кўпчилик пенсионерларнинг ёши аниқ архив ҳужжатларга таянган ҳолатда эмас, балки гувоҳларнинг кўрсатмаларига мувофиқ аниқланган. Пенсионерларнинг ҳужжатларидаги бу каби ноаниқликлар туфайли, уларга аксарият ҳолларда энг паст пенсия миқдори белгиланган. Масалан, Қорақалпоғистон Автоном республикасининг Беруний туманида 515 нафар колхозчига энг кам миқдорда пенсия белгиланган<sup>2</sup>.

Умуман, Ўзбекистонда 1966 йили 450 минг нафар колхозчи пенсия олди<sup>3</sup>. Бу умумий колхозчиларнинг сонига нисбатан етарли эмаслигини кўрсатади. Чунки Ўзбекистон ССРда бир миллиондан кўп пенсия ёшидаги колхозчилар мавжуд эди.

Чакана савдо тармоқларида кўп ҳолларда турли сабабларга кўра режа бажарилмади. Магазинлар, умумий овқатланиш муассасалари товар айланиш режасини узлуксиз бажармай келди. Республиканинг барча ҳудудларида турли савдо шаҳобчалари фаолияти йўлга қўйилган бўлсада, аммо уларга аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товарлар етказиб берилмади. Масалан, 1967 йил Андижон вилоятидаги 232 та озиқ-овқат магазинлари текширувдан ўтказилганда, улардан 25 тасида шакар, 30 тасида кўк чой, 13 тасида сариқ ёғ сотувда йўқлиги аниқланди. Ушбу вилоятдаги 200 та саноат моллари дўконидан 26 тасида пахтадан тайёрланган матолар сотувда йўқлиги маълум бўлади<sup>4</sup>.

Савдо ташкилотларида товарлар нархини белгилашда жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Масалан, 1969 йил Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туман матбуот уюшмасига (райпотребсоюз) қарашли магазинлар текширилганда товарларнинг нархлари харидорларга кўрсатиб қўйилмаганлиги аниқланади<sup>5</sup>.

Пул муомаласининг мустаҳкамланишида маиший хизмат тармоқларининг ҳам ўз ўрни бор. Ўзбекистонда маиший хизмат шаҳобчаларини ташкил этиш ишлари айниқса, ўтган асрнинг 60-йилларида анча жонлантирилди. Республиканинг турли шаҳар ва қишлоқларида маиший хизмат корхоналари, кийимларни кимёвий тозалаш фабрикалари, ательелар, сартарошхона ва пойафзал тузатиш устахоналари очилди. Масалан, Ўзбекистонда 1960 йил 1930 та маиший хизмат корхоналари фаолият олиб борган бўлса, 1970 йил уларнинг сони 8289 тага етди<sup>6</sup>. Бу эса аҳоли даромадининг маълум қисми ушбу йўналишларга сарфланишини тақоза этди.

Пул муомаласини такомиллаштириш ишида омонат кассалар ва чакана савдо фаолиятини ривожлантириш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. 1961 йилги пул ислохотларидан сўнг республикада омонат кассаларда пул сақловчи кишилар сони кўпайиб борди. 1962 йил Ўзбекистонда аҳолининг омонат кассалардаги маблағи 15,5 млн рубль бўлган бўлса, 1963 йил 20,2 млн рубль, 1964 йил 39,9 млн рубль, 1965 йили 40 млн рублни ташкил этди<sup>7</sup>.

Аҳолининг омонат кассаларига пул қўйишлари мамлакат миқёсида йилдан-йилга кўпайиб борди. Масалан, 1964 йил Иттифок бўйича омонат кассаларига қўйган маблағи 1,7 млрд. рубль бўлса, 1965 йилнинг биринчи ярмида 1,5 млрд рубль бўлди. 1965 йил Иттифок ҳудудида 51 минг омонат кассалари фаолият олиб борди. Мамлакат бўйича аҳолининг омонат кассаларида пул қўйиши ортиб борган бир шароитда, Ўзбекистонда бу борада анча

<sup>1</sup> Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 2409-иш, 55-56-варақлар.

<sup>2</sup> Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 2409-иш, 55-56 варақлар.

<sup>3</sup> Муратходжаев В. Хозяйство и денежное обращение // Экономика и жизнь. – Ташкент. 1966 г. Февраль. – №2. – С. 9-10.

<sup>4</sup> Муратходжаев В. Некоторые вопросы укрепления денежного обращения // Экономика и жизнь – Ташкент. 1968, – №6. – С. 37.

<sup>5</sup> Ўз МА, 2729-фонд, 1-рўйхат, 241-иш, 42-варақ.

<sup>6</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. –Т.: Узбекистан, 1987.–С 247.

<sup>7</sup> Расулов Ф. Рост доходов и покупательской способности населения Узбекистана. // Экономика и жизнь. – Т.: 1966, – №2. – С.77.

орқада эди. Масалан, 1954-1958 йилларда собиқ Иттифоқ қишлоқларида аҳоли жами жамғармасининг 17,6 фоизи омонат кассалари ҳисобига тўғри келса, 1959-1964 йилларда бу 30,2 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда 1965 йилнинг бошида 17 фоизга тўғри келди<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда барча аҳоли масканларида омонат кассалари фаолияти йўлга қўйилмаган эди. Масалан, 1965 йил Сирдарё вилоятида жами 21 та омонат кассаси фаолият кўрсатди<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда 1964-1967 йиллар давомида омонат кассаларга пул кўювчилар сони 210 минг кишига етди. Шаҳар аҳолисига нисбатан қишлоқ аҳолиси орасида омонат кассаларга пул маблағларини кўювчилар сони анча кам эди. Масалан, 1967 йили республикада ҳар 1000 нафар кишига 135 нафар омонатчи тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич шаҳарда 278 нафарни, қишлоқда 56 нафарни ташкил этди<sup>3</sup>. Аҳолининг катта қисми ўз жамғармаларини уйларида сақлашга ҳаракат қилди.

Ўзбекистон ҳудудида 1970 йили 2354 та омонат кассалари фаолият олиб борган бўлса, 1985 йили улар сони 2550 та бўлди. Шу йилларга тааллуқли равишда кассаларга пул кўювчилар сони 1736 минг нафардан 3936 минг нафар кишига ортиб, уларнинг катта қисмини шаҳар аҳолиси ташкил этди<sup>4</sup>.

Ўзбекистон молиявий сиёсати ўз ўрнида аҳолини турар-жой билан таъминлашда ҳам ўз аксини топди. Уй жой ва коммунал хўжалиги ишини қай даражада ташкил этилиши аҳоли турмуш даражасини белгиловчи асосий мезонлардан бири бўлиб, муайян давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги сиёсатининг асл моҳиятини ўзида акс эттиради.

Иттифоқда бу борада муайян ишлар амалга оширилиб, 1951-1955 йилларда 240,5 млн.кв.м. уй-жой қурилган бўлса, 1966-1970 йилларда бу кўрсаткич 518,5 млн.кв.мни ташкил этди. Ўзбекистонда 1950 йили 43,0 минг кв.м, 1970 йили эса 94,2 минг кв.м турар-жой бунёд этилди<sup>5</sup>. Аммо аҳоли жон бошига турар-жой майдонлар тақсимланганда, бу борадаги ишлар мактанарли даражада эмаслиги кўзга ташланади.

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисини турар жой билан таъминлаш масаласи, айниқса, кескин бўлиб, Совет давлати ушбу муаммога етарли эътибор берилмай келди. Қишлоқ уй-жойлари ҳеч бир лойиҳаларсиз қурилиб, асосан оддий усуллардан фойдаланилган, қурилишда асосан, хом ғишт ва пахса ишлатилган. Қишлоқ оилаларининг уй-жойлар бир хил кўринишда асосан 2-3 хонали бўлиб, уларда 10-12 нафар кишигача яшашган. Уй-жойлар оддий усулда бунёд этилганлиги, сифатли қурилиш материаллари ишлатилмаганлиги сабабли тезда фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келган.

1966-1970 йиллар давомида Республикада жами 25660 минг кв.м. турар-жой бунёд этилди. Шундан, 12761 минг кв.метри давлат ва кооператив ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди<sup>6</sup>. Норма бўйича 1 нафар кишига 20-30 кв.м. турар-жой майдони тўғри келиши лозим бўлса, бу кўрсаткич ўзбек қишлоқларида 4-6 кв. метрга тенг бўлди. Қишлоқ турар-жойлари электр энергия, газ билан таъминлашда муаммолар кўп эди. Шу боис, қишлоқларда иситиш асосан кўмир ва саксовул ёрдамида амалга оширилди.

Аҳоли кўлидаги пул маблағларини банкларга жалб этишда турар-жой қурилиши кооперативлари муҳим роль ўйнади. Бу турдаги кооперативларни ташкил этиш ҳам давлат, ҳам аҳоли учун фойдали эди. Аммо Ўзбекистонда кооператив турар-жой биноларини бунёд этиш иши қониқарсиз аҳволда бўлди. Масалан, 1967 йил Ўзбекистонда кооператив қурилиш режаси фақат 46 фоизга бажарилди. Республиканинг Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда уй жой қурилиши кооперативлари умуман тузилмади<sup>7</sup>.

Қурилаётган турар-жойлар асосан партия аппарати ва давлат аппарати ходимлари учун бўлиб, маҳаллий аҳоли ўз маблағлари ва меҳнат кучларига таянган ҳолда уй-қуришга

<sup>1</sup> Белугин Ю., Сберегательные кассы на селе //Деньги и кредит. 1965, – №11. – С. 49.

<sup>2</sup> Ишиев У., Сберегательные кассы Сырдарьинской области //Деньги и кредит. 1965, – №9. – С. 46.

<sup>3</sup> Муратходжаев В. Некоторые вопросы укрепления денежного обращения. – С. 39.

<sup>4</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. – Сб.ст. – Т.: Узбекистан, 1987.– С. 213.

<sup>5</sup> Народное хозяйство СССР за 60 лет. – М.: Статистика, 1977. – С. 492.

<sup>6</sup> Народное хозяйство Узбекский ССР за 70 лет Советской власти. – С. 79.

<sup>7</sup> Муратхўжаев В. Некоторые вопросы укрепления денежного обращения. – С. 38.

мажбур эди. Уй-жойларни тақсимлаш билан асосан партия аппарати шуғулланиб, улар оддий халқнинг талаби билан умуман ҳисоблашмадилар. Раҳбар ходимлар ўз монопол ҳуқуқларидан фойдаланиб, биринчи навбатда ўз турар жойларини яхшилашга эътибор берди. Партия ва Совет ҳукумати аппарати ходимлари учун махсус режа асосида барча қулайликларга эга бўлган квартиралар қурилиб, «правительственный», «обкомской» деб номланган алоҳида уй-жойлар массивлари ташкил этилди. Оддий халқ эса йиллаб уй-жой учун навбатда туришга мажбур бўлди.

Хуллас, 1961 йилда амалга оширилган пул ислохотлари жараёни ва унинг ҳақиқий моҳияти омма онгига бошқачароқ, «нархларнинг миқёсини ўзгартириш ва эски пулларни янги пулларга айирбошлаш» сифатида талқин этилди. Матбуотда пул ислохотига доир мавзудаги мақолаларга Совет ҳукумати ва Давлат банки вакиллари жиддий эътироз билдирдилар. Мутахассисларнинг бу кечаётган жараёнларни пул ислохот сифатида баҳолаш лозимлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳукумат томонидан қатъиян рад этилди.

Пул ислохоти даврида Ўзбекистонда 1000 тадан зиёд пул алмаштириш масканлари ишлаб турди. Мазкур масканлар фаолиятини ташкил этиш учун минглаб ходимлар жалб этилди. Пул алмаштириш жараёни бир қанча иқтисодий ва ташкилий-техникавий масалаларга боғлиқ бўлиб, бу вазифаларни бажариш учун катта миқдордаги маблағ талаб этилди. Қайси соҳада ислохот амалга оширилса, ўша соҳада, албатта, муайян натижа ва самарага эришилиши кутилса-да, аммо 1961 йилги пул ислохотидан сўнг хўжаликлар даромадининг ўсиши эмас, балки пасайиши кузатилади. Айниқса, колхозларнинг даромадларида кескин ортга кетиши юз берди. Республика вилоятлари ижроия комитетларининг пул муомаласини ташкил этишда жиддий камчиликлари кўзга ташланади. Кўп ҳолларда пул маблағига бўлган эҳтиёж пул эмиссияси орқали қопланиши пул кадрсизланишини кучайтирди.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Совет давлатининг 1961 йилда амалга оширган пул ислохотининг натижалари ҳамда Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар манбалар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, ислохотдан кейинги йилларда республикадаги омонот кассалари ва уларнинг фаолияти, мамлакатдаги демографик вазият таҳлил этилган.

Республикадаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маошлари, ижтимоий таъминоти, аҳоли даромади ва харажатлари, омонот кассаларидаги жамғармалари кўрсатилган. Турар-жой қурилиши билан боғлиқ муаммолар, аҳолига кўрсатилган савдо ва бошқа хизматлар таҳлили очиб берилган. Республика вилоятлари ижроия комитетларининг пул муомаласини ташкил этишдаги камчиликлар тарихий адабиётлар ёрдамида таҳлил этилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье описаны результаты денежной реформы, проведенной Советским государством в 1961 году, а также изменения в общественной жизни населения Узбекистана на основе источников. Также анализируются сберегательные кассы в стране и их деятельность в пореформенные годы, демографическая ситуация в стране.

Показаны среднемесячная заработная плата рабочих и служащих по стране, социальное обеспечение, доходы и расходы населения, сбережения в сберегательных кассах. Выявлены проблемы, связанные со строительством жилья, анализом торговли и других услуг, оказываемых населению. Недостатки в организации денежного обращения исполкомов областей республики были выявлены с помощью исторической литературы.

#### **SUMMARY**

The article describes the results of the monetary reform carried out by the Soviet state in 1961, as well as changes in the social life of the population of Uzbekistan based on sources. It also analyzes the savings banks in the country and their activity in the post-reform years, the demographic situation in the country.

Shown are the average monthly wages of workers and employees in the country, social security, income and expenses of the population, savings in savings banks. The problems associated with the construction of housing, the analysis of trade and other services provided to the population have been identified. The shortcomings in the organization of monetary circulation of the executive committees of the regions of the republic were identified with the help of historical literature.

*Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган*

ПРАГМАТИЗМ ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА ТАЪСИРИ

Баходирова Ф.Б. (УрДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** прагматизм, ҳаёт прагматизм фалсафаси, миллий тадбиркорлик, бизнес, бошқариш, ҳаракат, ҳаракатлар стратегияси, гоя, қараиш, таълимот, бизнес, модернизация, традиционализм, коммунитаризм, модернизациялаш, жамиятни модернизациялаш.

**Ключевые слова:** прагматизм, философия жизненного прагматизма, национальное предпринимательство, бизнес, менеджмент, действия, стратегия действий, идея, взгляды, доктрина, бизнес, модернизация, традиционализм, коммунитаризм, модернизация общества.

**Keywords:** pragmatism, philosophy of life pragmatism, national entrepreneurship, business, management, action, strategy of action, idea, view, doctrine, business, modernization, traditionalism, communitarianism, modernization, modernization society.

Мустақилликка эришган миллий давлатлар совет тоталитар тузуми асоратидан халос бўлиши учун ўз жамиятини модернизациялашга киришди. 1991 йилда, яъни СССРнинг тарқалиши билан бошланган бу жараён, масалан, Марказий Осиё Республикаларида кечмоқда. Таниқли сиёсатшунос, СССРнинг таназзулга учрашини ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ башорат қилган З.Бжежинский фикрига кўра, Марказий Осиё минтақасига Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия ва Афғонистон киради. Ҳатто унга Туркия ва Эрон ҳам киритилиши мумкин. Мазкур давлатларда юзага келадиган тўқнашувлар ва этник низолар большевиклар олиб бораётган ғайримиллий сиёсат, тоталитар тизимнинг миллий ўзига хослик ва миллий маданиятга зид тартиблари сабаб бўлади[1;296]. Советларнинг ғайриинсоний ва ғайридемократик сиёсати халқлар турмушини, ҳаётини оғир аҳволга солишини, натижада бу тузум тарих саҳнасида қололмаслигини таниқли олимлар Ф.А.Халтек, Б.Хейнчска, Ғ.Наби, М.Месхаби, М.В.Олкотт, А.Асланд, Ш.В.Гарнелт кабилар асослаб берган.

СССРнинг тарқалиши билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва миллий жараёнларнинг тагида халқларнинг ўзини ўзи белгилаш, креатив кучларини намоён этиб яшашини бўғиш, назариянинг(социалистик давлат қуриш назариясининг) амалиётга қарши эканлиги билан асослаш мумкин. Совет тоталитар тузуми, унинг ички ва ташқи сиёсати халқларнинг туб манфаатларига зид, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари мавҳум, ғайри-ҳаётий коммунистик утопияга қурилган эди. Совет идеологлари субъективизмни объективликдан, гояни амалиётдан устун қўйдилар. АҚШ ва Европадаги илғор давлатлар эришган тажрибалар ғайрикоммунистик моҳиятга эга, деб рад этилди. Либерал-демократик гояларни амалда тасдиқлашга, халқлардаги амалиётга, ишчанликка, креатив изланишга ёрдам берувчи прагматизм фалсафаси буржуа файласуфларининг мероси сифатида инкор қилинди. Ҳайратли томони шундаки, совет даврида 1983 йилда чоп этилган “Философский энциклопедический словарь”да “прагматизм фалсафаси бир жиҳатдан субъектив идеалистик” таълимот, иккинчи жиҳатдан инсон олдида пайдо бўладиган, амалий муаммоларни ҳал этишга қаратилган “субъектив идеалистик эмпиризм” деб таъриф берилди[2;2356]. Инсон томонидан англанадиган барча нарсалар “тажрибага бориб тақалади” деган бир томонлама хулоса чиқарилади. Прагматизмнинг илмий-назарий ва фалсафий моҳиятини объектив очиб бериш ўрнига унга марксча-ленинча фалсафа догматикаси нуктаи-назаридан ёндашилади. Тўғри, айрим бир файласуфлар прагматизмдаги эмпирик асосни америкача ҳаёт тарзига хос жиҳат сифатида қайд этадилар. Бу борада Ю.К.Мелвилнинг 1988 йили чоп этилган “Чарлз Пирс и прагматизм” тадқиқотини келтириш мумкин[3;С87]. Бироқ гап шундаки, ўша пайтдаги ҳукмрон идеология прагма-

тизмни фалсафа деб эмас, балки эмпирик изланишларга оид қараш, инсондаги фалсафий мушоҳадалар ва гносеологик эҳтиёжларнинг маҳсули эмас, балки оддий ҳаётини кузатиш, тажриба, деб талқин қилишга интилди. Натижада тоталитар тузум емирилгач, коммунистик идеология таъсиридаги халқлар, давлатлар ўзининг ижтимоий борлигини амалда ўзгартиришга, модернизациялашга рўпара келди. Субъективизм эмас объективлик, мамлакат ҳаётини, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий институтлар фаолиятини қайта қуриш, янги этносиёсий парадигмани шакллантиришга дуч келди. “Аввал иқтисод, кейин сиёсат”(И.А.Каримов) ўша мустақилликнинг илк йилларига мос даъват, шиор эди.

Бугунги дунёда юз бераётган глобал ўзгаришлар асосан модернизация ва инновация билан боғлиқ. Агар модернизация у ёки бу соҳани, тизимни ёки институтни замонавийлаштиришни аниқласа, инновация уларга янгилик олиб кириш, уларни янгилаш талабларига ва қонуниятларига мувофиқ ўзгартиришни аниқлатади. Мутахассислар фикрига кўра, бугун ижтимоий ҳаёт, борлиқ анъанавий яшаш тарзидан, эски бошқаришдан, тезкор ҳаракатланиш ва янгилаш босқичига ўтмоқда. Бу жараёнлардан орқада қолиш миллий ривожланишни орқага суради, миллий давлатларнинг цивилизациявий тараққиётини секинлаштиради. Шунинг учун тоталитар тузум емирилгач мустақил ривожланиш йўлига кирган давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам жамиятни модернизациялаш ва инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга киришди.

Модернизациялаш моҳиятан эмпирик хусусиятга эга. У амалиётга, мавжуд бошқариш тизимини, фаолият турларини замонавий талабларга мувофиқ ўзгартиришга қаратилган. Этноанъаналарни улуғловчи ва мавжуд тажрибалар билан чекланишга мойил жамият учун модернизациялаш инқилобий аҳамиятга эга. Шарқ халқларидаги коммуитаризм баъзан эса консерватизм модернизациялашни ёқтиравермайди, уни ёт тажриба, этноанъаналарни барбод қилувчи восита деб билади. Шунинг учун Марказий Осиё республикалари миллий тараққиёт моделларини танлаётганда асосан этник хусусиятлар ва омиллардан фойдаландилар. Тадқиқотчи Н.Зикированынг қайд этишича, масалан “Тожикистон ўз халқига хос бўлган “традиционализм ва коммуитаризм”дан келиб чиқиб жамиятни модернизациялашга мутлақ тайёр эмас эди, хоҳиши ҳам йўқ эди”[4;С98]. Туркменистон ўзини “доимий бетараф” давлат деб эълон қилди. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, бетарафлик Туркманбошига мутлақ шахсий ҳокимлигига ташқи хуружлардан холи бўлишга, шунингдек, мамлакатда ҳар қандай бошқача фикрларни бостиришга имкон берди”[5;3176]. Бошқа бир тадқиқотчи Туркменистон тузумини “монархия типидagi сиёсий режим” деб баҳолайди. Ўзбекистон эса бешта тамойилга асосланган “Ўзбек модели”ни танлади. Ушбу моделга кирган тамойиллар:

- 1) иқтисодиётни мафкурадан холи этиш;
- 2) давлат - бош ислохотчи;
- 3) қонун устуворлигини таъминлаш;
- 4) кучли ижтимоий сиёсат юритиш;
- 5) бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишдан иборат[6;46-4766].

Қирғизистон ва Қозоғистон эса маълум даражада Россия тажрибасига эргашди, радикал ўзгаришлар жорий этишга қаратилди. Барча миллий моделларни ғарбона тажрибалар нуктаи назардан таҳлил қилган М.Б.Олкотт Марказий Осиё республикалари “мустақиллик шароитида яшашга тайёр эмас эди” деган хулоса чиқаради[7;С38]. Бу фикрнинг нотўғрилигини республикаларнинг келгуси тараққиёти кўрсатди.

Прагматизм томон тугилган йўл миллий республикаларни ижтимоий-сиёсий институтларни рационал ташкил этишга, замонавий, ғарбона бошқариш усулларини (Президентлик институти икки палатали парламент, давлат ҳокимиятининг тақсимланиши), иқтисодиётга бозор муносабатларини (хусусий мулк, тадбиркорлик, бизнес, менежмент, маркетинг, кластер, иқтисодий эркин зоналар), нодавлат институтларни жорий этишга етаклади. Модернизация ғарбона тажрибаларга асослангани сир эмас.

Ижтимоий амалий ҳаёт прагматизм фалсафасини чуқур ўрганишга, ундаги миллий тадбиркорлик ва бизнесга, бошқаришга, кишиларни мобилликка ундовчи жиҳатларни

ўрганишга ундади. Марказий Осиё давлатлари лидерлари прагматизмни ўз фаолиятига асос қилиб олмоқда ва ўз юртини, давлат ва жамият бошқарувини ғарбона модернизацияга мувофиқлаштиришга интилоқда. Ҳатто традиционализмга мойил Туркманистон ва Тожикистон ҳам бугун жамиятини модернизациялашни стратегик вазифасига айлантирган.

Прагматизм ҳаракат ва ҳаракатлар стратегиясини ифода этадиган ғоя, қараш, таълимот сифатида кишилар онгига таъсир этади. У кишиларни яратиб, мобил бўлиб яшашга ундайди. Бизнес ва тадбиркорлик мобил, ҳаракатчан кишиларни, жамиятни севади. Шундай экан, модернизациянинг бугун бош актёрлари тадбиркор ва бизнес субъектларидир.

Прагматизм фалсафаси - ишчанлик, ҳаракатчанлик, амалий фаолият ғояси ҳисобланади. У моҳиятан абстрактлаштириш, қуруқ метафизик мулоҳазалар юритишни ёқтирмайди. Инсондаги креативликни, ижтимоий-амалий фаолликни қўллаб-қувватлаш орқали у ижтимоий ўзгаришларга, ислохотларга, мазмун, моҳият беради. Бир қарашда у фалсафа, фалсафий ғоя эмас, балки кундалик хатти-ҳаракатлар ифодасидир. Илмий фалсафа ундан ҳеч нарса ололмайди. Бу прагматизм фалсафасига тор ёндашув, унинг негизида моҳиятнинг тўғри англамаслиқдир.

Прагматизм фалсафаси инсоннинг барча ижтимоий хатти-ҳаракатлари ва амалий изланишларини маълум бир моҳиятга эга деб билади. Инсон нимани ижтимоий-амалий вазифа деб билмасин, у фалсафий моҳиятга эга, яъни ушбу ижтимоий-амалий изланишлардан фалсафага мавзу, муаммо, предмет топса бўлади.

Прагматизм фалсафаси шунчаки, хатти-ҳаракатни(бу физиканинг тадқиқот предмети) эмас, балки ижтимоий-амалий изланишларни, фаолиятни ўзининг предмети деб билади. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар, шу нуқтаи назардан, прагматизм фалсафаси синтези орқали қаралиши, ўрганилиши мумкин.

Прагматизм фалсафаси фалсафага оид азалий масалаларни замон, давр ва ижтимоий-амалий нуқтаи назардан ҳал этишга интилади. Тўғри, унда дунёнинг яратилиши, материя ва онг, гносеологияга оид муаммолар муҳокама этилавермайди. Диний теологик мушоҳадалар, айниқса трансцендент билан боғлиқ муаммоларга оид фикрлар, метафизик ёндашувлар деярли учрамайди. Антик даврдан бери муҳокамага қўйиб келинаётган бу азалий масалаларни прагматизм фалсафаси ижтимоий-амалий вазифаларни муҳокамага қўйиш билан тўлдиришга интилади. Бундай утилитар ёндашув инсон руҳи, қалби, хаёлотини билан боғлиқ масалаларни четлаб ўтишга мажбур қилади. Аммо бу ёндашув инсон муаммосини мутлақ рад этмайди; инсон муаммоси билан прагматизм фалсафаси ўртасидан мудом боғлиқлик топиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Bzeezinski Z. The Grand Chessboard. American Primacy and its Geostrategic Implications. Basic Books. A Division of Harper Collins. Publishers, 1996. – 390 p.
2. Философский энциклопедический словарь. – Москва: “Сов.Энциклопедия”, 1985. – С. 580.
3. Мелвилл Ю.К. Чарлз Пирс и прагматизм. – Москва: Мысль, 1968. – 456 с.
4. Зикирова Н. Марказий Осиё давлатларида миллий тараққиёт моделлари. – Тошкент: TAMADDUN, 2017. – 295 б.
5. Социально-экономическое развитие пост советских стран и итоги двадцатилетия. – Москва: РАН Экономика, 2012. – 317 с.
6. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Ташкент: Ўқитувчи, 2000. – 346 с.
7. Олкотт М.Б. Второй шанс Центральной Азии. – Москва: Вашингтон, Международный Мир, 2005. – 386 с.
8. Хайек Ф.А. Пагубная самонадеянность (Ошибки социализма). – Москва. -Лондон, 1992.
9. Haenshke V. Transformation and Identität (Aspekte Erfahrung und Tendenzen). – Berlin, 1994.
9. Каменев С. Внешняя политика Туркменистана // Центральная Азия и Кавказ, 2002, – №4 (22). – 190 с.



## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ижтимоий-амалий ҳаёт, прагматизм фалсафаси ва ундаги миллий тадбиркорлик ва бизнес, бошқариш, кишиларни мобилликка ундовчи жиҳатлар ҳамда прагматизм ҳаракат ва ҳаракатлар стратегиясини ифода этадиган ғоя, қараш, таълимот сифатида намоён бўлишлари ҳақида сўз юритилади.

## РЕЗЮМЕ

В данной статье идет речь о социально-практической жизни, философии прагматизма и ее аспектах, оказывающих влияние на национальное предпринимательство, бизнес, менеджмент, мотивацию людей к мобильности, а также о том, что прагматизм проявляется как идея, взгляд, учение, выражающее действие и стратегию действий.

## SUMMARY

This article depicts the socio-practical life, the philosophy of pragmatism and its national entrepreneurship and business, management, aspects that motivate people to mobility, and the manifestation of pragmatism as ideas, views, doctrines expressing the strategy of actions and actions.

*Наишра фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## КОНЦЕПЦИЯ СПРАВЕДЛИВОСТИ В ТРУДАХ АЛИШЕРА НАВОИ

Меликова М.Н. (СамГИИЯ)

**Ключевые слова:** *социальная структура, справедливость, проблемы справедливости, неравенство, несправедливость, причины социального неравенства, правители, ученые, стремление к счастью, власть, идеальный правитель.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *ижтимоий тузилма, адолат, адолат муаммолари, тенгсизлик, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизлик сабаблари, ҳукмдорлар, олимлар, бахтга интилиш, куч, идеал ҳукмдор.*

**Keywords:** *social structure, justice, problems of justice, inequality, injustice, causes of social inequality, rulers, scientists, desire for happiness, power, ideal ruler.*

Проблема справедливости является одной из ключевых в социальной философии современности. Интерес к ней обуславливается тем, что справедливость является базисной ценностью, которая должна служить ориентиром для развития современного общества.

С самих ранних пор ученые и мыслители задавались вопросами о сущности окружающей действительности, своего места в мире, в обществе, о социальных корнях различий между положением людей в обществе, о справедливости, духовности и прогрессе.

Справедливость является фундаментальной философской категорией. В философском словаре дается следующая формулировка данного термина: «...справедливость является предварительным условием осуществления остальных ценностей и состоит в том, чтобы быть справедливым по отношению к чужой личности как таковой, уважать ее и не вторгаться в сферу ее свободы, чтобы сохранить ее свободу действий и не препятствовать созданию культурных ценностей» [11, с. 278.]

Социальная справедливость является духовно-нравственным критерием развития человечества. Идея справедливости была востребованной с зари человеческого существования и остается актуальной и на сегодняшний день. Исследованием вопросов справедливости занимались многие ученые, философы, мыслители. Особенно активная разработка проблематики данного вопроса была предпринята в западной философской мысли, которая затрагивала этот вопрос в контексте гуманизма и этики эпохи возрождения. Что же касается восточной философии, то здесь этот вопрос встал на повестку дня гораздо раньше и был исследован в трудах мыслителей, философов, поэтов. В философском наследии Аль-Фараби, Ибн Сины, Абдурахмана Джамии, Алишера Навои истоки социальной справедливости берут начало в религиозной концепции божественного милосердия. [1]

Большое внимание вопросам социальной справедливости уделялось в работах великого поэта и мыслителя Алишера Навои. На формирование идейного мировоззрения Алишера Навои большое влияние было оказано со стороны Абдурахмана Джами, который пропагандировал суфизм. Сам учитель Навои посвятил изрядное количество своих произведений этическим вопросам, касающимся социальной справедливости и путям ее осуществления на практике, причем иногда он резко высказывался в адрес правящей власти, жестко критикуя их по поводу этого вопроса.

Вопросы социальной справедливости нашли свое отражение в многочисленных трудах Абдурахмана Джами, к которым следует отнести «Бахаристан» (Весенний сад), «Силсилат аз-захаб» («Золотая цепь»), «Сабах ал-аброр»), «Хиродномаи Искандари» («Книга мудрости Искандара»), а также бесчисленное множество его касыд, газелей и рубаи. В этих произведениях Джами горячо проповедует идеи социальной справедливости, которые должны были восторжествовать для того, чтобы все люди были счастливы.

Мировоззрение Алишера Навои было подвержено влиянию суфизма, идейных воззрений его учителя и наставника Абдурахмана Джами. Во многих своих произведениях Навои писал о справедливости, гуманизме, милосердии, необходимости помогать нуждающимся людям.

Эпоха, в которой жил Навои была очень сложной. Куда бы ни пал взор поэта, - повсюду царила несправедливость, бесправие и мракобесие. Народ жил в нужде и голоде, был нарушен принцип справедливости. Чиновники, вельможи, которые обладали всеми материальными благами, жили в роскоши и вели праздный образ жизни. В своих произведениях Навои призывает на борьбу с бесправием, угнетением и злом, которые были обычным явлением в его стране:

*Есть в мире и добро, и зло, и грех,  
Добро – тайник, открыто зло для всех.  
Плохого много, тонет мир во зле,  
Добра и правды мало на земле. [3, с. 265]*

В обществе, где во главе стоял единоличный монарх, власть принадлежала только ему. По мнению Навои, если правитель был несправедливым и невежественным, занятым лишь своим благоденствием, то все его подданных ожидали бесчисленные бедствия:

*Подобен раю – светел и высок –  
Для пириества украшенный чертог.  
Но в киноварной росписи его  
Алеет кровь народа твоего.  
Завеса, чья неслыханна цена,  
Не из парчи – из жизней соткана.  
Украшен жемчугами твой шатер –  
Ты у народа отнял их, как вор. [3, с. 265]*

Несправедливых правителей Навои сравнивает со злодеями, главной целью которых является опустошение страны, плохой правитель пытается обездолить народ, превратить процветающие города в руины. А если и правитель, и его визирь имеют такие качества, то народ страдает еще больше:

*Если только шах таков и таков везир –  
Как холеры и чумы их боится мир. [7, с.14]*

Суть концепции Алишера Навои, которую он разрабатывает для того, чтобы осуществить на практике, заключается в готовности быть на стороне интересов человека, верности и неуклонности в осуществлении гуманизма. Мыслитель выработал ее для правителей, так как именно их он считал гарантом соблюдения этой концепции. Эти идеи Навои были особенно актуальны во времена его жизни, они являются востребованными и сегодня. Поэт был свидетелем бесконечных распрей, междоусобных войн, которые часто шли между отцом и сыном, братьями, что приводило к упадку и разорению страны.

Являясь проповедником прогрессивных идей, поэт прилагал усилия для их претворения в жизнь. Идеальный образ правителя Навои был наделен наисвысшими человеческими качествами: всюду, где появлялся этот правитель, устанавливалась справедливость, он был гарантом защиты народов от злых врагов, он был щедрым к своим воинам, милостиво относился к народу. В поэме «Стена Искандара» Навои показывает эволюцию личностных качеств справедливого правителя, которая идет по восходящей. Поэт выражает свое уважение и почтение к личности правителя, который окружен такими великими наставниками, как Сократ, Платон и Аристотель, к советам которых он постоянно прислушивается, он несет в себе силу справедливости и добра, одерживая победу над злом и коварством. Навои понимает, что у каждого человека есть сильные и слабые стороны. Видит он их и у своего героя Искандара. Сила его выражена в деятельности, которая была направлена на благо людей, слабость его была заключена в его попытках стать властителем всего на свете. В образе Искандара как правителя в поэме «Стена Искандара» Навои показывает его безразличие к золоту и богатствам, считавшего погоню за ними великим преступлением:

*... Что мне казна, что — блеск ее!  
Народ и рать — сокровище мое...  
Тот царь, чей благоденствует народ,  
Богатство подлинное обретет...  
Зачем нам золото и серебро.  
Когда от них беда, а не добро? [5, с. 335]*

В поэме «Смятение праведных» Навои поднимает очень насущные проблемы, связанные с существовавшим в тот период в Хорасане общественно-политическим строем, выражено его негативное отношение к феодальным отношениям, несправедливости, гнету и насилиям, которым подвергался человек. Здесь Навои выражает свои социальные идеи о преобразовании, модернизации существовавших отношений в обществе. Он указывает на равное положение правителя и простых людей в обществе:

*... Склоняется перед тобой народ,  
Покорно он твоих велений ждет...  
... Но сам пред ним ты немогущ и слаб,  
Ты сам — его творение и раб.  
Как все, ты — прах и обречен земле,  
Как все, ты — сгусток тьмы, не свет во мгле... [5, с. 51]*

Герою Навои чуждо стремление к власти, воспринимаемое ими как средство для осуществления на практике благородных задач. Как правителю Искандару присущ высокий уровень ответственности перед государством и народом, он является сторонником диалога с народом, стремится к тому, чтобы проводить в жизнь свою политику, направленную на благоденствие народа и справедливость в стране. В этом произведении Навои, сам того не осознавая, высказывает идеи о представительной форме демократии:

*О люди Рума! Вы — пред солнцем дня —  
Как море, окружившее меня!  
Высокой вы иль низкой вы судьбы,  
Вы все, как я, Всевышнего рабы...  
Теперь, достойнейшего возлюбя,  
Царя вы изберите для себя!  
Чтоб он во всем и всех превосходил,  
Чтоб править только он достоин был.  
Чтобы с любовью, с чистою душой,  
Как солнце, он сиял над всей страной.  
Чтоб в правосудье вечной был весной,  
А для злодеев — громовой стрелой.  
Чтобы врага нещадно он разил,*

*А подданных надежно защитил...  
И пусть высоко он свой держит меч,  
Сумеет угнетение пресечь...  
Пусть угнетателям отпор дает,  
Чтобы в покое, в мире жил народ. [5, с. 27-28]*

По убеждению Навои, для того, чтобы в обществе была социальная справедливость, необходимо, чтобы люди жили в дружбе, были трудолюбивы, чтобы чисты были их нравы, соблюдались традиции, почитали религию, хотя, конечно, очень трудно достигнуть такого общества, где все одинаково четко будут осознавать необходимость соблюдения таких принципов на деле.

Несомненно, что одним из важных факторов осуществления справедливости является нетерпимое отношение к лжи, неправде и лицемерию. Навои считает, что не может быть справедливости, если человек не замечает и проходит мимо обмана, лжи, клеветы. Все эти негативные этические качества становятся основой для возникновения несправедливости, что приводит к тому, что личность испытывает духовные муки.

Навои сформулировал идеал справедливого правителя, от которого зависит мир и спокойствие в стране, благоденствие народа:

*Он – царь народа, мудр и благороден,  
Но в простоте души с дервишем сходен.  
Перед владыками земли он – шах,  
Пред бедняками он смирен, как прах.  
Наш мир земной – что мусор для него,  
А царство сердца радостней всего.  
Он облегчит удел всех бедняков,  
Как шах Абдулгази, всегда готов.  
Султан Хусейн поистине велик,  
Он в сущность человечности проник.  
Пока вращаться будет небосвод,  
Пусть миром шах владеет без забот.  
Пусть радость он несет народу вечно,  
Пусть жизнь его пребудет бесконечно. [7, с.12]*

Навои подвергает резкой критике государственную политику, проводимую его другом Султаном Хусейном Байкарой, который в последние годы своей жизни приносил большие бедствия народу и стране. Навои выражает свою озабоченность тем, что невежды и карьеристы, негодяи и подхалимы заняли государственные должности, нарушая тем самым принципы справедливости:

*Но вот – невежда, грубый, может быть,  
Ты не захочешь с ним и говорить  
И гнать его велишь с порога прочь,  
Не в силах отвращения превозмочь.  
Понятья в нем о благочестье нет,  
И в нем ни совести, ни благочестья нет  
Он чувства человечности лишен,  
Он страшно глуп, но властью облачен.  
Он - ненавистник правды и наук,  
И для ученых он – источник мук.  
...С собакой он не может быть сравнен,  
Собака человечнее, чем он  
И странно, что убица и злодей,  
Невежда, нечестивый враг людей,  
Велик и властен – волею судьбы,*

*А люди лучшие – его рабы.* [7, 140]

Поэт критически относится к общественно-политическому строю своей эпохи, воспринимает мир как постоянную борьбу между добром и злом. Навои верит, что для того, чтобы восторжествовала справедливость, во главе страны должен стоять мудрый правитель, чей образ он представил во многих своих произведениях был выражен как некая образцовая личность в облике Искандара. Главные качества правителя Навои видит в чести, мудрости, щедрости, могуществе. Они должны были содействовать стабильности государственной власти, которая была особенно актуально во времена междуусобной борьбы за престол между потомками Тимура.

Стремление к справедливости и борьба с несправедливыми деяниями являются составной частью совести, наличие которой способствует объективной оценке всех поступков человека. Навои сравнивает совесть и верность с близнецами, родителями которых являются благородство и мужество, которые всегда в большом дефиците в обществе.

Навои утверждает, что идеи справедливости всегда определяли природу человека и суть социального строя общества, и всегда люди боролись за то, чтобы в обществе было торжество справедливости. В обществе, где нарушены или деформированы основы социальной справедливости царят отчаяние и пессимизм. А в обществе, в котором установлен принцип справедливости, по мнению поэта, всегда будет процветать идеи гуманизма, милосердия и это общество всегда будет развиваться вперед.

Воспетые Навои великие идеалы гуманизма, справедливости, милосердия, процветания страны, воспитания молодежи гармоничными личностями нашли свое отражение в сегодняшних преобразованиях и реформах, проводимых в нашей стране, где главным критерием являются интересы человека, социальная справедливость и прогресс.

#### Литература

1. Абдухаликов Ё.Х. Философия справедливости. – Ходжент, 1994.
2. Аитова Г.Ш. Новое понимание справедливости в эпоху глобализации: социально-филологический анализ: автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – М., 2011.
3. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Смятение праведных. Том III. – Т., 1968. – 271 с.
4. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Фархад и Ширин. Т IV. – Т., 1968. – 408 с.
5. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Стена Искандара. Т VII. – Т. 1968. – 414 с.
6. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Язык птиц. Т VIII. – Т., 1968. – 344 с.
7. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Возлюбленный сердец. Т X. – Т., 1970. – 198 с.
8. Алишер Навои. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Тарихи анбиё ва ҳукамо. 16-том. – Т.: Фан, 2000. – 329 б.
9. Алишер Навоий. Тарихи мулуки ажам. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 16-том. – Т.: Фан, 2020. – 329 б.
10. Арипов М.К. Социальная утопия как течение общественно-философской мысли в Средней Азии. — Ташкент, 1989. – 107 с.
11. Философский энциклопедический словарь. – М., 1999. – 655 с.

#### РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена анализу проблем справедливости в духовном наследии великого поэта и мыслителя Алишера Навои. Навои в своих трудах подвергает тщательной разработке концепцию справедливого общества, справедливого правителя и справедливой жизни для народа, пытается найти ответы на вопрос о причинах социального неравенства среди людей в обществе. Мыслитель видел идеал справедливого правителя в лице Султана Хусайна Байкары и героя своей поэмы Искандара, наделяя их самыми лучшими личностными качествами, видя в их правлении залог благоденствия народа и развития страны.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг маънавий меросидаги адолат муаммоларини таҳлил қилишга бағишланган. Навоий ўз асарларида адолатли жамият, адолатли ҳукмдор ва одамлар учун адолатли ҳаёт тушунчаларини батафсил баён қилади, жамиятдаги одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик сабаблари ҳақидаги саволга жавоб топишга ҳаракат қилади.

Мутафаккир адолатли ҳукмдорнинг султони Хусайн Бойқаро ва унинг шеъридаги қаҳрамон Искандарни яхши фазилатлар билан тақдирлаб, уларнинг тақдирида халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётининг калитини кўрди.

#### SUMMARY

This article is devoted to the analysis of the problems of justice in the spiritual heritage of the great poet and thinker Alisher Navoi. Navoi, in his works, thoroughly elaborates the concept of a just society, a fair ruler and a fair life for the people, trying to find answers to the question about the causes of social inequality among people in society. The Thinker saw the ideal of a just ruler in the person of Sultan Husayn Baykara and the hero of his poem Iskandar, endowing them with the best personal qualities, seeing in their board the key to the welfare of the people and the development of the country.

*Рекомендовано к печати д.филол.н. С. Чариевым*

## ИЛМИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МАҲСУЛИ ВА ТРАНСПЛАНТАЦИЯ МАСАЛАСИ

Исахова Ш.М. (ЎзМУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *биоэтика, трансплантация, ахлоқий муносабат, қонунчилик, қариндош донорлар.*

**Ключевые слова:** *биоэтика, трансплантация, этика, законодательство, родственные доноры.*

**Keywords:** *bioetika, translantatsiya, ethical matter towards the law, native donors.*

Биология ва тиббиётда бўлаётган янгиликлар, илм-фан ривожини натижа сифатида юзага келтирилган технологияларни эзгу мақсадлар сари йўналтириш, куннинг долзарб муаммоларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Фанлар тараққиёти ва маълум фанларнинг интеграцияси янги фанлар кўринишини юзага келтирди. Булар қаторига янги фан тармоғи сифатида биоэтикани қўшишимиз мумкин. “Биоэтика турли хил қарашларни муҳокама қилиш учун очиқ ва ер қуррасида ҳаётни сақлаб қолиш учун ҳар бир инсон шахсан жавобгар эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Биоэтика мақсадларидан бири – шахсни турли ҳолатларга солиш имкониятларни яратувчи, инсон хатти-ҳаракати, рухиятини ўзгартириш мумкин бўлган, унинг устидан ўтказилаётган хилма-хил тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқади”. [1:56].

Биоэтика янги фан тармоғи сифатида ўз ичига бир неча масалаларни камраб олади. Булар қаторига эвтаназия, ташувчи оналик, аборт, трансплантация масалалари қиради. Биоэтикадаги трансплантация масаласи соф тиббий масала бўлса-да, айрим жараёнларда ижтимоий жиҳатдан диний-ахлоқий, маданий, ҳуқуқий ёндашишни талаб этади.

Инсоннинг жисмоний табиатини ўзгартириш билан боғлиқ маънавий масалалар бир одам органини бошқа одамга кўчириб ўтказилган пайтдан бошлаб пайдо бўлди. Биоэтиканинг бу муҳим муаммоси трансплантация ҳодисаси ҳисобланади. Биоэтикада нафақат сунъий уруғлантириш қораланади, балки медицинада мустаҳкам ўрин олган трансплантация йўналиши ҳам. Бугун эса бундай операцияларни ўтказиш учун техник муаммолар ўз ечимини топди. Энди тиббиёт ходимлари олдида бир инсоннинг ҳисобига бошқа бир инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишнинг чексиз имкониятлари эшиги очилгандек гўё. Мана шу чексиз имкониятлар эшигини очган трансплантация тушунчасининг келиб чиқишининг ҳам ўзига яраша тарихи мавжуддир. Айнан бу йўналишни ўрганувчи тиббиёт бўлими транспаталогия ҳисобланади. Ҳаёт учун зарур бўлган аъзоларни айниқса юракни экспериментал трансплантологиясининг асосчиси Алекси Каррел ҳисобланади, у бунинг учун 1912 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлди. Инсондан инсонга аъзо трансплантациясини 1933 йилда Херсонда Ю.Ю. Вороной амалга оширди. Россия трансплантологиясининг асосчиларидан бири рус олими В.П. Делихов ҳисобланади. У 1967 йилда донор юракни итга кўчиришни деталлаб ишлаб чиқди. 1967 йили 3 декабрда ЖАРлик хирург Кристиан

Барнад Делиховдан тайёрлов ишларидан ўтиб, дунёда биринчи марта инсонга юрак трансплантациясини омадли ўтказди. Донор аъзо билан (юрак) энг кўп ҳаёт кечирган рекордга америкалик Тони Хьюсман эга бўлди. У трансплантациядан кейин 30 йил умр кўриб саратондан вафот этади.

Юқорида айтганимиздек, бир инсон ҳаёти учун бошқа бир инсоннинг ҳисобига юзага келадиган трансплантация жараёни бир қанча саволлар ва ахлоқий муаммоларни туғдиради. Бироқ ўша “ҳисобига” назардан қочириб бўлмайдиган муаммоларни келтириб чиқарди. Хўш, трансплантациянинг ривожланиши қандай муаммоларни келтириб чиқаради-ю ва қандай муаммолар унга халакит беради? Биринчи навбатдаги бу - донор ва реципиент муаммосидир. Сўзсиз оптимал ва юқори даражадаги вариант – бу касалнинг қариндошлари томонидан ўз хоҳиши билан аъзосини қурбон қилишдир. Бироқ бундай вариант хамиша ҳам бўлавермайди. Шунда бегона донор ҳақида савол туради. Маълумки, беморнинг аъзо ва тўқималарини ўз хоҳиши билан беришга рози бўлиши деонтологик принципларидан биридир. У донорнинг пациентга нисбатан инсоний муносабат ҳамда донор, реципиент ва уларнинг қариндошлари томонидан шифокорларга бўлган ишончи билан белгиланади. Ушбу ҳолатда шифокор қалтис ҳаракатга қўл уришга ҳаққи бор, бироқ у операция билан боғлиқ ҳолатлардан донор ва реципиентни огоҳ этиши шарт ҳисобланади. (Дарвоқе, 18 ёшга тўлмаган шахслар донор бўлишлари мумкин эмас, чунки ақл даражаси етарлича юқори эмас ва улар бу ҳаракатни ҳис-туйғуларга берилиб ёки катталарнинг босими остида амалга оширишлари мумкин). Шу билан бирга бегона инсон ҳаётида ўз аъзосини сотиш ёки ҳадя этиш ҳуқуқига қонуний равишда эга эмас. Демак, беморга керакли аъзони фақат жасаддан олиш керак, бу қанча тез бўлса, шунча яхши. Айнан шу ерда жиддий этик қарама-қаршилиқ пайдо бўлади.

Реаниматологлар ҳаракатининг охиригача ўлаётган инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишга уринсалар (ҳатто оғир беморни ҳам), трансплантологлар эса шу пайт беморнинг ўлимини “интиқлик” билан кутишадилар, чунки бу уларга бошқанинг ҳаётини сақлаб қолишга имкон беради. Албатта, бу интиқлик беморни ўлимга етаклайди. Лекин объектив томондан бу айнан шундай: бир беморнинг ҳаётни тарк этиши бошқасини сақлаб қолиш имконини беради. Бугун дунёнинг кўпгина мамлакатларида кўчириш учун жасаднинг аъзосидан фойдаланиш икки вариантда ҳуқуқий ечимини топди. Биринчиси АҚШда кенг тарқалган бўлиб, ўз хоҳиши билан амалга оширилади. Унинг асосида ҳар бир киши ўзининг аъзоларини бошқа шахсларга беришни юридик ҳал қилиш имконига эгадир. Бундай йўл шахс эркинлигини ва ҳуқуқини ҳурмат қилиш қоидаларига мос келади ва алтуризм ҳиссининг ривожланишига яхши таъсир ўтказди. Иккинчи вариант Европа давлатларида тарқалган. У “тахмин қилинган розилик” концепциясига асосланган. Унинг мазмуни шундаки, шифокор жасаддан керакли аъзоларни олиш учун юридик ҳуқуқга эга бўлади, чунки шифокор розилик олиш мумкин бўлар эди деган тахминга асосланади.

Ўзбекистонда бугунги кунда биоэтиканинг маълум йўналиши ҳисобланган трансплантация амалдаги қонунчиликда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва саломатлигини инобатга олган ҳолда қонун билан асосланиб қўйилганди. “Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг “Соғлиққа қарши жиноятлар” номли бобининг 104-модда И) бандида назарда тутилган, яъни киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида фуқаро жиноят содир этса, қонун бўйича қуйидаги жазо тайинланади. Саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” [ 2:58].

Шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда республикада тиббиёт фани ривожига кенг эътибор берилмоқда. Шунинг натижасида давлатимизда мавжуд қонунчиликка ўзгартириш киритилган ҳолда, трансплантациядан фуқаролар соғлиғини тиклашга йўл очиб берилди. Ўзбекистон ҳукуматининг 2017 йил 23 октябрдаги қарори билан мамлакатдаги учта тиббиёт муассасасида буйрак ёки жигар бўлагини трансплантация қилиш бўйича жарроҳлик амалиётлари амалга оширила бошланди. Бундай ўта ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиёти юқори технологик операциялар АҚШ, Германия, Норвегия, Шве-

цария ва Ҳиндистон каби тиббиёти ривожланган давлатлардагина бажариларди, холос. Ўзбекистонда донор бўлувчи қариндошлар рўйхати кенгайтирилди, шунингдек, трансплантация амалиёти билан шуғулланувчи тиббиёт муассасалари ҳам кўпайди. Донор сифатида белгиланган яқин қариндошларнинг чекланган доираси ҳам кўриб чиқилиб, амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра сурункали буйрак ва жигар касалликларининг терминал босқичида бўлган ҳолатларда қариндошлар орасида буйрак ва жигар бўлагини трансплантация қилиш учун қўллаш, шароитлар яратиш, шунингдек, юқори технологияли ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими-ни янада такомиллаштириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги “Яқин қариндошлар орасида буйрак ва жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга қатор ўзгартиришлар киритилди. Эндиликда тирик қариндош донорлар қонунчилик асосида ўзаро биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи даражада қариндош бўлган шахслар ўртасида бўлиши мумкин. Бунда:

болалар ота-онасига нисбатан биринчи;  
невара бобо-бувисига нисбатан шунингдек, ака-ука ва опа- сингиллар иккинчи;  
эвара катта бобоси ва катта бувисига нисбатан, шунингдек, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан учинчи;

тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса тўртинчи;

Булар ҳужжатда “қариндошлар” сўзлари билан аталади.

Аммо ушбу яқин қариндошлар:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган;

- белгиланган ҳолатда ўзини ўзи бошқара олмайдиган деб топилган;

- озодликдан маҳрум қилинган;

- I ва II гуруҳ ногиронлари;

- ҳомиладор аёллар;

- наркомания, сурункали алкоголизм ва токсиманиядан азоб чекаётган бўлса, улардан трансплантация мақсадида буйрак ва жигар бўлагини олишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилган никоҳ асосида камида уч йил биргаликда яшаган эр ва хотинлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча қариндошлари, ўғай ака-ука ва опа-сингиллар ҳамда уч йил муддат олдин қонунчиликда белгиланган тартиб асосида фарзандликка олинган болалар (фарзандликка олувчи ота-оналари билан ўзаро) тирик қариндош донорлар бўлиши мумкин. Шунинг билан бирга эндиликда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Хоразм кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳам трансплантация амалиётларини бажариш ваколатига эга бўлди. Сўнгги икки йил давомида Республика ихтисослашган хирургия илмий амалий тиббиёт марказида 230 дан ортиқ буйрак, 6 та жигар, Республика шошилич тез ёрдам илмий марказида эса 68 буйрак трансплантацияси операциялари ўтказилиб, жами 300 нафардан зиёд фуқароларимизнинг юқори технологик операциялар учун хориж давлатларига боришининг олди олинди.

Ҳар бир фан доирасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар аввало инсонлар тинчлиги ва соғлигига хизмат қилиши керак. Сабаби ҳар қанақа илмий янгилик олам ривожланиши қонуниятларига бўйсунганини талаб этади.

Илмий тадқиқотлар муайян ахлоқий қадриятларни ўз ичига олиши лозим, чунки улар моҳият эътибори билан эзгу мақсадларга эришишга қаратилган. Эзгуликнинг таркибий қисмларидан бири эса ҳақиқатдир. Ушбу ғоянинг асосий далилларида бири бу Платон ўзининг “Филей” асарида аниқ таътифлаб берган эзгулик ва ҳақиқат ўзаро нисбатининг фалсафий талқинидир [3:83] . Буюк аллома фикрига кўра, эзгулик уч асосдан: гўзаллик, ҳақиқат ва меъёрдан иборат, яъни ҳақиқат эзгуликнинг узвий таркибий қисми ҳисобла-



нади. Ушбу фалсафий ёндашувга кўра, илмий тадқиқотлар замирида муайян ахлоқий кадрлар ётиши лозим.

Трансплантация масаласига нисбатан ислом биоэтикасида шариат қонунлари асосида маълум бир талаблар ишлаб чиқилган. Ислом фикҳи академияси Маккаи Мукаррамада, Робитанинг биносида, 1985 йил 19-28 январ кунлари бўлиб ўтган саккизинчи мажлисида бир инсоннинг аъзосини олиб, ўша аъзоси ишдан чиққан ва ёрдамга муҳтож бошқа инсонга қўйиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Бу иш янги тиббий илм ва жиҳозлар воситасида бажариларди. Мазкур масалани кўриб чиқишни Ислом фикҳи академиясидан Робитанинг АҚШдаги ваколатхонаси илтимос қилган эди. Муноқаша ва фикр алмашинувидан кейин Ислом фикҳи академияси бир овоздан қуйидаги фикрларни қабул қилди:

1. Аъзони бериш ихтиёрий равишда, мажбурлашсиз бўлиши лозим.
2. Аъзони кўчириш беморни даволаш учун ягона восита бўлиши, бошқа иложнинг имкони бўлмаслиги шарт.
3. Аъзони кўчириш ва ўрнатишда одатда муваффақият билан амалга ошишига ишонч тўлиқ бўлиши керак.

Шунингдек, қуйидаги ҳолатлар ҳам шариат бўйича жоиз ҳисобланади:

1. Муҳтож бемор учун ўлган одамнинг аъзосини олиш. Ўлган одам шариат тақлифидаги ва ўзи тириклигидаги рози бўлганлиги шартли ила.
2. Муҳтож инсонга ҳалол ва сўйилган ҳайвоннинг, зарурат юзасидан бошқаларнинг ҳам аъзосини олиб қўйилса жоиз.
3. Инсоннинг ўз жисмидан бир бўлагини олиб, ўзига ўрнатиши ҳам жоиз. Мисол учун, териси ва суягидан бир бўлагини олиб, бошқа керак жойига қўйиш.
4. Турли маъдан ва моддалардан қилинган сунъий нарсаларни инсон жисмига ўрнатиш ҳам жоиз. Мисол учун бўғинлар, юрак клапани, бошқаларни. [4:10-11].

Юқорида келтириб ўтганимиз Ислом фикҳи академиясининг бир овоздан қабул қилган фикрларни биринчи бандида “зарар етказмаслик” иборасига катта эътибор қаратган. Шундан кўринадики, бир инсон ҳаётини сақлаб қолиш эвазига амалга ошириладиган трансплантация жараёни, аъзо донори бўлган инсон соғлигига зарар келтирмасдан фақатгина фойда бериши керак. Бу эса фойдалилик пиринципига мос бўлади. Одамларда ўтказиладиган илмий тадқиқотлар этикасининг уч асосий принципи – шахсни ҳурмат қилиш, фойдалилик ва одиллик илмий этиканинг негизи ҳисобланади. Маҳаллий қонунлар мазмуни ва маданий-иқтисодий шарт-шароитлар доирасида қўлланилиши лозим. Инсон аъзолари ёки хужайраларини кўчириб ўтказишда даволаш самарали бўлса, кутилажак ножўя таъсирлар йироқроқ бўлади. Бундан кўринадики, тиббий касб эгаси доимо Гиппократнинг «зиён етказма» тамойилига амал қилади.

1967 йилда Саудия Арабистонида кўз мугуз пардасини, 1982 йилда эса бошқа органларини кўчириш ҳақидаги фатво эълон қилинди. 1979 йилда Қувайт, 1986 йили Сингапур, 1988 йили Ислом Фикҳи академияси, 1989 йил Ҳиндистон Фикҳи академиялари томонидан тананинг турли аъзоларини кўчириш борасида фатволар чиқарилди. Умуман олганда, аксар ислом олимлари бир қанча шартларга амал қилиниши ҳолатида ўликларнинг аъзоларини бошқа инсонга кўчириш мумкинлигини айтганлар. Мазкур шартлар қаторида даволашнинг бундан бошқа йўли бўлмаслиги, донорнинг ўзи (ўлимидан олдин), қариндошлари (вафот этган бўлса) ёки маъсул давлат ҳодими (ўликнинг қариндошлари аниқланмаса) рухсати, жарроҳликни малакали табиблар ўтказиши, бу ишни тижоратга айлантириб юбормаслик, майитга тирикларга қилинган муомалани қилиш саналган. Айни дамда, уламолар мусулмонларга ғайридин донорларнинг аъзоларини ўтказиш, мусулмонларнинг номусулмонларга тана аъзоларини беришлари, сунъий тана аъзоларини ўрнатиш ҳамда ҳайвонларнинг аъзоларини инсонга трансплантация қилишга ҳам рухсат беришган. Барча ҳолатларда юқорида санаб ўтилган шартларга амал қилиш зарурий ҳисобланади. [5:128-129]

Бундан кўринадики, амалда соғлиққа бевосита фойда келтириши мумкин бўлмаган тадқиқотлар фақат истисно тариқасида, мумкин қадар кўпроқ чеклашлар билан, тегишли шахсга таҳдид солувчи хавф-хатарни мумкин қадар камайтирган ҳолда ва фақат бундай

тадқиқотлар айна шу тоифага мансуб бошқа шахслар соғлиғига фойда келтириши мумкин бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларга риоя қилган ҳолда ва айрим шахснинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нормаларига мувофиқ ўтказилиши лозим. Мазкур шахсларнинг тадқиқотларда иштирок этишдан бош тортишини ҳурмат қилиш керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, билимлар тараққиёти масъули ҳисобланган биоэтика соҳаси ва ундаги трансплантация масаласига бугунги кунда ҳар бир давлат ҳар томонлама ёндашиб, ундан инсонлар соғлиғи йўлида тўғри фойдаланиш тартибини ишлаб чиқишди. Инсон ҳаёти ва борлиғи бирламчи бўлган ҳар қандай маконда, биоэтика маданий тараққиётнинг бир бўлаги сифатида ривожланади. Айна дамда мавжуд кадриятларга бўйсунди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Фалсафа қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 56.
2. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат. – Т, 2001. – Б. 58.
3. Платон. Сочинения в трех томах. – М.: Мысль, 1971. Т.3. Ч. 1. – С. 83.
4. "Сугдиёна" газетаси. – № 10 (1065), 2019 йил 7 март. – Б.10-11
5. Ислом маърифати ва ҳозирги замон. – Т.: Ислом унверситети, 2017. – Б. 128-129.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола биоэтиканинг замонавий масалаларидан бири ҳисобланган трансплантация ҳақида. Биоэтикадаги трансплантация масаласи соф тиббий масала бўлса-да, айрим жараёнларда ижтимоий жиҳатдан диний-ахлоқий, маданий, ҳуқуқий ёндашишни талаб этади. Инсоннинг жисмоний табиатини ўзгартириш билан боғлиқ маънавий масалалар бир одам органини бошқа одамга кўчириб ўтказилган пайтдан бошлаб пайдо бўлди.

#### РЕЗЮМЕ

Эта статья о трансплантации, которая считается одной из современных проблем биоэтики. Хотя проблема трансплантации в биоэтике является чисто медицинской проблемой, в некоторых аспектах она требует социально-религиозно-этического, культурного, правового подхода. Духовные проблемы, связанные с изменением физической природы человека, возникли с тех пор, как один человеческий орган был заменен на другой.

#### SUMMARY

This article is about transplantation, which is considered one of the modern problems of bioethics. Although the issue of transplantation in bioethics is a purely medical issue, it requires a socially religious-ethical, cultural, legal approach in some processes. The spiritual issues associated with changing the physical nature of man have arisen since the time when one human organ was transplanted to another.

*Наишга фалс. ф. д. С. Чориев тавсия этган*

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ашурова С. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *иқтисодиёт, тизим, барқарор ривожланиш, БМТ, концепция, ривожланиш, инсон, жамият.*

**Ключевые слова:** *экономика, система, устойчивое развитие, ООН, концепция, развитие, человек, общество.*

**Keyword:** *economy, system, sustainable development, UN, concept, development, person, society.*

Ҳеч ким келажак қандай бўлишини аниқ билмайди, лекин ҳамма келажак бугунги кунга ўхшамаслиги ҳамда инсон жамиятининг онги ва маданиятидаги ўзгариши қай даражада бўлиши, келажакимиз барқарор бўлишига таъсир этишини аниқ билади. "Барқарор ривожланиш" концепциясининг кўплаб таърифлари мавжуд. Масалан:

– Барқарор ривожланиш – бу келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини сақлаган ҳолда, ҳозирги авлодларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган ривожланишдир.

– Барқарор ривожланиш – иқтисодиёт, жамият ва табиатни бир-бири билан уйғунликда ривожлантириш.

– Барқарор ривожланиш – иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш, бир-бирининг уйғунлиги асосида атроф-муҳитни асрашдан иборат.

Кўпгина олимлар, иложи борича, барқарор ривожланишнинг моҳиятини тўлиқ очиқ беришга ҳаракат қилади, аммо бу осон иш эмас, чунки бу концепция инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жиҳатларини ўз ичига олади. Барқарор ривожланиш тушунчаси янги фикрлар тизими эмас. Улар минг йиллар давомида тўпланган ҳаёт тажрибаси ва билимларининг натижаси сифатида маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи ва урф-одатларида ўз аксини топган. Инсоният ҳаёти табиий муҳит ҳолати, уларнинг ёнида яшовчи ҳайвонлар ва ўсимликлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Кўплаб халқларнинг маданияти, эътиқоди ва анъанавий маънавий қадриятларида табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва табиий ва ижтимоий тизимларнинг барқарорлигини таъминлаш асослари акс этиб келинган. Бироқ саноат инқилоби бошланганидан сўнг инсоният кўплаб қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурсларни истеъмол қилади ва қайта ишлайди.

Шу билан бирга ишлаб чиқарилган чиқиндилар миқдори табиий тизимларнинг мустақил равишда ассимиляция қилиш қобилиятини камайтирмоқда. Инсон фаолияти кенгайиб бораётганлиги натижасидан бу муаммолар сайёрамиз ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиб, одамлар ҳаётига катта хавф туғдирмоқда. Шу жумладан, инсон саломатлиги ва инсон фаолияти натижасида ҳосил бўлган атроф-муҳитнинг таназзулга учраши ўртасидаги муносабатлар муаммоси илк бор 1948 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) томонидан кўтарилди. 1960 йилларда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, янги технологияларни қўллаш ва ташкилий чора-тадбирлар асосида иқтисодиётни ўзгартириш зарурлиги, табиатни муҳофаза қилиш ва жамиятни келажакда ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Биринчи марта "барқарор ривожланиш" иборасини 1970 йилларда биолог Барбара Уорд фанга киритди. 1980 йилда барқарор ривожланиш концепциясининг асослари жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясида шакллантирилди. Атроф-муҳитни эъзозламасдан жамиятнинг барқарор ривожланиши мумкин эмаслиги аён бўлди. БМТнинг атроф-муҳит ва тараққиёт бўйича халқаро комиссияси томонидан 1987 йилда тақдим этилган "Бизнинг умумий келажакимиз" ҳисоботида илк мартаба "барқарор ривожланиш" атамаси расмий даражада эълон қилинди.

1989 йилда БМТ Бош Ассамблеяси "Бизнинг умумий келажакимиз" ҳисоботидаги тавсияларини кўриб чиқиб, атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Жаҳон конференциясини ўтказишга қарор қилди. Рио-де-Жанейродаги конференция (1992 й) барқарор ривожланишнинг иқтисодий аҳамиятини тасдиқлади ва ривожланиш режаларини ишлаб чиқишда барқарорликни таъминлаш зарурлигини таъкидлади; шу билан бирга, ижтимоий жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Инсон саломатлиги учун хавфсиз муҳитни таъминлаш масалаларига бағишланган "Мингйиллик саммити"да (Нью-Йорк, 2000 й.) атроф-муҳит ҳолатининг давом этаётган ёмонлашувини ҳисобга олган ҳолда, Жаҳон ҳамжамияти Рио-де-Жанейрода қабул қилинган кўплаб асосий тамойилларга бўлган муносабатини қайта кўриб чиқишни ва куйидаги саволларга жавоб топиши керак бўлиш юзасидан қарор қабул қилинди:

1. Ернинг табиий ресурсларининг тез камайиб кетишини қандай тўхтатиш мумкин?

2. Иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлар ва ҳозирги ва келажак авлодларнинг саломатлиги учун хавфсиз муҳитни таъминлаш зарурати ўртасида барқарор мувозанатни қандай топиш мумкин?

3. Одамларнинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун ривожланган ва ривожланаётган давлатлар, ҳукуматлар ва фуқаролик жамиятлари ўртасида ҳамкорликни қандай мустаҳкамлаш мумкин?

2002 йил Йоханнесбургда “Жаҳон барқарор ривожланиш саммитида” иштирок этган 200 давлат ва ҳукумат раҳбарлари барқарор мувозанатнинг учта ажралмас қисмини (иктисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш) ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун биргаликда масъулиятни ўз зиммаларига олдилар.

Муайян умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган барқарор ривожланишнинг учта омили мавжуд:

№	Барқарорлик омиллари:	Умуминсоний қадриятлар
1	Ижтимоий адолат ва сиёсий барқарорлик	Тинчлик, тенглик, демократия
2	Экологик барқарорлик	Табиатни муҳофаза қилиш
3	Иқтисодий фаровонлик	Ривожланиш

Барқарор ривожланиш омиллари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Мисол учун, иқтисодий ривожланиш барқарор бўлмаслиги мумкин. Агар:

- экологик талабларни эътиборсиз қолдириш;
- экологик жиҳатдан қулай технологияларга ўтилмаса;
- соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот ва ҳ.к. тизимларни ривожлантирилмаса;
- одамлар ўртасида ресурсларни адолатли ва тенг тақсимлашни таъминланилмаса;
- келажак авлодларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олинмаса;
- демократия ривожлантирилмаса, барқарор ривожланишга эришиш учун барча ижобий, мувозанатли омилларни ўзгартиш талаб қилинади.

1992 йилда Рио-Де-Жанейродаги БМТнинг “Атроф-муҳит ва тараққиёт” конференциясида эълон қилинган “Барқарор ривожланиш” дастурида барқарор ривожланишга эришиш учун бешта асосий қарама-қаршиликни енгиб ўтишни таъкидланади:

1. Табиат билан уйғунликдаги ҳаёт ва ҳақиқий ҳаёт ўртасидаги зиддиятлар.
2. Жамиятнинг ривожланиши ва атроф-муҳит ўртасидаги зиддиятлар.
3. Замонавий ва келажак авлодлар манфаатларининг зиддиятлари.
4. Бой ва камбағал одамлар ва мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар.
5. Ички иқтисодий қарама-қаршиликлар.

БМТнинг "Бизнинг умумий келажакимиз" ҳисоботида саккизта асосий йуналиш бўйича шошилинч чоралар кўриш тавсия этилади:

- аҳоли ва инсон ресурслари;
- озик-овқат хавфсизлиги;
- урбанизация муаммолари;
- энергетика;
- саноат;
- биологик хилма-хиллик ва экотизимлар;
- можаролар ва атроф-муҳитнинг таназзулга учраши;
- бошқарувдаги ягона мафкура.

Ушбу соҳаларда муаммоларни ҳал қилиш қарама-қаршиликларни бартараф этади ва барқарорликни таъминлайди. Барқарор ривожланиш назарияси, барқарорликнинг физик-математик назариясидан фарқли ўлароқ, шаклланиш босқичидаги ижтимоий фан бўлганлиги учун уни тўғри тушуниш ва ҳаётимизнинг турли жиҳатларига, маҳаллий хусусиятлар ва урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда қўллаш керак.

Барқарор ривожланиш тушунчаси нафақат сайёрамизнинг ҳолати, балки одамларнинг онги ва дунёқараши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Унинг асосий мақсадлари:

- экологик - биосферанинг қобилияти, экотизимларнинг яхлитлигини таъминлаш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва глобал атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш;
- иқтисодий – иқтисодиётни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, иқтисодий тенгсизликни бартараф этиш;
- ижтимоий – барчага муносиб турмуш шароитларни яратиш, ижтимоий адолат, маданий хилма-хилликни сақлаш, конституциявий ривожланиш.

Аурелио Печчеи тўғри таъкидлаганидек: "Инсониятга энди, аслида ривожланиши-нинг кейинги босқичига имкон қадар тезроқ яқинлашишдан бошқа ҳеч нарса қолмади, у ўз кучини муносиб донолик билан бирлаштириб, барча инсоний ишларнинг уйғунликда ва мувозанатда юритишни ўрганади"<sup>1</sup>.

Инсон ўз фаолиятининг исталмаган оқибатларини олдиндан билиш ва олдини олиши-ни ўрганганлиги учун ўз кучидан оқилона фойдаланиши мумкин. Бу фақат тегишли мада-ний эволюция туфайли амалга оширилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Аурелио Печчеи. Человеческие качества. Пер. с англ. О.В.Захаровой. Общая ред. акад. Д.М. Гвишиани. – Москва: Изд-во «Прогресс», 1980. – 302 с.
2. Вебстер К., Желвакова М.А., Кирилов П.Н., Корякина Н.И.. От экологического образова-ния к образованию для устойчивого развития. – СПб.: САГА, Наука, 2005. – 136 с.
3. Азизов А.А., Акиншина Н.Г., Нишонов Б.Э., Тупица А.В. Экология, Охрана окружающей среды, Устойчивое развитие. ЮНЕСКО. – Ташкент. 2001. – 357 с.
4. Киселева Н.П., Литвинцева Э.В., Павлов А.Г. Выбери будущее сегодня: книга для тех, кому жить в 21 веке. Пособие для учителей. – СПб., 2001. – С. 68.
5. Эргашев А., Эшчанов Р. Наука и образование во имя устойчивого будущего // Педагогик таълим. – №3. – Ташкент, 2007. – С. 42- 47.
6. Азизов А., Акиншина Н. Современное экологическое образование в контексте образования в интересах устойчивого развития // Экологический вестник. – №4 (73). – Ташкент, 2007. – С. 27-31.
7. Эргашев А., Каримов К. Устойчивое развитие – глобальная концепция и её значение для будущих поколений // Экологический вестник. – №5 (74). – Ташкент, 2007. – С. 22-26.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада барқарор ривожланиш тушунчасига изоҳ берилган. Омиллар, вазифалар, мақсад-лари тушунтириб берилган. Илмий ёндашув ёрдамида барқарор ривожланишга эришиш мумкин-лиги асосланиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается понятие устойчивого развития. Дано понимание его факторов, задач, целей. Статья основана на том факте, что устойчивое развитие может быть достигнуто с помощью научного подхода.

#### SUMMARY

The article reveals the concept of sustainable development. An understanding of factors, tasks, and goals is given. The article is based on the fact that sustainable development can be achieved using a scientific approach.

*Наишга фалс.ф.д. С. Чориев тавсия этган*

## БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

**Бурханов Т.М.** (Ўзбекистон Республикаси  
Қуролли кучлари академияси)

**Таянч сўз ва иборалар:** *маънавият, маънавий камолот, миллий армия, миллат, шахс, инсо-ний фаолият, ахлоқий идеал, таълим, тарбия, ирода, жасорат, эзгу мақсад, талабчанлик, интел-лектуал салоҳият.*

**Ключевые слова:** *духовность, духовное совершенство, национальная армия, нация, лич-ность, человеческая деятельность, этический идеал, образование и воспитание, подвиг, благая цель, требовательность, интеллектуальный потенциал.*

**Keywords:** *spirituality, spiritual perfection, national army, nation, personality, human activity, ethical ideal, education and upbringing, feat, good goal, exactingness, intellectual potential.*

<sup>1</sup> Аурелио Печчеи. Человеческие качества. Пер.с англ. О.В.Захаровой. Общая ред. Акад. Д.М. Гвишиани. Изд-во «Прогресс», Москва, 1980. 302 стр

Жамият тараққиётида ёшларнинг маънавиятининг ўрни ва аҳамияти жуда улкандир. Жамиятда яшовчи ҳар бир инсон ўз эътиқоди, мақсади ва манфаатлари билан Ватанга хизмат қилиши, унинг буюк келажаги учун интилиши лозим. Мамлакатимиз Асосий Қонунида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилганлиги алоҳида белгилаб кўйилган. Шу боисдан ҳам ушбу вазифаларни самарали амалга оширишда мамлакатимиз хавфсизлиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли таъминлайдиган профессионал ҳамда сафарбар миллий армияни шакллантиришга ёрдам берадиган янги қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнини мунтазам давом эттириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари академиясида зарур билим, қобилият ва кўникмаларга, юксак жанговар ва маънавий фазилатларга эга, ўз Ватанини муносиб ҳимоя қилишга қодир юқори малакали офицер кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизимни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугунги кунда “Юқори профессионал, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатли, фидойи ва мард ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Шу боисдан ҳам бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари академиясида бўлажак офицерларни маънавий камолотини юксалтириш бўйича бир қанча илмий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898 сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сонли “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2019 йил 12 мартдаги 202-сонли “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида тарбиявий ва мафқуравий ишлар органи фаолиятини ташкиллаштириш бўйича” қўлланма ҳамда Мудофаа вазирлигининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Булардан маълум бўладики, маънавияти юксак миллат ва давлатнигина келажаги буюк бўлиши мумкин. Зеро Т.Маҳмудов таъкидлаганидек: “Маънавият миллат ва шахснинг бутун инсоний фаолият ва идеалларини қамраб олувчи универсал тасаввурдир... Маънавият шахс ва миллатнинг “ақлли қалби”ни ифода этадиган, тарих тақозосига биноан унинг томонлари намоён бўладиган, табиат, жамият ва инсоннинг инсонийлашуви даражасини билдирадиган руҳий идрок оламидир”<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари академияси бўлажак офицерлари ўз мамлакатининг фуқароси эканликларини билишлари, ўзларидаги ирода ва жасоратни, мақсадга интилувчанликни, эзгулик ва талабчанликни тарбиялаши, мақтанчоқликка, зўравонликка, лоқайдликка, бойликка ортиқча ружу қўйиш, боқимандаликка, зарарли хулқ-атворларга қарши тура олишлари, ватанни, ватандошларини севишлари, барча миллат вакиллари билан дўстлашишни уддалашлари, ўқишда, санъатда, ҳар қандай ишда ижодкорликни намоён этишга интилиши керак. Улар моддий ва маънавий олам, маънавий ва руҳий озуқа тўғрисидаги тушунчага тўлиқ эга бўлиши лозим. Шунингдек, улар ўз халқи билан биргаликда жамиятнинг янгиланиши, ижтимоий бойликнинг кўпайиши, мамлакат тинчлиги ва осойишталиги учун масъул эканлигини билиши; ўзини тутиши, атрофидагиларга нисбатан талабчан бўлиши, ўз халқининг маънавий бойликларини, бутун дунёдаги илғор маданиятни севиши, байналмилалчи ҳамда содиқ дўст бўлиши, меҳнатда янгиллик, санъатда гўзаллик, ижтимоий муносабатларда маънавий гўзалликни кўра олиши керак. Улар Ватанининг келажагини ҳал қилувчи, енгилмас кучи эканлигини, енгилмас кучга айланиш учун эса

<sup>1</sup>Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 07/18/3898/1622-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 23.04.2020 й., 06/20/5983/0490-сон

<sup>2</sup>Қаранг: Маҳмудов Т. Инсон ва маънавият // Тафаккур ва тақдир. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 34.

Ўзларида юксак маънавият шаклланиши кераклигини чуқур англаб етишлари ва унга интилишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари академияси бўлажак офицерлари ўз ватанига дахлдор бўлган барча нарса ва ҳодисаларга жонли қизиқиш билдириши, ижтимоий фаол бўлиб, жамиятнинг янгиланиши, ижтимоий бойликнинг кўпайиши, мамлакат равнақи, тинчлиги ва осойишталиги, ўз шахсий ҳиссасининг кўпайиши учун қайғуриши; Ватанга ва дўстликка содиқ бўлиши, ўзидаги эзулик, хайрихоҳлик, ҳамдардлик, шафқатлилик, самимийлик, сабр-қаноатлилик, камтарлик, андишалилик, мардлик, интизомлилик хислатларини барқарорлаштириши керак. Шу боисдан ҳам академия тизимида тарбиявий ва мафкуравий ишларни ташкил этиш, бўлинмаларда мустаҳкам ҳарбий интизом, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, ҳар қандай шароитда юрт ҳимояси учун доимо шай бўлган, юксак жанговар, сафарбарлик тайёргарликка ва касбий маҳоратга эга ҳарбий хизматчиларни тарбиялашга йўналтирилган тизимли амалий ишлар (давра суҳбатлари, учрашувлар, бадиий адабий ва бошқа турли кечалар, семинар машғулотлар, акциялар, викториналар, маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар) амалга оширилмоқда. Зеро, ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг у ёки бу вақт ва макондаги даражаси кўп жиҳатдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада қондирилишига боғлиқдир. Зеро, “Маънавият, - деб ёзади А.Эркаев - миллатнинг асрлар давомида шаклланган, илдизлари унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ички (ақлий) интеллектуал ва собит ҳиссий (эмоционал) дунёсидир”<sup>1</sup>.

Инсоният турмуш тарзининг тарихий ривожланиш жараёнига назар ташлайдиган бўлсак, юксак маънавият ҳар қандай вазиятда ҳам жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлган, уни янада барқарорлаштириш эса мамлакатда рўй берадиган туб бурилиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш барча учун, миллий кадриятларга асосланган ҳолда унга амал қилиш бўлажак офицерларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгаллиги ўтмиш ҳақиқатларидан биридир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тизимида қуйидаги муаммолар мавжудлигини алоҳида таъкидлаган эди:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётий ва профессионал кўникмаларини илм-маърифат асосида қалби ва онгига сингдириш, мамлакатимиз ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда уларнинг билимларини ошириб бориш, ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалаларида тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Хусусан, олий ҳарбий таълим муассасаларида маънавий-маърифий йўналишда дунёқараши ва фикрлаш доираси кенг бўлган офицерларни тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги маънавий-маърифий ва маданий соҳа учун зарур инфратузилмалар замон талабларига жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик тизими яратилмаган. Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ишлари лозим даражада йўлга қўйилмаган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Эркаев А. Маънавият – устун йўналиш // Иқтисод ва ҳисобот, 1996, 2-сон, – Б. 20-22.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898 сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 13 август, 32-сон, 656-модда.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамятига тобора чуқур интеграциялашиб бораётгани, халқимизнинг жаҳондаги ривожланган миллатлар қаторидан жой олишга интилиши моддий – иқтисодий омиллар, юксак технологиялар билан бир қаторда, маънавий омилларни ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Лекин ҳар икки гуруҳ омилларни ривожлантиришнинг ўзи инсон тафаккурининг ўсишига, ижодий яратувчилик салоҳиятининг кучайишига боғлиқ. Туб ислохотларнинг чуқурлашиши жараёнида ижтимоий онгдаги ўтмишдан қолган баъзи қолюқ тушунчалар, маъмурий буйруқбозлик иллатлари, боқимандалик кайфиятларининг секин барҳам топаётгани ёки баъзи ёшларга бузғунчи, ёт ғоялар таъсир кўрсатаётгани, мафкуравий иммунитет етишмаслиги тафаккур эркинлиги масаласининг долзарблигини оширмақда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий кадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарадини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимни яратиш;

ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш;

ҳарбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётий позициясини шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойилик туйғуларини ошириш;

миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш асосида ҳарбий хизматчиларда “Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдир!” деган ҳаётий эътиқодни қарор топтириш;

диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларга эзгулик ва раҳмдиллик анъаналарини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш ҳамда уларни миллий маданиятимиз ва кадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш ва бошқалар шулар жумласидандир<sup>1</sup>.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари академияси курсантларининг билим ва тажрибаларни юксалтириш бўйича замонавий таълим ва тарбия тизими талабларга жавоб берадиган ишлар йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Дарҳақиқат, мазкур тизим бугунги кунда бўлажак офицерларга нафақат ўз маҳоратини, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш имконини беради, балки уларга келажакда жанговар хизмат фаолиятида тажриба ҳамда маҳоратга эга бўлиш учун кенг имкониятлар яратади. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мудофаа салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилди”<sup>2</sup>. Шунинг билан бир қаторда ҳарбий хизматчиларнинг руҳий тайёргарлиги бўйича принци-

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 07/18/3898/1622-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 23.04.2020 й., 06/20/5983/0490-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги.



пиал жиҳатдан янги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ахлоқий-руҳий таъминоти концепцияси”<sup>1</sup> ишлаб чиқилди.

Ўз навбатида, бўлажак офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари янгича фикрлайдиган, Ватани, халқи ва мамлакатига содиқ офицер кадрларни шакллантиришни таъминлайдиган мутлақо янги ўқув-техник ҳамда маънавий-ахлоқий тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бизнинг назаримизда, маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг кудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жохиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, кўролмаслик, ёвузлик, тўхмат қилиш каби салбий иллатларга ўрин қолмайди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари академияси курсантларининг маънавий камолотини юксалтириш замини бўлиб хизмат қиладиган миллий-маънавий кадриятларимизни асосий турларга ажратишга ва уларни маънавий фазилат сифатида уларга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Бўлажак офицерлар кундалик фаолиятида маънавиятнинг моддий кучга айланиши аввало уларнинг хатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади.

Бўлажак офицерларнинг билишга бўлган қизиқишини орттиришда улар ўртасидаги илмий-ижодий рақобатнинг аҳамияти катта. Бу рақобат дарс жараёнида, илмий тўғарак мажлисларида, илмий-назарий, илмий-амалий йиғинларда ва турли даража ва йўналишга эга бўлган кўрик ва олимпиадаларда янада ўткирлашади ва бу курсантларга изланиш рағбатини беради. Бу борада академия тизимида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Аммо уларга замонавийлик ва талабчанлик, ижодкорлик руҳини кўпроқ сингдириш лозим. Бу рақобат давлат ташқарисига чиқиши, мамлакат ёшлари ўз илмий салоҳиятларини миллий ғурур ва ифтихор сифатида халқаро аудиторияларида ҳам намоёйиш қилишлари керак. Зеро, бугунги кунда “...кўрилаётган чора тадбирларга қарамасдан, ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. ...ҳарбий ўқув юртларида замонавий шарт-шароитларни хўжақўрсинга яратганимиз йўқ. ...Аксинча, курсантларимиз ва тингловчиларимиз таълим соҳасида энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Мана, бизнинг асосий мақсадимиз”<sup>2</sup>.

Бўлажак офицерларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда уларни илмий изланишларга кенгрок жалб қилиш муҳим ҳисобланади. Одатда, талабаларнинг илмий изланиши илмий тўғараклар орқали амалга ошади. Бу бўйича академия тизимида яхши ижобий тажриба тўпланган. Лекин бугун мазкур йўналишни грантлар билан боғлаш, курсантлар илмий изланишлари учун алоҳида грантлар эълон қилиш, кафедраларнинг ҳарбий соҳага алоқадор тизимлар билан тузган шартномаларида курсантлар бажариши керак бўлган алоҳида дастурларни яратиш, уларнинг ўзлари раҳбарлик қиладиган илмий тадқиқот дастурларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг назаримизга кўра, бу жараён курсантларнинг биринчи курсдаги дастлабки сабоқларидан бошланиши керак. У биринчи курсдаёқ ихтисослиги йўналтирилган кафедра ёрдамида ўзининг келажакдаги илмий фаолиятини аниқлаб олиши, ўз илмий дастурини яратиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда уларнинг ташкилотлар ва илмий тадқиқот муассасалари билан алоқаси шаклланади.

Курсантларнинг ўз қизиқишига кўра илмий тадқиқот ишига кириб келиши унинг илмий тадқиқотга жалб қилинишидан мутлоқ фарқ қилади. Баъзан учрайдиган амалдаги ҳисобот учун шакллантирилган илмий ижодий фаолият ижобий натижалар беришдан анча йироқдир. Курсантларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда академияда ташкил этилган замонавий таълим-тарбия тизими ва ишлаб чиқариш интеграцияси муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур интеграцияда, бир томондан, таълимда амалга оширилаётган туб ислохотлар, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришда амалга оширилаётган модернизацион жараёнлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ахлоқий-руҳий таъминоти концепцияси”.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. Хавфсизлик кенгаши мажлисидаги “Қуролли кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир” мавзусидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил, 3-сон.

бир-бирларига шундай талабларни қўймоқдаки, натижада мазкур талаблар портфели, бир томондан, ҳарбий таълим тизимини янада мукамаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, мақсадлилиқ кўрсаткичини янада аниқлаб олишни, иккинчи томондан эса, ҳарбий таълим соҳасидаги ишлаб чиқариш жараёнини ҳозирги замон интеллектуал салоҳиятига эга бўлган ёш ҳарбий кадрларни тарбиялашга катта замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолотида ҳам янги даврнинг юзага келиши билан характерланади. Маънавиятсиз адолатли, юксалиш имкониятига эга бўлган жамият бўлмаганидек, жамиятсиз маънавиятнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларни маънавиятни кўтариш, унга таяниш орқали ҳал этиш мумкин. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Қуrolли кучлари академияси курсантларининг маънавий камолотини юксалтириш уларнинг ўз миллий-тарихий, маданий меросига қанчалик содиқлигини қарор топтириш билан чамбарчас боғлиқ десак, тўғри бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 07/18/3898/1622-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 23.04.2020 й., 06/20/5983/0490-сон.
2. Маҳмудов Т. Инсон ва маънавият // Тафаккур ва тақдир. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 34.
3. Эркаев А. Маънавият – устун йўналиш // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. 2-сон, – Б. 20-22.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898 сон “Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 13 август, 32-сон, 656-модда.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018й., 07/18/3898/1622-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 23.04.2020й., 06/20/5983/0490-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ахлоқий-руҳий таъминоти концепцияси”.
8. Мирзиёев Ш. Хавфсизлик кенгаши мажлисидаги “Қуrolли кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир” мавзусидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил, 3-сон.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада бўлажак офицерларни маънавий камолотини юксалтиришнинг ўзига хос жиҳатлари илмий-амалий жиҳатдан очиқ берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда академия тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мақсад ва вазифалари илмий нуқтаи-назардан асосланган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье с научно-практической точки зрения обоснованно духовное развитие будущих офицеров. А также с научной точки зрения рассматриваются цели и задачи осуществляемой работы и предпринимаемых мер исходя из концепции повышения эффективности духовно-просветительской работы в системе Вооружённых Сил Республики Узбекистан.

#### **SUMMARY**

In this article, from a scientific and practical point of view, the spiritual development of future officers is justified. And also, the goals and objectives of the ongoing work and measures taken are scientifically considered based on the concept of increasing the effectiveness of spiritual and educational work in the system of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan.

*Наирга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## ФАЛСАФИЙ ЖАНРЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Шоназаров Ж.Ш. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *фалсафа, борлиқ, табиат, инсон, жанр, тафаккур, адабиёт, санъат, театр, антик давр, Сократ, Платон, Аристотель, Пифагор, перипатетиклар, фалсафий мактаблар, академия, мактуб, монолог, диалог, биография, хотира, фалсафий жанр.*

**Ключевые слова:** *философия, бытие, природа, человек, жанр, мышление, литература, искусство, театр, античность, Сократ, Платон, Аристотель, Пифагор, перипатетики, философские школы, академия, письмо, монолог, диалог, биография, память, жанр философии.*

**Keywords:** *philosophy, being, nature, human, genre, thinking, literature, art, theatre, antiquity, Socrates, Plato, Aristotle, Pythagoras, peripatetics, philosophy schools, academy, writing, monologue, dialogue, biography, memory, philosophy genre.*

Фалсафа – буюк уммон. Ана шу уммон қаърида не-не жавоҳирга тенг зотлар, донишманду уламолар, олимун фозиллар, мутафаккиру мутакаллимлар ва яна қанчадан-қанча сифат ва моҳиятга, мазмун ва шаклга эга бўлган зотлар етишиб чиқмаганки, буларни санаб адоғига етса киши. Бу уммон қаърида ўзига тенг бўлган, ўзиданда кенг ва теран бўлган мушоҳада, мулоҳаза ва тафаккур силсилалари, дунёқараш хилқатлари қанот ёзиб шўнғиб борадилар. Бунда борлиқ, табиат, инсон, унинг ибтидоси ва интиҳоси, шаклланиши ва ривожланиши, бир турдан бошқа турга ўтиши, инсон ахлоқи, одоби, фазилати ва иллоти, илми маърифати ва тафаккури: хулласи калом бир қанча сифат ва хусусиятлар таҳлил ва талқин қилинади. Албатта, бундай таҳлил ва талқинлар ўз даврининг буюк мутафаккирлари ва донишмандлари ёки оддий халқ орасидан етишиб чиққан зиёлилар томонидан амалга оширилиб келинган. Эътибор қиладиган бўлсак, нуфузли обрў-эътиборга эга бўлган мутафаккирлардан кўра оддий халқ орасидан етишиб чиққан зиёлиларнинг таҳлил ва талқини борган сари ҳақиқатга яқинроқ, қолаверса, ўз номи билан “халқчил” ва “дардчил” мақомига эга бўлган. Зеро, ўтмишдан бугунгача етиб келган асар ва атиқаларнинг етиб келишида ана шу қатлам ва тоифанинг ўрни катта. Шунинг учун ҳам бу асар ва атиқаларнинг кадри, қиймати ва маъно мазмуни юқори аҳамият касб этади.

“Алпомиш”, “Гўруғли”, “Бобо Равшан”, “Тоҳир ва Зухра” ёки булардан ҳам қадимийроқ бўлган “Одиссей”, “Илиада”, “Троя”, “Органавтлар” ва ҳоказо. Бундай асарларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими шундаки, бу асар ва атиқаларнинг яратувчиси ким? Унинг ижодкори ва муаллифи ким? Албатта, ХАЛҚ... Улар ўзлари истаган кўйда, ўзлари истаган йўналишда ва ўша даврнинг ўзлари истаган адабий жанрида ижод қилишган. Бу катта жасорат ва масъулият. Уларнинг ютуғи воқеликни борича, жимжимадорсиз, қандай бўлса шундайлигича қуйлаш, шеър қилиб айтиш, дoston қилиб қуйлаш ва қўшиқ қилиб айтишдан иборат бўлган масъулиятни ва жасоратни идрок этганликлари, қолаверса, ҳар бир асар ва атиқага нисбатан бор меҳр, мусаффолик ва гўзаллик, улуғворлик, олижаноблик туйғуларини сингдира олганликларида.

Бугун бутун дунё ўзининг юксалиши ва ривожланишини, тараққиётга юз тутишини ўтмишда эришган ютуқлари ва унда йўл қўйган хатоларидан сабоқ чиқарган ҳолда баҳолайди. Албатта бу - юксак ФАЗИЛАТ. Ўтмишдан сабоқ чиқариб яшаш ва ўзининг тараққиётини барпо этиш, ўтмишдаги хато ва фожиаларга нисбатан тик боқиш қудратли давлатлар қўл урадиган буюк жасоратдир. Шунинг учун ҳам ўтмиш даврларида яратилган асар ва атиқаларнинг кадри ҳамда қиймати бугунги келажак авлодга ўтмиш хатолари билан шапа-лок ташлаб турганлиги билан белгиланади.

Албатта, асарлар кўп, уларни идрок этиш, тушуниш, энг муҳими, ҳис қилиш бугунги авлодларнинг ақл идроки ва дунёқараш билан боғлиқ. Адабиёт, санъат, театр ва бадиий ижод сирлари ана шундай ўтмишда яратилган ижод намуналарини том маънода ҳис қилиш ва идрок этиш асносида такомиллашиб боради. Идрок этишимиз керакки, кечаги театр, кечаги санъат ва адабиёт бугунги театр, санъат ва адабиёт эмас, ўзгариш, ривожланиш, айниқса, жанрлар хусусидаги ижодкорлик борган сари беадад тус олмоқда. Адабиёт ва санъатдаги мавжуд бундай ўзгариш ва такомиллашиб бориш хусусияти аждоқлар ва авлодлар ўртасидаги ижодий боғлиқлик, ижодий бардавомлилик эҳтиёжи ва заруратидир.

Тарихий тараққиёт натижасида кўришимиз мумкинки, юксак тафаккурга эга бўлган ақл-заковат соҳибларининг аксарият кўпчилиги аҳоли ўртасида ваъзхонлик қилиш (маддоҳлик эмас. Ж.Ш.), аҳоли кўп бўлган майдон ва ареналарда монологлар ўқиш, ўзларининг ижтимоий ва сиёсий фикр-ёндашувларини маъруза шаклида йиғилганларга етказиш каби шакл ва мазмундаги методлар дастлабки бадиий ижоднинг ва нотиклик санъатининг ривожланиши учун туртки бўлди. Энг муҳими, ўша даврда ўқилган монолог, диалог ва ваъзларнинг фақат оғзаки тарзда ўқилганлиги, ёзма кўринишда мавжуд эмаслиги кишини хайратга солади. Бундай ҳолатларни биз қадимги юнон мутафаккирлари ижодларида кўришимиз мумкин. Мисол учун, Сукрот ва Лао Цзи ўз вақтида бирон бир асар ёзмаган. Сукротнинг бу борадаги тезиси: “Мен тирик сўзларни ўлик қўй терисига ёзмайман,” фикрига асосланган. Албатта, уларда сўзнинг қадри ва сеҳри ниҳоятда улуғланиб, ҳар бир сўз ўз вақтида ва ўз ўрнида ишлатилган ва айтилган. Уларнинг ажойиб ва ғаройиб фикрлари шогирдлари томонидан ёзиб олинган. Масалан, Платон ўз вақтида диалог жанрини ўйлаб топган ва Сукрот фикрларини шу алфозда ўқувчиларга етказишни маъқул топганди.

Ўтмиш даврларда яратилган диалог – нафақат фалсафанинг, балки бадиий ижоднинг энг қадимий жанрларидан бири сифатида қадимги дунё ва ўрта аср файласуфлари ҳамда адабиётшуносларини ўзига ром қилиб келган. Бу жанр икки кишининг ўзаро баҳси асосида ҳақиқатни топишга асосланарди. Айнан Платоннинг асарлари бу жанрда ёзилган классик асарларга мисол бўла олади. Афсус бу жанрдан биз ҳозирда деярли фойдаланмаймиз. Шунга қарамай бундай диалоглар яккам-дуқкам бўлса-да, мавжуд. Оз бўлса-да, улар мазмунан бой ва теран фикрга, моҳиятга, кишини фикрлашга, энг муҳими тафаккур юритишга чорлайди. Эътибор қиладиган бўлсак, ўтмишдан то бугунги кунгача яшаб ўтган буюк адибларнинг аксарияти ўзларининг ўзаро ёзишмаларида деярли ушбу адабий жанрдан фойдаланишган. Мисол учун, Робиндранат Тагор ва Алберт Эйнштейннинг ўзаро мулоқоти, япон файласуфи Икэда ва Чингиз Айтматовнинг суҳбати шулар жумласидандир. Бу жуда ҳам истиқболли жанр сифатида эътироф этилади. Эътироф этиш керакки, ўтмишдан бизга маълумки, бўлажак файласуфларни тайёрлаш ва уларнинг нотиклик ҳамда ижодкорлик маҳоратларини ошириш мақсадида *перипатетиклар мактаби* (юнонча *peripatikos* – сайр вақтида бажарилган) фаолият юритган.<sup>1</sup> Ушбу мактаб милоддан аввалги 335 йилда Афинанинг шарқий қисмида (Ликейда) ташкил этилган бўлиб, бу мактабда, одатда, Аристотель фалсафасининг мухлислари сайрлар чоғида фалсафий билимлар билан шуғулланишган. Перипатетиклар мактаби қарийб минг йил давомида (милодий 529 йилга қадар) мавжуд бўлган ва фаолият олиб борган. Аристотель вафотидан сўнг перипатетиклар мактаби анъаналарини сақлаб қолиш ва давом эттиришда, айниқса, ўзининг табиатга ва ботаникага оид асарлари билан машҳур бўлган Эфеслик Терофраст (мил.авв. 372-287), Аристотель таълимотини ривожлантирган Страбон (мил. авв. 305-270), Аристотель асарларини нашр эттирган Родослик Андроник (мил. авв. 1-а.), кўплаб Аристотель асарларини ҳолисона шарҳлаган Афродизиялик Александр (2-аср охири ва 3-аср бошлари) перипатетиклар мактабининг энг атоқли раҳбарлари бўлганлар. Перипатетиклар мактаби аристотельчилик анъаналарини давом эттиришда фалсафа тарихида катта аҳамият касб этади.<sup>2</sup>

Жаҳон тамаддунида бўлажак файласуф мутафаккирларнинг етишиб чиқишлари учун бунга ўхшаш мактаб ва академиялар фаолиятни кўплаб мисол келтириш мумкин. Мисол учун, қадимги Афинадаги Афина мактаби, Элей мактаби, Милет мактаби, Пифагор мактаби, Платон академияси ёки милоддан аввалги даврларда қадимги Шарқ давлатларида шаклланган қадимги Хитой ва Ҳинд мактабларини эътироф этиш мумкин. Бу мактабларнинг кейинги ривожланиш босқичини ўрта асрлар Шарқ мамлакатлари мусулмон оламида фаолият юритган ва башарият илм аҳли учун юксак қомусий олиму алломаларни етиштириб берган, дунё илм-фанида катта аҳамиятга эга бўлган Бағдод ва Маъмун академияларини келтириб ўтишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам эътироф этиш керакки, бугунги

<sup>1</sup> Қаранг: Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. Тошкент: “Шарқ” нашриёти. 2004 й. 324 бет.

<sup>2</sup> Қаранг: ўша жойда.

замонавий дунёда бўлажак файласуфларни тарбиялаётган фалсафий мактаб ва илмий даргоҳларда, факультетлар ва аудиторияларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш учун диалог жанридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак”, - деган тезислари замирида диалог жанридан унумли фойдаланиш ётмаяптимикин?! Диалог жанрининг умумий хусусиятлари ва ўзига хосликларини ёритиш фалсафий метод ва методологиянинг олдида турган вазифалар сирасига киради.

Фалсафанинг ўтмишда шаклланган қадимий ижод жанрлари ҳақида фикр юритарканмиз, афоризм жанри ҳақида ҳам илмий, таҳлилий фикр юритиб ўтишни жоиз, деб топдик. Бу жанр инсон руҳиятини ва унинг фикр-тафаккурини қисқа ва мазмунли ифодалашга асосланади. Бу жанр бутун фалсафа тарихида муҳим аҳамият касб этиб деярли барча файласуфлар мазкур жанрга мурожат қилишган. Қолаверса, файласуф донишманднинг ютуғи шундаки, ўзининг фикр-мулоҳазасини жуда чиройли афоризм орқали барчага тушунарли қилиб етказа олиш маҳоратига эга бўлиши. Шунинг учун биз Сукрот, Платон, Арасту, Конфуций ва бошқа мутафаккирларнинг афоризмларини чуқур мулоҳаза билан ўқиймиз ва уларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Афоризм жанри ҳам юқоридаги адабий жанрлар сингари ўзининг ривожланиш даврига ва таракқиётига эга. Шунинг учун ҳам қадимги Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг афоризмлари каби тушунчаларни ишлатамиз. Афоризм – инсон фикрини, унинг руҳиятини қисқа мулоҳазалар орқали ифодалашдир, фикр маънини қисқа ва лўнда услубда айтиш жанридир. Шу маънода у жуда ҳам истиқболли ва ҳеч қачон ўлмайдиган жанрлар сирасига киради.

Фалсафанинг яна ўзига хос ва гўзал адабий жанрлари сирасига эпистоляр жанри ҳам киришини айтиб ўтишимиз керак. Зеро, ўтмиш тарихда кўплаб мутафаккирларнинг ушбу адабий жанрдан фойдаланганликларини эътироф этиш мумкин. Айнан, Сенеканинг бу жанрни ривожлантиришда катта роль ўйнаганлиги таҳсинга сазовор. Эпистоляр жанрига тўхталадиган бўлсак, бу - фикрни муайян кимсага етказиб бериш ва умуман, бу орқали бошқаларга ҳам етказиб бериш услубидир. Фалсафий эпистолярнинг классик намуналари қаторига комусий олимларимиз Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синоларнинг ўзаро ёзишмаларини киритиш мумкин. Фалсафий эпистолярда файласуфнинг ички олами, унинг қалби, руҳияти, бутун латофати ва фасоҳати, том маънода айтганда, ботиний вужуди билан намоён бўлади. Фалсафий эпистоляр абадий жанр сифатида жуда ривожланган ва айни пайтда истиқболлилигига қарамай бунга шубҳа билан қаровчилар ҳам мавжуд. Уларнинг фикрича, гўёки бугунги ахборот технологиялари ва интернет техноген асрда, қолаверса, глобаллашув жараёнлари шиддат билан кетаётган ҳозирги шароитда эпистоляр жанри ўлармиш, ҳозир почта хизматига эҳтиёж қолмабди, дегувчи пессимистик ёндашувлар урчиб бормоқда. Аммо биз ушбу масалага нисбатан оптимистик нуқтаи назардан қараймиз ва унинг истиқболи адабий жанрлардан эканлигига ишонамиз. Агар эпистоляр жанри ўладиган бўлганда, худди почта сингари e-mail га ҳам ҳожат қолмасди.

Файласуфлар севиб ижод қиладиган фалсафанинг муҳим адабий жанрларидан бири эсседир. Эссе нисбатан кечроқ туғилган (Монтен эсселари) жанр бўлганига қарамай, фалсафада жуда муҳим аҳамиятга эга жанрдир. Масалан, антик даврда Платон, янги даврда Жон Локк ва бошқа мутафаккирлар ундан ўз асарларини ёзишда жуда унумли фойдаланишган. Эссе ўзининг эркинлиги ва субъектга фикр ифодалашга кенг имкониятлар бериши билан, масалан, очеркдан катта фарқ қилади. Очеркда файласуфнинг ҳаёти ва ижоди бори-ча, атрофлича, ўз майлича ифодаланса, эсседа уни ёзаётган киши бу файласуф ҳақида қандай ўйлаши, қандай фикр юрита олиши, унинг ғояларига нисбатан муносабати ва ҳоказолар ҳақида ўз фикрини эркин билдириши мумкин бўлади. Очерк эса бунга имкон бермайди. Шунга қарамай очерк ҳам фалсафа тарихи учун муҳим жанр ва биз унинг имкониятларини камситмоқчи эмасмиз. Очеркни ҳозирги кунда кўпгина журналистлар ва публицистлар ўз жанрларига айлантириб олишган ва ундан унумли фойдаланиб келишган. Очеркдан нисбатан тор (зеро, очерк муайян жой ҳақида ҳам бўлиши мумкин), аммо файласуфлар ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишнинг муфассал жанрларидан бири биография

жанридир. Фалсафий биография файласуфларнинг ҳаёти, ижоди ва бутун фаолияти ҳамда ижодий жараёнларини тадқиқ этади. Фалсафа тарихи фалсафий биографиясиз жуда ғариб кўриниш касб этади. Фалсафий биографиянинг классик намунаси сифатида антик даврнинг барча файласуф мутафаккирларининг асарларини, қолаверса, Диоген Лаэртскийнинг “Фалсафа тарихи” асарини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Умуман, бу жуда истиқболли жанр сифатида эътироф этилади. Шунинг учун ҳам ушбу адабий жанр нафақат файласуфларга, адабиётшунос ва тарихчиларга хизмат қилади, балки техноген ижодкорлар ҳам бундан мустасно эмас. Эътибор қиладиган бўлсак, кўплаб техноген ва табиий илмлар билан шуғулланувчи олим ва мутафаккирлар ўзларининг яратган ихтиро ва кашфиётларини, эришган ютуқ ва муваффақиятларининг барча- барчасини таржима асарларида келтириб ўтган. Антик даврда Архимед (Эврика – топдим, кашф этдим), Афлотун (ғоялар назарияси), ўрта асрлар мусулмон Шарқ оламида А.Темур (Темур тузуклари), Навоий ва Бобур (Бобурнома)лар, янги даврда Ньютон, Менделеев, Лейбниц, Ломоносов каби мутафаккирлар ижод намуналарида ушбу жанрга мурожаат этганликларини кўришимиз мумкин. Албатта, бугунги авлод уларнинг ушбу тасниф асосида келтирилган ва ёзилган асарларини севиб ўқиб, ўрганиб улар хусусида кенг маълумотга ва билимга эга бўлиб келишмоқда. Автобиографик асарнинг асосий ютуғи ва гўзал хусусияти ҳам шунда намоён бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган жанрлар сингари, кези келганда, хотира жанри ҳақида ҳам қисқача айтиб ўтишни лозим топдик. Хотира жанри ҳам муайян файласуф ҳаёти ҳақида фалсафий биография жанри ёрита олмаган муайян этюдлар ҳақида бизга керакли маълумотларни етарлича бера олади. Хотира жанрини классик намуналари қаторида Ксенофантнинг “Сукрот ҳақида эсдаликлар” ҳамда, Ясперснинг “Мартин Хайдеггер ҳақида лавҳалар” каби асарларини келтириб ўтиш мумкин. Албатта бу тахлит санаб кетаверсак, фалсафада жуда кўп жанрлар мавжуд. Рисола, трактат, монография, фалсафий мақола ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу жанрларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тадқиқотлар олиб бориш ва катта китоблар ёзиш мумкин. Бу энди фалсафий методология билан шуғулланувчиларнинг иши бўлиб ҳисобланади ва шу жиҳатдан ҳам улар томонидан ушбу муаммолар юзасидан таҳлил ва тадқиқотлар олиб борилади. Биз фақат ушбу муаммолар юзасидан имкон қадар ўзимизнинг қизиқишимиз, билимимиз ва илмимиз доирасида таҳлил ва тадқиқотлар олиб боришга ҳаракат қилдик. Хулоса шуки, фалсафий жанрлар этнологияси шунчалик кенг камровга эгаки, уларнинг ўзига хос хусусиятларини юқорида келтириб ўтилган таҳлил ва таснифлар асосида ўрганишга ҳаракат қилдик. Зеро, қадимги Миср алвоқларида келтириб ўтилганидек, “... лойга ботса ҳам гавҳар каби қадрлидир ҳар оқилона сўз, лекин уни дон туяётган чўридан ҳам топиш мумкин.” Алқисса, фалсафий жанрларнинг қадри ва қиммати худди шунингдек юксак улуғланади, мақсад улардан чиройли сўзлар орқали фойдаланишда. Фалсафанинг жанрлари аниқ ва ҳаммага тушунарли бўлса, бу соҳада қалам тебратиш имконияти ошади ва биз Сукротдан фарқли ўлароқ тирик сўзларни ўлик кўй терисига эмас, оппоқ варақларга ёзишга жазм этамиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004.
2. Назаров Қ. Фалсафа тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2006.
3. Жаҳон фалсафаси. – Тошкент: Шарқ, 2005.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада фалсафа соҳасининг ривожланиши ва тараққий этиши учун зарур аҳамиятга эга бўлган жанрлар классификацияси таҳлил қилиниб, уларнинг ривожланиш хусусиятлари ва илмий жиҳатлари тадқиқ этилди.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье анализируется классификация жанров, которые необходимы для развития и прогресса в области философии, исследуются особенности их развития и научные аспекты.

#### **SUMMARY**

This article analyzes the classification of genres that are necessary for development and progress in the field of philosophy, explores their developmental features and scientific aspects.

*Наирга фалс.ф.д. С. Чориев тавсия этган*

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ, АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ҲАМДА  
ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

Қаршиев Б.Э. (ЎзМУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** глобаллашув, ахборот сиёсати, инсон омили, ахборот хавфсизлиги, ижтимоий ҳаёт.

**Ключевые слова:** глобализация, информационная политика, человеческий фактор, информационная безопасность, социальная жизнь.

**Keywords:** globalization, information policy, human factor, information security, social life.

Инсониятнинг ўзаро умумийлигини таъминлашни мақсад қилиб қўйган глобаллашув ижтимоий-фалсафий ва сиёсий категория сифатида ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот объектига айланмоқда. Шу билан биргаликда глобаллашувнинг кундалик ҳаёти-мизга реал жараён сифатида кириб келганлиги, натижада глобал ахборотлашув жараёни вужудга келиб, самарали ахборот сиёсатлари ишлаб чиқиладиганлиги бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай шароитда глобаллашув жараёнининг, ахборот сиёсатининг моҳияти ҳамда глобаллашувнинг сиёсий муносабатларга таъсирини ўрганиш зарурдир.

Глобаллашув ҳамда глобал ахборотлашув ижтимоий ҳаётда ғоявий таъсир механизмларининг кўп қиррали фаолияти ушбу масала тадқиқига масъулият билан ёндашишни талаб этмоқда. Хусусан, инсон онги ва қалби учун кураш шароитида давлат ахборот сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг устувор йўналишларини таҳлил этиш муҳимдир. Зеро, глобаллашув ва глобал ахборотлашув дунё миқёсида мафкуравий жараёнларни етакчи ўринга қўйиб, ғоявий омилларнинг келажак тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятини белгилаб берди.

Шунингдек, глобал ахборотлашув шароитида ахборот сиёсатига янгича ёндашиш эҳтиёжи ва заруратини юзага чиқармоқдаки, ушбу омил ҳам Миллий ривожланишни таъминлаш билан бир қаторда жамият аъзолари тафаккурида ғоявий бўшлиқ бўлмаслигини таъминлашда ҳамда кафолатлашда зарурий жиҳатдир. Шу боис, глобаллашув ва ахборот сиёсати муаммоларининг илмий-назарий ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги реал ҳаётимизнинг моҳиятини очиқ беришга бевосита хизмат қилади.

Бугунги кунда глобал тараққиёт ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда. Бундай омил глобаллашув номи билан аталмоқда. Бугунги даврда жаҳон сиёсий майдонидаги муаммолар умуминсониятга алоқадор жиҳатлар сифатида Ер қурраси аъзолари зиммасига жуда катта масъулият юклаб, улар ўзаро бирлашиб, муаммоларнинг мақбул ечимини топишга интиломоқдалар. XX асрнинг 60-йилларида илмий-оммабоп луғатларда глобаллашув атамаси пайдо бўлиб, ушбу тушунчага нисбатан турфа қарашлар ҳамда ушбу категория мазмун-моҳиятини ифодаловчи илмий тадқиқотлар вужудга кела бошлади. Натижада ижтимоий ҳаёт сиёсатшунослик, фалсафа, социология, маданиятшунослик фанлари олдига ҳам ушбу йўналишни тадқиқ қилиш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий соҳаларига таъсирини аниқлаб, унинг ижобий ёки салбий моҳиятини белгилаш вазифасини қўйди.

Глобаллашувнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда ижобий хусусиятлари билан бирга салбий томонлари ҳам намоён бўла боради. Глобализм феномен сифатида ижобий ва салбий жараёнларнинг ривожланиб боришини билдирар экан, глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари ривожига таъсир этувчи омиллар, унинг салбий жиҳатларини минималлаштириш, бунинг учун миллий қадрият ва анъанавий ахлоқ нормаларини кўпроқ тарғиб этиш лозимлигини таъкидлаш жоиздир. Чунки глобаллашувнинг шиддатли таъсиридан четда қолган бирон-бир ҳудуд мавжуд эмас.

Юқорида таъкидланган жиҳатларга жавоб излаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, таҳдидларни бартараф этиш ҳамда ижтимоий-маданий жиҳатдан глобаллаш-ётган дунёда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли қандай бўлишини назарий жиҳатдан асослаш учун биринчи галда глобаллашувнинг моҳиятини, мазмунини ва унинг нафақат дунёдаги сиёсий жараёнларга таъсирини, балки инсоният фаолиятининг барча соҳаларига кириб бораётганлиги, салбий жиҳатларнинг ўзлигини намоён этиши инсоният келажаги учун реал хавф эканлигини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида глобал атамаси қуйидагича изоҳланган: “Глобал (франц. global – умумий, лот. globus – шар) – 1) бутун Ер шарини камраб олувчи; 2) ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал”.<sup>1</sup> Фалсафа Қомусий луғатида “Глобал (умумбашарий) муаммолар (франц. global – энг умумий) – ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммолардир”, - дейилади.<sup>2</sup> Демак, глобаллашув инсониятнинг ривожланишига хос бўлган жараён ҳисобланади.

Америкалик олим Т.Левитт 1983 йилда “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида “Глобаллашув” атамасини тилга олган эди. Муаллиф йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган”.<sup>3</sup> Глобаллашув тушунча сифатида дастлаб илмий муомалага иқтисодий йириклашувнинг ифодаси бўлиб кирган бўлса, кейинчалик ушбу атама ўз моҳияти каби кенгайиб борди. Ўзбек олими Раҳмон Қўчқор глобаллашувнинг ижтимоий-фалсафий категория ва жараён сифатида шаклланиши ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Ғарб инсоншунослик фанлари тилида “инсон деградацияси”, “шахснинг емирилиши”, “одамнинг қиёфасизлашуви”, “цивилизация шоми” сингари тушкун иборалар кўпаяётганини тушуниш мумкин”.<sup>4</sup> Глобаллашув ижтимоий-сиёсий моҳият касб этувчи тушунча сифатида дунёнинг сиёсатчи, файласуф ва социолог олимларнинг диққат-эътиборини жалб этиб келмоқда. Франциялик олим Б.Банди таърифида кўра:

- “- глобаллашув – муттасил давом этадиган тарихий жараён;
- глобаллашув – жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
- - глобаллашув – миллий чегараларнинг “ювилиб кетиш” жараёни”.<sup>5</sup>

Россиялик олим А.А.Усовнинг фикрича, “Глобаллашув тушунчасининг мазмун-моҳиятини аниқ айтиб бериш бирмунча мураккаб. Айрим мутахассислар глобаллашувни жаҳон савдо тизимининг янада очик бўлиши ва кенгайиши ва интеграциялашган ҳамда дунё иқтисодиётида чегара билмаслиги дея эътироф этишса, баъзилар давлатлар ва инсонлар ўртасида ўзаро боғлиқликни тушунадилар”.<sup>6</sup>

Демак, глобаллашув жараёни инсонларга бир-бирлари билан ўзаро ахборот алмашув, барқарор тараққиётга эришиш, алоқаларни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш бўйича катта имкониятлар яратади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнини тезлаштиради, фан соҳасида мисли кўрилмаган имкониятларнинг очилишига имкон яратади.

Фикримизча, глобаллашув ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатдан инсониятнинг яқинлашуви, ўзаро алоқаларнинг устувор моҳият касб этиши, шунингдек, мавжуд локал муаммолар кенгайиб, умумбашарий характер касб этиш эҳтимолининг муқаррарлигидир. Шу боис глобаллашув ижтимоий-фалсафий категория ҳамда воқеликдаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 3. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» нашриёти, 2002. – Б. 39.

<sup>2</sup> Фалсафа: Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 92.

<sup>3</sup> Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 8.

<sup>4</sup> Раҳмон Қўчқор. Дунё кураш майдонидир // – Тафаккур, 2016. 4-сон. – Б. 24.

<sup>5</sup> Миллий Истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. Масъул муҳаррир И.Эргашев. – Тошкент: Академия, 2005. – Б. 81.

<sup>6</sup> <https://cyberleninka.ru/article/v/plyusy-i-minusy-globalizatsii>



реал жараён сифатида нейтрал феномендир. Унинг ижобий моҳият касб этишини таъминлаш ҳам, салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳам инсоният қўлида.

Албатта, глобаллашув жараёнининг салбий оқибатларидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса унинг маданий стандартизация, информатизация ва кадрияти, универсализация жараёнлари миллий идентификация инқирозини келтириб чиқаради. Аммо бундай салбий ҳолатларни олдини олишнинг самарали йўли бу- ушбу жараённинг фақатгина таъсир объекти эмас, балки субъекти ҳам бўлишидир. Бугунги кунда айрим давлатларни ҳисобга олмаганда дунёнинг деярли барча мамлакатлари глобаллашувнинг объекти ҳисобланади. Масалан, Япония ушбу жараённинг ҳам объекти, ҳам субъекти. У глобаллашувнинг объекти сифатида Ғарб кадриятларини ўзлаштириб, субъект сифатида уларни адаптациялашган кўринишда Осиёнинг бошқа мамлакатларига тақдим этмоқда.<sup>1</sup>

Таниқли назарийчи ва мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар асосида глобаллашувнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратар эканмиз, унинг ижобий томонлари билан бир қаторда салбий жиҳатлари ҳам таҳдид сифатида намоён бўлаётганини англаб, ижтимоий ҳаётда бундай ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз. Фикримизча, глобаллашув феноменини тўлиқ идрок этиш учун уни икки гуруҳга бўлиб ўрганмоқ муаммо моҳиятини англашни осонлаштиради:

1. Позитив глобаллашув.
2. Негатив глобаллашув.

Позитив глобаллашув миллий хусусият, менталитет ва кадриятларни ҳисобга олган ҳолда умуминсоний манфаатларни ифодаловчи жараёндир. Бунга халқаро демократик тараққиёт, ҳуқуқий давлатчилик, фуқаролик жамияти, халқаро сайлов тизими, ОАВ фаолиятини демократлаштириш, халқаро муаммоларни бирлашиб ҳал этиш, молиявий глобаллашув, маданиятлараро алоқалар, жаҳон миқёсида қашшоқликка қарши курашиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, турфа эпидемияларга қарши умумий фаолият, умумий мажбурий таълим, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турфа урушларнинг олдини олиш каби масалаларда ўзаро яқдил фаолият йиғиндиси киради.

Негатив глобаллашув миллий кадриятларга ва хавфсизликка таҳдид сифатида кириб келишга уринаётган жиҳатлардир. Бунга терроризмнинг кенг қулоч ёйишга интилиши, экологик таҳдидлар, молиявий инқирозлар, муайян ҳудудда нарх-наволарнинг кўтарилиши натижасидаги умумий танқислик, наркотик моддалар обороти, турфа юқумли касалликлар таҳдиди, “оммавий маданият” кўринишида намоён бўлувчи ахлоқсизликлар, бир жинслилар орасида никоҳлар ва ҳ.к.лардир.

Бугунги кунда глобаллашув тобора кенг қулоч ёзиб, сиёсий муносабатларга таъсир ўтказиб келмоқда. Унинг бундай таъсири миллий давлатларнинг халқаро сиёсат субъекти сифатидаги фаолиятларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Глобаллашув жараёнининг сиёсий муносабатларга фаол таъсирини таъминлашда БМТ, Европа Иттифоқи, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилоти, БМТ субъектлари – ЮНЕСКО (фан ва таълим), ЮНИДО (саноат тараққиёти), ЮНИСЕФ (болалар жамғармаси, ЮНИТАР (ўқув ва илмий-тадқиқот институти) кабилар, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, йирик саккизликлар (Россия, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Франция, Канада, Италия), минтақавий ташкилотлар (АСЕАН) глобаллашув жараёнининг индикатори ҳамда реал натижаси сифатида сиёсий муносабатларга фаол таъсир кўрсатиб келмоқдалар.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган маърузасида Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида билдирган таклифлари ҳамда Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви нафақат минтақада, балки глобал хавфсизликни таъминлашда

<sup>1</sup>Кортунов С.В.. Глобализация и национальная идентичность.

хам асосий роль ўйнаши ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам мазкур масаланинг ечимларига қаратилганини айтиб ўтиш жоиз<sup>1</sup>.

Умуман олганда, глобаллашув жараёни биринчи навбатда сиёсий муносабатларга фаол таъсир ўтказиб, жаҳон сиёсий бирликларини демократик тараққиёт ҳамда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш сари йўналтириб, бугунги ривожланиш шароитида ўта муҳим омил ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси нашриёти, 2002. – Б. 39.
2. Фалсафа: Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 92.
3. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 8.
4. Раҳмон Қўчқор. Дунё кураш майдонидир // – Тафаккур, 4-сон. 2016. – Б. 24.
5. Миллий Истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. Масъул муҳаррир И.Эргашев. – Тошкент: Академия, 2005. – Б. 81.
6. <https://cyberleninka.ru/article/v/plyusy-i-minusy-globalizatsii>
7. Кортунов С.В. Глобализация и национальная идентичность. – Москва: Аврора, 2016. – С. 67.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада глобаллашув шароитида мамлакатнинг ахборат соҳасидаги олиб бораётган сиёсати, глобал ахборотлашувнинг ижтимоий ҳаётда ғоявий таъсир механизмларининг кўп қиррали фаолияти ушбу масала тадқиқига масъулият билан ёндашиш каби омиллари ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается информационная политика страны в условиях глобализации, многоплановое функционирование механизмов идеологического влияния глобальной информации в социальной жизни, а также ответственный подход к изучению данного вопроса.

#### SUMMARY

This article describes the country's information policy in the context of globalization, the multifaceted functioning of the mechanisms of the ideological influence of global information in social life, as well as a responsible approach to the study of this issue.

*Наишга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Ҳакимова М.А. (ТИҚХММИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *жамоат ташкилотлари, Конституция, давлат, қонунчилик, демократия, инсон ҳуқуқлари, партия, фуқаролик жамияти, “Шўрои Исломия”, “Қўшчи уюшмаси”, “Қурайш”, касаба уюшмаси, ёшлар.*

**Ключевые слова:** *общественные объединения, Конституция, государство, законодательство, демократия, права человека, гражданское общество, партия, “Шўрои Исломия”, “Қўшчи уюшмаси”, “Қурайш”, профсоюзы, молодежь.*

**Keywords:** *public organizations, Constitution, state, law, democracy, human rights, party, civil society, “ShoraiIslamiya”, “Kushchi Union”, “Quraysh”, trade union, youth.*

Демократик жараёнларнинг ривожлана бориши инсонларни ижтимоий ва сиёсий муносабатлардаги ўрнини юксала боришини ифодалайди. Бу орқали ўзаро муносабатларнинг бир-бирига таъсир даражаси ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви юз беради. Бу жараёнлар юксак таълим ва тажрибага, шунингдек, юқори касбий малакага асосланиши, ижтимоий муносабатларнинг қонунлар, меъёрлар, шартномалар асосида мувофиқлаштиришнинг расмий тизими яратилиши замонавий жамиятнинг халқчил бўлишига имкон

<sup>1</sup> <http://www.press-service.uz/ru/lists/view/1063>

яратади. Ҳар бир давлат сиёсатининг бош мақсади ҳам ўз фуқароларини жамиятда ўз ўринларини топа билишларига эришиш ҳисобланади, яъни Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир”[3]. Ҳозирги кунда ижтимоий манфаатлар доираси анча кенг бўлиб, уларни ўзида ифода этувчи жамоат ташкилотлари ҳам шунга мос равишда сон ва мазмун жиҳатидан доимий тарзда ривожланиб бормоқда. Жамоат ташкилотлари инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланишида, давлат ва жамоат ишларида тенг иштирокини таъминланишида фуқаролик жамиятини асоси сифатида майдонга чиқади.

Ўз навбатида, ҳар қандай жамоат ташкилоти ижтимоий ва энг аввало, ҳуқуқий нормаларга асосланадиган ташкилий бирлик сифатида намоён бўлади. Йирик табиий тарихий шаклланган уюшмалар (халқ, миллат) ва ижтимоий табиий жамоалар (оиладан, уруғ, жамоа)дан фарқли ўлароқ, жамоат ташкилотлари онгли равишда тизимлашган ички ташкилий муносабатлар ва ижтимоий воқелик жамланмасида мақсадга мувофиқ тарзда таъсир этиш учун зарур бўлган ташкилий усулларнинг бутун бир комплексига эга бўлган институт сифатида майдонга чиқади.

Конституциямизнинг 34-моддасидаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касабани уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир” [1]– деб эътироф этилиши фуқароларнинг жамиятдаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини таъминлаб беради. Бу ҳолат инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнидаги тажрибалар ва синовлардан муваффақиятли ўтган эркинлик жамияти – фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини англатади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари кўпдан-кўп шаклларда – сиёсий партиялар, миллий-маданий марказлар, жамғарма ва хайрия ташкилотлари, жамиятлар, уюшмалар, ассоциациялар, федерациялар, касабани уюшмалари, ижтимоий ҳаракатлар, миллий қўмиталар, аёллар ва болалар ташкилотлари, халқаро жамоат ташкилотлари, ваколатхоналар ва уларнинг филиаллари тарзида ташкил этилган.

Жамоат бирлашмаларининг қонунчилик тизими таҳлил қилинганда ҳозирги даврда 1991 йил 14 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил апрелда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган), Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари ҳақида”ги Қонуни (1992 йил июль), Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни (1992 йил, декабрь), “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Қонуни (2007 йил, март), Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Янги таҳрирдаги Қонуни (1998 йил, май), Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни (1999 йил, апрель), Ўзбекистон Республикаси “ННТ тўғрисида”ги Қонуни (1999 йил, апрель) каби Қонунлар асосида ташкил этилган бўлса, кейинги йилларда ушбу қонунларга қўшимчалар киритиш воситасида мувофиқлаштирила боришини кузатиш мумкин. Бу эса жамият ривожлана борган сари қонуний назорат ҳам такомиллаша боришини намоён этади.

Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунида “Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир” [2]– деб таъриф берилади. Унга кўра сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касабани уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар,

ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Дастлабки инсонларнинг жамоавий бирлашув манбаи сифатида давлатнинг пайдо бўлишини кўриш мумкин. Давлат фуқароларнинг турли эҳтиёжлари, кизиқишлари, манфаатларига хизмат қилиши, эркин мулоқот, фикрлар, баҳс-мунозаралар, давлат ва жамият ҳаётида фуқароларнинг фаоллиги, юксак маънавият ва тафаккурга эга инсонлар жамланмасидир. Мана шу жамланма турли қарашларга эга бўлган жамоат ташкилотларининг пайдо бўлиши асосини вужудга келтиради. Бу жамланмаларда эса давлат ва жамият, фуқаролар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Мулоқот ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришади, ўзаро ахборот алмашади, бир-бирларига таъсир ўтказиши, бир-бирларини ҳис қилади, бир-бирларини тушунади.

Мана шу жамоат ташкилотлари тараққиёт туфайли маълум қонун-қоидаларни пайдо бўлишини тақозо эта боради. Бу қонун-қоидалар жамоадаги ҳар бир аъзонинг ўз ўрнини, вазифасини, имкониятини, манфаатини белгилаб беради. Бу эса ўша жамоат ташкилоти вазифасининг юзага келганлиги кўрсатади.

Том маънодаги жамоат ташкилотлари дастлаб Ғарбий Европада (Франция) сиёсий партия шаклида XVII асрнинг охири XVIII асрларда кенг ривожланди ҳамда ушбу институтлар аста-секинлик билан Шимолий Европа ва Осиё давлатларига ҳам кириб келди. Бу жамоат ташкилотларининг барчаси давлат пайдо бўлиши асосида юзага келган.

Мусулмон ҳукуқи манбаларини таҳлил қилган ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, жамоатчилик институтлари тўғрисида мазкур манбаларда сўз бормаса-да, уларда ушбу институтларнинг вужудга келиши ва унинг механизмларининг шаклланишига туртки бўладиган ўзига хос нормалар мавжуд. Хусусан, Қуръони Каримнинг 106 – “Қурайш” сура-сида курайш қабиласининг қарвон савдосини ташкиллаштиришда умумий манфаатлар асосида бирлашганликлари ҳақида сўз юритилади [4]. Бу бирлашмалар кишиларнинг савдо соҳасидаги ўзаро муносабатларини тартибга солиб туриш вазифасини бажарганлиги кўрсатади. Шунингдек, исломий қонун-қоидалар асосида бу қабиланинг маълум ҳукмронлик асосларининг вужудга келишига ҳам хизмат қилган.

Собиқ иттифок даври сиёсатида эса жамоат ташкилотлари ўзгачароқ бўлиб, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасидан маҳрум этилган эди. Шу асосда жамоат ташкилотларини давлат аппарати, яъни партия номенклатурасининг бир бўғинига айлантирган эди. Ўзбекистонда 1924 – 1925 йилларда комсомол, касаба уюшмаси, хотин-қизлар кўмитаси каби санокли жамоат ташкилотлари юзага келган бўлиб, уларнинг мақсад ва вазифалари совет ғоялари, мафқурасига асосланган ҳамда ушбу тузум учун хизмат қилган.

Лекин шу йиллар давомида Туркистон Мухторияти, “Шўройи исломия” ва “Шўройи уламо” каби дастлабки партиялар маҳаллий халқни сиёсий манфаатларини ифодалашга ҳаракат қилганлигини ҳам кўриш мумкин.

Ўша даврга назар ташланадиган бўлса, 1917 йилнинг 26-29 ноябрь кунлари Қўқон шаҳридаги «Шўройи исломия» ташкилотининг қароргоҳида Туркистон Ўлка мусулмонларининг фавқуллодда тўртинчи қурултойи бўлиб ўтади. 1917 йил ёзида бошқа сиёсий партиялар қаторида «Шўройи исломия»чилар Тошкентдан қувилган бўлиб, жамият аъзолари Қўқон шаҳридан бошпана топган эдилар. Чунки Қўқон шаҳри собиқ хонликнинг маркази бўлиб, шаҳарда 50 мингдан ортиқ аҳоли яшар эди. Қирқ мадраса, 382 та масжид, уларда олти мингга яқин диний хизматчи бўлган. Айни вақтда шаҳарда ўн битта йирик халқаро банклар ҳам иш қўрган[5]. Бу эса Ўлкада бошқарув тизимидаги ўзига хос жиҳатларнинг пайдо бўлганлигини кўрсатади.

25 ноябрь куни кечқурун съезд олди ташкилий йиғилиши бўлиб ўтган. «Туркистон ахбороти» рўзномасининг хабар беришича, 1917 йил 26 ноябрь куни Ўлка Мусулмонлар Шўросининг раиси ва Қурултойни ўтказиш ташкилий ҳайъатининг аъзоси Мустафо Чўқа-

ев курултойни очган. Биринчи бўлиб мандат (шаҳодат) ҳайъатининг аъзоси Норбўтабековнинг курултойга келганларнинг таркиби ва сони хусусидаги ахборотига кўра, курултойга Фарғона вилоятидан – 150 киши, Сирдарё вилоятидан – 22 киши, Самарқанд вилоятидан – 21 киши, Каспийорти (Закаспий)дан – 7 киши, Бухородан – 4 киши келганлиги маълум қилинди. Курултойнинг охирларига бориб вакилларнинг сони 250 га етган. Курултойга вакиллардан ташқари «Шўройи уламо», Мусулмон аскарлар Кенгаши, Ўлка яҳудий ташкилоти, Бухоро яҳудийлари, Касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлардан ҳам вакиллар қатнашган[5]. Аҳолининг маълум таркиби орасидаги бу ташкилотлар уларнинг манфаатларини ифодалаш билан бирга, миллатнинг ҳуқуқлари ҳимоясини мақсад қилиб олганлигини англаш қийин эмас. Чунки жамоат ташкилотларини асосий мақсади ҳам инсон ҳуқуқлари эканлигидадир.



Туркистон Мухторияти ҳукуматининг аъзолари

1921 йилда Ўзбекистонда юзага келган “Кўшчи” иттифоқи асосан қишлоқларда тузилиб, қишлоқ аҳли манфаатларини ифодалаган. Ўша йилларда унинг сафларида қишлоқ аҳлидан 160 минг нафарга яқин киши бор эди. 1920 йилларга келиб бошқа ижтимоий-сиёсий ва жамоат ташкилотлари: Рабземлес, Ишчиларга ёрдам берувчи халқаро ташкилот (МОПР), “Йўқолсин саводсизлик”, “Худосизлар иттифоқи” ҳамда турли йўналишдаги бошқа илмий-техник ва ижодий жамиятлар юзага келган. 1927 йили Фарғона округининг фақат етти туманида 3000 га яқин аёл “Кўшчи” уюшмасига аъзо эди. “Кўшчи” уюшмалари хотин-қизларнинг саводсизлигини битириш курсларини очиб, уларнинг маданий савиясини кўтаришга, фаоллигини орттиришга ҳисса қўшди[6]. Бу жараёнлар жамоат ташкилотларининг фаолияти анчагина такомиллашганлигини кўрсатади.

Собиқ Иттифоқ даврида фаолият юритган жамоат ташкилотлари инсон ҳуқуқлари борасида маълум чекланишларни бажаришга мажбур бўлганлигини биламиз. Чунки Иттифоқ сиёсати давлатнинг барча бўғинларини ўзига бўйсунтиришга мажбур қилганлигини биламиз.

Бугунги кунга келиб эса Республикамызда фаолият юритаётган жамоат ташкилотларининг фаолиятида эркинликларни кузатамиз. Чунки жамоат ташкилотлари бевосита жамиятдаги ижтимоий ривожланишда акс этади. Ижтимоий ривожланиш деганда янги ижтимоий муносабатлар, ўзгарган қадриятлар ва янги талаблар ҳамда меъёрларни ўзида ифода этувчи жамиятнинг мазмунан ўзгариши тушунилади. Ижтимоий ривожланиш мавжуд жараён сифатида қуйидаги уч хусусиятни намоён этади, яъни орқага қайтмас ҳаракат, мақсад сари йўналганлик ва янги қонуниятларга таяниш тенденциялари. Бу вазиятлар Республикамызда амалга оширилаётган Ҳаракатлар Стратегияси ислохотлари замиридаги инсон салоҳиятини юксалтириш мақсадини ифодалайди. Шу боисдан ҳам Президент Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Инсон ўзгарса, жамият ўзгара-

ди”, деган нуқтаи назарни таъкидлагани бежиз эмас. Инсоннинг жамиятдаги ўзгариш жараёнларида бевосита жамоат ташкилотларининг ролини унутмаслик керак.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдига эркин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Мазкур мақсадга эришиш жараёнида босқичма-босқич фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини, хусусан, унинг муҳим бўғини ҳисобланган жамоат ташкилотларини жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш ва ошириш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Айниқса, ушбу институтларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишланган бўлиб, унда ушбу ташкилотларнинг турлари, фаолият кўрсатиш тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслардан мустақиллиги каби тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилди. 56-моддада “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”[1], деб белгиланди.

Шунингдек, юқоридаги конституциявий тамойиллар қонун ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги, “Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Шу жиҳатдан олганда, жамоат ташкилотларининг турли хил кўринишлари: сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, аёллар, ёшлар, ветеранлар ташкилотлари, илмий-техник, маданий-маърифий, жисмоний спорт ва бошқа ихтиёрий тарзда тузиладиган жамиятлар ўзларининг мураккаб ёки нисбатан оддийроқ хусусиятга эга бўлган ички тузилишига, яъни сайлаб қўйиладиган органларига эга бўладилар. Улар ўз жамоалари доирасидаги ички муносабатларни мустақил тарзда тартибга соладилар ҳамда ўзларининг кучи билан турли хил ижтимоий вазифаларни бажарадилар. Демократик давлатда жамоат ташкилотларининг ташкилий мустақиллиги ва ўзини ўзи тартибга солиш имкони тегишли қонунлар билан кафолатланади. Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси сифатида жамоат ташкилотлари нафақат оммавий, балки хусусий ҳуқуқнинг ҳам мустақил объекти сифатида майдонга чиқишлари учун имкон туғдирадиган тегишли ҳуқуқий мақомга, яъни муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга, ҳуқуқий лаёқатга ҳамда бошқа юридик хусусиятларга эга бўладилар.

Жамоат ташкилотларининг бир бўғини сифатида ёшлар ташкилотларини ҳам жамиятдаги ўрни бугунги кунга келиб янада фаоллашмоқда. Республикамизда ёшлар давлат сиёсатининг асосини ташкил этади. Бугунги кундаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, аҳоли демографик ҳолатининг кескин ўсиб бориши ёшлар контингентининг ошиб кетишини таъминламоқда. Бунда ёшларни ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, маърифий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолади.

Республикамиз Марказий Осиё давлатлари орасида инсон капитали борасида етакчилиги, 64 фойздан зиёдини ёшлар ташкил этиши, замон талабларига жавоб бера оладиган ёшларни тарбиялаш Давлат сиёсатининг асосини ташкил этиши, геронтоқратия глобалла-

шув жараёнларига мослашувчанлигини таъминлашдан кўра ёшлар мослашувчанлигини таъминлаш осон кечиши қонунчилик борасидаги имкониятлар даражасини таъминлайди.

Шунинг учун жаҳоннинг илмий марказларида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш уларни мустақил фикрлайдиган юксак интеллект соҳиби бўлишида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилаётгани мазкур соҳанинг не чоғли долзарб эканлигини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 сентябрда имзолаган Ёшларга оид давлат сиёсати, Ҳаракатлар стратегияси, 5та муҳим ташаббус, Таълим тўғрисидаги Қонун каби фармон ва қарорлари Республика ёшларини ҳар томонлама фаол бўлишларида хизмат қилмоқда ҳамда кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Хулоса қилиб айтганимизда, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизимидаги демократик ўзгаришлар ижтимоий тузилмаларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи қонунчиликнинг ҳам тез суръатларда ривожланиб боришини белгилаб беради. Бугунги кунда у ёки бу даражада жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомига доир бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони юздан ортиқни ташкил этади. Бу ҳолат эса жамоат ташкилотлари ҳолатининг юридик томонларини комплекс тарзда таҳлил қилиш, бугунги ижтимоий воқелигимизда жамоат ташкилотларининг олдида турган мақсад ва вазифаларга мос келадиган ушбу институтнинг ҳуқуқий мақомига оид янги илмий қоидаларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи тегишли қонунчиликни шакллантиришда миллий ва халқаро тажрибани ҳамда умум қабул қилинган халқаро нормаларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга, жамоат ташкилотлари фаолиятида миллий ўзига хосликни ҳам унутмаслик керак. Ҳозирда бутун дунёда тарқалган COVID-19 пандемиясига қарши курашиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларнинг марказида ҳам жамоат ташкилотлари турганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. “Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондига келиб тушаётган маблағларнинг ўзи ҳам аҳолини ижтимоий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш воситасига айланганлигини кўрсатади.

Республикада жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар фуқаролар манфаатдорлиги ва фаоллигини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, улар қонуний жиҳатдан мустақамлаб қўйилган. Жамоат ташкилотлари томонидан қамраб олинadиган аҳоли қатламларининг эҳтиёжлари ўсиб боргани сари жамоат ташкилотлари қонунчилик асослари янада такомиллашув жараёнларида акс эта бораверади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли Қонуни таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
4. Закиров И., Турабеков Т. Некоторые аспекты влияния мусульманского и традиционно-обычного права и законодательство Республики Узбекистан о негосударственных некоммерческих организациях // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2003. – №4. – Б. 23.
5. Шомагдиев Ш. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1961. – С. 36.
6. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 2001.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Ўзбекистон Республикасида жамоат ташкилотларининг қонуний ривожланиш жараёнлари ҳақида сўз боради. Бу жараёнларнинг демократик тамойиллар асосида олиб борилаётганлиги, тарихий ривожланишидаги тўсиқлар, Республикадаги дастлабки жамоат ташкилотларини пайдо бўлиши ва ривожланиши, уларнинг қонунчилик асослари ёритиб берилган. Бугунги кунда жамоат ташкилотлари тўғрисида қабул қилинган қонунларга тўхталиб ўтилган.

## SUMMARY

The article deals with the process of legal development of public organizations in the Republic of Uzbekistan. The fact that these processes are carried out on the basis of democratic principles, the barriers to historical development, the emergence and development of the first public organizations in our Republic, are illuminated by the legal framework. The laws adopted today on public organizations are discussed.

## РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются процессы правового развития общественных организаций в Республике Узбекистан. Подчеркивается тот факт, что эти процессы осуществляются на основе демократических принципов, анализируются препятствия в их историческом развитии, появление и развитие первых общественных организаций в республике, их законодательная база. В статье затрагиваются принятые законы, об общественных организациях.

*Наишга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## ИЖТИМОЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДАГИ ИЖТИМОЙ АДОЛАТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Махрамов У.Ш. (ЎзМУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *ижтимоий бошқарув, адолат, ижтимоий адолат, ижтимоий ҳаёт, ижтимоий барқарорлик, ижтимоий алоқа, технологик бошқарув, сиёсий элита, адолатни таъминлаш тактикаси.*

**Ключевые слова:** *социальное управление, справедливость, социальная справедливость, социальная жизнь, социальная стабильность, социальные связи, технологическое управление, политическая элита, тактика обеспечения справедливости.*

**Keywords:** *social management, justice, social justice, social life, social stability, social relations, technological management, political elite, justice tactics.*

Ижтимоий бошқарув тизимида ижтимоий адолат масаласи кўплаб олим ва файласуфлар томонидан уларни кизиқтирган муаммолардан бири сифатида қараб келинади. Негаки, ижтимоий адолат инсоният интилиб келаётган олий қадрият ўларок, нафақат мақсадларни белгиловчигина эмас, балки ушбу мақсадларнинг сабаблари ҳамда ривожланиш шароитлари, уларнинг ўзгариб бораётган оламда ўзгариш сабабларини ҳам изоҳловчи қадрият ҳамдир. Қандай қадрият бўлишидан қатъи-назар интилиш мақсадини англамасдан, унга эришиш учун аниқ ҳаракатларни тушунмасдан туриб ижтимоий адолатнинг умумий мазмунини, унинг мавжудлигини ҳамда унинг ижтимоий бошқарув тизимидаги ўрни ва ролини аниқлаб бўлмайди.

Мақсаднинг ўзини аниқ ҳаракатларсиз амалга ошириб бўлмаганидек, ижтимоий адолатни фақатгина фалсафий ғоя сифатида ҳам қараб бўлмайди. Акс ҳолда у ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолган курук ғоя ва мавҳум ҳодисага айланади. Шу маънода, адолатнинг пировард мақсади дунёқараш, мафкура, назария ва амалиёт даражасидаги ягона тафаккур билан бирлаштирилган адолатнинг ижтимоий бошқарув тизимидаги имкониятларини жорий этиш санъатини назарда тутади. Бизнинг фикримизча, алоҳида ижтимоий қадрият сифатида адолатнинг ижтимоий бошқарувдаги аҳамиятини англамай туриб, юқоридагиларни амалга ошириб бўлмайди. Буни турли тарихий даврлардаги ҳамда турли маданиятлардаги ижтимоий барқарорлик ҳодисасини тушунишдаги фарқларни ментал англаш мисолида ҳам кузатиш мумкин.<sup>1</sup> Мазкур вазиятда ижтимоий адолат ўзгарувчан ижтимоий ҳаётда унинг кўп қиррали қадриятлари рақобат майдони сифатида мақсадга йўналтирилган

<sup>1</sup> Зверев М.К. Особенности социальной солидарности в современном российском обществе: дис. ... канд. фил. наук по специальности 09.00.11 – Социальная философия. – Иркутск, 2009.



холда сингдирилишини англатади.<sup>1</sup> Бу билан адолат аксиологик моделининг афзалликларини мослаштириш ва жорий этиш тартибида булар ўзига хос яшовчанлик синовидан ўтади. Булар адолатнинг ҳам мафкуравий, ҳам ижтимоий бўғинларидаги таъсир кўрсатишнинг аниқ кучига эга бўлган чораларига айланади ва адолатнинг идеал намунага яқинлашиб бориш имкониятини янада кучайтиради. Бу шу билан боғлиқки, ҳар қандай мафкура долзарб аҳамиятга эга ижтимоий вазиятнинг муайян мақсадларини аниқлашнинг ўзига хос мезонлари ҳамда уларга эришиш воситалари, англаш ва ўзгартириш мезонлари сифатида юзага чиқадиган маълум бир тарихий вазиятдаги муҳим бир ижтимоий кадрларни бирлаштириш усулидан иборатдир. Масалан, бугунги кунда ижтимоий психологияда адолат гуруҳлараро фарқлар ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш масалаларини ўрганишда ҳамда гуруҳлараро рақобатнинг асосий кўрсаткичи сифатида икки ёндашув шаклланиган. Биринчи ёндашув тарафдорлари адолатни қарашлар тенглиги ҳамда хизматларга яраша мукофотланиш сифатида идрок этади<sup>2</sup>. “Гуруҳли” назариялар<sup>3</sup> тарафдорлари эса адолатни кишиларнинг муайян ижтимоий гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб муносабат билдириши борасидаги фикрга қўшиладилар.

Аксиологик ёндашув тарафдорлари учун адолат ижтимоий бошқарув, ижтимоий тартиб ва бошқалар муаммонинг хусусий ҳолатидир. Аммо замонавий жамиятларда ижтимоий адолатни қарор топтириш учун, айти пайтда буларни муваффақиятли ҳал қилиш ижтимоий бошқарув тизимининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бундаги ҳолатни С.М.Дорохов бошқариб бўлмайдиган кундалик ҳаёт сифатида кўрсатиб ўтган.<sup>4</sup> Айти пайтда ривожланган ва ривожланиш босқичидаги замонавий жамиятларни таҳлил қилган кўплаб тадқиқотчилар адолатнинг мақсади ва уни амалиётга қўллаш механизмлари қўлланиладиган вақт оралиқларида ва уни амал қилиш доираларида ижтимоий сафарбарлик субъектларининг ўрни ва ролини холис баҳолаш мураккаб эканлигини таъкидламоқдалар.

Ижтимоий адолат объектив тарзда мавжуд. Шунинг учун ҳам унинг кадрларини амалга ошириш узлуксиз равишда юз бермоқда. У ижтимоий бошқарувнинг бутун механизми барпо этиладиган таянч сифатида ижтимоий тараққиётнинг олдинга интилиши билан таъминланади. Шу маънода, инсоний фаолиятнинг қўламадан қатъи назар адолатга бўлган муносабатни ўзгартириш, мавжуд муаммоларни қайта кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилиш унинг ижтимоий маданий рақобатбардошлигини оширишни англатади. Шу маънода, бошқарувнинг янги моделларини шакллантиришнинг муҳим унсури сифатида ижтимоий адолатни социологик баҳолаш бўйича БМТ ва ЕК таклиф этилаётган инсон ҳуқуқлари бузилиши мониторинги алоҳида қизиқиш уйғотади.<sup>5</sup>

Адолатнинг аксиологик модели мазмунини узил-кесил танлаш унинг кадрларни рақобатли афзалликларини сунъий равишда сездирмай бошқаришга интилишлар ҳамда

---

<sup>1</sup> Гулевич О.А. Социальная психология справедливости. – М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2011. – С. 195

<sup>2</sup> Крэйхи Б. Социальная психология агрессии. – СПб.: Питер, 2003. – С. 46–48; Шмитт К. Политическая теология. – М., 2000; Kosewski M. Biologiczne podloze zachowania agresywnego // Agresywni przestepcy. Warszawa: Wiedza Powazeczna, 1977. – S. 117. Косевски М. Биологическая основа агрессивного поведения // Агрессивные преступники. – Варшава: Общие знания, 1977. – С.117.

<sup>3</sup> Платон, Аристотель. Политика. Наука об управлении государством. – М., 2003. – С. 21; Развитие медиации в России: теория, практика, образование: Сборник статей (под ред. Е.И. Носыревой, Д.Г. Фильченко). – М., 2012; Гулевич О.А. Межгрупповые отношения: направления социально-психологического исследования. – М.: Ин-т психологии им. Л.С. Выготского, 2006. Ч. 1. Когнитивный подход; Рябова Т.Б. Рекрутирование тендерной идентичности в современной российской политической риторике // Новые направления политической науки: гендерная политология. Институциональная политология. Политическая экономия. Социальная политика / Редкол.: С.Г. Айвазова (отв. ред.), С.В. Патрушев (отв. ред.) и др. – М.: РАПН; РОССПЭН, 2007. – С. 165.

<sup>4</sup> Дорохов С.М. Социально-мобилизационные условия социального порядка в российском обществе (отв. редактор Хунагов Р.Д.). – Ростов н/Д., 2012. – С. 13.

<sup>5</sup> Севастьянов А.М. Социологическое измерение социальной несправедливости: опыт Организации Объединенных Наций и Совета Европы // Омбудсмен, 2012, – N 2.

кескин сиёсий курашлар билан биргаликда кечаётганлигини тан олиш лозим.<sup>1</sup> Масалан, П.П.Краснорудский асосли тарзда таъкидлаб ўтганидек, ижтимоий-маданий тизимнинг қадрияти ва негизи сифатидаги маънавият ғарб қадриятлари тизимидаги ўз мавқеини жадал йўқотмоқда.<sup>2</sup> Шунинг учун замонавий ғарб жамиятларидаги айнан бошқарув салоҳияти ҳамда адолатни таъминлаш бир томондан муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалар ечимини таъминламоқда, бошқа томондан эса мазкур жараённи ижтимоий бошқаришнинг янада юқори даражасига чиқиш учун зарурий шароитларни яратмоқда.

Инъом этиш, тақсимлаш ва алмашув муносабатларидаги шахсий, гуруҳли ҳамда ижтимоий мақсадларнинг йўқотилиши адолат борасидаги хом хаёлларни юзага келтирмоқда. Бундай вазиятнинг вужудга келиши тасодикий эмас. Ҳар қандай жамиятда сиёсий элиталар адолатни таъминлашнинг ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларини расмий жиҳатдан мустаҳкамлашга муҳтож бўлиб келган. Бунга эса сиёсий элиталарнинг ҳаммаси ҳам қодир бўла олмаган.

Олий ҳуқуқий мақомдаги адолатнинг европача моделининг ижтимоий маданий концепциясида қайси жамиятда бўлишидан қатъи назар кўпмиллатли халқни ҳокимиятнинг ягона манбаи ҳамда эзгулик ва адолатга ишончни мерос қилиб қолдирган ажодлар хотирасининг ҳимоячиси, деб эълон қилди.<sup>3</sup> Тактика стратегияни амалга ошириш воситаси эканлигига қарамадан ижтимоий бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунинг моҳияти шундан иборатки, адолатни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар ҳақиқатан ҳам янгича фуқаролик-уюшган ижтимоийликни юзага келганлигини тасдиқлашга имкон берувчи механик мажмуани шакллантирадиган қандайдир ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишни таъминлайди. Булар ижтимоий бошқарув механизмида ҳанузгача ижтимоий тартибда муайян мақом ва ролга эга эмас, чунки улар ижтимоий сафарбарлик субъекти сифатида юзага чиқиши мумкин бўлган келишиб ҳаракат қилувчи шасхлар ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг ягона стратегик мафкураси билан бирлаштирилмаган. Шунга боғлиқ ҳолда файласуф-ҳуқуқшунос А.Мишель адолат чегарасини онг белгилайдиган мезонлар тўғрисида мулоҳаза юритган ҳолда “умумий битим” ишончлилигини танқидий баҳолаганлигига эътибор қаратиш зарур. У ҳар қандай асл ижтимоий ислоҳот доимо “хусусан, дангаса ва бепарво оммада ўз душманларини топишини фараз қилган. Маълум фикрни ҳақиқатан ҳам умумий фикр деб ҳисоблаш учун шунча вақт зарурми? Фикр эндигина шаклланаётган: энди тарқалишни бошлаган ҳамда эндигина тарқалиб бўлган фикрлар даврига буларни умумий ҳисоблаган ҳолда қандай қилиб ишончли тарзда умумий фикр деб аташ мумкин?” лиги борасидаги фикрларни илгари сурган.<sup>4</sup> Адолатнинг таъминланиши борасидаги бундай ҳолатга сабаблар кўп. Масалан, бу аҳолининг заиф сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий маданияти, нигилизм ва радикализм сингари адолатсизлик ҳукмронлигининг намоён бўлиши билан боғлиқдир.<sup>5</sup> Умуман олганда, бу кўпроқ ўзини ҳокимиятнинг ягона манбаи ҳамда эзгулик ва адолатга ишонч ҳимояси сифатида англовчи

<sup>1</sup> Петухова Т.Н. Мультикультурализм как одна из концепций межэтнического взаимодействия // Российский юридический журнал, 2012, – N 2).

<sup>2</sup> Краснорудский П.П. Духовность в системе ценностей российской молодежи в условиях глобализации (отв. редактор Гуськов И.А.). Ростов н/Д. 2013. – С.3; Краснорудский П.П. Духовное самоопределение российской молодежи в условиях глобализации: автореф. дис. ... канд. социол. наук. – Ростов н/Д., 2013.

<sup>3</sup> Қаранг: Материалы итоговой научной конференции Института психологии РАН (11-12 февраля 2010г.). – М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2010. – 291 с. (Материалы конференции); Проблемы нравственной и этической психологии в современной России / Отв. Ред. М.И. Воловикова. – М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2011. – 320 с. (Труды института психологии РАН); Сергиенко В.О. Коррупционные практики в российском обществе: влияние и включенность: автореф. дис. ... канд. социол. наук. Ростов н/Д., 2013.

<sup>4</sup> Мишель А. Идея государства. Критический опыт истории социальных и политических теорий во Франции со времени революции. – М., 2008. – С. 528.

<sup>5</sup> Қаранг например, Быховец Ю.В., Тарабрина Н.В. Психологическая оценка переживания террористической угрозы: Руководство. – М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2010. – 85 с. (Методы психологии); Анисимова Н.А. Сетевые структуры террористов на Северном Кавказе: причины формирования и стратегии противодействия: автореф. дис. ... канд. социол. наук. – Ростов н/Д., 2013.

хамда намоён этувчи фуқаролик жамияти мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир. Масалан, файласуф Р.Г.Тугов ҳозирги босқичда фуқаролик жамияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизми, мазкур ҳуқуқларга риоя қилишни назорат этиш усулларининг мавжуд эмаслиги боис давлат билан зиддиятда турганлигини исботлашга уринади.<sup>1</sup> Социолог С.М.Дорохов эса бошқарув тизимида стратегик режалаштиришнинг мавжуд эмаслигида ижтимоий-сафарбар этувчи таъсирни жорий этиш орқага сурилган умидларга таянаётганлигини тахмин қилиш қийин эканлигини кўрсатади.<sup>2</sup> Шунинг учун ҳам бугунги замонавий жамиятларда ижтимоий адолатни таъминлаш “хусусийликдан умумийлик томон” қондаси бўйича амалга оширилмоқда. Яққол кўриниб турганидек, эмпирик ахборотни жамлаш ва тадқиқ қилиш, илмий ўрганиш тамойилларидан фойдаланган ҳолда бу ахборотни умумлаштириш ҳамда мавҳумлаштириш адолатни таъминлаш борасидаги стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқишда фойдали бўлиши мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ижтимоий адолатни таъминлаш тактикаси ва стратегияси узвий боғлиқлигининг объектив хусусияти унинг ижтимоий сафарбарлик субъектлари қадриятларининг яхлитлигини, ички бирлигини сақлаб қолиш ҳамда таъминлашга олиб келувчи ҳамда ўзгараётган оламдаги унинг амалий генезиси динамикаси билан таъминлашга олиб келади.

Адолатга ижтимоий-ҳуқуқий ёндашув асосида унинг юридик таркибий қисми ҳисобланган ва расман мустаҳкамланган хатти-ҳаракат меъёрлари ҳамда қоидалари ушбу бошқарув механизмидаги ҳуқуқий қадриятларнинг жорий ва узоқ муддатли устунлиги борасидаги қоида ётади. Адолатга ижтимоий-психологик ёндашув асосида эса кишилар ижтимоий меъёрларга риоя қилган ҳолда ўзаро ҳаракатга киришади. Шу маънода, замонавий ижтимоий психологиянинг етакчи назарийчиларидан бири А.О.Гулевичнинг фикрига кўра, адолатни бундай умумий тушуниш қадриятларни ҳимоя қилиш назариясини мустақилол этганда барча замонавий психологик концепциялар асосида мавжуд эканлигини таъкидлаш жоиз. А.О.Гулевич мазкур назария издошлари “адолатни” “эзгуликка” тенглаштирган ҳамда ушбу сўзни ҳар қандай ўзаро ҳаракатни баҳолаш учун қўллаган ҳолда адолатнинг барқарор мазмунлари мавжудлигини рад этишларини фарз қилади. Унинг фикрига кўра, мазкур ҳолат ушбу назариянинг кенг тарқалганлиги тўғрисида сўз юритишга имкон бермайди.<sup>3</sup>

Ҳозирги кунда замонавий Европада неолиберал назариялар доираларида адолатга риоя қилиш инсонга шахсий муқофотланишга имкон берувчи восита эканлиги тўғрисидаги ғоя фаол илгари сурилмоқда. Умумий маданий ва илмий мазмундаги доираларда “шахсий муқофотланиш” борасидаги ушбу ғоя тарафдорлари томонидан ижтимоий битим мазмунида юзага келадиган адолат меъёрлари муносабатларини асосий бошқарувчиси эканлиги исботланмоқда. Адолат тушунчаси бир қатор психологик концепцияларда шахсий манфаат тамойилини ишлаб чиқишда ўз аксини топди. Бундай ёндашув асосида қуйидаги ғоялар қарор топишига олиб келди: онгли инсон ўз табиатига кўра лаззатпарастдир. У доимо муқофот олиш ва жазодан қочишни истайди. Бундай интилиш психологик механизм асосида қарор топган дейиш мумкин. Хатти-ҳаракат сифатидаги адолат ғоясининг ушбу психологик асослари ижтимоий ўзаро ҳаракатдаги адолат ролини изоҳловчи назарияларда – *яхлитлик (холислик) назарияси (натижаси адолати) ҳамда шахсий манфаат (жараён адолати) назарияларида* ўз аксини топди. Холислик назарияси XX асрнинг 60-70 йиллари ўрталарида Ж.Адамс, И. Уолстер ва Г. Левенталь қарашларида ўз аксини топган бўлиб, уларнинг фикрича, ижтимоий ўзаро ҳаракатнинг мақсади – шахсий муқофотга эришиш бўлиб, бу ердаги муносабатлар ўзаро ҳаракат унсурларидир. Бу шахсий улуш имкон қадар ижобий бўлиши лозим.<sup>4</sup> Худбинликка таяниш эса зиддиятни келтириб чиқаради. Бу эса,

<sup>1</sup> Тугов Р.Г. Формирование и консолидация гражданской общественности в России: автореф. дис. ... канд. фил. наук. по специальности 09.00.11 – Социальная философия. Ростов н/Д., 2013. – С. 26.

<sup>2</sup> Дорохов С.М. Социально-мобилизационный потенциал управления в российском обществе: условия и пути развития. – Ростов н/Д., 2013. – С. 130-131

<sup>3</sup> Гулевич О.А. Указ. соч. – С.11.

<sup>4</sup> Қаранг Гулевич О.А. Указ. соч. – С. 48.

шахсий мукофотланиш эҳтимолининг камайишига олиб келади. Шунинг учун бундай оқибатни бартараф этиш ёки ўта камайтириш учун инсонлар адолатнинг қандайдир меъёрларини ишлаб чиқишга мажбурдирлар. Масалан, Ж. Адамснинг ижтимоий бошқарув психологик назариясига мувофиқ адолатнинг асосий меъёри холислиқдир: ўзаро ҳаракат агар улуш бўладиган бўлса, адолат сифатида кўриб чиқилади, яъни бир иштирокчининг нуқсонлари ва мукофотланиши ўртасидаги фарқ бошқанинг улушига тенг бўлиши лозим. У.А.Гулевич эса мазкур меъёрнинг мазмуни муайян даражада ўзаро ҳаракат ташкил этилишига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. У мазкур назария муаллифлари холислиқ тўғрисида сўз юритганда фақат мукофотланишни назарда тутганликларига эътибор қаратади. Иш бора-сидаги ўзаро ҳаракат масалаларини мутлақлаштирган ҳолда улар жазолашни назардан қочирганлар. О.А.Гулевич адолатнинг бундай назарияси 1960 йилларда пайдо бўлган ҳолда диструбитив адолатни ўрганишда етакчи ўринни эгаллаб қолганлиги ҳақида ёзади.<sup>1</sup>

Хукм чиқариш жараёни сифатидаги адолатни баҳолашда инсон худбинлиги ғояси шахсий манфаат назариясида XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Ж. Тибо ва Л. Уолкерлар томонидан амалга оширилди. Мазкур назариянинг моҳияти шундан иборатки, инсон ўзаро ҳаракатга киришган ҳолда кам нуқсонларга йўл қўйиб, имкон қадар катта индивидуал мукофот олишга интилади, шу билан биргаликда ушбу мақсадга дарҳол эришиш имкониятига эга бўлмаган ҳолда унга келажакда ижобий якунини кафолатловчи тартиботга мурожаат қилади. Бинобарин, инсон мулоқотни баҳолаган ҳолда ижобий якунга интилиб унга шахсий интилиши мазмуни сифатидаги имкон қадар катта мукофот олишга имкон берувчи адолат меъёрини танлайди. Бу маънода инсон учун интилишнинг натижаси ёки бундай жараёни ўзи адолатлидир.

Адолатнинг ижтимоий-психологик ёндашуви тарафдорлари адолатни нафақат шахсий мукофот олишга интилиш эмаслиги борасидаги ғояни илгари суради. Қандайдир восита сифатидаги адолатни психологик изоҳлашга интилиш “шахсий мукофотланиш” ғояси доиралари билан чекланмаган. Масалан, коммунитаристларнинг “гуруҳли анъана” ғояларида ижтимоий неъмат ғояси яратилган бўлиб, бу ерда адолатга жамиятни сақлашдаги асосий ролни ажратилади. Ушбу қараш тарафдорлари инсон ижтимоий табиатга эгаллиги боис шахсий эмас, балки ижтимоий фаровонликка интилишини фараз қиладилар. Ижтимоий барқарорлик, ижтимоий алоқаларнинг мустақамлиги кадриятлари шахсий мустақилликдан анча муҳимроқ бўлиб чиқади. Коммунитаристлар (А.Мантайр, М. Ниссбаум) адолатнинг зарурати ижтимоий ҳаётнинг рақобатли тусга эга эканлиги билан изоҳланишини: неъматни қўлга киритишга интилган ҳолда фуқаролар доимо ўзаро рақобатлашувини фараз қиладилар. Уларнинг фикрига кўра, мазкур ҳолатда адолат жамият яхлитлигини сақлаб қолиш воситасидир ҳамда шахсий ҳуқуқларни ҳимоялашгина эмас, балки ижтимоий умумийликни сақлаб қолишга эришишдир. Умуман олганда, замонавий коммунитаристлар ғоялари таҳлили бу ғоялар ижтимоий тараққиётнинг замонавий тенденцияларига, шу жумладан, ғарбча ёки шарқона маданиятларнинг ўзаро бир-бирига сингиши, мумтоз либерал назарияларнинг инкирози шароитларидаги замонавий тенденцияларга ҳамоҳанг эканлиги борасида хулоса қилишга имкон беради.<sup>2</sup> Бу борада шуни таъкидлаш муҳимки, ижтимоий ҳаётнинг беқарор ҳолатига эга бўлган жамиятлар учун адолат борасидаги дунёқарашлари, мафкуралари, назарияси ва амалиёти тўқнашуви адолатни таъминлаш тактикаси ва стратегияси жараёнлари ҳамда натижаларига ҳали узок вақтга қадар таъсир кўрсатишнинг асосий омили бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий бошқарувни ташкил этиш доираларида ижтимоий адолат қуйидаги вертикал бўйича ўзаро боғлиқ даражалардан иборат бўлади: биринчидан, функционал бошқарув (маъмурият) соҳаси адолат кадриятларини мослаштириш ва жорий этиш доираларида белгиланган мақсад ва вазифаларга мос тарздаги мониторингга, ўлчаш ва таҳлил қилишга тортилиши мумкин. Иккинчидан, технологик бошқарув соҳасида адо-

<sup>1</sup> Гулевич О.А. Указ. соч. – С. 49, 51.

<sup>2</sup> Гулевич О.А. Указ. соч. С. 53.

латнинг захиралари ҳамда имкониятлари ёрдамида ижтимоий бошқарув механизмида адолат идеалларининг эгалари: умуман жамият ёки айрим шахслар ёхуд уларнинг гуруҳлари манфаатларини қондириш юз беради. Учинчидан, ижтимоий бошқарув тизимидаги вазият-ли таҳлил доираларида давлат ва жамият умидлари атроф-олам ходисаларининг функционал аҳамияти ва кадриятларига мос келмаслигидан иборатдир.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ижтимоий бошқарув тизимида ижтимоий адолатнинг намоён бўлиш хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, адолатнинг инъом этиш, тақсимлаш ва алмашув муносабатларидаги аксиологик модели илмий-амалий жиҳатдан асосланган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье проводится научно-теоретический анализ особенностей проявления социальной справедливости в системе социального управления. А также с научно-практической точки зрения обосновываются аксиологические модели в отношениях распределения, обмена, предоставления справедливости.

#### SUMMARY

This article provides a scientific and theoretical analysis of the features of manifestation of social justice in the system of social management. And also, axiological models in the relations of distribution, exchange, and justice are scientifically substantiated.

*Наирга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ДАРАЖАЛАРИ

Мўминов М. (АндДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** мафкуравий иммунитет даражалари, соғлом дунёқараш, демократик ислохотлар, мафкуравий жараёнлар, маънавий билим, Ватан олдидаги фарзандлик бурчи.

**Ключевые слова:** уровень идеологического иммунитета, здоровое мировоззрение, демократические реформы, идеологические процессы, духовные знания, долг сыновей перед Родиной.

**Keywords:** levels of ideological immunity, healthy outlook, democratic reforms, ideological processes, spiritual knowledge, childhood duty to the Motherland.

Айрим мутахассислар ёшларнинг мафкуравий иммунитетини беш даражада, яъни 1) қуйи даража – ёшлар миллий ғоя моҳиятидан хабардор эмас; 2) иккинчи даража – хабардор, лекин миллий ғоя чуқур эгалланмаган; 3) учинчи даража – билимлар бор, лекин уни ҳаётда қўллашга қийналадилар; 4) тўртинчи даража – ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши асосли иммунитетни намоён қила олади, лекин бошқаларни бу ишга даъват қилмайди; 5) бешинчи даража – ёшлар миллий ғояни ўз эътиқодига айлантирган, сиёсий ғояларга қарши фаол қатнашади, бошқаларни ҳам шунга даъват қилади) тариқасида баҳолаш мумкин, деб ҳисоблайдилар [3,Б. 18-19].

Умумий ўрта таълим мактабидаги жами ўқувчиларнинг мафкуравий иммунитет шаклланиши даражаларини учга: юқори даражадаги мафкуравий иммунитет, ўрта даражадаги мафкуравий иммунитет, қоникарсиз даражадаги мафкуравий иммунитетга ажратишни тавсия қиламиз. Масалан, бола мактабда ўқияптими, демак, у 1-синфдан бошлаб маълум даражада миллий ғояга, мафкуравий билимга эга бўлади. Айрим ўқувчи диний экстремистик оқимга мансуб оила таъсирида бўлиши, яъни деструктив мафкуравий манипуляция орқали тўғри йўлдан оғдирилган бўлиши мумкин. Бир томонда ўқитувчисининг мафкуравий тарбияга оид гаплари, иккинчи томонда диний экстремист ота-онасининг тазйиқидан гангиб қолган ўқувчи ҳам учраши мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, болада аниқланган диний оқим таъсирига берилиш хусусияти ўнглаб бўлмайдиган фатал ҳодиса эмас ва у йўл-йўриқлар, суҳбатлар, мафкуравий профилактик тадбирлар орқали тўғри изга солиниб, соғлом дунёқарашга эга қилиб, қайта тарбияланиши мумкин [1,Б. 185-192].

Биз томондан қуйида илк бора ўқувчилар учун “Мафкуравий иммунитет шаклланиши даражалари” таклиф этилмоқда. Уни аниқлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари эътиборга олинди ва билим савиясига қараб меъёрлари белгиланди.

**Юқори даражадаги мафкуравий иммунитет.**

Бошланғич таълим (I-IV синфлар).

Ўқувчилик бурчини яхши билади ва унга риоя қилади. Мактабдаги ташкилий ишларда фаол иштирок этади. Давлат рамзлари маъно-моҳиятини англайди. Ўзини номаъқул ишлардан, ёмон хатти-ҳаракатлардан, зарарли таъсирлардан сақлайди. Ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмайди. Қонун, қоида, тартиб бузилишига нисбатан шахсий муносабат билдира олади.

Таянч ўрта таълим (V-IX синфлар).

Синфда, мактабда, яшаш жойида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳисси мавжуд. Кундалик ҳаётда ҳушёр ва огоҳ бўлади. Диний экстремистик оқим, терроризм ва бошқа маънавий таҳдидларни англайди ва уларга муносабат билдира олади. Ватан, халқ, ота-она олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилади. Миллий маънавий-маданий меросни асрайди. Жамиятда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, мафкуравий жараёнларга, воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси мавжуд. Бузғунчи ёт ғоя ва мафкураларни фарқлай олади. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда хавфсизлик меъёрларига амал қилади ва бошқаларга ҳам тарғиб қилади. Ўзбекистондаги демократик ислохотлар ва дунёда кечаётган маънавий-мафкуравий жараёнларга ўзининг мустақил фикрини билдиради. Маънавий билимларини синаш сўровномасида яхши натижага эга.

Ўрта таълим (X-XI синфлар).

Глобаллашув жараёнида дунёда содир бўлаётган маънавий-мафкуравий жараёнларга ўзининг мустақил муносабатини билдира олади. Ўзбекистонда юз бераётган демократик ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Ўз оиласидаги фарзандлик бурчини яхши билади. Маҳалласи, юрти олдидаги фуқаролик бурчини ҳис қила олади. Ўз фаолиятини таҳлил қила олади ва танқидий баҳолайди. Ҳар томонлама тарбияланган мукамал инсонга ҳос хусусиятларни намоён қилади. Бағрикенглик, дўстлик, мафкуравий иммунитетни ҳаётда қўллай олади. Интернетдан фойдаланиш маданиятини билади ва бошқаларга бу тўғрида тавсиялар беради. Муаммоли вазиятларда ҳиссиётини жиловлай олади ва ақл билан иш қўради. Ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўла олади. Жамоатчилик ишларида фаол бўлади. Маънавий билимларини синаш сўровномасида яхши натижа кўрсатган.

**Ўрта даражадаги мафкуравий иммунитет.**

Бошланғич таълим (I-IV синфлар).

Оилада ота-онасини ҳурмат қилади. Мактабда ўртоқлари билан чиқиша олмай қолади. Баъзан дарс қолдиради, дарсга кеч қолади, ўрта баҳога ўқийди. Мактабдаги ташкилий ишларда номига иштирок этади. Давлат рамзлари маъно-моҳиятини чала билади. Миллий ғоя мазмунини билмайди. Ўзини зарарли таъсирлардан, ёмон хатти-ҳаракатлардан, ёлғон гапиришдан сақлай олмайди. Ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқроқ. Мактабдаги ички тартиб бузилишига баъзан йўл қўяди.

Таянч ўрта таълим (V-IX синфлар).

Ислом дини билан диний экстремизмнинг бир-биридан фарқини яхши билмайди. Жамиятимизга ёт таҳдидларнинг зарарли мақсад-муддаоларини тўлиқ билмайди. Ўз манфаатларини давлат ва халқ манфаатлари билан бирга боғлайди. Ватанимизнинг, Президентимизнинг, таълим олаётган ўқув даргоҳи ва синф жамоасининг обрў-эътиборини сақлайди. Оила шаънини сақлайди, ота-она, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини билади. Одамларни, юртини, миллатини, ота-онасини, синфдошларини севади ва ҳурмат қилади. Маънавий билимларини синаш сўровномасида ўртача натижа кўрсатган.

Ўрта таълим (X-XI синфлар).

Диний экстремистик оқимларнинг фаолияти мавжудлигидан хабардор. Лекин уларнинг жамиятимиз тараққиётига қандай зарар келтириши мумкинлигини айтиб бера олмай-

ди. Экстремистик, ақидапарастлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид ҳаракат эканлигини билади. Лекин уларга қарши муносабат билдирмайди, яъни ақидапарастларнинг бузғунчилик ғоясини қораламайди.

Юртимизда тинчлик, осойишталик бўлишини хоҳлайди. Давлатимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни маъқуллайди. Маънавий билимларини синаш сўровномасида ўртача натижага эга.

### **Қоникарсиз даражадаги мафқуравий иммунитет.**

Бошланғич таълим (I-IV синфлар).

Ўқувчилик бурчини тўлиқ билмайди. Мактабдаги ташкилий ишларда қатнашмайди. Давлат рамзлари маъно-моҳиятини билмайди. Ички сирини яширади. Ўртоқлари билан яқин дўст бўлмайди. Ўзини номаъқул ишлардан, ёмон хатти-ҳаракатлардан, зарарли таъсирлардан дадил сақлай олмайди. Ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ. Мактаб ички тартиби бузилишига йўл қўйса, ваҳимага тушади ва турли хаёлларга боради.

Таянч ўрта таълим (V-IX синфлар).

Диний экстремистик оқимнинг зарарларини билмайди. Ёт таҳдидларнинг таъсирига берилиш мойиллиги бор. Ўзининг мақсад-муддаоларини бошқалардан яширади. Хафахон бўлиб юради. Ўз манфаатини ўйлайди. Ватанимиз, халқимиз, Президентимиз шон-шухрати билан ғурурланмайди. Тўпорига ўхшаб, бошқалардан ажралиб туради. Сўровномадаги “Огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш керак, деб ўйлайсанми?”, “Ислом дини билан диний ақидапарастликнинг бири-бирдан фарқини биласанми?” деган саволларга “йўқ” деб жавоб берган. Маънавий билимларини синаш сўровномасида паст натижа кўрсатган.

Ўрта таълим (X-XI синфлар).

Миллий ғоя тамойиллари оз шаклланган. Диний бағрикенгликнинг мазмунини, виждон ва эътиқод эркинликлари моҳиятини тушунмайди. “Ватан менга нима берди?” деган ғоя билан, норози кайфиятда яшайди. Ўзбекистонга нисбатан содир бўлаётган мафқуравий хуружларга нисбатан лоқайд. Экстремизм ва мутаассиблик Ватан тараққиётига, одамлар ҳаётига зарар етказишини билмайди. **Экстремистик** оқимга аъзолиги ёки диний сабоқ олаётганини яшириб, бундай пинҳона фаолияти билан мағрурланади. Муомаласи, кийиниши, динга муносабатида бошқалардан ажралиб туради. Социологик тадқиқот сўровномадаги 4-5 та саволга ижобий жавоб бермаган. Маънавий билимларини синаш бўйича ўтказилган сўровномада ҳам паст натижа кўрсатган.

**Сўровнома натижаларига қараб** ҳудудий, маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, махсус дастур асосида индивид билан якка ёки жамоавий тарзда **диний ақидапарастликка қарши** зарурий профилактик тадбирлар олиб бориш режалаштирилади. Бунда юқорида биз тавсия қилган меъёр ва мезонлар асосида қайси синфда қайси ўқувчининг мафқуравий иммунитет шаклланганлик даражаси пастлиги аниқланиб, профилактик-тарбиявий тадбирлар ўтказилади. Асосан ўрта даражага ҳамда қоникарсиз даражага мансуб болаларга эътибор қаратилади.

Қоникарсиз даражага мансуб болалар аксарият ҳолларда оиласида диний экстремистик оқим аъзолари бор ҳамда соғлом турмуш тарзи шаклланмаган хонадонларда, лоқайд ота-она фарзандларида учрайди. Бундай хусусиятли болаларни диний ақидапарастлар ўзларидаги экстремистик ғояларни сингдириш учун излаб юради. Болаларни мазкур жамиятни ёмонлашга, экстремистик ғояларни тарқатишга, тенгдошлари орасида зарарли ғояларни тарғиб ва ташвиқ қилишга даъват этади. Мафқуравий масалаларда ўзгалар фикри билан келиша олмасликни, ғоявий раҳбари ўргатган фикрларни маҳкам туриб ҳимоя қилишни ўргатади. Диний оқимнинг фикрий қарашларига тўсқинлик қилаётганларни “бизнинг душманамиз” деб ўргатади. Масалан, ҳизбчилар “Халифаликни тиклаш мусулмонлар зиммасидаги Аллоҳ таоло фарз қилган энг муҳим амаллардир” деган ислом динига ёт ҳукм, янгиликни сингдиришга ҳаракат қилади[4,Б. 10]. Билимсиз бола бунга ишониши мумкин.

Социологик тадқиқот синф ўқитувчиси (синф раҳбари) томонидан ўтказилади. Унинг натижалари мактаб раҳбариятига ҳавола қилинади. Мактаб амалиётчи-психоло-

гининг маслаҳати асосида мафкуравий иммунитетни ўрта ва қониқарсиз даражада, деб белгиланган ўқувчиларга табақалашган режа ва дастурлар орқали мактаб директорининг буйруғи билан бириктирилган педагоглар томонидан махсус машғулотлар ўтказилади. Бунда масаланинг яна бир ўта нозик жиҳати бор, яъни зарарли оқим таъсирига берилган оила фарзандларининг шахс сифатида обрўсини, шаънини, ҳуқуқини паймол қилмаган ҳолда профилактик тадбирлар ўтказилади. Ундан олдин ўқувчининг шахсий хусусияти, руҳий ҳолати, кайфияти, қайси диний оқим (“Ваҳҳобийлик”, “Ҳизб-ут таҳрир ал-исломий”, “Нурчилар”, “Ақромийлар”) таъсирига берилганлик ҳолати (ички мотивацияси) психодиагностик ташхис орқали аниқланади. Ташхис натижалари асосида тарбиявий жараённинг кўлами, даврийлиги белгиланади. Шуларга қараб педагогик-психологик ташвиқот ва тарғибот дастури тузилади. Яъни бундай тадқиқотлар ўқувчилар 3 ойлик ёзги таътилдан қайтгандан кейин сентябрь-октябрь ойларида албатта ўтказилади. Ўқувчи таътиллари даврида кимлар билан учрашди, нималар тўғрисида суҳбатлашди, унинг мафкуравий тарбиясида салбий томонга ўзгариш борми-йўқми – булар ҳаммаси ўрганилиб, чиқарилган ҳулосалар асосида бутун ўқув йили давомида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб борилади.

Агар диний оқимга мансуб оила фарзандида ақидапарастликка берилиш ҳолати сезилса, у билан шахсий ҳуқуқларига путур етказмаган ҳолда индивидуал профилактик-тарбиявий ишлар олиб борилади[2, Б. 80-84]. Ўқувчининг руҳий ҳолати, юриш-туриши, ўзини тутиши, ўртоқлари билан бўладиган муомаласига қараб ҳам ёт таъсирларга бўлган мойилликни аниқлаш мумкин. Диний оқим таъсирига берилган ўқувчини соғлом турмуш тарзига қайтарувчи профилактик-тарбиявий дастур эса мактабдаги “Диний экстремизм ва терроризмга қарши Тарғибот гуруҳи” йиғилиши муҳокамасидан сўнг махсус қарор билан тасдиқланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мўминов М. Мактаб ўқувчиларида диний фанатизмга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш йўллари / Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси. – Андижон: Андижон давлат университети, 2008. – 300.
2. Мўминов М. Халқ таълимида мафкуравий иммунитетни тизимли ташкил қилишнинг концептуал асослари. – Тошкент: Мухаррир, 2019. – 144 б.
3. Салиева Н. Ёшлар. Миллий ғоя. Тарбия. – Тошкент: “INFO CAPITAL GROUP”, 2011. – 32 б.
4. Юнусов А. Динимиз душманлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002. – 26 б.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада мактаб ўқувчилари учун мафкуравий иммунитет шаклландирилган даражаларининг мезонлари берилган. Ушбу мезон моҳияти бўйича ўртача ва қониқарсиз деб топилган ўқувчи билан тарбиявий профилактик тадбирлар ўтказиш керак бўлади. Айниқса, мафкуравий иммунитетни қониқарсиз даражадаги ўқувчига кўпроқ аҳамият берилади.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются критерии уровня формирования идеологического иммунитета для учеников общеобразовательных школ. Эти критерии используются для проведения воспитательных мероприятий среди учеников средних и неудовлетворительных способностей. Особое внимание уделяется ученикам с неудовлетворительным идеологическим иммунитетом.

#### **SUMMARY**

The article gives criteria for the level of formation of ideological immunity for schoolchildren. It is necessary to conduct educational preventive measures with a student who is found to be moderate and unsatisfactory on the merits of this criterion. Particular emphasis is placed on the student with an unsatisfactory level of ideological immunity.

*Наишга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*



## ХОРАЗМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ТАРИХИЙ– МАДАНИЙ БЕЛГИЛАРИ

Маткаримов Х.О. (УрДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** цивилизация, Буюк Хоразм, Қадимги Хоразм подшолиги, “баланд сарой”, Фарасман, Африг, Артов ва Артамух, Вазамар.

**Ключевые слова:** цивилизация, Великий Хорезм, Древнее Хорезмское царство, «Высокий дворец», Фарасман, Африг, Артов и Артамух, Вазамар.

**Keywords and:** civilization, Great Khorezm, the ancient Khorezm kingdom, "high palace", Farasman, Afrig, Artov and Artamukh, Vazamar.

Абу Райхон Беруний қадимги Хоразмни Шарқдаги маданият марказларидан бири бўлган мамлакат сифатида ёритиб, хоразмликларнинг ёзуви, куёш тақвимига асосланган йил ҳисоби, астрономияга оид билимлари, қадимий урф-одатлари ва ривоятларининг катта аҳамиятини уқтириб ўтган[1. 50, 72, 84, 282].

Шу тариқа ал-Берунийнинг фаолияти ва ижодини юксак баҳолаган С.П.Толстов[2.3-25], Хоразм тарихи ва маданиятига доир ўзининг дастлабки йирик монографиясида “Буюк Хоразм”, ўзига хос бўлган “Ўрта Осиёнинг Мисри” каби атамалардан фойдаланган[3.8].

Қадимги Хоразм маданиятининг “цивилизация” тушунчаси билан илк бор боғланиши 1947 йилга тўғри келади[4.240]. Бу даврда Хоразм цивилизациясининг айрим жиҳатлари (шаҳарсозлик, мудофаа тизими, сарой ва ибодатхона меъморчилиги) антик даврга оид Жонбосқалъа, Аёзқалъа ва Тупроққалъада аниқланган эди. Тупроққалъа саройида топилган лойдан ясалган ҳайкаллар ва, айниқса, деворий рангли суратлар қуйидаги хулоса чиқаришга асос бўлди: “Хоразм цивилизациясини яратган кишилар образли тафаккурининг ҳамда бадиий маҳоратининг мустақиллиги, кучи ва етуклигидан далолат берувчи ниҳоятда оригинал ва яхлит комплексни ташкил этади”[5.202].

Мил. авв. IV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Хоразм ҳудудида Шарқ цивилизациялари ютуқлари ва маҳаллий анъаналарининг қоришиб кетиши натижасида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маданият шаклланди.

Мил. авв. IV – милодий IV асрларга оид, шартли равишда “антик –қадимги” давр деб аталган Хоразм тарихида цивилизациянинг қуйидаги белгилари юзага келган:

шаҳарсозлик, махсус лойиҳалар бўйича қурилиш, бинокорликда геометрик мутаносиблик ва меъморчилик тузилиши;

мақсадли ишлаб чиқилган мудофаа тизими, (девор ичидаги йўлак, шинаклар, буржлар, хандаклар), катта иншоотлар, сарой ва ибодатхоналар;

йирик сунъий суғориш – ирригация иншоотлари, тараккий топган деҳқончилик ва хунармандчилик соҳалари;

сопол, ёғоч тахтачаларга ва чарм юзасига битилган ёзув, илм-фан асослари;

юқори даражада ривожланган тасвирий санъат (ҳайкалтарошлик ва рассомлик) намуналари;

аҳоли ва жамиятни бирлаштирган умумий дин (зардуштийлик) ва давлатчилик тузуми.

Мил. авв. IV – III асрларда Хоразм воҳасида кўпсонли шаҳарлар бунёд этилган. Тадқиқотчиларнинг ҳисобига кўра, бу даврда воҳада камида 16-17 та шаҳар мавжуд бўлган.[6.549]. Улар ичида айримлари умумий майдонига кўра, масалан, Қазақлиётган – Ақчахонқалъа (42 гектар), Бозорқалъа (32 гектар), Хива (26 гектар) марказий шаҳарликка даъво қилиши мумкин. Қадимги Хоразм давлати мустақилликка эришгач, унинг ташқи сарҳадлари ва савдо қарвонлари ўтадиган жойларида кудратли қалъалар қурилган (Қўрғошинқалъа, Говурқалъа, Ойбуйирқалъа, Садвар, Жигарбанд ва бошқ.) [7.126-131]. Улар ўнг ва сўл соҳил Хоразм ерларида жойлашган.

Бир вақтнинг ўзида кенг тармоқли суғориш тизими вужудга келди. Қишлоқ хўжалигида аҳоли бевосита Амударёдан сув олувчи, узунлиги 40-50 км дан иборат катта каналлар,

сертармоқ сунъий суғориш иншоотлари орқали ўзининг сувга бўлган эҳтиёжини қондирган. Мазкур маълумотлар археологияда тарихий реконструкция асосида қўлга киритилган [8.136].

Демак, урбанизация жараёнлари, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик соҳаларининг юксалиши цивилизация шаклланиши тўғрисида далолат беради.

Қадимги Хоразм цивилизациясининг ривожланишида сиёсий омиллар катта аҳамиятга эга бўлган. Ёзма манбаларда Фарасманнинг “хорасмийлар шоҳи” – подшоши сифатида тилга олинган, Хоразм воҳасида подшоликнинг мавжудлиги, яъни антик даври воҳа тарихини Африғ сулоласига қадар “Қадимги Хоразм подшолиги” даври билан боғлашга асос бўлади. Бу подшолик муайян мустақилликдан фойдаланувчи, бошқарув шаклига кўра монархия бўлиши мумкин эди. Хоразмда антик даври сулоланинг асосчиси бизга номаълум. Бу сулоланинг ҳукмдорлари мил. авв. IV – III асрлар давомида Хоразмни кучли давлатга айлантириш учун ҳаракат қилганлар.

Мил. авв. IV асрнинг бошларида Хоразм воҳасида катта ибодатхоналарнинг вужудга келиши эътиборга молик (Элҳарас, Қўйқирилганқалъа, Қалъалиқир 2). Анча илгари, бронза даврида, бунга ўхшаш жараён Ўрта Осиё жанубий вилоятларига хос бўлиб, у Марғиёна – Бактрияда илк давлатчилик ва цивилизация шаклланиши босқичига тўғри келган [9.70]. Қадимги Шарқда илк давлат тизими остида ўтроқ аҳоли ва деҳқончилик жамоаларини бирлаштиришда ибодатхоналарнинг мавқеи баланд турган. Турли даврлар ўхшаш шароитида бу ҳолат Ўрта Осиё тарихида ҳам такрор топган [10.194]. Иккидарё оралиғи – Месопотамия археологияси ва ёзма манбаларига кўра, дастлаб ибодатхона маъмурий – бошқарув вазифани бажарган, яъни бош қохин ҳукмдор бўлган, бироқ кейинги босқичда дунёвий ва диний ҳокимият бир-биридан ажралиб, подшолар ўзлари учун катта саройларни бунёд этишган ва янги қароргоҳларга ибодатхоналарнинг айрим функциялари кўчирилган [11.138].

Бундай сулолавий марказ – Тупроққалъа милодий II асрда ўнг соҳил Хоразмда қурилган. У бешта асосий қисмдан иборат бўлган, шу жумладан: шаҳар даҳалари қисми, кўрғон ва олов ибодатхонаси, “баланд сарой”, шаҳар олдидаги қуйи сарой – ибодатхона мажмуаси ва мудофаа девор билан ўраб олинган кенг тўғрибурчак майдон [12.].

Меъморчилик санъати қадимги цивилизациянинг ёрқин белгисидир. Хоразмда мудофаа тизими, қалъа ва алоҳида ҳарбий истехкомлар, сарой ва ибодатхоналар ва тураржойларнинг бунёд этилиши янги бинокорлик лойиҳалар ва қурилиш технологияларини яратишни тақозо этган. Майдонни ўлчаш, масофани аниқлаш, қурилиш материалларни ҳисоблаш учун математика ва геометрияга оид билимлар керак бўлган.

Хоразм қалъаларидаги деворлар ичкарасида икки қават мудофаа йўлаклари мавжуд эди, шу ердан найзасимон шинаклар орқали ўқ отиб, қалъа мудофааси олиб борилган, қуйи ва юқори йўлакларни ғиштдан терилган зинапойлар боғлаган. Истехком катта самара бериши мақсадида мудофаа девордан 8-9 метр олдинга буржлар олиб чиқилган, шунингдек, кўшимча тўсиқ сифатида қалъа деворлари ва буржлари олдида хандак қазилган. Бундай мураккаб мудофаа тизимини фақат маҳсус меъморчилик лойиҳа ва бинокорлик усуллари бўйича меъморий-технологик ечимлар орқали амалга ошириш мумкин бўлган. Шу тариқа антик даври Хоразмда мудофаа иншоотлар мактаби мавжудлиги ҳақидаги масала илгари сурилган [13.127].

Пойтахт шаҳарлари ва маъмурий марказларнинг қурилиши ҳам ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган. Тупроққалъанинг шимолий қисмида милодий II – III асрларга оид сарой – қароргоҳ, шартли равишда “ман қилинган шаҳар” деб аталган қисми жойлашган. Тупроққалъанинг марказий кўчаси шаҳарни 10 та даҳа тураржойларга бўлган ва бу ерда ҳукмдорларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган аҳоли яшаган.

Бозорқалъа ва Ақчаҳонқалъада ҳам ички қалъа – қароргоҳлар шаҳарларнинг шимолий-шарқий қисмларида жойлашиб, уларнинг мудофаа тизимига, сарой ва ибодатхоналарнинг қурилишига катта аҳамият берилган. Ақчаҳонқалъада йирик иншоотлар мавжуд бўлган қисми ўта мустаҳкамланган ва, тадқиқотчиларнинг ёзишича, бу қисм маҳсус муҳофаза

килинадиган “муқаддас” шаҳар ҳисобланган[14.29-32].

Хоразм ёзуви намуналари цивилизациянинг муҳим белгиси бўлиб, уларнинг тарихий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш катта аҳамиятга эга. Арамей (оромий) алифбоси ҳарфлари тизимига асосланган хоразм ёзуви ёдгорликлари Катта Ойбўйирқалъа, Қўйқирилганқалъа, Қалъалиқир 2, Хумбузтепа, Бурлиқалъа, Говур 3 ва Тупроққалъада топиб текширилган. Уларнинг ўрганилишига турли давр тадқиқотлари бағишланган. Хоразм ёзуви ва хоразм тили фонетикаси ва грамматикасининг қиёсий – тарихий таҳлилига доир адабиётларнинг рўйхати В.А. Лившицнинг мақоласида ўз аксини топган[15.108]. Хоразм ёзуви ёдгорликлари бевосита ижтимоий, иқтисодий ва маънавий маданият тарихига оид долзарб масалаларини ўрганиш имконини яратди.

Қадимги Хоразм нумизматикаси, тангаларда битилган ёзувлар ва тасвирларини тарихий манбашунослик жиҳатдан ўрганилиши муҳим илмий маълумотлар берган. Улар асосида антик даври ҳукмдорларнинг келиб чиқиши, сулолаларнинг ўзгариши босқичлари аниқланган[16.]. Хоразм сиёсий тарихини қайта тиклаш жараёнида нумизматика материалларининг аҳамияти ниҳоятда қимматлидир.

Археологик тадқиқотларга кўра, мил. авв. II асрнинг ўрталарида Жанубий Оролбўйи худудида, кўчманчи қабилаларнинг босқини туфайли кўпсонли қалъалар ва манзилгоҳлар ёнғинда вайрон бўлган[17.34]. Шу воқеалардан биров сўнг Хоразм тахтини эгаллаб олган ҳукмдорлар ўз тангаларини зарб эта бошлаганлар. Б.И. Вайнберг Хоразмга кириб келган янги сулола вакиллари “Чжаову хонадони” юечжилар билан боғлайди[16.76].


Тангалардаги ёзувлар бўйича, Фарасман сулоласидан сўнг давлат иккинчи сулола ҳукмронлиги остига ўтади. Унинг вакиллари милодий II асрнинг ўрталарига қадар ҳукмронлик қилганлар. Тангалардаги ёзувлардан учинчи қадимий сулола ҳукмдорлари бўлган подшолар Артов ва Артамух аниқланган. Подшо Артамух африғийлар сулоласи хоразмшоҳдан биров илгари, яъни милодий III аср охирига қадар бўлган йилларда ҳукмронлик қилган[18.47]. Ал-Берунийнинг маълумотларидан Африғ сулоласи тарихининг бошланиши, тахминан, 304-305-йилларга тўғри келади, тангалар битикларида африғийларнинг биринчи ҳукмдори Вазамар деб аталган (III асрнинг охири), яъни Вазамар Африғ уруғидан келиб чиққан шоҳ эди[19.96-100].

Қадимги Хоразм бадиий маданият намуналарида ўзига хос ёрқин ижодий ғоялари акс топганлиги антик даври воҳада бадиий мактаб мавжуд бўлганлиги ҳақида кўпсонли тасвирий санъат ёдгорликлари дарак беради. Хоразм археология экспедициясининг дастлабки тадқиқотлари пайтида бу ёдгорликларнинг ўрганилиши турли топилмалар тавсифидан бошланган. Кейинги босқичларда тасвирий санъат намуналаридан эътиқодлар, дин тарихи ва мусиқа маданиятини ўрганишда фойдаланилган. Тадқиқотлар натижалари С.П.Толстов, М.Г.Воробьева, Ю.А.Рапопорт, Р.Л.Садоков, М.М.Мамбетуллаев, Б.И.Вайнберг ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган[20.213-236].

Қадимги Хоразм тасвирий санъат обидалари турли терракота майда сопол ҳайкалчалар, лой - ганч ҳайкаллар, деворий рангли суратлар, ҳайкалли оссуарийлар, сопол ниқоблар ва сопол идишлар сиртидаги бўртма тасвирлардан иборатдир. Уларнинг барчаси маънавий маданият, дунёқараш нуқтаи назаридан Хоразм цивилизацияси ривожланиши даражасини белгилаб беради. Сўнгги йилларда қадимий хоразмликларнинг бадиий маданияти асарларида тасвирланган маҳаллий аҳолининг ҳаёти, анъанавий турмуш тарзи, машғулоти ва ҳўжалиги мавзуларига мансуб муҳим жиҳатлари очиб берилган[21.96-107], шунингдек, Хоразм терракоталарининг ўрганилиш тарихи батафсил ёритилган[22.20-30].

Археологик манбалар асосида аниқланган цивилизация белгиларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

### Қадимги Хоразм цивилизациясининг белгилари



Хулоса қилиб, шунини айтиш жоизки, жамиятнинг цивилизация даражасини аниқлашда турли тарихий-маданий жиҳатлар эътиборга молик. Бунда Хоразм воҳасининг географик жойлашиши ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Ички этномаданий жараёнларнинг ўзгариши ва кўп жиҳатдан янгиланишига ташқи миграциялар ва маданий-иқтисодий алоқалар сабаб бўлган. Хоразмнинг аҳамонийлар давлати таркибида салкам бир ярим аср давомида ривожланишини ҳам инобатга олиш лозим. Бу ҳолат хорасмийлар элатига қадимги дунё тарихининг кенг ҳудудий доирасидаги (Ҳинд воҳасидан, Олд Осиё ва Мисргача) сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларда иштирок этиш имконини берди. Натижада воҳага янги технологик ихтиролар, амалий билимлар ва арамей ёзуви кириб келди.

Бу борада маданий ютуқларни фақат бошқалардан олиб ўзлаштириш ҳақида сўз юритиш нотўғри бўларди. Негаки моддий ва маънавий маданият мазмунини бойитиш ва янги асосларда ривожлантириш вазифаси доимий равишда мувофиқ

кўникмалар ва тажрибага таянган. Хоразмда бундай амалий тажриба мавжуд бўлганлигини эътироф қилиш тўғри келади. Ана шунинг учун ҳам антик даври воҳада хўжалик, хунармандчилик ва бинокорлик соҳаларидаги фаолиятнинг янги шакллари вужудга келиб, урбанизация жараёни жадал ривож топган. Шунингдек, цивилизация тараққиётида мамлакатнинг ягона марказлашган давлат остида бирлашуви катта аҳамиятга эга бўлган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1964. Т. 1.
2. Толстов С.П. Беруни и его время // Беруни – великий узбекский ученый средневековья. – Ташкент: АН УзССР, 1950.
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко–археологического исследования. – М.: МГУ, 1948.
4. Толстов С.П. Древнехорезмийская цивилизация в свете новейших археологических открытий // Общее собрание АН СССР. – М. –Л., 1947.
5. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан, 1964.
6. Неразик Е.Е. Древние города Хорезма и пути их развития (IV в. до н.э. – IV в. н.э.) // Центральная Азия. Источники, история, культура. – М.: ИВЛ РАН, 2005.
7. Мамбетуллаев М. Социально – экономические и политические факторы возникновения и развития городов Хорезма эпохи античности // ИМКУ. – Самарқанд, 2002. Вып. 33.
8. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. – М.: Наука, 1969.
9. Сарияниди В.И. Задолго до Заратуштры. – М.: Старый сад, 2010.
10. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Тошкент, 2019.
11. Ллойд С. Археология Месопотамии / Пер. с англ. Я.В. Василькова и И.С. Клочкова. – М.: Наука, 1984.
12. Топрак – кала. Дворец // Тр. ХАЭЭ. – М., 1984. Т. 14.
13. Ходжаниязов Ф. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2007.
14. Ягодин В., Беттс А. Қадим пойтахтни излаб // Фан ва турмуш, 2006. №1-3.
15. Лившиц В.А. Памятники хорезмийской письменности //ВДИ. – М, 2009. №3.
16. Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. – М.: Наука, 1977. – 194 с.
17. Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: ИВЛ РАН, 1998.
18. Вайнберг Б.И. Первые выпуски медных монет в древнем Хорезме // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979.
19. Ртвеладзе Э.В. Некоторые аспекты политической и династийной истории государства Вазамаридов (Афригидов) // Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент, 2013.
20. Вайнберг Б. И. Реконструкция верований древних хорезмийцев по археологическим материалам // Калалыгыр 2. Культурный центр в Древнем Хорезме IV-II вв. до н.э. – М.: ИВЛ РАН, 2004.
21. Курбанова Д.Ш. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти. – Тошкент, 2015.
22. Двуреченская Н.Д. Терракотовая пластика древнейших государств Средней Азии IV в. до н.э. – IV в. н.э. – СПб.: Нестор – История, 2016.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Хоразмда цивилизациясининг белгилари: шаҳарсозлик, мудофаа тизими, суғориш иншоотлари, сопол, ёғоч тахтачаларга ва чарм юзасига битилган ёзув, илм-фан асослари, тасвирий санъат, дин ва давлатчилик тузуми тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье описаны особенности цивилизации Хорезма: градостроительство, система обороны, ирригационные сооружения, надписи на керамике, деревянных досках и коже, основы науки, изобразительного искусства, религии и государственного устройства.

#### **SUMMARY**

The article describes the features of civilization in Khorezm: urban planning, defense system, irrigation facilities, inscriptions on ceramic, wooden boards and leather, the basics of science, fine arts, religion and the state system.

*Наирга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## СИЁСИЙ РЕКЛАМА ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Алимардонов Л. (ЎЗМУ)

**Таянч иборалар.** сайлов, сиёсий реклама, сиёсий реклама функциялари, коммуникатив функция, ахборот функцияси, таъшиқот функцияси, сиёсий партиялар.

**Ключевые слова.** выборы, политическая реклама, функции политической рекламы, коммуникативная функция, информационная функция, пропагандистская функция, политические партии.

**Key words.** elections, political advertising, political advertising functions, communicative function, information function, propaganda function, political parties.

Бугунги кунда замонавий мураккаб уюшган жамиятнинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш қобилиятининг ажралмас шарты бу - унинг турли элементлари ўртасида маълумот алмашишидир. Тўғри ташкил этилган ва ишлатилган маълумотлар бугунги шароитда олдиндан айтиб бўлмайдиган, тезкор ва доимий ўзгариб турадиган, қайта қуриш, турли хил муваффақиятсизликларга мослашувчанликка жавоб бера олиши, жамият тараққиёти, ривожланиши ва такомиллаштиришнинг кафолати сифатида хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун бугунги жамият ягона, кенгайтирилган ахборот тизимини яратишга қизиқиш билдирмоқда. Аммо ахборот тизимининг муваффақиятли ишлаши учун алоқа жараёнларини уларнинг барча турлари бўйича юксалтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эриша олмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Айрим ҳолларда тўлдиришти ҳам – буни яширишнинг ҳожати йўқ”[1.559] – деб таъкидлайди. Бу билан сиёсий партияларнинг ва улар фаолиятининг функционал мақсади бўлган сиёсий рекламалар фуқаролар ва ёшларнинг жамиятдаги бўлаётган ўзгаришларга нисбатан фуқаролик позициясини шакллантиришда асосий ўринни эгаллайди.

Буни сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётидаги туб ўзгаришларнинг ривожиди сиёсий партиялар фаолиятининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқалари янги босқичга чиққанида кўришимиз мумкин. Сиёсий партиялар фаолиятининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги сиёсий рекламаларда намоён бўлади. Шунга кўра сиёсий реклама нима? Унга кўра Сиёсий реклама – бу жамиятнинг ёки унинг бир қисмининг сиёсий хатти-ҳаракатларини сиёсий танловда ўзгартиришга қаратилган рекламалар. Ўзининг принциплари ва функцияларига кўра, бу шахсий ҳаётда эмас, балки бутун жамиятдаги ўзгаришларга ва алоҳида сиёсий мақсадларга эришишга ҳисса қўшадиган сиёсий кучлар, ғоялар ва амалий тарғиботнинг ўзига хос шакли ва усуллари мажмуаси[2]га айтилади. Ушбу атамага берилган таърифдан маълумки, у ўзининг сиёсий ҳаётдаги ҳодисаларга нисбатан турли хил қарашларнинг ўзаро алоқадорликдаги тушунча эканлигини англатади. Яъни, сиёсий реклама сиёсий тушунча сифатида (сиёсатшунослик, сиёсий фалсафа)ги билимларни, шунингдек, иқтисодий, ҳуқуқий тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.

Бундан ташқари, сиёсий реклама оммавий онгга таъсир кўрсатишни мақсад қилганлиги сабабли, унинг предмети социология ва оммавий алоқа назарияси, реклама умумий назарияси, шунингдек, психология, ижтимоий психология ва бошқа фанлар билан боғлиқ билимларни талаб қилади. Шундай қилиб, бизнингча, сиёсий реклама сиёсий танлов шароитида сиёсий алоқаларнинг табақалаштирилган, кўп мақсадли, кўп функционал шакли деб айтишимиз мумкин.

Сўнгги пайтларда жамиятида рўй бераётган улкан ўзгаришлар, бозор муносабатларининг ривожланиши, давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги босқичига ўтиши, эркин сайловлар институтининг шаклланиши, янги ахборот технологияларининг тарқалиши - барчаси жамоатчилик онгида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Шундай қилиб, ижтимоий онг билан узвий боғлиқ бўлган фаолият йўналишлари, хусусан, фаолият расмий рақобат тенглиги асосида амалга ошириладиган соҳалар ўзгарди. Шубҳасиз, сиёсий реклама бозор муносабатларининг маҳсули бўлган фаолият соҳасига тегишли бўлиб, бу соҳада эркин жамият учун хос бўлган муносабатлар шакли амалга оширилади. Бу билан муста-

кил ва рақобатдош сиёсий ташкилотлар ўртасида фуқароларнинг танлаш эркинлиги сўзсиз тан олинисини ифодаловчи алоқа тушунилади.

Сиёсий рекламанинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари унинг асосий функцияларида яхши намоён бўлади. Масалан, унинг коммуникатив мақсади шундаки, у ҳокимият эгалари ёки ҳокимият тузилмаларидаги жойлар ва аҳолининг катта қисми учун мурожаат этувчилар ўртасида алоқа ўрнатиш учун мўлжалланган. Ушбу коммуникатив алоқа сиёсий кучларнинг сиёсий платформасининг моҳиятини акс эттирувчи, сайловчиларни қўллаб-қувватлашга тайёр турадиган, оммавий сиёсий онгда ушбу сиёсий кучларнинг моҳияти тўғрисида маълум бир фикрни шакллантирадиган ва амалга оширадиган функциядир. Шундай қилиб, у идрок этилиши учун жуда қулай бўлган ва аҳолининг аксарият қисми учун мос келадиган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда, улар орасидаги манзилли алоқани маълум бир тарзда амалга оширишдир. Шу сабабли, сиёсий реклама жамиятнинг оммавий онгида яшайдиган ва ишлайдиган ғоялар ўтказувчиси тури ҳисобланади. Аммо коммуникатив функциядан ташқари, сиёсий реклама ҳам информацион функцияга эга, чунки унинг олдида турган вазифалардан бири оммавий аудиторияни ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётида ишлайдиган сиёсий партиялар ва сиёсий ҳаракатлар билан таништиришдир.

Сиёсий реклама, шунингдек, сайловчиларни турли номзодлар, уларнинг қарашлари, сиёсий ҳаракатлари ва таклифлари, рақобатчилардан устунликлари билан таништиради ва шу билан ахборот функциясини шахсан бажаради. Шунини таъкидлаш керакки, у ижтимоий йўналтирилган, мафкуравий функцияни бажаради, чунки сиёсий реклама сиёсий рақобат шароитида мавжуд бўлиб, бу шароитда ўзига хос коммуникатив фаолият объектини бошқалардан ажратиб туришга чақиради. Бунда сиёсий рекламанинг юқоридаги коммуникатив ва ахборот функциялари умумий рекламанинг маданий жиҳатларидан ўзига хослик ва манфаатдорлик нуқтаи назардан ажралиб туради.

Сиёсий реклама жамият ва давлат бошқарувида фуқароларнинг сиёсий маданияти коммуникатив комплексининг бир қисми сифатида шаклланади.

Бу сиёсий ташкилотлар ва ҳокимият органларининг сайловчилар кайфиятининг ўзига хос хусусияти ва тузилишини батафсил ўрганиш, уларнинг сиёсий вазифалари ва дастурларини белгилаш, электоратнинг у ёки бу томонни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини кўрсатадиган ҳаракатлари тизимини аналитади[3.45]. Шунинг учун сиёсий жараёнда сиёсий рекламанинг функциялари жамиятдаги сайловчиларга ахборот, дастурий ва шахсий таъсир ўтказиш мақсадида олиб борилади. Яқинда “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида бўлиб ўтган сайловлар натижасида республикамизда демократик ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келди.

Сайловлар очиқ-ойдин, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлатдан ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи иштирок этди. Биринчи марта Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилик тўлақонли миссияси билан яқин ҳамкорлик қилдик.

Халқаро кузатувчилар сайловлар эркин рақобат муҳитида, сиёсий партиялар ўртасидаги қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтганини, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этдилар[4]. Бу жараёнда ахборот таъсирига реклама яратиш ва тарқатиш жараёни муҳим роль ўйнайдиган жамоатчилик билан алоқалар доирасидаги тадбирлар тизимини ташкил этиш ва амалга оширишни кўришимиз мумкин. Дастурли таъсир деганда номзоднинг дастурини, уни ташкил этиш ва амалга ошириш усуллари ишлаб чиқиш бўйича ҳаракатлар: тақвим тузиш, қўллаб-қувватлаш гуруҳларини тузиш, лидерларнинг маълумотларини ишлаб чиқиш, митинглар ёки сиёсий учрашувларни ташкил этиш, сайловолди ташвиқоти йўналишини танлаш, сиёсий плакатлар, варақалар ва бошқа реклама маҳсулотларини тайёрлаш киради.

Шахсий таъсир номзоднинг имиджини ва унинг номзодини яратишни ўз ичига олувчи сиёсий маркетинг функцияси чекланган мақсад - сиёсий партиялар ва номзодларга самарали сайлов кампаниясини режалаштириш ва ўтказишда ёрдам бериш билан танланган маркетингни ўз ичига олади.

Улар сиёсий маркетингнинг коммуникатив мажмуасининг бошқа элементлари билан биргаликда ўзгарувчан тўлдирувчилик асосида ишлайди[3.55].

Сиёсий маркетинг жамоатчилик фикрини ташкил қилиш, номзодларнинг ташвиқот функцияларни бажаришни ўз ичига олади. Сиёсий маркетингнинг якуний амалий мақсади фуқароларнинг хулқ-атвориға, биринчи навбатда уларнинг электорал хатти-ҳаракатларига таъсир қилишдир.

Сиёсий рекламанинг киммат турлари (видео ва радио реклама, газета ва журнал нашрлари) билан бир қаторда анъанавий босма маҳсулотларнинг ҳар хил турлари қўлланилади. Бу сайловчиларға тезкор етказиб бериш туфайли жуда самарали ва эфир вақти ёки газета майдони нарҳига нисбатан анча арзон ва уларни бир неча усулда, хусусан, аҳоли гавжум жойларға номзодлар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш, интернетдан кенг фойдаланиш кабилар киради. Сиёсий рекламанинг ташвиқот функциясида афишалар ёрқин ва сифатли, ўқувчи тез ўқиши учун ихчам бўлиши керак. Шунинг учун бунда аниқлик, тушунарли тил танланади ва ишлатилади [5.21]. Сиёсий рекламанинг ташвиқот функциясида афишалар ишлаб чиқаришни ривожлантиришға қўйиладиган муҳим талаблар сифатида унда фойдаланиладиган маълумот манбасини (масалан, номзод маълумотлари, уни қўллаб-қувватлаш қўмитаси кабилар) ҳисобға олиниши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий рекламасиз давлат ва жамият бошқарувини, айниқса сиёсий жараён ҳисобланган сайлов жараёнларини ўтказиб бўлмайди. Бунда сиёсий соҳада сиёсий рекламанинг функцияларидан фойдаланиш, сиёсий тусдаги маълумотларни тарқатиш, сайловчиларнинг ижтимоий онги ва хулқ-атвориға таъсир қилиш мақсадида қилинган фаолиятни тушунишимиз зарур бўлади. Шунга кўра *биринчидан*, бу натижаларни миқдорий жиҳатдан ифодалаш мумкин бўлган, фуқароларға реклама мурожаатлари сонининг кўпайиши, алоқа каналлари сонининг кўпайиши, реклама мурожаатларининг ҳар хил турларидан фойдаланиш, сиёсий реклама янги жанрларининг пайдо бўлишини жамият тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда ўрганиб боришни тақозо этади. *Иккинчидан*, сифатли ўзгаришлар қайд этилиши учун сиёсий реклама кампанияларини ўтказишға амалий ёрдам берувчи сиёсий реклама функцияларини профессионал ҳолға келтириш, стратегик режалаштириш усулларига амал қилишни тадқиқ этишни янада пухта ишлаб чиқиш талаб этилади. Натижада сиёсий реклама ва унинг ривожланиш тенденциялари, ўзига хос шакллари пайдо бўлади. Таркибий жиҳатдан функционал сиёсий рекламаға нисбатан барқарор яхлитликни ташкил этувчи, уларнинг таркибида ўзаро таъсир ўтказувчи қўллаб элементлардан ташкил топган мураккаб, динамик тизим вужудға келади. Сиёсий реклама функциясининг муҳим омили ҳисобланган – сайлов жараёнларининг адолатли ўтишини таъминлашға хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичға кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. <https://adindustry.ru/doc/> Политическая реклама. Теория и практика рекламной деятельности.
3. Политические коммуникации / Под ред. А.И. Соловьева. – Москва, 2004.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисға Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь. “Халқ сўзи” газетаси.
5. Гринберг Т.Э. Политические технологии: ПР и реклама. – Москва, 2005.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада давлат бошқарувида энг муҳим тушунча бўлган сиёсий жараёнларда ишланадиган сиёсий реклама функциясини жамият тараққиётиға таъсири илмий ўрганган. Бунда сиёсий рекламанинг функцияси сайловларда оммавий ахборот воситаларни кучи ва таъсирини ўзида ифодалаши таҳлил қилинган.

#### РЕЗЮМЕ

В этой статье исследуется влияние функции политической рекламы на политическое развитие, которая является наиболее важной концепцией в государственном управлении. Анализируется, как функция политической рекламы отражает возможности и влияние средств массовой информации на выборах.

#### SUMMARU

In this article, the impact of the function of political advertising on political development, which is the most important concept in public administration, is studied. It analyzes how the function of political advertising reflects the power and influence of the media in elections.

*Наишра фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*



ТИЛШУНОСЛИКДА МЕТАФОРЛАР МАСАЛАСИ

Сулаймонов Б. (СамДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *сўз маъносининг кўчиши, ҳосила маъно, метафора, умумий метафорлар, индивидуал метафоралар, ўхшатиш, нутқ, нутқнинг таъсирчанлиги, индивидуал услуб.*

**Ключевые слова:** *семантика слова, производное значение, метафора, общие метафоры, индивидуальные метафоры, аналогия, речь, чувствительность речи, индивидуальный стиль.*

**Keywords:** *semantics of a word, derived meaning, metaphor, general metaphors, individual metaphors, analogy, speech, speech sensitivity, individual style.*

Тилшуносликда метафоралар борасидаги дастлабки қарашлар антик даврдан бошланган. Антик дунё мутафаккирлари метафорани яратиш учун инсон табиат ва руҳият қонуниятларини яхши билишини, унда кенг дунёқараш, олам ва одам ҳақида чуқур фикрлаш қобилияти бўлиши лозимлигини эътироф этишган. Бинобарин, Аристотель сўз кўчимлари орасида метафоралар энг кўп ижодийликни талаб этиши билан бошқа бадий тасвир воситаларидан фарқ қилишини таъкидлайди ва нутқимиздаги ҳар қандай сўз метафора орқали юзага келган деб ҳисоблайди. Цицерон метафораларга қисқартирилган ўхшатишлар, деб баҳо беради ва метафораларни нутққа алоҳида безак берадиган, жилолантирадиган, бойитадиган, кўтаринкиликни таъминлайдиган ҳодиса сифатида баҳолаган. Квинтилиан уни исталган киши фойдаланиши мумкин бўлган табиат туфҳаси дейди.<sup>1</sup>

Сўзларда ҳосила маънонинг юзага келишини тасниф қилишда рус тилшунослари А.Реформатский, Н.Шанский, Д.Шмелев<sup>2</sup> кўчма маъно ҳосил қилувчи сўзларни метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошликка ажратишган ва кўчимлар ичида бадий асар тилининг образлилиги, таъсирчанлигини оширишда энг фаоли, энг асосийси сафатида метафорани эътироф этишган. О.Ахманова метафорани шундай таърифлайди: «Ўхшашлик, қиёслаш ва бошқаларга асосланиб, сўз ва ифодаларни кўчма маънода қўллашдан ташкил топган троп».<sup>3</sup> Ўзбек тилшунослигида кўчма маъно ҳосил қилувчи ҳодисалар таснифи ҳам рус тилшунослигидаги таснифлар билан деярли бир хил<sup>4</sup>.

Ўзбек тилшунослигида метафора нутққа образлилик, ҳиссиёт бериш мақсадида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўзлар ва ибораларнинг кўчма маънода ишлатиладиган тури тарзида эътироф этилган. Бу борадаги дастлабки маълумотлар Р.Қўнғуров, М.Миртожиев, М.Мукаррамов, Э.Қиличев, М.Йўлдошев каби олимларнинг илмий рисоаларида учрайди<sup>5</sup>. Бундан ташқари, метафоранинг юзага келиш сабаблари, лисоний хусусиятларига бағишланган мақолалар чоп қилинган<sup>6</sup>.

Метафора нутқнинг образлилигини, таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида ишлатиладиган икки нарса ёки ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланган кўчимдир. Тилшунос

<sup>1</sup> Античные теории языка и стиля. – М. –Л., 1936. – С.174, 216-219.

<sup>2</sup> Кенгрок маълумот олиш учун қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.89-95.

<sup>3</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1961. – С. 231.

<sup>4</sup> Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент, 1962. – Б. 20-25; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳмагуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. –Б. 126; Алиқулов Т. Сўз маъноларини чегаралаш масаласига доир // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар // – Тошкент, 1965. – Б. 6.

<sup>5</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. –Б. 15-19; Миртожиев М. Кўрсатилган асар. –Б. 51-75; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. –Б. 11-15; Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. –Б. 71-79.

<sup>6</sup> Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. – №4. –Б. 34-36; Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – №4. –Б. 57-61; Тоҳиров З. Метафора лексема-семемасининг прагматик семаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – №1. – Б. 74-77; Қобулжоннова Г. Метафора – номинациянинг асоси сифатида // (Анъанавий Аюб Ғуломхонлик материаллари.) 2-қишқ. – Андижон, 1995. –Б. 90-91.

олим Р.Кўнгулов метафорани шундай изоҳлайди: «Метафорани яширин ўхшатиш дейиш ҳам мумкин. Аммо у оддий қиёсдан фарқ қилади. Агар оддий қиёс ҳар доим асосий икки аъзодан ташкил топса (яъни нима қиёс қилинади, нима билан қиёс қилинади - қиёс қилинувчи ва қиёс қилинадиган предмет), метафорада фақат иккинчи аъзо - ўхшатиш нарса қолади, ўхшаган нарса туширилади, лекин у контекстдан очик сезилиб туради, де-мак, метафорада тасвирланаётган предмет ана шу иккинчи аъзо орқали идрок қилинади».<sup>1</sup> А.Авеличев қуйидагича изоҳлайди: «метафора – бу «сўзни матнда» қўллашнинг ўзига хос ҳодисасидир. Матнда шаклланмаган, керакли контекстуал алоқадан маҳрум бўлган мета-фора йўқ. Шунинг учун ҳам метафорани ҳар қандай ўрганиш, унинг «механизми» ёки «вазифаси»нинг ҳар қандай нуқтаи назардан аниқланиши кенг матннинг чинакам хусуси-ятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим».<sup>2</sup> А.А.Потебня: «Метафора қисқарган ўхшатишдир», – деб таъриф берса, Э.Кассирер буни ривожлантириб «...қўллаб ўхшатишлар метафорадан келиб чиққан», дейди<sup>3</sup>. М.Миртожиев: «Метафора ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг энг фаоли ҳисобланади. У, тилшуносликда қайд этилишича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланади»<sup>4</sup> деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, муайян тилдаги сўзларнинг кўчма маънолар ҳосил қилиши ва бу сўзлар семантик мундарижасига кирувчи коннотатив-ифода семалар ҳисобланувчи метафора, метонимия, синекдоха каби тасвирий воситаларнинг юзага келиши мазкур тилнинг имкониятларини кўрсатади.

Ўзбек тилшунослигида сўз маъноси кўчиши ҳодисаларининг энг сермаҳсули бўлган метафора бўйича диссертациялар ёқланган. Шундай тадқиқотлардан бири С.Ҳажиев томонидан бажарилган. Диссертант метафора ҳақида жаҳон тилшунослигидаги таърифларни умумлаштириб, шундай хулосалайди: «Метафора» - грекча сўз, маъноси “кўчиш, кўчириш ва кўчим”дир. Метафора нутқ механизми бўлиб, муайян бир предмет ёки воқеа-ҳодисалар гуруҳини билдирувчи сўзнинг бошқа синфга ёки гуруҳга мансуб, аммо қайсидир томондан биринчи предметга ўхшаш бўлган объектни номлаш учун ишлатилишини билдиради. Мазкур истилоҳ кенгроқ маънода ишлатилганда, сўзнинг ҳар қандай кўчма маънода ишлатилиши тушунилади».<sup>5</sup> Мазкур диссертацияда тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги босқичидаги когнитив-семантик, социолингвистик ва культурологик йўналишларда метафорик кўчиш ҳодисасининг асосий назарий масалалари тадқиқ қилинган. Хусусан, тилшуносликнинг лексикология бўлимида сўзлар янги маъноларнинг манбаи сифатида, стилистика, риторика ва эстетикада метафора тилнинг бадиий ифода воситаси тарзида, прагматикада метафора нутқий фаолиятнинг алоҳида, ўзига хос кўриниши сифатида, психолингвистикада метафора одатда ассоциация билан боғлиқ ҳолатлар ва нутқни тушуниб олиш ҳамда таҳлил қилиш объекти сифатида, мантиқ, фалсафа, гносеология ва когнитив психологияда метафора тафаккур ва борликни билиш усули сифатида ўрганилиши таҳлил қилинган ва тилимиздаги метадоралар рус, француз, инглиз, испан тилларидаги метадоралар билан қиёсланган.

Тадқиқотчи М.Якуббекова бадиий матнда юзага келадиган метадоранинг поэтик моҳияти шахс, нарса, воқеа-ҳодиса, ҳаракат ва ҳолатни ўзига хос белги билан номлашдан иборат эканлигини айтиб, «янги метадорик ном «гапирувчи» бўлиши керак ва бадиий моҳият касб этиши учун: 1) одатдаги аталишлардан мақсадлилиги билан фарқланиши; 2) бу фарқ қабул қилиниши ва маъқулланиши; 3) метадоризация ҳодисаси завқ уйғотиши керак»<sup>6</sup> деб ҳисоблайди.

<sup>1</sup> Кўнгулов Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. –Б. 15.

<sup>2</sup> Авеличев А. К. Метафора внепоэтического контекста: автореф. дис... канд. филол. наук. – М., 1970. – С. 30.

<sup>3</sup> Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – М.: – 1990. – С. 33-43.

<sup>4</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010 –Б. 94.

<sup>5</sup> Ҳажиев С. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар: филол. фан. ном. дис...автореф. – Тошкент, 2007. –Б. 8.

<sup>6</sup> Якуббекова М. М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: филол. фан. д-ри...дис. – Тошкент, 2005. – Б. 24.

Тилимиздаги метафораларнинг замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан баҳолашга бағишланган тадқиқот Г.Қобулжонованинг «Метафоранинг системавий лингвистик талқини» мавзусидаги номзодлик диссертациясидир<sup>1</sup>. Ушбу тадқиқотда метафоранинг лингвистик моҳияти, систем табиати ва ёндош ҳодисалар тизимидаги ўрни кенг ёритилган. Тадқиқотда метафоранинг юзага келиш сабаблари, системавийлик табиати аниқланган, метафоранинг унга ёндош бўлган ҳодисалар билан муносабати масаласига аниқлик киритилган, метафоранинг вужудга келишида асос бўлган объектлар ўртасидаги умумий белгилар чегараланган.

Ўзбек тилшунослигида метафоралар кенг тадқиқ этилган ишлардан яна бири А.Ҳасановнинг «Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар» мавзусидаги номзодлик диссертациясидир.<sup>2</sup> Диссертацияда Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар, хусусан, ёзувчининг метафоралардан фойдаланиш маҳорати кенг ёритилган. Эътиборлиси, тадқиқотчи бир ижодкор мисолида метафораларни тадқиқ этган. Тадқиқотчи А.Ҳасанов бундан шундай изоҳлайди: «Ўзбек тилшунослигида метафоралар ўзининг назарий асосини топган бўлса-да, бироқ алоҳида олинган ёзувчи ижодида қўлланган метафораларнинг амалий жиҳати ҳали етарлича ўрганилгани йўқ. Зеро, метафоралар ёзувчининг индивидуал услубини, асар бадииятини таъминловчи муҳим тасвирий воситадир».<sup>3</sup> Диссертант ишда Р.Қўнғуров, М.Миртожиев, М.Мукаррамов, Э.Қиличев, М.Йўлдошев, Ш.Абдурахмонов каби олимларнинг фикрларига таянган ҳолда метафораларни иккига ажратади: «метафоралар ўз хусусиятларига кўра доимий ва индивидуал (хусусий - муаллифий) метафораларга бўлинади. Бизнингча, доимий метафораларга: а) бирламчи номинация жараёнида ҳосил бўлган лингвистик метафоралар; б) иккиламчи номинация жараёнида ҳосил бўлган, бироқ тилда қайта-қайта такрорланиши оқибатида узул маъно доирасида тил ҳодисасига айланган бадиий метафораларни киритиш мумкин. Демак, уларни қисқароқ қилиб **лингвистик метафоралар** ва **анъанавий-бадиий метафоралар** деб номлаш мумкин»<sup>4</sup> деган фикри биз учун муҳим.

Диссертант А.Қаҳҳор ҳикояларидан олинган мисолларни таҳлил қилиб, метафоралар маълум маънода образлилик, ифодавийлик касб этса-да, бироқ лингвистик метафораларда экспрессивлик кучли эмаслигини таъкидлайди. А.Ҳасанов А.Қаҳҳор ҳикояларидаги индивидуал метафораларни ўта синчковлик билан таҳлил қилиб, адибнинг ўзига хос такрорланмас услубини белгилашга ҳаракат қилган ва адиб индивидуал метафоралар яратишда от, сифат, феъл туркумига оид лексемалардан унумли фойдаланганлиги мисоллар билан далиллаган.

Таъкидлаш жоизки, метафоралар бадиий матнда асар бадииятини таъминловчи муҳим лисоний восита ҳисобланади. «Шунинг учун ҳам бадиий услубда поэтик метафора фақатгина муҳим тасвирий восита бўлиб қолмасдан, балки бадиий тафаккур элементига, эстетик ҳодисага айланиб кетади. У нутқни безаш доирасидан чиқиб, ҳис-ғуйғуни, фикрни образли ифодалаш воситаси даражасига кўтарилади. Метафора кўмагида энди биз тасвир объектини фақатгина «кўриб қолмасдан», балки ҳис қиламиз, уни гўё ўз бошимиздан кечирамиз. У бизнинг ҳиссиётимизга, онгимизга таъсир этиш билан бирга ёзувчини ҳам узундан-узук баёндан қутқаради».<sup>5</sup> Бинобарин, метафоралар ҳар бир ижодкорнинг индивидуал услуби ва маҳоратини, асар бадииятини таъминловчи муҳим тасвирий воситадир. «Ҳар бир ёзувчининг ўз ижодий мулки бўлган индивидуал метафоралар тасвирий восита-

<sup>1</sup> Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: филол. фан. ном... дис. – Тошкент, 2000.

<sup>2</sup> Ҳасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: филол. фан. ном. дис. – Тошкент, 2010. – 153 б.

<sup>3</sup> Ҳасанов А. Кўрсатилган диссертация. – Б. 36.

<sup>4</sup> Ҳасанов А. Кўрсатилган диссертация. – Б. 36.

<sup>5</sup> Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1994. – Б. 18.

ларнинг энг яхши намуналари бўлиб, у бадий услубнинг ҳам ўзига хос хусусияти саналади. Ёзувчи ижодида ҳатто битта метафорик қўлланган сўз бутун бир матнни ўз атро-фида жипслаштириши, таянч нуқта ҳисобланиб, метафорик контекст ҳосил қилиши мумкин».<sup>1</sup>

Умуман, маъно кўчиш усулларида бири ҳисобланган метафораларнинг юзага келиши инсон когнитив фаолиятига боғлиқ бўлиб, даставвал инсон тафаккурида шаклланади, у кўрган нарсасини ифодалаш учун тасаввуридаги муайян нарсага ўхшатиши натижасида метафора юзага келади. Шунинг учун тилимизда нодир метафораларнинг яратилиши сўз санъаткорларидан улкан маҳорат талаб қилади.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бадий тасвир воситаларидан бири метафораларнинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиши, унга олимларнинг берган таърифлари, метафоранинг нутқдаги аҳамияти, ҳосил қилиниши, ўхшатишдан фарқли томонлари, умумий ва индивидуал метафоралар ҳақида маълумот берилади.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье приводятся сведения об изучении метафор в мировой и узбекской лингвистике, ее определениях, значении метафор в речи, их образовании, отличиях от аналогий, общих и индивидуальных метафорах.

#### SUMMARY

This article provides information on the study of metaphors in world and Uzbek linguistics, its definitions, the meaning of metaphors in speech, their formation, differences from analogies, general and individual metaphors.

*Нашрга доц. Б.Баҳриддинова тавсия этган*

### РАНГ АНГЛАТУВЧИ ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАРНИНГ ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Жўрақобилова Х. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *фразеологизм, фразеологик иборалар, лексик маъно, қиёсий таҳлил, ранг англатувчи сифатлар, тил услублари, структур-семантик тасниф, лексик – грамматик хусусият.*

**Ключевые слова:** *фразеологизм, фразеологические выражения, лексическое значение, сравнительный анализ, прилагательные обозначающие цвета, языковые стили, структурно-семантическая классификация, лексико-семантическая особенность.*

**Keywords:** *phraseology, phraseological expressions, lexical meaning, comparative analysis, color adjectives, language styles, structural-semantic classification, lexical-grammatical features.*

Мустақиллик туфайли юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида табиий равишда тилимизда ҳам жуда кўплаб янги сўз ва иборалар, бирикмалар пайдо бўлмоқда. Бу ҳолатни асосан фан, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, халқаро муносабатлар, қисман маориф, маданият, санъат ва бадий адабиёт соҳаларида кузатиш мумкин. Халқимиз уларни қандай қабул қилишидан қатъи назар, тилшунослар уларни қўллашдаги ҳар бир ҳолатга ўз муносабатларини билдириб боришлари, меъёр сифатида тавсия этилаётган вариантларнинг нега шундай тарзда маъқул кўрилганлигини илмий асослаб беришлари зарур бўлади.

Икки ва ундан ортик сўздан таркиб топган ва яхлит бир кўчма маъно ифодайдиган, таъсирчанликка эга бўлган тил бирлигига ибора, яъни фразеологик ибора дейилади. Бунга мисол тариқасида ўзбек тилидаги, *қўй оғзидан чўп олмаган* (ювош), *капалаги учиб кетди* (чўчиди), *оғзинг қани деса, қулогини кўрсатади* (лапашанг) кабиларни келтириш мумкин.

<sup>1</sup> Тарасова В.К. Словесная метафора как знак: автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Л. 1976. – С. 6.

Француз тилида ҳам шунга ўхшаш кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, *rire aux enges* (осмонда юрмоқ), *avoir la peur au ventre* (ўлгудай қўрқиб кетмоқ), *baiser les pieds de qn* (кимнингдир оёғини ўпмоқ, хушомад қилмоқ), *à la manque* (ўта ёмон), *arranger de belle* (ёнғоқдай янчимоқ), *marquer de faveur* (эътибор қилмоқ) каби фразеологик ибораларларни келтириш мумкин.

Фразеологик иборалар асрлардан буён мавжуд бўлиб келган ва тилдан тилга ўтиб янаям силлиқланиб, унга эмоционал жозиба ва гўзаллик бахш этган ва ҳар бир инсонни истаган фикрини ифодалаб беришга қодир воситадир. Фразеологик иборалардаги эмоционал бўёқдорлик ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, аксинча йиллар ўтган сайин унинг бўёқдорлиги янада ошиб боради. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ ана шундай тил бойликларини авайлаб асраб келади ва ундан унумли фойдаланади.

Профессор А.Бушуйнинг таъкидлашича, фразеологик иборалар Аристотель даврида ҳам мавжуд бўлиб, ушбу бирликларнинг биринчи тадқиқотчиси ҳам Аристотелнинг ўзидир. У мақол, матал, ҳикматли сўзлар апофтегма ва парефиялар ҳақида мулоҳазалар билдирган. [2:13]

Швейцариялик тилшунос олим Ш.Балли француз тилининг фразеологиясига биринчилардан бўлиб қизиққан. У француз тилидаги фразеологик ибораларнинг характерли хусусиятларини ўрганиб, уларни ўзаро бирикиш даражасига кўра икки катта гуруҳга ажратган. [1:179]

Фразеологик ибораларнинг таркиби турлича: структур-семантик, грамматик, вазилавий - услубий асосларга кўра тасниф этилади. Структур-семантик тасниф этиш таснифлашнинг асосий принципларидан ҳисобланади.

Биз мазкур мақолада ранг англатувчи лексемаларнинг фразеологик иборалар таркибида қўлланилиши ва уларнинг француз ва ўзбек тилларидаги қиёсий таҳлили жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, инсон туғилгандан дунёни рангларда кўради. Рангларнинг инсон ҳаёти давомидаги таъсири катта. Рангларни ажратиш турли халқлар маданиятида турличадир. Фанда рангларни ўрганишга турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, қадимда философлар Эпидокл, Платон, Демокрит ва Аристотеллар асосий ранг сифатида оқ, қора ва қизил рангларни ажратиб кўрсатганлар. Исаак Ньютон эса рангларни физик ҳодиса сифатида ўрганганлигини кўриш мумкин.

Француз тилидаги ранг англатувчи фразеологик иборалар таркибидаги сўзларда ҳам грамматик хусусият, ҳам ранг англатувчи сифатлар билан боғлиқ семантик хусусият уйғун тарзда бўлади. Бундай ибораларнинг ўзбек тилига таржимаси нисбатан мураккаблиги икки тилнинг бир-биридан анча йироқлигидадир.

Маълумки, фразеологик иборалар маълум бир лексик маъно беришдан ташқари, лексик – грамматик ва стилистик жиҳатдан ҳам кенг имконга эгадир. Баъзан тилда бир фразеологик ибора ифодалаган маънони бошқа фразеологик иборалар ҳам ифодалаган ҳолатларни кўриш мумкин.

Фразеологик ибораларда сўзнинг иштироки ёки улардаги бир сўз ўрнига бошқасинини ишлатиш имкониятининг кенглиги уларни нутқда, адабиётда ва барча тил услубларида ишлатилиш имкониятини кенгайтиради. Бу эса фразеологик иборалар таркибидаги сўзларнинг стилистик синонимлари мавжуд бўлиб, уларнинг ўрнига алмаштириш мумкинлигидан далолат беради. Масалан, француз тилида “*marquer qn. à l’encre rouge*” ибораси ўрнига “*marquer qn. au livre rouge*” иборасини ҳам қўллаш мумкин. Ҳар иккала ибора ҳам ўзбек тилида “*қора рўйхатга тушиш*” деган маънони билдиради. Француз тилида ҳар иккала ибора таркибидаги “*қизил*” (*rouge*) ранг англатувчи сифат ўзбек тилига “*қора*” ранг англатувчи сифат билан ифодаланяпти. Бу эса ҳар бир тилда ранг англатувчи сўзларнинг фразеологик иборалар таркибида ишлатилишининг ўзига хослигидан далолат беради.

Баъзи ҳолларда фразеологик иборалар таркибидаги сўзларни бошқа синонимлари билан алмаштириш мумкин бўлган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Масалан: “*mettre*

*dans le noir*”, “*s’habiller de noir*”, “*porter le noir*”, “*être en noir*” каби ибораларнинг ҳаммаси ўзбек тилида «қора кийинмоқ», «қора кийимда бўлмоқ» маъносини ифодалайди.

Ёки ҳамма тилларда энг кўп ишлатиладиган оқ рангни ифодаловчи “*blanc*” сифати билан ҳосил бўлган ибораларга эътибор берадиган бўлсак, “*blanc comme une mort*” ибораси ўзбек тилидаги “ранги мурдадек оқ”, “*blanc comme un linge*” ибораси “ранги докадек оппоқ”, “*blanc comme la neige*” ибораси “ранги қордек оппоқ”, “*blanc comme un mur*” ибораси ўзбек тилига “ранги девордек оппоқ” ибораларига мос келади. Бу фразеологик ибораларнинг барчасида “*blanc*” (оқ) ранг англатувчи сифат киёсий предметлар билан бўрттириш учун ишлатилган. Аммо бу ибораларнинг қайси бирини қўллаш, ўша ҳолат, нутқ жараёни услубларидан келиб чиқиб танланади.

Француз тилидаги яна бир фразеологик иборанинг қўлланишига эътибор қаратадиган бўлсак, “*merle blanc*” иборасининг таржимаси “*оқ қарға*”, яъни баъзан жамиятда учраб турадиган баъзи инсонларга нисбатан айтилади. Ўзбек тилида бундай одамларга нисбатан “*отнинг қаиқасидай*” деган ибора қўлланилади.

Кўпгина тилларда оқ ва қизил ранг англатувчи сифатлар билан метонимик маъно кўчиш ҳодисаси кузатилади. Масалан, француз тилида ҳам бу рангларни англатувчи сифатларни гўшт номларини билдирувчи иборалар таркибида учратиш мумкин. Масалан, “*la viande rouge*” (қизил гўшт) ибораси ёш қўзичоқ ва бузоқ гўштлирини англатса, “*viande blanche*” (оқ гўшт) ибораси чўчка, товук каби гўшт турларини билдиради.

Яна бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчимиз, француз тилидаги “*le jour blanc lettre*” ибораси сўзма-сўз таржимада “оқ ҳарфлар билан ёзилган кунлар” деган маънони билдиради, яъни календарда қора билан ёзиладиган иш кунлари, “*le jour de la lettre rouge*” - календарда қизил ҳарфлар билан ёзиладиган кунлар, яъни байрам ёки дам олиш кунларини билдиради.

Ранг англатувчи фразеологик иборалар таркибидаги синтактик боғланиш ҳам ҳам турлича бўлиши мумкин. Биз қуйида бир неча хилларини кўриб чиқамиз:

1. *От + сифат* бирикишидан ҳосил бўлган иборалар. Масалан:

L’humeur noir – ёмон кайфият;

Le chagrin noir – хафагарчилик;

Le billet vert – dollar;

La langue verte – жиноятчилар тили;

Les velours pourpres – бахмал рангли мато;

La voix blanche – маъносиз овоз;

La nuit blanche – уйқусиз тун;

L’arme blanche – хавфли қурол.

2. *Ранг англатувчи отлашган сифатнинг от ўрнида қўлланиши:*

La pourpre de ses lèvres - лабларнинг қип-қизиллиги, лабларнинг лаълиси;

Les noirs d’ Afrique – Америка негрлари.

3. *Феъл + отлашган сифат* бирикишидан ҳосил бўлган иборалар.

voir tout en noir - умидсизликка тушиш;

voyager dans le bleu - орзу қилиш, осмонда учиб юриш;

mettre qn. en blanc – ўғирлаш, кимнидир талаш;

passer au bleu – йўқолиб қолиш, кўринмай қолиш;

dire blanc et noir – бир ундай, бир бундай дейиш, ҳар хил гапириш;

faire grise mine à qn. – кутиб олиш.

4. *Киёслаш маъносини билдирадиган* иборалар таркибида:

Méchant comme un âne rouge – эшакдек қайсар, қип-қизил қайсар;

Il fait noir comme dans un four – гўрдек қоронғу ва х.

Ранг англатувчи фразеологик иборалар бошқа фразеологик иборалар каби шакли, лексик таркиби ва маъно жиҳатидан ўзига хосликларга эга. Бу ўзига хосликлар тилдаги умумий хусусиятларга боғлиқ бўлади.

Тилда бу каби фразеологик ибораларнинг таржима хусусиятларидан келиб чикиб куйидаги турлари фарқланади:

1. Эквиваленти, яъни таржимаси ўзгаришсиз, ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатидан мос тушадиган, контекстга мувожаат қилиш шарт бўлмайдиган иборалар. Масалан:

Le sot ne connait ni le blanc ni le noir - Оқ ва қорани ажратмайдиган аҳмоқ.

Les mains noires font manger les lains blancs - Оқ нонни қора қўллар етиштиради .

2. Вариантлар мос келиши. Мазкур фразеологик ибора учун мос келадиган бир қанча вариантларни беришнинг имкони борлиги. Лекин уларда лексик-семантик, стилистик томонлардан бирида фарқ бўлиши мумкин. Масалан:

La nuit, tous les chats sont gris - Тунда яхши ёмонни ажратиш қийин.

Qui vole un œuf, vole un bœuf - Игна ўғирлаган, сигирни ҳам ўғирлар.

3. Изоҳли таржималар, яъни эквивалент ҳам, бирор вариант келтиришнинг имкони йўқлиги. Ушбу ҳолатда мазкур фразеологик ибора қандай пайдо бўлгани ва қандай ҳолатларда қўллаш лозимлиги контекст орқали изоҳланади, холос.

Фразеологик ибораларда ранг номларининг иштирокига келсак, юқорида кўриб чиққан фразеологик иборалар, улардан пайдо бўлган мақоллар таркибида ранг, тус билан аталган номлар иштирок этади.

Фразеологик ибораларда ранг англатувчи лексема тилда, мулоқотда ва адабий асарларда стилистик бўёқ бериш учун ишлатилади. Рангларнинг адабиётда ишлатилиши доимий адабий мавзулардан бўлган асосан яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашни ифодалашда кўпроқ қўлланилади. Масалан, француз тилида ҳам қора ранг барча тиллардаги каби ёмонлик, ёвузлик, ўлим, фикрларнинг бузилиши каби салбий маъноларни англатади. Шундан келиб чикиб, бу ранг билан берилган ибораларнинг аксарияти салбий фикрларни билдиради. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак “*avoir des idées noire*” – қора ниятли бўлмоқ, яъни ҳар иккала халқ французлар ҳам, ўзбеклар ҳам бу иборани нияти ёмон кишиларга нисбатан қўллайдилар.

Ёки: “*la peur noire*” – ақлдан озиш даражасидаги қўрқувни англатади. Ўзбек тилида “*ўлғудай қўрқмоқ*” ибораси қўлланади. Француз тилидаги “*noire*” (қора) сўзининг стилистик хусусиятига кўра ўзбек тилида “*ўлғудай*” сўзи унга синоним, яқин маънодош сифатида қўлланилади.

Айниқса, бирор рангга таққосланган фразеологик ибораларнинг ўзбек тилидаги вариантлари кўпроқ мос келиши мумкин, лекин бу таққослашлар ўзбек тилида бошқа вариантлар билан берилиши мумкин. Масалан, француз тилидаги “*blanc comme un cygne*” фразеологик иборасини ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилганда “*оқ қушдай оқ*” деб таржима қилинади, лекин ўзбек тилида “*қордай оқ*” ёки “*пахтадай оқ*” деган иборалар мавжуд.

Француз тилидаги фразеологик ибораларни таржима қилишда ўзбек тилида худди шу маънони ифодалайдиган фразеологик вариантларни танлаш мумкин. Янада аниқроқ қилиб айтганда, таржимада ўзбек тилида француз тилидаги фразеологизмларнинг айнан маъносини ифодалаб берадиган фразеологизмларни танлаш мақсадга мувофиқ.

Масалан: *Jamais paresse n'a acquis richesse* - Дангасанинг косаси оқармас.

*La faim chasse le loup hors du bois* - Очлик кўчага чиқарар.

Ушбу турдаги таржималарни маъносини аниқроқ бериш учун бир эмас, бир қанча вариантлар келтирилади. Бу тиллардаги фразеологик ибораларнинг хилма-хиллиги, ифода хусусияти кенглигидан далолат беради.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, тилнинг фразеологик қатлами доимий равишда фразеологизмлар билан бойиб боради ва халқнинг маданий-тарихий тажрибасини, шунингдек, муайян тилнинг тарихий тараққиёт конунларини акс эттиради.

Биз юқорида француз тилида ранг англатувчи фразеологик иборалар таркибидаги синтактик боғланиш ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси билан боғлиқ муаммолар хусусида қисман фикр юритдик.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, асрлар давомида шаклланган фразеологизмлар оғзаки нутқда, бадий адабиётда ҳамда публицистикада ўткир, таъсирчан тасвирий восита сифатида кенг қўлланилади. Ёзувчилар ўз асарларида фразеологизмлардан унумли фойдаланиш билан бирга мавжуд фразеологизмларни асар руҳига мослаган ҳолда қисман ўзгартирадilar, шу йўл билан янги иборалар яратадилар. Бу эса тилнинг лексик базасининг янада бойишига хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдушукурова Л.А. *Stilistique du francais moderne*. –Т., 2004. –В. 43.
2. Балли Ш. *Французская стилистика*. – Москва, 1961.
3. Бушуй А. Терминологическая проблематика в области паремиологии (в свете истории паремиологии). *Строй языка и методы иностранному общению*. Вып. – Самарканд. 1998. – С.
4. Назарян А. *Curiosités de la phraséologie française*. – Москва, 1978. – Р.
5. Назарян А.Г. *Фразеология французского языка*. – М.: Высшая школа, 1982. – С.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада француз ва ўзбек тилларидаги ранг англатувчи фразеологик иборалар киёсий таҳлил қилинган. Ранг англатувчи фразеологик иборалар структур-семантик, грамматик, вазифавий - услубий асосларга кўра тасниф этилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье ведётся сравнительный анализ фразеологических единиц французского и узбекского языков, выражающих цвета. Фразеологические единицы, выражающие цвета классифицируются на структурно-семантический, грамматической и функционально-методологической основе.

#### SUMMARY

This article provides a comparative analysis of color phrases in french and uzbek languages. Phraseological expressions of color are classified according to structural-semantic, grammatical, functional-methodological bases.

*Нашрга доц. Б.Баҳриддинова тавсия этган*

## БАДИЙ МАТНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА СОЦИОПРАГМАТИК ЁНДАШУВ

Йўлдашева Х. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *формал ва систем-структур тилшунослик, когнитивизм, культурология, социолингвистика, прагматика, бадий матн, социопрагматика.*

**Ключевые слова:** *формальная и системно-структурная лингвистика, когнитивизм, культурология, социолингвистика, прагматическая лингвистика, литературный текст, социопрагматика.*

**Keywords:** *formal and system-structural linguistics, cognitivism, cultural sciences, socio-linguistics, pragmatic-linguistics, literary text, socio-pragmatics.*

Маълумки, формал ва систем-структур тилшунослик тил бирликларини унинг амал қилиш муҳитидан узиб олган ҳолда, шаклий ва маъновий томондан ўрганишга асосий эътиборни қаратди. Бундай қараш, айниқса, тилга семиотик нуқтаи назардан ёндашиш, белгини фақат шаклдан иборат деб ҳисоблаш натижасида яна ҳам кучайди. Тил бирликларининг ўзи ифодалаётган объектив борлиқ билан муносабати эътибордан четда қолди. Кейинчалик тилни бундай ўрганиш бирёқлама эканлиги, шаклни маънодан узиб бўлмаслиги, шакл ҳамда маънони эса лисоний шахс ва прагматик шароит ҳамда мулоқот муҳитидан айрича таҳлил қилиш имкони йўқлиги аён бўлди. Натижада тил бирликларининг нутқий воқеланиш муҳити ва вазияти, шахс билан муносабати томонига эътибор кучайди. Айниқса, тилшуносликда синтактик тадқиқотларнинг кучайиши натижасида шу нарса маълум бўлдики, тил бирликларининг шакл ва мазмун томондан тавсифи ҳам тилни тўлиқ изоҳлашга имкон бермайди. Тил бирликларини контекст, нутқ вазияти билан боғлаб ўрганишига уларнинг маъносини тўғри тушунишга тўлиқ имконият яратади.



Структур тилшуносликнинг кириб келиши ўзбек тилининг ички тузилиш бирликларини тадқиқ қилишга катта имконият яратиб берди. Истиқдолга қадар тил-нутқ зидланишига бефарқ қаралган, структур тилшуносликнинг бош моҳияти тил бирликлари билан нутқ бирликларини фарқлаш эканига нописандлик билан ёндашган олимлар ҳам мустақиллик шароитида бу фарқланишни эътироф этдилар<sup>1</sup>. “...ўтган асрнинг учинчи чорагида (60-70-йилларда) лисоний воситалар, ҳодисалар сираси систем-структур тилшунослик тадқиқ тамойиллари асосида аниқланиб, тугал тавсифлангач – асосий эътибор бу ҳодиса бирликларининг нутқда қўлланилиши ва улардан қайси йўсинда мумкин қадар самарали фойдаланиш йўлларига, бошқача қилиб айтганда, лисоний бирликларни унумли, самарали қўллаш, кам куч сарфлаб, кўп самара олиш йўллари аниқлашга қаратилди”<sup>2</sup>.

Ўзбек тилшунослигида анъанавий (формал) тилшунослик негизида асосланган ва ривожлантирилган субстанциал йўналиш социолингвистика, этнопсихолингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, социопрагматика каби қатор йўналишларни вужудга келтирди. Бу йўналишларнинг аксариятида тадқиқ материали сифатида бадий нутқни тадқиқ қилиш устуворлашди. XX аср охири ва XXI аср бошларида тилшуносликда когнитивизм, культурология, социолингвистика, прагматиканинг ривожланиши анъанавий тилшуносликнинг кўплаб тушунчаларини қайтадан кўриб чиқиш, уларни янги ижтимоий буюртма, методология ва методика ҳамда методлар асосида баҳолаш заруриятини вужудга келтирди.

Маълумки, бадий асар тили қатор фанларнинг тадқиқ объекти бўла олади. Соф тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинганда эса бадий асар тилининг лексик, семантик, стилистик, морфологик, синтактик хусусиятлари тадқиқ предмети сифатида танланиши мумкин. Бадий асарларнинг лингвистик хусусиятлари тилшуносликнинг турли йўналишларида анча кенг ўрганилган ва уларда бадий асар тилининг муайян лингвистик хусусиятлари эмпирик ёки назарий аспектда таҳлилга тортилган.

Жаҳон тилшунослигида бадий матннинг социолингвистик, прагматик, психолингвистик, социопрагматик хусусиятлари борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса, кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида ҳам бадий матннинг прагматик, социолингвистик, лингвокультурологик, психолингвистик хусусиятларига диққат қаратила бошланди. Хусусан, М.Ҳақимов ва С.Боймирзаевалар тадқиқотида матннинг прагматик хусусиятларига эътибор қаратилган бўлса, Д.Худойберганова тадқиқот ишида ўзбек тилидаги матнларни 3 жиҳатига кўра, яъни когнитив-семантик, психолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятлари асосида тадқиқ этган.<sup>3</sup>

Кейинги йилларда тилшуносликда нутқий ҳодисаларни социолингвистик ўрганишни прагматик йўсинда олиб бориш оммалашмоқда. Кўп ҳолларда прагматик талқинларда шахс омилининг социал сифатларига урғу бериш устуворлашади. Чунки замонавий тилшуносликнинг мазкур икки соҳаси ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо қилади. Аниқроғи, “Прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғи сифатида инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида мужассамлаштирган нутқий жараён, нутқий вазият таъсири билан намоён бўлувчи нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор масалаларни ўрганади”<sup>4</sup>. Демак, прагматиканинг коммуникатив ўртасидаги мулоқот маданияти, нутқ вазиятига таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилар экан, шахснинг социал сифатлари билан ҳам иш кўриши табиий ҳол. Социолингвистиканинг ҳам, прагматиканинг ҳам ўрганиш объекти нутқий ҳодисалар бўлиб, нутқий жараёнларни таҳлил қилишда уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди. Гарчи “прагматиканинг соҳаси учун

<sup>1</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 40.

<sup>2</sup> Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари: Ўқув қўлланма. – Самарқанд, 2007. – Б. 4

<sup>3</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2001. – 283 б.,  
Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик талқини: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент,  
2010. – 321 б.,  
Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015 – 240 б.

<sup>4</sup> Ҳақимов М. Кўрсатилган манба. – Б. 13.

сўзловчи ва тингловчи орасидаги муносабат, социолингвистика учун тил ва нутқнинг шаклланишидаги социал факторларнинг таъсири асос қилиб олинса-да”<sup>1</sup>, кўп ҳолларда уларни бир-биридан кескин ажратишнинг имкони йўқ.

Замонавий тилшунослик матнга кенгрок, гапларнинг оддий бирикмасидан ташқарига чиқадиган нуқтаи назарга асосланади ва нутқ ҳаракатлари назарияси, референция назарияси, когнитив психология, антропология ва маданиятшунослик, социология билан чамбарчас боғлайди. Шундай қилиб, ҳозирги босқичда матн тилшунослиги илмий фан сифатида тушунилиб, унинг мақсади инсон мулоқотининг замини ва шарт-шароитлари моҳиятини ва ташкил этилишини тавсифлашдан иборат.

Бадий матнни воқеликни образларда тасвирлайдиган, эстетик-прагматик йўналишга эга бўлган ҳамда матннинг барча хусусиятларига эга бўлган тўлиқ яқунланган ижтимоий-нутқий ҳодиса сифатида белгилаймиз. “Бадий матн прагматикаси - бадий ёзма нутқ (матн)да лингвистик белгиларнинг прагматик таъсирнинг иккиёқлама табиати билан юзага келадиган фаолиятини ўрганиш билан шуғулланадиган, шунингдек, бадий ёзма нутқ субъекти (муаллиф)нинг ва адресат (ўқувчи)нинг прагматика- 2 (персонаж- персонаж)ни қамраб оладиган прагматика- 1 (муаллиф – ўқувчи) доирасида белгиларга муносабатини ўрганиш билан шуғулланадиган лингвистик тадқиқот соҳасидир”<sup>2</sup>.

Матн прагматикаси билан бирга социопрагматикани ҳам ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Матнни маълум даражада социомаданий вазият билан белгиланадиган тил белгиларининг амал қилиш муҳити деб тушунадиган ва социомаданий омилларнинг ўзаро таъсири бурчагидан келиб чиқиб қарайдиган ёндашувни биз матн таҳлилига социопрагматик ёндашув деб атаймиз. Матн таҳлилида ёндашувнинг социопрагматик жиҳати нафақат жинс, синф, миллат ва шунга ўхшаш тор ихтисослашган кўринишларнинг таъсирини ўрганиш билан, балки муайян жамиятдаги, инсоният цивилизациясининг муайян давридаги қатъий йўл-йўриқлар таъсирининг натижаларини ўрганиш билан тавсифланади. Аслида матннинг мослашувчанлиги, яъни матннинг пайдо бўлиши ва фаолият юритиши учун социомаданий шарт-шароитларни белгиловчи ташқи экстралингвистик омилларга мослашиши ҳақида гап кетмоқда.

Умуман, бадий матнни тўғри тушуниш учун, бадий матнни худди ушбу матндан ташқари, яна ёзма нутқ субъекти (муаллиф)нинг нутқий ҳаракатини ва матннинг адресат (ўқувчи) томонидан тушунилишини аниқлаб берадиган экстралингвистик омилларни ҳам ўзида мужассамлаштирган нутқий макро ҳаракатдек мураккаб коммуникатив ҳодиса деб қараш керак.

Мулоқот вазиятига, ижтимоий, ғоявий ва этикет меъёрларига, яъни матн фаолият юритаётган муҳитга қараб, унда муайян ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Социомаданий вазият – бу “хусусиятларининг ўзгариши тизимга таъсир этувчи объектлар тўплами, шунингдек, тизимнинг хатти-ҳаракати таъсири остида хусусиятлари ўзгарган объектлар тўплами тушуниладиган муҳитдир”<sup>3</sup>

Социопрагматик ёндашувда муҳит – бу кенг маънода контекстни белгиловчи экстралингвистик омиллардир. Шундай қилиб, бадий матнни ўрганишдаги социопрагматик ёндашув экстралингвистик омилларнинг анъанавий прагматикадагидан кўра чуқурроқ аҳамиятга эга эканлигини назарда тутати. Кўриниб турибдики, бу ёндашув турли ёндашувларнинг, энг аввало, прагматика, социолингвистика ва матн лингвистикасининг интеграциясини ўз ичига олади.

Тилшуносликда янги парадигмаларни ўрганишга жиддий аҳамият берилаётган бир пайтда бадий матнни социопрагматик жиҳатдан тадқиқ қилиш, шунингдек, бадий

<sup>1</sup> Ҳакимов М. Кўрсатилган диссертация. – Б. 87.

<sup>2</sup> Абитова А.Р. Социопрагматика текста “поток сознания” (на материале современной немецкой прозы): дисс. ...канд. филол. наук. –Пятигорск, 1999. – С.19

<sup>3</sup> Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. – М.: Высшая школа, 1991. – 24 с.

нутқнинг социал ва прагматик хусусиятларини очиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абитова А.Р. Социопрагматика текста “поток сознания” (на материале современной немецкой прозы): дисс. ...канд. филол. наук. – Пятигорск, 1999. – С.19.
2. Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик талқини: филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2010. – 321 б.
3. Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. – М.: Высшая школа, 1991. – 24 с.
4. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 40.
5. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этнососоциопрагматик таҳлили асослари: Ўқув қўлланма. – Самарқанд, 2007. – Б. 4.
6. Худойберганаева Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015 – 240 б.
7. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2001. – 283 б.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада тилшуносликда янги йўналишларнинг шаклланиши ва бу соҳада амалга оширилган тадқиқотлар, шунингдек, бадиий матнни таҳлил қилишда социопрагматик ёндашув масалалари ёритилган.

#### SUMMARY

The article deals with the problems of the formation of new branches in Linguistics and researches in this sphere including socio-pragmatic approach to literary text interpretation.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы формирования новых направлений в лингвистике и исследованиях в этой области, а также вопросы социально-прагматического подхода к анализу литературных текстов.

*Наишра доц. Б.Баҳриддинова тавсия этган*

## ЛЕКСИК ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТИЛГА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИДА ЛИНГВИСТИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ОМИЛЛАРНИНГ РОЛИ

Ахмедов А.Б. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *лексик инновация, лингвистик ва экстралингвистик омиллар, неологизм, ёзма оммавий коммуникация, нутқий мулоқот.*

**Ключевые слова:** *лексические инновации, лингвистические и экстралингвистические факторы, неологизм, письменная массовая коммуникация, речевое общение.*

**Key words:** *lexical innovation, linguistic and extra linguistic factors, neologism, written mass communication, speech act.*

Инсон турмуш тарзи ва ижтимоий муҳит ўзгариши, техника тараққиёти, фан ва маданиятнинг ривожланиши, шунингдек, ҳаётнинг ўзи тақозо этиши натижасида тилда янги сўз – неологизмни яратишга эҳтиёж туғилади. Тилда янги сўз пайдо бўлишининг интенсивлик даражаси тарихан ўзгариб боради. Бу жараён фан соҳасида турли ихтиро ва кашфиётлар яратилган ёки туб ижтимоий ўзгаришлар рўй берган даврда янада тезлашади. Шунинг учун ҳам неологизм ўзида чуқур тарихий тушунчани акс эттиради. Бугунги кунда тил тизимидан мустаҳкам ўрин олган кўплаб сўзлар бошқа бир даврда неологизм ҳисобланган. Масалан, *Schriftsteller* сўзи XVIII асрда немис тили учун неологизм эди [8, 144].

Тилда пайдо бўлган у ёки бу неологизмнинг муаллифини аниқлаш жуда қийин, баъзан бунинг мутлақо иложи йўқ. Янги сўзлар, гўё тилнинг ичида туғилади. Бу ўринда уларга умумтил неологизмлари дея таъриф бериш тўла ўринли [9, 119]. Бироқ Галилейнинг кашфиёти натижасида пайдо бўлган «инерция» ёки Ван-Гельмонт томонидан қайд қилин-

ган «газ» сўзларида бўлгани каби неологизмнинг ўз муаллифи билан мустаҳкам алоқада бўлиш ҳоллари бундан мустасно [12, 242]. Бундай сўзлар тилда маълум вақт неологизм сифатида қўлланади, кейин эса тилнинг асосий лексик таркибига ўтади ва янгилик хусусиятини йўқотади.

Лексик инновацияларнинг тил тизимига ассимиляцияси, уларнинг пайдо бўлиш соҳаси ва турли нутқий матнларда (контекстлар) қўлланиши билан узвий боғлиқ [5, 82]. Дарҳақиқат, Ё.Килиан [11, 110-114] матбуот тили материаллари асосида фикр ва янгиликни қулай тарзда етказишни таъминлаш учун ахборот шакллариининг фойдалилик жиҳатларини ўрганган. Иқтисод соҳасидаги реклама матнлари асосида Г.Флескес [10, 324-329] ахборот узатиш воситалари билан узатилаётган мазмун ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масаласини ўрганишга эътибор қаратган. Бироқ мазкур тадқиқотлар ёзма оммавий коммуникация соҳасида коммуникатив акт структурасининг хусусиятларини тўлиқ очиб бермайди. Бу хусусиятларни ўрганишни давом эттириш зарурати лексик инновацияларнинг тилга ўзлаштирилишида оммавий-коммуникатив омилнинг ролини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади.

Ёзма оммавий коммуникация соҳаси лексик инновациянинг тил тизимига ассимиляцияси жараёнида муҳим ўринга эга. Мазкур мулоқот соҳасининг ўзига хос хусусиятлари тил лексик-семантик тизимига инновациянинг қабул қилиниши ва кенг тарқалишига замин яратади.

Ёзма реклама матнларида мунтазам равишда қўлланувчи лексик инновацияларга тўхталамиз. Лексик инновациялар қайсидир бир конкрет шахснинг ижод маҳсули эмас. Тилдан фойдаланувчи жамият аъзоларининг жамоавий онгида пайдо бўладиган лексик инновациялар асосан реклама берувчилар томонидан қўлланади ва жонли тил таъсири остида бўлган воситачининг тасдиғидан ўтади. Воситачи ижтимоий фаолиятнинг маиший соҳасида тўпланган жамият аъзоларининг жамоавий тажрибасига таянган ҳолда реклама матнларида жамиятга илгари номаълум бўлган янги предмет ва ҳодисаларни ифодалаш учун ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган инновацияларни қўллайди. Масалан, янги ижтимоий муносабатлар – *Kiezmitter* [15, 308], *Lebensabschnittspartner* [15, 322], кундалик турмушда ишлатиладиган янги предметлар ва истеъмол товарлари – *Plastik* [15, 373], *Duschklo* [15, 217], *Hackenporsche* [14], *Antimatschtomate* [15, 149], *Gammelfleisch* [15, 257], янги турдаги кийим-бошлар – *Kargohose* [14], *Burkini* [15, 183], янги турдаги матолар ва улардан тикилган кийимлар – *Jeggings* [15, 303], *Nylonstrumpf* [13, 1272], *Schaumstoff* [13, 1510] ва ҳ.к.

Демак, маиший соҳада ёзма реклама орқали ахборот узатиш учун ҳозирги немис тили асосий луғат фондининг умумистеъмолда бўлган услубий бетараф лексикасидан фойдаланилади. Ёзма оммавий коммуникациянинг юқорида баён қилинган хусусиятлари лексик инновацияларнинг тил тизимига ассимиляцияси жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Инновациянинг тилга қабул қилиниши лингвистик ва экстралингвистик омилларга боғлиқ [4, 18-19].

Лингвистик омиллар:

1) формал омил. Бу ерда сўзнинг грамматик шакли ҳамда сўз бирикмаси ва гапнинг синтактик шакли эътиборга олинади. Тил тизими марказига тегишли сўз туркумининг барча морфологик белгиларига эга бўлган ва гапда тегишли синтактик вазифаларни бажарадиган, тилга хос типик сўз яшаш қолиплари асосида ясалган сўзлар, шунингдек, тузилиш жиҳатдан мазкур тилга хос формал воситаларга эга бўлган сўз бирикмаси ва гаплар киради;

2) семантик омил. Бу ерда тил бирликларининг лексик маъноси ва умумлашган грамматик маъноси ҳисобга олинади. Инновациялар лексик маъно ва умумлашган грамматик маънога эга бўлган тақдирда тил тизими марказига кириши мумкин;

3) функционал омил. Инновациялар функционал маънога эга бўлган тақдирда тил тизими марказига кириши мумкин;

4) сўз яшаш ва грамматик жиҳатдан маҳсулдорлик омил. Инновациялар янги ифода ҳосил қилишда асос вазифасини бажарса, тил тизими перифериясидан чиқади;

5) стилистик омил. Тилнинг барча функционал услубларида услубий жиҳатдан бета-раф қўлланиш инновацияларнинг марказий тил бирликларига айланишига имкон беради;

6) инновацияларнинг тил талаффуз ва график (ёзув) тизимига мослашиш омили.

Экстралингвистик омиллар:

1) ижтимоий омил. Ҳар қандай нутқий вазиятда тилнинг ижтимоий вазифалари билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган (ижтимоий-тарихий тажриба орқали эгалланадиган коммуникатив, миллий-маданий, билим олиш учун хизмат қиладиган) тил ҳодисалари тил тизими марказидан жой олади;

2) тематик омил. Мулоқот доирасининг аниқ бир мавзу (масалан, маиший) билан камраб олиниши инновациянинг тилга тезроқ қабул қилинишига имкон туғдиради;

3) оммавий-коммуникатив омил. Инновацияларнинг оммавий-коммуникация соҳа-сида қўлланиши уларнинг тил тизимида кенг тарқалганидан далолат беради;

4) микдор омили. Бу омил инновацияларнинг кўп сонли тил эгаларининг нутқидан мунтазам равишда қўлланиши билан боғлиқ;

5) меъёр омили. Инновациялар тил умумий амалиётида сараланса ва барқарор қўлла-нишда давом этса, тил тизими марказидан ўрин олади.

Умуман олганда, инновация муаммосини тадқиқ этишда қуйидаги жиҳатлар муҳим ҳисобланади: инновацияларнинг юзага келиш сабаб ва йўллари, шарт-шароитлари, уларни аниқлаш мезонлари, инновация юзага келишида ёзма нутқнинг ўрни, инновациянинг тил тизимида тарқалиш йўллари ҳамда тилга қабул қилинишида тематик, ижтимоий ва комму-никатив омилларнинг алоҳида роли [2, 67-68].

Лексик-семантик инновацион жараёнларнинг асоси когнитив номинациянинг фаол-лашувидан иборат бўлган метафорик концептуализациядир. У объект ва тушунчаларни мавҳумлаштириш ҳамда реал воқеликдаги барча янги ҳодисаларни идрок қилиш жараё-нида келиб чиқадиган натижани олдиндан айтиш имконини беради [3, 12; 6, 17].

Лексик инновацияларни ҳозирги немис тили мураккаб динамик тизими фаоллашу-вининг ташқи-муносабат ва ички-структур жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақ-садга мувофиқ.

Тил мураккаб динамик тизимининг ташқи-муносабат жиҳати қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1) ўзгарувчан ташқи муҳитга бўлган ўзига хос муносабат;

2) нутқий воқеланиш;

3) жамоа одат ва меъёрларига мос равишда қўлланиш;

4) синхрония ва динамиканинг узвий боғлиқлиги.

Тил билан ташқи муҳит ўртасида юзага келадиган барқарор алоқа ва муносабатлар биринчи хусусиятга хосдир. Ташқи муҳит деганда, аввало, шартли равишда сиёсий, ижти-моий-иқтисодий (илмий-техникавий), маданий (таълим, маданият, санъат) ва маиший фао-лият соҳаларига бўлинган ижтимоий воқелик тушунилади. Жамиятнинг мазкур фаолият соҳаларида янги ижтимоий ҳодисалар ва муносабатларнинг юзага келиши тил билан тилдан ташқаридаги воқелик ўртасида янги алоқа ва муносабатларни келтириб чиқаради. Айнан янги алоқа ва муносабатлар лексик инновацияларда ўз аксини топади.

Инновациянинг содир бўлиш соҳалари тил мураккаб динамик тизими ташқи-муно-сабат жиҳатининг иккинчи хусусияти билан боғлиқ. Инновация тил ҳодисалари илгари умуман қўлланмаган вазифаларда илк бора қўллана бошлаган нутқий мулоқот жараёнида стихияли равишда юзага келади. Бунинг устига, у қутилмаган шакл яшаш, ноодатий сўз қўллаш ва сўз яшаш каби хусусиятларга ҳам эга бўлиб, ҳатто синтактик меъёрнинг бузили-шига ҳам йўл қўяди.

Тил мураккаб динамик тизими ташқи-муносабат жиҳатининг учинчи хусусияти ик-кинчиси билан, яъни тил мураккаб динамик тизимининг нутқий мулоқот жараёнида жамоа одат ва меъёрларига мос равишда қўлланиши билан қўшилиб кетади.

Тил мураккаб динамик тизимининг ички-структур жиҳати тил тушунчасини қури-лиш тизими (тизим элементлари ҳамда тизим элементларининг қурилиш моделлари таҳли-

лига алоҳида эътибор берилади) ва алоқалар тизими (тизим элементларининг алоқаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади) сифатида қамраб олади. Бу жиҳат қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- 1) тил тизимининг бир бутунлиги (яхлитлиги) ва тил қурилишининг моддий борлиқдаги айрим ўзгаришларга тўлиқ боғлиқ эмаслиги;
- 2) тил тизими элементлари ҳамда уларнинг амалда мавжуд бўлган белгилари ўртасидаги фарқлар;
- 3) бир сатҳдаги тил элементларининг ўзаро алоқаси ва таъсири;
- 4) сатҳлараро алоқа ва муносабатларнинг ривожланиши;
- 5) тил элементлари қурилиш моделларининг таркибий ўзгаришлари.

Юқорида тилга олинган муаммолар мажмуидан келиб чиқиб, шуни айтиш керакки, инновация тилдан фойдаланишда мулоқот жараёнини ҳар тарафлама ҳисобга олиш [1, 18-19], нутқий ижодкорликка, «нутқий асар»нинг тили ва услубига [7, 14-15], тил воситасида ахборот алмашинувида индивидлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга эътибор қаратиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга, тил умумий амалиёти аспектида муҳим соҳалардан бири бўлган янги лексикани умумлаштириш ва коммуникатив актдаги янги маъно хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ илмий изланишни кўзда тутувчи изчиллик ҳам мавжуд.

Лексик инновациялар юзага келишида экстралингвистик омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бу омиллардан бири – ижтимоий воқеликдир. Ижтимоий воқеликда пайдо бўлган янги предмет ва содир бўлган янги ҳодисалар тегишли сўзлар билан ифодаланади ва тилдан фойдаланувчи жамият аъзоларининг умумий онгида акс этади. Замонавий нутқий фаолият назариясидан келиб чиққан ҳолда тилдан фойдаланувчи жамият аъзоларининг умумий онги индивидуал ҳамда жамоавий (ёки махсус мақсад учун белгиланган) онга бўлинишини эътироф этиш керак. Жамоавий онг йирик ижтимоий гуруҳлар (жамиятда мавжуд бўлган синфий ва ижтимоий гуруҳлар)нинг онгида ўз ифодасини топади. Ижтимоий воқеликдаги янги фактларни ифода этувчи лексик инновациялар жамоавий онг қатламида пайдо бўлади ва шаклланади.

Ҳар қандай лексик инновациялар тил тизимига қабул қилинмайди. Улар нутқий мулоқот жараёнида жамоавий онг томонидан сараланади. Лексик инновацияларнинг сараланиши муайян шарт-шароитларда кечади:

- 1) тил жамоасининг турли хил вакиллари томонидан кенг қўлланиш;
- 2) мазкур тилда сўзлашувчиларнинг имкон қадар кўпчилиги томонидан қўлланиш;
- 3) турли индивидлар нутқида у ёки бу лексик бирлик сифатида такрор қўлланиш;
- 4) такрор қўлланишнинг давом этиши.

Саралашнинг юқорида кўрсатилган талабларига оммавий коммуникация соҳаси тўла жавоб беради. Замонавий тилшуносликда оммавий коммуникация назарияси, асосан телекўрсатув, радиоэшиттириш, матбуот тиллари ҳамда индивидуал (масалан, нотиклик) нутқнинг функционал-услубий хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Тилнинг бир сатҳида янги элементнинг пайдо бўлиши ўрнатилган таркибий алоқа ва муносабатларнинг ўзгариши (аввало, публицистик услубда) ва уларнинг янги турларининг юзага келиши билан бир вақтда содир бўлади. Ҳозирги немис тили публицистик услубида *bl.* - *blond*, *gr.* - *groß* типидagi қисқартмалар кенг қўлланиши янги қисқартма-ясама сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Реклама матнларида қўлланадиган инновациялар касб-кор, маълумот, ёш, ҳудуд ва жинс жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи кўп сонли ахборот олувчилар томонидан ўзлаштирилади. Шунингдек, улар турли тоифадаги тил эгалари томонидан идрок қилинади ва нутқий мулоқот жараёнида ижтимоий воқеликда пайдо бўлган янги предмет ва содир бўлган янги ҳодисаларни ифодалаш учун қанча керак бўлса, шунча қўлланади.

Инновацияларнинг нутқий мулоқот жараёнида қўлланишда давом этиши ижтимоий фаолиятнинг маиший соҳасида пайдо бўлган янги предмет ва содир бўлган янги ҳодиса-

ларни ифодалашига имкон беради. Коммуникациянинг оммавий характери инновациянинг кўп сонли индивидлар орасида кенг тарқалиши ва ўзлаштирилишини енгиллиштиради.

Бундан ташқари, оммавий-коммуникатив омил бошқа натижага ҳам олиб келади. Ахборотни тил орқали ифодалайдиган воситалар лексик инновациялар пайдо бўлишининг асосий йўналишларини олдиндан аниқлашга имкон беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. – М.: Изд-во АН, 1963, Т.1. – 384 с.; Т.2. – 391с.
2. Гринев С.В. К уточнению некоторых основных понятий семиотики // Филологические науки. – М., 1997. – № 2. – С. 67-75.
3. Канонич С.И. Новое в коммуникативной лингвистике: Сб. науч. тр. / Отв. ред. Канонич С.И. – М.: Моск. лингв. ун-т, 1999. – вып. 447. – 178 с.
4. Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. – М.: Наука, 2004. – 281 с.
5. Новиков А.Л. О контекстуальном смысле слова // Филологические науки. – М., 2002. – № 5. – С. 82-89.
6. Переверзева Н.А. Метафорическая и метонимическая деперсонификация в современном немецком языке: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Белгород, 2010. – 22 с.
7. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Изд. гр. «Прогресс», «Универс», 1993. – 654 с.
8. Ammer K. Einführung in die Sprachwissenschaft. Bd. 1. – Halle / Saale: Max Niemeyer Verlag, 2008. – 212 S.
9. Fill A. Sprachökologie und Ökologisierung. – Tübingen: Stauffenburg Verlag, 2006. – X, 300 S.
10. Fleskes G. Untersuchungen zur Textsortengeschichte im 19. Jahrhundert. Am Beispiel der deutschen Eisenbahnen. – Tübingen: Max Niemeyer Verlag, 2008. – IX, 444 S.
11. Kilian J. Demokratische Sprache zwischen Tradition und Neuanfang. – Tübingen: Max Niemeyer Verlag, 2007. – 410 S.
12. Klenk M. Sprache im Kontext sozialer Lebenswelt. – Tübingen: Max Niemeyer Verlag, 2009. – 390 S.

#### Лугатлар

13. Duden. Deutsches Universalwörterbuch. Hrsg. v. d. Dudenredaktion. 7., überarb. u. erw. Aufl. – Mannheim / Zürich: Dudenverlag, 2011. – 2111 S.
14. Neologismenwörterbuch [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.owid.de/neologismen/>, свободный – Язык немецкий.
15. Steffens D., Nikitina O. Deutsch-russisches Neologismenwörterbuch. Neuer Wortschatz im Deutschen. 1991-2010. – Mannheim: Institut für Deutsche Sprache, 2016. – 598 S.

#### РЕЗЮМЕ

Мақола ҳозирги немис тилида лексик инновацияларнинг тил тизимида қабул қилинишида лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг ўрнини ўрганишга бағишланган бўлиб, бунда лексик инновациялар ҳозирги немис тили мураккаб динамик тизими фаоллашувининг ташқи-муносабат ва ички-структур жиҳатлари асосида тадқиқ этилган.

#### РЕЗЮМЕ

Статья посвящена исследованию роли лингвистических и экстралингвистических факторов при внедрении лексических инноваций в языковую систему современного немецкого языка. Лексические инновации исследуются на основе внешних и внутренних структурных аспектов активации сложной динамической системы современного немецкого языка.

#### SUMMARY

The article is devoted to the study of the role of linguistic and extra linguistic factors in accepting lexical innovations into the language system of modern German. Lexical innovations have been studied from the point of view of the external-relational and internal-structural aspects of the activation of the complex dynamic system of modern German.

*Нашрга доц. Б.Бахриддинова тавсия этган*

## ОТАЛАР ФАЛСАФАСИ ёхуд ИДИЛЛИК НАСР ҲАҚИДА

Жўрақулов У. (ТошДЎТАУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** идиллия, архаик давр, адабий тур ва жанр, идиллиявий асар, идиллик талқин, идиллик роман, одампарвар образ.

**Ключевые слова:** идиллия, архаичный период, литературный тип и жанр, идиллическое произведение, идиллическая интерпретация, идиллический роман, гуманистический образ.

**Key words:** idyll, archaic period, literary type and genre, idyllic work, idyllic interpretation, idyllic novel, humanistic image.

Воқеликни идиллик идроклаш ва талқин этиш башариятнинг илк бадий тажрибаларидан бўлиб, айти муаммо ҳақида сўз юритиш учун адабиёт тарихини архаик даврларидан бошлаб ўрганишга тўғри келади. Замоновий адабиётшунослик айти ҳодисага шундай луғавий маъно беради: **“Идиллия** юнонча *eudyllion* – кичик образ, кичик шеърий асар”. Илк идиллия ёзган шоирлар сифатида эрамиздан аввалги 3-2-1- ва эрамизнинг 1-3-асрларида яшаб ўтган Феокрит, Моск, Бион (Юнонистон), Вергилий, Кальпурний, Немесиан (Рим)лар саналади<sup>1</sup>. Уларнинг идиллияларида башариятга оид табиий турмуш тарзи, деҳқончилик, чорвачилик, оилавий ҳаёт, умуман, тирикчилик билан машғул одам соф табиат тасвири билан уйғунликда, деталлаштириб ифодаланган. Бундай асарларнинг поэтик ритми ҳам башариятнинг ибтидоий турмуш тарзи каби сокин, вазмин ифода йўлига эга бўлган.

Назарий адабиётшуносликда идиллиянинг поэзия жанри сифатида вужудга келиши, бадий канонлари ёзма адабиётдаги намуналарига нисбатан белгиланган бўлса ҳам, туб моҳиятига кўра, унинг маншаъ-ибтидоси халқ ижодиётининг архаик даврдан бошланади. Адабий тур ва жанрлар нуктаи назаридан фақат лирикада эмас, энг қадимги фольклор жанрларининг эпик ва драматик, лиро-эпик, лиро-драматик шаклларида ҳам идиллиявий талқинлар кўзга ташланади. Кенг маънодаги идиллиявий талқин спецификаси эпик, лирик, драматик тур ёки жанрлардан исталган биттаси ўз поэтик имкониятлари доирасида табиий ва аниқ бир воқеани ифодалашга қаратилганида намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, идиллиявий талқин одамзоднинг табиий турмуш тарзи, оилавий ҳаёт йўлидаги тажрибалари, фикр-қарашлари, одам ва олам ҳақидаги хулосаларининг бадий умумлашмасидир.

Бундан келиб чиқадикки, терминологик луғатларда қайд этилиб, назарий ва ўқув адабиётларда изчил такрорланиб келаётган “кичик образ, кичик шеърий асар” деган таъриф идиллиянинг ёзма шеърий намунасига нисбатангина тўғри ва ўзини оқлайди. Универсал эстетик тарих сатҳида эса, башарий турмушнинг барча босқичларини қамраб оладиган табиий-маиший, айти пайтда, ижтимоий-индивидуал ҳолат ва ҳодисалар бадийлаштирилган шакли ҳисобланади.

Архаик маъносига кўра, идиллия деҳқон ва чўпон кўшиғи деган маънони билдиради. Башариятнинг механика ва саноат давригача бўлган илк турмуш тарзи эса деҳқончилик, чорвачилик билан кечган. Бундан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкинки, бани Одам асос солган илк сўз санъати намунаси идиллия бўлган. Илк идиллияларнинг деҳқончилик ва чорвачилик билан боғланиши, маиший турмуш, оила, табиат қўйнидаги одамни акс эттириши бундай хулосага туртки беради.

Айти хулосанинг илк археологик далили сифатида Дажла ва Фрот дарёлари оралиғидан топилган “сополкитоб” (клинопис)ларда ёзилмиш манба – “Инаннинг ёр танлаши” деб номланган “идиллик баллада”<sup>2</sup>ни кўрсатиш мумкин. Шумершунос С.Н.Крамер бу син-

<sup>1</sup> Қаранг: Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979.

<sup>2</sup> Гарчи, С.Н. Крамер айти асар жанрини “поэма” деб кўрсатган бўлса ҳам, бу ўринда шартли “идиллик баллада” истилоҳини қўллаяпмиз. Асос шуки, ушбу манбада деҳқон ва чўпон турмушига оид кичик бир воқеа шеърий йўлда хикоя қилинади. Асар ўз поэтик мазмун қамрови, ифода услуби, композицияси, бадий пафоси нуктаи назаридан поэмага тўғри келмайди (У.Ж.).



гари бадий манбалар ёзувда акс этирилган “сополкитоб”ларнинг майдонга келиш вақтини тақрибан эр. ав. 2500 – 3000 йиллар деб белгилайди<sup>1</sup>. Аммо мазкур шеърӣ асарларнинг ёзувга туширилгунига қадар қанча вақт ўтгани ҳеч кимга маълум эмас. Бундан маълум бўладики, ушбу асар идиллиянинг ўта қадимги намунаси дир.

Идиллик балладада ҳикоя қилинишича, гўзал Инаннани акаси Уту чўпон Думузига турмушга чиқишга ундайди. Чўпоннинг кўйлари, сут-қаймоғи кўп, ҳаёти фаровон экани, агар унга турмушга чиқса, бахтли яшаши ҳақида сўзлайди. Аммо сулув Инанна акасига эътироз билдиради. Чўпоннинг жун чойшабига ўраниб ётишдан кўра кўм-кўк экинлар етиштирувчи деҳқон Энкимдуга турмушга чиқишини айтади. Аммо Думузи билан учрашганида унинг ўзига ва қилаётган касбига берган узоқ таъриф тавсифларидан кейин деҳқонга тегиш фикридан қайтади. Думузининг, Инаннага қаратилган, йигирма сатрдан иборат монолоғида чорвачиликда етиштириладиган гўшт, сут, қаймоқ, пишлоқ, жун ва бошқа маҳсулотлар батафсил саналади. Деҳқон Энкимду етиштирадиган деҳқончилик маҳсулотлари: оқ буғдой, қора буғдой, арпа, тарик, нўхат, ловия, фасол, олма, нок, олхўри, улардан олинадиган ун, шарбат ва бошқа ичимликлар билан солиштирилади. Деҳқон етиштираётган барча маҳсулотларга айрибошлаш учун унда керагидан ортиқ маҳсулот борлиғи айтилади. Натижада Инанна чўпон Думузига турмушга чиқишга розилик беради. Асар Думузи ва Инаннанинг унашуви билан якун топади<sup>2</sup>.

Асар сюжети бир қарашдаёқ барча илоҳий китобларда, хусусан, Қуръони каримда ҳикоя қилинадиган Ҳобил ва Қобил воқеасини эслатади. С.Н.Крамер ҳам ушбу асар матнини тўлиқ келтиргандан сўнг: “Ўқувчи бундаги Инжил мавзуси садоларини осон илғайди”, деган фикрни қайд этади<sup>3</sup>.

Жаҳон мутахассислари кўлида мавжуд бадий-тарихий манбаларнинг энг қадимги ёзма намунаси бўлган “Инаннанинг ёр танлаши” балладасидаги мубоҳаса руҳи, умумий мазмун кўлами, образлар, касб-корга доир жиҳатларнинг деталлаштириб тасвирланиши, бошлама ва якун бизни шундай хулосаларга олиб келади: а) башарият томонидан илк бор бадий шаклга солинган асар одамларнинг романтик тасаввури, ҳиссий-хаёлий фантазияси маҳсули эмас, балки унда илоҳий китобларда келган, Ер ҳаётига доир воқеа – Одам ато ўғиллари Ҳобил ва Қобил ҳақидаги реал тарихий ўтмиш баён этилган; б) башариятнинг илк тирикчилик машғулотлари, материалистлар айтганларидек ов эмас, деҳқончилик ва чорвачилик бўлган<sup>4</sup>; в) одамлар ерда турмуш бошлаган илк даврларидан эътиборан деҳқончилик, чорвачилик билан стихияли тарзда шуғулланмаганлар, балки етиштирган маҳсулотларидан ун, нон, турли шарбатлар, сут, қаймоқ, пишлоқ каби егулик ва ичимликлар, жун, мато, тери сингари маиший турмуш маҳсулотлари ва буюмларини тайёрлашни жуда яхши билганлар; г) уларни ўзаро айрибошлаб, ижтимоий, иқтисодий, маиший ва савдо муносабатларни йўлга қўйганлар; д) маиший-оила муносабатларини белгилаш ва ҳал этишда масаланинг ҳиссий-руҳоний жиҳатларига эмас, кўпроқ амалий-прагматик жиҳатларига эътибор қаратганлар, яъни ёрга бўлган ишқ-муҳаббатдан бурун эрнинг оилани эплаши, турмуш ўртоғини боқа олишини муҳим санаганлар; е) энг муҳими, саналган жараёнларнинг барчасини моҳирлик билан бадий шаклга солганларки, айна бадий ижод намунасига ҳос поэтик компонентларнинг барчаси уни илк идиллия деган тўхтама келишимизга асос беради.

Қуръони каримда келишича, деҳқон (Қобил)нинг Оллоҳга атаган қурбонлиғи қабул бўлмайди. Чунки у етиштирган маҳсулотларининг ўта сифатсизини қурбонлик қилган эди. Чўпон (Ҳобил) эса сурувидаги энг семиз ва чиройли кўчқорни қурбонлик келтиради. Оллоҳ унинг қурбонлигини қабул қилади: “(Эй Муҳаммад), уларга Одамнинг икки ўғли

<sup>1</sup> Крамер С.Н. История начинается в Шумере. – М.: Наука, 1991. – С. 114-115.

<sup>2</sup> Крамер С.Н. Кўрсатилган асари. – С. 146-149.

<sup>3</sup> Шу асар. – С. 149.

<sup>4</sup> Бу далил қатор Шарқ ёзма манбаларида, хусусан, Алишер Навоийга нисбат бериладиган “Пайкон рисоласи”да ҳам учрайди (У.Ж.).

хақидаги хабарни ҳақкирост тиловат қилинг. Ўшанда у иккови қурбонлик қилганларида (қурбонликлари) бировларидан қабул қилинган, иккинчиларидан қабул қилинмаган эди. Шунда у “Қасамки, сени ўлдираман”, деганида, биродари айтди: “Оллоҳ фақат тақводорларнигина (қурбонликларини) қабул қилур” (Моида, 27-оят)<sup>1</sup>. Шундан сўнг Одам атонинг Иқлима (Рабғўзий) исмли гўзал қизи чўпонга никоҳлаб берилади. “Инаннанинг ёр танлаши”да эса бу икки эпизод йўқ. Қизга етиша олмаган деҳқон асар сўнгида тақдирга тан беради. Чўпон билан мурасага келади, унинг тўйига ўз маҳсулотларидан тўёна беришини айтади.

Илохий китобларда батафсил ҳикоя қилинадиган Ҳобил ва Қобил воқеасининг Шумер вариантыдаги фарқ, бизнингча, икки сабабга кўра юзага келган бўлиши мумкин: биринчи сабаб, “сополкитоб”нинг топилмаган ёки мутахассислар ўқий олмаган қисмларида тушиб қолган эпизодлар мавжуд бўлган; иккинчи сабаб, бу воқеа укасини ўлдириб, Одам ато оиласидан қувилган Қобил томонидан юмшатиб ҳикоя қилинган, унинг авлодлари томонидан тўлдириб айтиб юрилган, кейинроқ “китоб”га кўчган.

Кўринадикки, манбалар асосидаги дастлабки хулосаларнинг ўзиёқ идиллиянинг “кичик образ”лар акс эттирилган “кичик шеърӣ асар” эмаслигини, унга башарият илк реал тарихига доир маиший-эпик воқелик асос бўлганини, ундаги образлар одамизотнинг бош бўғинига мансуб машҳур шахслар эканини исботлаш учун етарли бўлади.

Идиллиянинг кейинги тараққиёт босқичи халқ эпосларида юз кўрсатади. Эпос марказидаги асоси оилавий турмуш бўлган эпизодлар тасвири (эр-хотин, бола-чақа, фарзандсизлик, фарзанд сўраш, фарзанд кутиш, фарзанд кўриш, фарзанд тарбиялаш, уларни унаштириш, тўй, айрилиш, излаш, топиш, қайта бунёд этиш, хонадон, рўзғор, меҳнат, мол-ҳол, парранда, деҳқончилик, ейиш-ичиш каби); эпос қаҳрамонлари аро муносабат ва қаҳрамонлар характериға хос индивидуаллик, айни пайтда, муайян оилаға мансубликнинг устуворлиги; миллий бирлик, давлатчилик, халқни бошқариш тамойилларининг пировард-оқибатда оила ва оилавий қонуниятларға қурилганлиги; барча эпосларда муқаррар тарзда учрайдиган уруш эпизодининг ҳам оила қуриш, оиланинг бўлиниб кетиши, оилаға хос қоидаларнинг бузилиши оқибатида содир бўлиши мазкур жанрнинг идиллиявий ибтидоға эға эканидан далолат беради. Г.В.Ф.Гегель ўзининг “Эстетика” асарида: “Эпос умумий ҳаёт воқелигидан олиб ўз фониға мослаштирадиган ҳолатлар индивид учун хусусий воқелик шакли бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, уларнинг оилавий турмуш тарзи билан боғлиқ мустаҳкам алоқаси ҳам сақланиб қолади... Биз эпосда фақат объектив ҳаёт ва ҳаракатнинг субстанционал умумийлигини эмас, айни пайтда, ҳаётнинг бундай ҳаракатида бир қарашда унутилгандек туюладиган индивиднинг субъектив эркинлигини ҳам кўра-миз”, дейди<sup>2</sup>. Бу фикрға қўшилиш мумкин. Негаки, қайд этилган барча жиҳатлар халқ эпосларининг “Билгамиш”, “Рамаёна”, “Махабхарата”, “Илиада”, “Одиссея” сингари архаик хоссаларини мукамалроқ сақлаб қолган қадим ёзма намуналаридан бошлаб, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Дада Қўрқуд китоби”, “Манас” каби оғзаки анъаналарда давом этаётган намуналаригача, нисбатан кейинроқ ёзма усулда бунёд этилган “Энеида”, “Сид ҳақида қўшиқ”, “Ролланд ҳақида қўшиқ”, “Нибелунглар ҳақида қўшиқ” асарларида ҳам тўла маънода акс этган. Гегель Гомер “Илиада”си қаҳрамони Агамемнон атрофида тўпланган шох, шахзода ва туманбошилар, биринчи навбатда, шохлар шохининг истаги ёки талаби билан эмас, ўз эрклари, шахсий хоҳишларига кўра урушға кирганларини айтади. Уларнинг ҳар бири ўз салтанати, яъни ўз оиласининг вакили сифатида миллий субстанцияни ташкил этганларини таъкидлайди. Чунки “Илиада” эпоси сюжетига кўра ҳам, худди “Рамаёна” ва “Махабхарата”даги каби, оила қоидалари бузилган. Оила бошлиғи шаъни хавф остида қолган. Барча ҳукмдорларни оилавий ахлоқ, маиший турмуш қоидалари хусусидаги муаммо бир жойға жамлаган. Шунингдек, Гегель Гомер асарларидаги от ва унинг

<sup>1</sup> Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 94.

<sup>2</sup> Г.В.Ф.Гегель. Эстетика. Том третӣй. – М.: Искусство, 1971. – С. 333-434.

анжомлари, алпнинг қуроли, кийим-кечаклари, ейиш-ичишига оид натурал тасвирларни, у юрадиган йўл, йўл бўйлаб жойлашган географик ҳудудлар, табиат тасвирини ҳам эпосдаги идиллиявийлик белгиси сифатида кўрсатади. Бундай жиҳатларни исталган миллат эпосларида, хоссатан, “Алпомиш”, “Гўрўғли” туркумига оид миллий эпосларимизда ҳам керагича учратиш мумкинки, айни бадий компонентлар эпоснинг идиллиявий асосга қурилганини узил-кесил исботлайди.

Бизнингча, адабиётшунослик луғатларида идиллиянинг ибтидоси ўлароқ саналган лирик жанрдаги асарлар айни ҳодисанинг адабий-тарихий жараёндаги учинчи босқичини ташкил этади. Феокритнинг инсон кундалик турмуш тарзи, табиат билан бирлиги, интим ҳолатлари ифодаланган идиллиялари марказида деҳқон, чўпон, балиқчи образлари туради. Уларнинг табиий, покиза ва соғлом турмуш тарзлари, фикр-ўйлари, одам ва оламга доир жайдари фалсафалари ижтимоий муносабатлар чигаллашадиган шаҳар ҳаётига зид қўйилади. Вергилий “Георгикалар”и ва “Буколикалар”ининг бош қаҳрамонлари – деҳқон йигит билан деҳқон қиз, чўпон йигит билан чўпон қизни оқсуяк Рим кишиларидан устун деб ҳисоблайди.

Аммо одамзод қулайликка интилиб, цивилизациялашгани, шаҳарлашгани сайин идиллик турмуш қадрини унута борди. Идиллик фаолият, идиллик турмуш тарзи, идиллик жасорат ва идиллик тафаккурдан узоқлашди.

Гегель идиллик тафаккурдан узила бошлаган адабий жанр шакли сифатида романни кўрсатади. “Унда (яъни романда – У.Ж.),-деб ёзади Гегель,-оламнинг эпосни шакллантирган асл поэтик тузилиши бўлмайди. Замоनावий роман прозаик тартибга солинган воқеликни маъқул кўради... бунга ҳодисаларнинг, индивид ва унинг тақдири нуқтаи назаридан, ҳаётлигини йўқотиш эвазига эришади”<sup>1</sup>. Албатта, Гегель қайд этган ҳолатлар фақат роман жанри билан чекланмайди. Эпик, лирик ва драматик турнинг барча жанрлари доирасида, жанр характери ва бадий спецификасига кўра, ўзига хос тарзда намоён бўлади. Чунки бундай жанрий эврилишларнинг асосида бадий адабиёт моҳиятини ташкил этувчи инсон омили ва унинг руҳий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий эҳтиёжлари, истаклари туради.

Аммо шуни алоҳида қайд этиш лозимки, инсоният ўз маданий-иқтисодий тараққиётининг ҳар қандай босқичида ҳам идиллиявий тафаккур, хусусан, идиллиявий адабий талқиндан мутлақ узилиб кета олмайди. Бу жиҳат адабиёт тарихида “киндик қони томган уй”, “ота-боболар макони”, “ота насиҳати”, “она меҳри”, “қондошлар жамоаси”, “оилавий урф-одат”, “севимли таом ёки ичимлик” каби тушунчалар негизида сақланиб қолаверади.

Михаил Бахтин романнинг “идиллик типи” ҳақида сўз юритар экан, қадимги даврлардан келаётган бу типларнинг кўплиги ва хилма-хиллигини алоҳида таъкидлайди. Соф идиллик типлар сирасида муҳаббат, деҳқончилик, косиблик, оилавий идиллияларни қайд этади. Уларни бирлаштирадиган асосий жиҳат сифатида фольклорга хосликни кўрсатади. “Уларга хос баъзи умумий чизгилар фольклорча замон бутунлигини белгилайди. Бу, аввало, идиллиядаги замоннинг маконга нисбатан муносабатида акс этади. Ҳаёт ҳодисаларининг она диёрнинг барча пучмоқларига, қадрдон тоғлар, водийлар, кенг яйловлар, дарё ва ўрмонлар, уларнинг туғилган хонадонга нақадар узвий боғланганида кўринади. Идиллик ҳаёт ва унга доир воқелик ушбу боболар, оталар яшаган, болалар ва набиралар ҳам яшайдиган конкрет макон бурчакларидан айри ҳолатда мавжуд бўла олмайди”, деб ёзади бу ҳақда олим<sup>2</sup>. Идиллик романда хусусий макон бирлиги муҳим ҳисобланади. Ундаги воқеалар, сюжетлар ўзга макон воқелиги билан кесишмаслиги мумкин. Аммо ажодлар ва авлодларнинг доимий ўрин алмашиб турадиган чек-чегарасиз – бешиқдан қабргача бўлган умр йўллари шу макон ичида кечади. Бундаги бадий замонни қуёшнинг чиқиб-ботиши, ҳафта кунлари, ойнинг чиқиши, тўлин ой, фасллар ва йил алмашинуви, мучалларнинг айла-

<sup>1</sup> Г.В.Ф.Гегель. Эстетика. Том третий. – М.: Искусство, 1971. – С. 474-475.

<sup>2</sup> Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б. 218-219.

ниши, тўй, болаларнинг туғилиши, ўлим, деҳқончилик, чорвачилик, косиблик меҳнатига хос мавсум ўзгаришлари белгилайди. Романда тасвир этиладиган бундай идиллик ҳаёт йўлини М.Бахтин шундай таърифлайди: “Муҳаббат, туғилиш, ўлим, никоҳ, меҳнат, егулик ва ичкилик, умр фасллари – мана идиллик ҳаётнинг асосий реалиялари”<sup>1</sup>.

Тўғри, бир қарашда идиллик ҳаётга хос бундай бирхиллик, кундалик икир-чикирлар ўта зерикарли туюлади. Аммо айтилиши тақрорланувчи, зерикарли бирхилликка мазмун бағишлайдиган шундай бир ҳаётнинг унсур борки, буни Гегель ҳам, Бахтин ҳам “сублимация” термини остида ифодалядилар. Сублимациянинг идиллик асардаги содда изоҳи маиший турмушнинг одамийлик фалсафаси билан, уйланишнинг муҳаббат билан, туғилмоқ ва емоқ-ичмоқнинг яшамок билан, ўлимнинг авлодлар алмашинуви билан мазмун касб этишидир.

Идиллиявийликнинг башарий ҳаёт ибтидоси ва цивилизациялашган босқичлар билан муносабати парадоксал моҳиятга эга. Яъни башарият ўз ҳаётини қулайлаштириш учун ибтидоий, содда турмуш тарзидан воз кечади, аслиятдан – ота-боболари, туғилган макони, анъаналаридан узоқлашади. Аммо узоқлашган сари цивилизациялашган дунё ва “мен” и ичра аёвсиз зиддиятни ҳис этади, асл моҳиятини қўмсайди ва унга интилишдан тўхтамайди. Гегель идиллиявийликдан йироқлашган жамиятларни, айтилишича жараёнлар кечаётган даврларни башариятнинг “фабрикалашуви” деб атади. Олим айтган “фабрикалашув” жараёни, бадиий адабиётда цивилизацияга хос бирхиллаштирилган жамиятлар (типовой уйлар, умумий ишхона, умумий кизикишлар, умумий овқатлар) ичида бир мурватча ўлароқ яшаётган “дайди”, “сойир”, “мусофир”, “шаҳарлик”, “толиб” фарзанднинг сублиматив хотиралари тарзида акс этади. Энди фарзанд ўз хотираларидан таскин излайди. Фабрикалашган жамият ҳаётини идиллик ҳаёт билан солиштириш натижасида қўмсаш, изтироб, тушкунлик ва танқидий нуқтаи назар майдонга келади.

XVII асрдан кейин пайдо бўлган англиялик Л.Стерннинг “Сентиментал саёҳат”, германиялик Гриммельсгаузеннинг “Соддалар соддаси”, И.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, франциялик Ж.Руссонинг “Юлия ёки янги Элиоза”, Т.Маннинг “Буденброклар”, япониялик Кавабата Ясунарининг “Тоғ ингроғи” романлари ва саналмаган қатор бадиий асарларда айтилишича жараёнлар ўз ифодасини топган. Рус адабиётида А.Пушкин, М.Лермонтов, Л.Толстойлар ижодида, Ф.Достоевскийнинг “Телба”, “Жиноят ва жазо”, “Оға-ини Карамазовлар” романларида идиллиянинг “фабрикалашган жамият” ҳаётига доир палатнолаштирилган тасвирларни кузатиш мумкин.

Совет тузуми асл ўзлик, миллийлик, оилавий анъаналарни пролетариат бирлиги ғоясига қурбон қилди. Идиллиявийлик шу тариқа зимдан олиб борилган, аммо ўта тажовузкор таъқибга учради. Адабиёт қолиплаштирилди. Аммо, шунга қарамадан, рус ва собик иттифоқ таркибидаги миллатлар адабиётига хос идиллиявийликка барҳам бера олмади. М.Шолоховнинг “Тинч оқар Дон”, “Дон ҳикоялари”, В.Распутиннинг “Омон бўлсанг унутма”, “Ёнғин” асарлари, В.Шукшиннинг қатор ҳикоялари, “Любавинлар” романида социалистик тузум ичидаги одамнинг идиллиявий қарашлари, асл инсоний табиати, драматизмга бой характери акс эттирилди. Идиллик одам мазмун-моҳияти “халқдан чиққан одам”, “кичкина одам”, “чудак” каби образларда ўз ифодасини топди. Грузин ёзувчиси Н.Думбаденинг “Хелладос” ҳикоясида, Ч.Айтматовнинг “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” ҳикояси, “Жамила”, “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари!” қиссалари, “Қиёмат” ва “Асрга татиғулик кун” романлари идиллик талқиннинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса, “Асрга татиғулик кун” романидаги Эдигей бўрон образи, унинг идиллик турмуш тарзи, соф идиллик тафаккури совет даврида майдонга келган идиллик образлар орасида алоҳида ажралиб туради.

“Қиёмат” романи ичида берилган “Олтовлон ва еттинчи” ҳикояти қаҳрамони чекист икки лагерга бўлиниб кетган миллат фожиясини ифодаляди. Советларга қарши курашаёт-

---

<sup>1</sup> Шу асар. – Б. 219.

ган миллатдошлари орасига жосус ўлароқ сукилиб кирган, ишонч қозонган, улар билан бирга яшаб, бирга еб-ичиб, бирга қўшиқ айтган чекистнинг елкасини битта бурч – касб бурчи юки эзгилаб турар, у оқлар тўдасини ташкил этган олти биродарини отиб ташлаши лозим эди. Чекист бурч тақозосига кўра, олдига қўйилган махфий топшириқни бажаради. Ўз биродарларини отиб ташлайди. Аммо маълум вақт унинг юрагини эгаллаган, чекист бўлиш ва қизиллар топшириғини бажаришга олиб келган алдамчи бир туйғу – бурч туйғуси, миллий таомлар ейилиб, миллий ичимликлар ичилган, айниқса, миллий қўшиқ куйланган лаҳзада изсиз йўқолади. Қалби тубида чўкиб ётган асл ўзлик фалсафаси айнан котиллик рўй берган сонияда бош кўтарадики, бу миллий тафаккурнинг советларнинг каттол тузумига қарши исёни эди. Шундай идилик фалсафа ва идилик хулоса “еттинчи”нинг чекистлар фуражкеси изи қолган ўз пешонасига қарата ўқ узишга олиб келади. Аммо моҳиятан “еттинчи”ни тўппонча ўқи эмас, идилик туйғу, ўзи шаклланган оила, асл ҳаётий ахлоқ, миллий ўзликка садоқат руҳи ҳалок этган эди.

Ўзбек фольклори ва ёзма адабиёти тарихида идилик талқин анъаналари XX асрга қадар изчил давом этган. Улкан манбавий камровга эга ушбу масалани ўрганишнинг ўзи алоҳида мавзу. Аммо бу анъананинг янги адабиётдаги давомийлиги у қадар изчил эмас. Масалан, жадид адабиёти вакиллари ижодида бу жиҳат 30-йиллар қатағонига қадар давом этган. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ва “Обид кетмон” киссасида оила, хусусий турмуш тарзи, деҳқончилик, касб-ҳунар, аждодлар макони, “ташқари ҳовли”га хос ҳаёт фалсафаси, ота йўли, ота насиҳати, она ризолиги, “ичкари ҳовли”га доир рўзгор ташвишлари, можаролар, муҳаббат, тўй, туғилиш, ўлим, егулик, ичкулик, “хонадон дастурхони” тарзида акс этган бўлса, Чўлпон ва Ойбеклар ижодида баъзи унсурлари кўзга ташланади. Шундан сўнг, токи “оттепель” даврига қадар бундай талқиндаги насрий асарлар учрамайди. Шеъриятда Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, Миртемирлар ижодининг халқона руҳи миллий идиликанинг баъзи қирраларини поэтик акс эттиради. Кейинроқ Э.Воҳидовнинг “Ҳозирги ёшлар” типидagi шеърларини танкидий руҳдаги идилика намунаси сифатида эслаш мумкин.

А.Ориповнинг “Одамлар” шеъри эса халқона фалсафа билан туташувчи, замонавийлаштирилган миллий идиликанинг юксак намунаси дирки, шеър матни ва унинг мухтасар таҳлили фикримиз далили бўлиб хизмат қилади:

*- Эй йўловчи, бўла қол қўноқ,  
Уйда борин кўрармиз баҳам.  
Тагин ўзинг биласан, бироқ,  
Қош қорайди, йироқдир йўл ҳам.  
Йўлчи қолар овулда, мезбон  
Келтиради топган-тутганни.  
Отамлашар сўнгра икковлон  
Ёдга олиб ўтган-кетганни.  
Ҳоргин йўлчи мудрар ичиб чой,  
Чўзилади мезбон ҳам аста.  
Тонгда йўлчи товуш қилар: - Ҳой,  
Мен кетдим. – Қол! – Раҳмат,  
Шу басда!  
Ажралишар, улар ҳаттоки  
Исмларин сўрашмаслар ҳам.  
Улар қайта учрашар балки,  
Балки қайта учрашмаслар ҳам...<sup>1</sup>*

Мазкур шеърда маиший ҳаётга оид кичик лавҳа акс этган. Овлоқ қишлоқ хонадонларидан бири. Кўча бўйлаб номаълум бир йўловчи ўтиб кетяпти. Ногоҳоний йўловчига кўзи тушган уй эгаси уни бир кеча қўноқ бўлишга чорлайди. Бу шунчаки ҳавасдан айтил-

<sup>1</sup> Орипов А. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 187.

ган гап эмас, теран идиллик тажриба, ота-боболар удумига кўра қилинган мурожаат эди. Зотан, осмон қорайиб келмоқда, йўл эса узоқ... Буни яхши билган йўловчи ҳам ортиқча мулозамат кутмай, қолади. Мезбон эса ўз кўноғини борича сийлайди. Сахарлаб меҳмон уй эгасига раҳмат айтиб, йўлида давом этади. Шеърнинг умумий мазмуни шу. Шеърда яқин ўтмишимизда ҳам учраб турадиган бир типик воқеа ҳикоя қилинган, холос. Аммо шеърдаги идиллиявийлик ҳикоя қилинган воқеада эмас, шу воқеа замирига сингиб кетган миллий турмуш тарзи ёки миллий фалсафада.

Бинобарин, ҳар қандай идиллик талқин ҳам воқеа кечадиган макон, ундаги идилликага оид деталларда намоён бўлмайди. Булар идиллик муҳитни ташкил этувчи, истисно қилиб бўлмайдиган, воситадан бошқа нарса эмас. Аммо бу воситалар марказига индивидуал, оилавий, миллий, Одам атога хос умумбашарий фалсафа, хулоса қўйилмас экан, бундай асарнинг идиллик талқинга мутлоқ дахли бўлмайдики, бундай “дахл”сизлик “анъана”си кейинги даврлар ўзбек адабиёти, театри ва кино санъатида миллий ўлароқ тақдим этилаётган “асарлар”да яққол сезилади. Замон миллий, макон миллий, ундаги барча интеръер ва бадиий декорациялар миллий. Аммо уларда асарга жон ва руҳ бағишлайдиган сўз ҳаракати етишмайди. А.Орипов шеърда эса айнан мана шу вазифани охирги тўрт сатр бажаради. Шу нуқтаи назардан, шеърнинг умумий идиллик руҳи ўқувчини тафаккур даражаси, миллий қиёфасига қараб “Меҳмон – атойи Худо”, “Яхшилик қил – дарёга сол, балиқ билар, балиқ билмаса Холик билар”, “Меҳмон келар эшиқдан, ризки келар тешиқдан” каби халқ ҳикматларига олиб боради. Бошқа томондан мусофирга кироий хурмат кўрсатган Пайғамбарлар турмуш тарзи, комил ахлоқини ёдга солади.

“Оттепель” давридан кейин рус замонавий насри, қисман Европа романчилиги таъсирида ўзбек адабиётида ҳам идиллиявий талқинга қурилган роман, қисса, ҳикоялар пайдо бўлди. Хусусан, Асқад Мухторнинг “Чинор” романи, Одил Ёқубовнинг “Муқаддас”, Ўлмас Умарбековнинг “Севгим, севгилим”, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссалари, Ш.Холмирзаевнинг “Одам” ҳикояларида воқеликни идиллик талқин этиш тамойиллари кузатилади.

Айниқса, 80-йиллар насрида кўзга ташланадиган урбанизациядан хавфланиш, ўзликдан йироқлашувдан чекилмиш изтироб ва пушаймон, оила, кадрдон ҳовли, ота ватан, аждодларни қўмаш, ота-она олдига қарздорлик ҳисси, кондошлик бурчи сингари мотивлар, қишлоқ йўли, таниш дарахт, тоғ, тепалик, дарё, анҳор, ариқ деталлари миллий адабиётимизнинг ўзлик томон қадам боса бошлаганини кўрсатади. Бизнингча, бундай эврилишлар асосида миллий туйғуларнинг уйғониши, қисман “оттепель” резонанси, айни пайтда, жаҳон насри анъаналарини англаш ётади.

Шу типдаги асарларнинг ёрқин намуналари сифатида М.М.Дўстнинг “Галатепага қайтиш”, Э.Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси”, Т.Муроднинг “Она ер қўшиғи” асарларини кўрсатиш мумкин.

М.М.Дўстнинг “Галатепага қайтиш” асарида муаллиф тилидан қисса қилинган ўн беш эпизоднинг ҳаммаси асар марказий қахрамони Тошпўлат Ғайбаров атрофида айланади. Бу жиҳат асар жанрининг қисса эканига шубҳа уйғотмайди. Айни пайтда, сюжет, фабула ва композицион тизим кўламдорлиги асарни роман жанрига яқинлаштиради. Қиссада акс этган романга хос тафаккур тарзи айнан биз ўрганаётган идиллиявий кўламда намоён бўладики, асарнинг мазкур тадқиқот учун муҳимлиги ҳам шунда. Асарнинг ўлим ва дафн манзараси тасвири билан бошланиши, илк эпизоддаёқ, уни идиллиявий талқинга хослайди. Ундан кейинги ассоциатив эпизодларнинг аксарияти ҳам идиллиявий асосга қурилган. Фақат Соқол билан боғлиқ эпизодни айтмаганда, бошқа идиллиявий эпизодларда ирония йўқ. Аксинча, ота-боболардан қолган улўғвор, вазмин мушоҳада руҳи, кичик-кичик лавҳалар тасвири асардаги идиллик руҳни уйғун мувозанатда ушлаб туради. Идиллик баён ва тасвир сатҳида Тошпўлат Ғайбаров ва унинг “фабрикалашган жамоаси” энг қуйи сатҳни эгаллайди. Муаллиф кўнглида бош кўтарган идиллик тафаккур ва мушоҳада тарзи уни ўз жамоаси, айни пайтда, ўзига нисбатан ҳам юқоридан туриб нигоҳ ташлашга олиб келади.

Ҳатто ота ва катта оталар мезонида ўлчанган қишлоқ кишилари, туғилган хонадон вакиллари қиёфаси ҳам бундай мезон олдида кичрайиб, ночор тус олади. Фақат ота билан боғлиқ мўъжаз лавҳаларда бадий баён вазминлиги, салмоқдорлик бўртиб кўринади. Амма билан бола Ғайбаров ўртасида кечган диалог, Райим оқсоқолнинг мулла Чори билан суҳбатлари, айниқса, асар сўнгидаги Ғайбаров - Мурод амаки ўртасида кечган суҳбат асардаги туғилиш, ўлим ва боқийлик хусусидаги юксак идиллиявий фалсафани намоён этади. Қишлоқнинг Галатепа деб номланиши шунчаки тасодиф эмас. У табиий равишда туғилиш, ҳаёт ва ўлим фалсафаси билан боғланади. Айни пайтда, “фабрикалашган” жамиятдан чарчаган қаҳрамон (муаллиф)нинг руҳий узлати, танатологик кайфиятини ҳам ифодалайди: “Ёлғизоёқ йўлнинг четларида – пасту баланд, лекин усти бирдай яси тепачалар. Улар гўдак Ғайбаровга галатироқ бўлиб кўринди... Амма тепачаларни гўр деб атамади, шунчаки, тепача деб тушунтирди, кейин яна бир гапни кўшиб қўйди: “Буларни одамлар ясаган, тагидаям одамлари бор”<sup>1</sup>. Бола Ғайбаров бундай тушунтиришдан *ҳайратланади*.

Қизиғи шундаки, қиссадаги теран идиллиявий фалсафа бошқа бирор образ эмас, қишлоқ девонаси Мурод амаки тилидан айтилади: “Ғайбаров унинг ортидан эргашди. Ниҳоят, Мурод амакига етиб, енгидан ушлаб тўхтатди. Мурод амаки илкис ўгирилди, кўзларида кўркув кўринди.

- Сизни яхши кўраман, амаки,-деди Ғайбаров.
- Раис яхши,-деди Мурод амаки.-У ўлмаган.
- Йўқ, амаки...-деб хомуш бош чайқади Ғайбаров.
- Раис ўлмаган... Сен унинг ўғлисан-ку!

*Ғайбаров ҳайратланди*: Мурод амаки соппа-соғдай тийрак, осуда боқиб турарди...”(таъкид бизники – У.Ж.)<sup>2</sup> Аммо бола Ғайбаров ҳайрати билан “саодатманд Тошпўлат Ғайбаров” аро фарқнинг ер билан осмонча эканини ўқувчи бир қарашдаёқ англайди.

Улғайиб олим бўлган, “фабрикалашган жамият”нинг бир бўлагига айланаёзган, айни дамда отасидан ажралган Тошпўлат Ғайбаров хотирасида бундай лавҳаларнинг тикланишида бир йўла учта идиллик хулоса аён бўлади: ўткинчи дунё, йўқотилган ўзлик, ўлимни қўмасш. Асар сюжети бир томондан А.Камюнинг “Бегона”сини эслатади: ўлим, шаҳарлик ўғилнинг жанозага келиши, дафн ва ундан кейинги ҳолатлар... Аммо бу ўринда битта нозик фарқ бор. Шундай ҳам экзистенциал кайфиятда яшаб келаётган Камю қаҳрамони она ўлимидан кейин идиллик ҳаётдан тамомила узилади. М.М.Дўст қаҳрамонини эса ота ўлими чинакам ҳаётга, идиллик тафаккурга, асл ўзликка қайтаради. Ўқувчини эса оила муқаддаслиги, авлодлар давомийлиги, энг муҳими, одамийлик фалсафасига чорлайди.

Э.Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси” асарида “шаҳарлик ўғил” ўзининг болалик ва ёшлик йилларини соғиниб яшайди. Соғинч аланга олган сари аслиятдан узоқлашаётганини ҳис этади, ҳис этгани сари соғинч оловида ёнади. Т.Муроднинг “Момо ер кўшиғи” қиссаси қаҳрамони эса ҳали бу даражага чиққан эмас. У момо ер кўшиғини тинглашга ожиз. Ўз ҳолатидан ғофил.

Мазкур уч асар қаҳрамони ва идиллик дунё муносабатида уч хил позиция кўзга ташланади: “Галатепага қайтиш” асари қаҳрамони идиллик оламни ичкаридан кўради, ботинан ҳис этади. “Анойининг жайдари олмаси”да идиллик оламга параллел равишда “шаҳарлик ўғил” позицияси ҳам мавжуд. У аксар вазиятларда “фабрикалашган дунё ҳақиқати”ни тўғри деб ҳисоблайди. Идиллик ҳақиқатларга эса ҳар доим ҳам кўшилавермайди. Кетганидан кейин мавҳум пушаймонлик ҳиссини туйган бўлса ҳам, “қишлоқи” Рамазондан қутулганидан енгил тортади. Паҳлавон Даҳо идиллик дунёдан анчайин четда. Қишлоқ ҳаётини тарк этган кунидан эътиборан унга ирганиб қарайди. Бобою момолари, ота-онаси эъзозлаган кадриятлар унинг учун турмушнинг “примитив” бир кўриниши, холос. Шу боис асар бошдан охир аччиқ иронияга қурилган. Қисса сўнгида Паҳлавон Даҳо ниманидир илғагандек

<sup>1</sup> Мухаммад Дўст М. Галатепага қайтиш. – Т.: Ф.Ғулом номидаги АСН., 1983. – Б. 15.

<sup>2</sup> Шу асар. – Б. 237.

бўлади. Аммо эндиликда Даҳонинг оёғи ердан узилган эдики, буни ҳеч иккиланмай, фожиавий яқун дейиш мумкин.

Шу ва шу каби ўзбек роман, қисса ва ҳикояларида идиллиявий насрга ҳос “мусофир ўғил”, “қишлоқдан чиққан зиёли”, “эл одами”, “халқдан чиққан одам”, оила, фарзанд, ўлим муаммолари ўз аксини топган.

Аслиятдан йироқлашиш жаҳон цивилизацияси билан параллел кечаётган ҳодиса. XXI асрга келиб бу муаммо глобал миқёс касб этди.

#### **Хулоса**

1. Идиллик талқин инсоният илк бадий тафаккури учун асос вазифасини ўтаган бўлиб, унинг илдизлари илоҳий китобларда баён этилган илк тарих, башариятнинг ибтидо паллаларида бўлиб ўтган реал воқеаларга бориб боғланади.

2. Бадий адабиётдаги идиллиявийлик дастлаб воқеабанд шеър (идиллик баллада), сўнг халқ қаҳрамонлик эпоси, халқона услубдаги қадимий ёзма лирика, роман тафаккуридан иборат тўрт муҳим босқичдан ташкил топган. Давр нуқтаи назаридан улкан кўламга эга.

3. Бадий адабиёт айнан идиллиявий талқин воситасида оила, табиат, инсонлараро муносабатларнинг асл илдизларига томон интилади.

4. Идиллиявий асар марказида асл ўзлиги, миллийлиги, соф табиатни излаётган, аждодлар анъанасини сақлаш йўлида изтироб чекаётган одампарвар образи туради.

5. Соф идиллиявий талқинни намоён этувчи оила, ота-она, туғишганлар, муҳаббат, туғилиш, ўлим, меҳнат, ейиш-ичишга оид тасвирлар, шулар негизида келадиган қишлоқ, шаҳар, уй, тоғ, дала, яйлов, денгиз, дарё, анҳор, ариқ сингари бадий маконлар фақатгина идиллиявий тафаккур, идиллиявий фалсафа, идиллиявий хулоса билангина эстетик мазмун-моҳият касб этади.

6. Миллий адабиётларда идиллик асарларнинг мавжудлиги айни миллат вакиллари-нинг аслиятдан йироқлашмаганидан далолат беради.

7. Идиллик роман эса миллат ўтмиши, бугуни ва келажакни комплекс қамраб олиши нуқтаи назаридан ўта долзарбдир.

8. Умуман, дунёда битта бўлса ҳам, оиласи томон интилаётган одам мавжуд экан, адабиёт идиллик талқиндан, унинг марказида турувчи идиллик одам образидан холи бўлмайди. Зотан идиллиявийлик, юқорида асослашга уринганимиздек, умумбашарий муаммодир.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада идиллия тушунчаси, мазмуни, тарихий асослари, унинг фольклор ва ёзма адабиётдаги қўлланиш ўрни, идиллиявий тафаккур ва бадий талқин масалалари ўзбек ижодкорлари асарлари мисолида назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

#### **RESUME**

The article provides a theoretical analysis of the concept, content, historical basis of idyll, its place in folklore and written literature, issues of idyllic thinking and artistic interpretation on the example of works of Uzbek writers and poets.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются теоретические понятия, значение, исторической основы идиллии, ее место в фольклорной и письменной литературе, а также изучаются проблемы идиллического мышления и художественной интерпретации на примере произведений узбекских писателей и поэтов.

*Нашрга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган*



## ҚИССА ПОЭТИКАСИДА РАМЗ ВА МЕТАФОРА (Назар Эшонкул қиссалари мисолида)

Чўлиева Н.А. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *рамз, метафора, метафорик модел, персонаж, деталь, топос, пейзаж, портрет, сарлавҳа, эпиграф.*

**Ключевые слова:** *символ, метафора, метафорическая модель, персонаж, деталь, топос, пейзаж, портрет, название, эпиграф.*

**Keywords:** *symbol, metaphor, metaphorical model, character, detail, topos, landscape, portrait, title, epigraph.*

Бадий адабиётда сўзни кўчма маънода қўллашнинг – нутқий кўчимларнинг энг фалол шакллари билан бири рамз ва метафора (мажоз)дир. Раамз ва метафора асарнинг тасвирийлиги, ифодавийлиги ва маъновий серкатламлилигини кучайтириш воситаси сифатида кенг қўлланилади.

Шарқ мумтоз поэтикасида раамз ва истиора (метафора)га шундай таъриф берилади: “Рамз – маъно ва мақсадни ишора ва имо воситасида ифодалаш; бир хил мослик ва ўхшашликка риоя қилинган сўз ва ибора ёки ҳатто мослик бўлмаган ёт маънони ифодалаш”. “Қадимгилар мажозни шаръий, урфий, ақлий ва луғавийга тақсимлашган. Шаръийнинг ҳақиқати мазҳаб тилидаги сўзни махсус маънода қўллашдан иборат... урфийнинг ҳақиқати шуки, сўз аслида бошқа маънога эга бўлиши керак эди, лекин халқ тилида ва умум одатича янги маънода ишлатилади... ақлий мажоз ёки мажозий далил, бир ишни ҳақиқий бўлмаган ҳаракат манбаи билан далиллашдир ва бу адабиётда кўплаб учрайди... луғавий мажоз шуки адабий тилда бир сўз ўз асл маъносида ишлатилмайди. Масалан, нарғис истиора сифатида кўзни ифодалайди... Доктор С.Шамисо раамзнинг истиорадан фарқини шундай таърифлайди: Символ (Symbol)ни форс тилида “раамз”, “мазҳар” ва “нўмод” дейишади. Символ ҳам истиора каби ўхшаш нарсани зикр қилиб ўхшатиш билан нарсани ифодалайди, фақат икки фарқи бор: 1- Символда ўхшаш нарса муайян бир ўхшатиш билан дарак бермайди, балки бир қанча бир-бирига яқин ўхшатилаётган нарсалар бошқача айтганда, ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва яқин маънолар ва тушунчалар доирасини ифодалайди. Масалан, ирфоний шеърда “зиндон”, “инсон танаси”, “дунё” ва “дунёвий нарсалар” ва “нафс мойилликлари”нинг тимсолидир. 2 - Истиорада ўхшаш нарсани унга қаратиш билан белгиси бўлганлиги учун албатта иккинчи маънода тушунишга мажбурмиз, аммо символ ўз маъносида ҳам англашилади. Чиндан ҳам аниқ белгига эга эмас, белгиси мавҳум ва маънавийдир ва уларни тушуниш халқнинг маданий асослари билан таниш бўлишни тақозо этади” [1:54-56]

Дарҳақиқат, раамз ва метафора вазилавий (сўзни кўчма маънода қўллаш) жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, маъновий кўлам касб этиш хусусиятига кўра фарқланади. Яъни раамз бадий матнда ҳам ўз, ҳам кўчма маънода қўлланса, метафора (истиора) эса тасвирланаётган нарсани эмас, фақат муаллиф назарда тутган маънони ифодалайди. Демак, раамзларда маъно бинар ҳолатда бўлади. Бадийлик мезонлари учун раамзнинг, албатта, кўчма – ишоравий маъноси муҳим. Метафора эса кўпинча гап ёки жумла ичида сўз ёки сўз бирикмаси шаклида келади. Ўхшатиш ва ўхшамиш асос бўлган предмет, воқеа, ҳодиса ўрта-сида ташқи, вазилавий яқинлик яққол сезилади. Метафора воситасида белгилар бир-бирига менгзалади, жонлантирилади ва бири иккинчисини тўлдиради ёки бир белги иккинчисига қараганда ошириб кўрсатилади. “Бадий матндаги метафоранинг маъноси ғоят серкира, чунки у контекстаги бошқа сўзлар билан бирга мазмуний бутунликни ташкил қилар экан, улар билан алоқада ҳосил бўлган ассоциациялар туфайли маъно диапозонини кенгайтиради” [2:170]. Бу эса муайян ижодкорнинг ассоциатив тафаккур тарзини белгилаб беради. Масалан, Назар Эшонкулнинг қиссаларида шундай метафорик тасвирлар борки, ижодкорнинг ҳақиқий сўз санъаткори эканига яна бир бор гувоҳ бўламиз. “Кўнглим зардобланиб-зардобланиб, охири қуртлаб кетди...”; “Тун ромга кўкракларини қўйиб, қора кийган кампирдек менга синовчан тикилиб ўтирибди...” (“Тун панжаралари”) [6:168]. Маз-

кур гапларда қўлланган метафоралар муайян тасвирнигина эмас, қахрамоннинг мураккаб руҳий дунёсини ҳам ифодалаган. Кўнгилинг зардобланиб қуртлаши инсон вужудидаги бир парча этнинг айнишига эмас, руҳнинг мажруҳлигига ассоциатив ишора қилади. Кейинги жумлада эса ижодкорнинг тасвирлаш борасидаги бадиий маҳорати намуна бўлгулик. Маълумки, унинг “Тун панжаралари” қиссида тун рамздир. Яъни тун – хотира, тун – қора қисмат, тун – ёлғизлик, тун – ўзгармас, абадий ёздиқ, тун – нафс, шайтонийлик маъноларини ифодалаганки, ижодкор бир сўзни бир бадиий матн (асар)нинг ўзида полисемантик рамз сифатида қўллай олган.

Ижодкорнинг “Қора китоб” қиссидаги китоб рамзий деталлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Сўз қўллашнинг бу каби маъновий “курама”лиги мустақиллик даври ўзбек адабиёти учун тамомила янги ҳодиса. Бундан ташқари, Н.Эшонқул бадиий матнда бир сўзга шунча маънони “сиғдириш” билан бирга, шу рамзни метафора орқали ҳам ифодалай олади. Натижада, маъновий кўчимнинг ғаройиб композицияси вужудга келади. Яъни юқорида келтирилган: “Тун ромга кўкракларини қўйиб, қора кийган кампирдек менга синовчан тикилиб ўтирибди...” жумласида тун – қора қисмат (тун бу ерда айни шу рамзий маънода – Н.Ч.) инсон (инсоният)ни **азалий, эски, кўпни кўрган қари кампир** (метафора) мисоли синашда давом этаётган ёздиқга ўхшатишмоқда.

Адиб ижодида бундай серқатлам жумлалар талай. Жумладан, “Момоқўшиқ” қиссида шундай метафора бор: “Тикилиб-тикилиб қарасанг, бу қорачиқлар супасида *қора либос кийган сеҳргар* ўтирганини кўрардинг, сеҳргар ўзига тез-тез жосусона нигоҳ ташлаётган **анчайин сур кўзларга** гоҳо ажабланиш, гоҳо *ҳайрат тузоқларини* кўярди, гоҳо ўзининг *жимитдайгина саҳнасига қоқсуяк, хўмрайган юзнинг* суратини чизарди; гоҳо бу *кичкина салтанатга* бостириб кирмоқчи бўлаётган **айғоқчи нигоҳларни** таҳдидона музаффарлик билан қарши оларди ва ўзининг шу тахлит тилсимога ўйинлари билан ҳар қандай бахт ва бахтсизлик ҳақидаги тушунчалардан юксакда туришини исбот этмоқчи бўларди. Ўй, ўй, бу кўзларда сеҳргар эмас, *ойболта кўтарган жаллод* ўтирарди, у бу мулк деворларидан хуфёна ошиб ўтмоқчи бўлган **ўғри қарашларни** айвони саҳнасида *ўкиртириб-ўкиртириб қатл этарди...*” [6:129] Мазкур контекстда муаллиф кўзнинг қорачиғини қора либос кийган сеҳргарга, ойболта кўтарган жаллодга, ҳайрат тузоқларини кўювчи овчига, бу қорачиқнинг шаклини эса жимитдай саҳнага, кичкина салтанатга қиёслайди. Матннинг қора билан ажратилган қисмида эса бу кўзга (яъни Муаззамга) нигоҳ ташлаётган сур, айғоқчи, ўғри қарашлар соҳиби - қоқсуяк, хўмрайган юзли Шамси Салоҳ тасвирланган. Бу ўринда метафора нафақат тасвирийлик функциясини бажарган, балки мавжуд воқеликка муаллифнинг муносабатини, ҳатто қахрамонлараро зиддиятни ҳам тасвирлашга хизмат қилган. Натижада ижодкорнинг сўз қўллаш бобидаги маҳоратига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Метафораларни қўллаш ёки метафориклик Н.Эшонқул ижодий услубини таъминлаган поэтик усулдир. Адабиётшунос олим У.Жўрақулов ўзининг илмий тезисларида асар қурилишининг метафораларга асосланишини “метафорик модел” деб аташни тавсия этади [4:216-224]. Олим Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этакдаги кулба” ва Назар Эшонқулнинг “Баҳоуддиннинг ити” асарларини тақрибан уч нуктада умумийлик касб этиши ва шу жиҳати билан “янги асар” деб аталишга лойиқлигини таъкидлайди. Яъни “булар: А) воқеликни идрок этиш, бадиий ифодалаш ва унга поэтик муносабатда метафорик моделнинг намоён бўлиши; Б) бадиий талқинда ассоциатив усул (хаёлан ортга қайтиш)нинг етакчилиги; В) сюжет ва образларнинг тўлалигича метафорага қурилганлиги” [4:218-219]. Ёки назарий таърифларга қарасак, “Адабиётшуносликда бир нарса-ҳодисанинг моҳиятини иккинчи бир нарса-ҳодиса орқали очиш метафориклик, шу асосга қурилган образни метафорик образ деб юритилади” [2:171]. Метафоранинг бу каби “сермаҳсуллиги” мустақиллик даври қиссалари, жумладан, Н.Эшонқулнинг “Тун панжаралари” ва “Қора китоб” қиссаларида ҳам кўриш мумкин. Бу жараён айни нутқий кўчим тури – метафоранинг ўзи эмас, балки образлар кашф этиш масаласи билан боғлиқ ҳодисадир.

XX асрнинг йирик мутафаккири, Ғарб файласуф ва психолог олимларидан бири Эрих Фромм ўзининг “Инсон қалби” деб номланган асариди [3:47-54] рамзий тил хусусиятларига тўхталар экан, “рамз ички оламимизнинг ташқаридаги қандайдир ифодаси” дейди ва шунга асосан рамзларни уч хил гуруҳга бўлади: шартли, тасодифий ва универсал рамзлар. Фромм шартли рамзларнинг барчага маълум эканини таъкидлаб, уларга муайян нарса-буюмлар ва уларнинг номларини мисол қилади. Яъни олимнинг фикрича, шартли рамзлар маълум предмет ва унинг номланиши ўртасида ҳеч қандай алоқадорликка асосланмайди. Аксинча, биз ўша буюмни кўрганимизда ўйлаб ўтирмай унинг номини айтамыз. Бу шартли тасаввур нафақат буюмларни, балки маълум рангни кўрганимизда, хидни, иссиқ-совуқни сезганимизда ҳам у билан боғлиқ маълумотлар, ички кечинмалар ҳам жонланади. Тасодифий рамзлар ҳам инсон ҳис-туйғулари, хотиралари билан боғлиқ бўлиб, улар кўпинча инсониятнинг онг ости оқими, хусусан, туш ҳолатида учрайдиган воқеа-ҳодисалар билан боғлиқлиги айтилади. Универсал рамзлар эса ўзи англатаётган нарса моҳияти билан узвий боғлиқ бўлиб, руҳий ҳолатимиз билан жисмоний ҳолатимиз ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Э.Фромм мазкур рамзларнинг “моддий оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ички ҳолатимизга мос акс этиши – руҳий оламнинг рамзи сифатида хизмат қилиши”ни таъкидлайди. У универсал рамзларнинг намоён бўлишини юз ифодаларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, имо-ишораларимиз асносида ички ҳолатимизни ифодалашини айтади. Олимнинг бу таснифи инсон руҳияси тадқиқи асосида вужудга келган, албатта.

Назар Эшонкул қиссаларининг услуби ва тилини ўрганган Ф.Ражабова “Тун панжаралари” қиссасида муаллиф қўллаган рамзларни икки гуруҳга бўлиб кўрсатади: 1) тун, панжара, туш, шайтон, хаёл, девор; 2) гул, нур, олма, тулпор. Шунингдек, тадқиқотчи мазкур рамзларнинг биринчи гуруҳдагилари асарда асосий ўрин тутганлигини, муаллиф бадиий ниятини ифодалашда таянч восита бўлганлигини таъкидлайди. Иккинчи гуруҳга мансуб рамзларни эса маънолари муайян даражада турғунлашиб қолган, бадиий ижодда кўп учрайдиган анъанавий образлар дея баҳолайди [5:17]. Шу ўринда ҳеч иккиланмай ушбу анъанавий образлар дея кўрсатилаётган рамзларнинг баъзиларини айни бадиий матнда метафорик маъно ташиган образлар дейиш мумкин. Чунончи, қисса матнида олма муҳаббат, кўнгил маъноси турғунлашган анъанавий рамзий образ эмас, балки болалик, ёшлик, умрнинг бир қисмига ўхшатишган маъно кўчиши – метафорадир: “Мен болалик олмасининг айниган, бузилган томониман. Олмани ейишар экан, одамлар ҳамиша чириган жойини кесиб ташлашади. Агар энди мен яна нимагадир ярашимни ҳис қилганимда ҳам бу умр олмасининг чириган қисмини кесиб ташлашим керак” [6:163] Ёки қиссадаги тулпор ҳам метафора эканлигини англаймиз. Асарда тулпор ва уларнинг уюри қаҳрамоннинг болаликнинг беғубор орзулари, умидлари, шу орзуларнинг шиддатига қиёсланганиб, бу ўхшатиш, ҳатто қисса матнида – ровий тилида очик-ойдин намоён бўлган: “Болалигимда орзу қилган, мени эртақлар дунёсига олиб борадиган оқ тулпорлар ҳам фақат болалик тулпорлари бўлиб қолди. Ҳозир ҳам ўша оқ отлар ҳақида ўйлар эканман, баъзан уйку аралаш бошим узра қандайдир тулпор кишнаб юборганини эшитиб қоламан. Баъзан тушимга уфқларни тўлдириб, бемақсад, саросар чопиб юрган қизғиш тусдаги тулпорлар уюри киради. Мен туш аралаш бу тулпорларда болаликдаги орзуларимнинг уюри ва шиддатини кўриб қоламан” [6:169] Бу гуруҳда келтирилган гул ва нур деталларини эса рамз дея оламиз. Гул гўзаллик, нур эса илоҳиёт рамзи бўлиб келган.

Умун олганда, муайян ижодкор қўллаган рамз – тимсолларни бу каби таснифлаш анъанавий усул бўлиб, кўпроқ хусусийлик касб этади. Тўғри, бундай таснифлаш конкрет ижодкорнинг бадиий манераси ҳақидаги қарашларга жиддий таъсир кўрсатади. Аммо бадиий асарда қўлланган рамзларни назарий жиҳатдан бирлаштириб, муайян хулоса чиқаришга деярли даҳл этмайди. Фикримизча, адабий турда, хусусан, эпик тур жанрларида эса рамзларнинг бадиий асар шакли ва мазмунидаги “юк”ини муфассал ифодалашда уларни асарнинг композицион қурилишига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур таснифлаш тамойилида рамзларнинг эпик асар, жумладан, қисса мазмуний қурилишидаги ўрни, аҳамияти яққол намоён бўлади. Шунингдек, муайян ижод-

корнинг нафақат сўз қўллаш, балки унинг композицион тафаккур имконларидан фойдаланиш маҳоратининг қай даражада эканини ҳам кўрсатади. Шундай экан, эпик асар, жумладан, қисса композициясида рамзларни персонаж рамзлар, деталь рамзлар, пейзаж рамзлар, портрет рамзларга ажратиш лозим. Мазкур таснифлаш намунасини Н.Эшонқул қиссалари мисолида кўрамиз:

А) Персонаж рамзлар: момо (“Момоқўшиқ”), шайтон, Сулаймон (“Тун панжаралари”), Чўққи соқол (“Қора китоб”); Шунингдек, бу хил рамзлар гуруҳи антропоним рамзлар – исм рамзлар (муайян образларга муаллиф томонидан танланган исм, тахаллус, лақаб; белги-хусусият ифодаловчи, касбга ишора қилувчи сўз ёки сўз бирикмалари тарзидаги номлар)ни ҳам ўз ичига олади. Масалан, Мирзакул – собиқ мафқуранинг “қул”и, малайи (“Уруш одамлари”), Шамси Салоҳ (тўғри йўлга тушган; хатосини англаганлик), Муаззам (улуғворлик ва матонат рамзи), Отакул (иделлик кайфиятдаги, анъана ва қадриятларга содиқлик рамзи) (“Момоқўшиқ”), Ҳосила (қаҳрамон қарашларининг натижаси, хулосасини ифодаловчи рамзий образ), Ҳаққул (ўз ҳақиқатларини ўзича кашф этган одам рамзи), Шомурод арқон – ўйларининг боши-учи йўқ, чувалган фикрлар қаршисида қолган чорасиз қисмат рамзи (“Тун панжаралари”), Чўққи соқол – Шайтоннинг, иблиснинг рамзи (“Қора китоб”);

Б) Деталь рамзлар: бузилган ўчоқ – бир оиланинг, турмушнинг бузилиши рамзи (“Уруш одамлари”), қўшиқ – мерос, қадриятлар рамзи (“Момоқўшиқ”), ботқоқ ва бадбўй ис – ёмон иллатлар рамзи, дераза – дунёқараш рамзи, гул - гўзаллик, умид рамзи, нур (“Тун панжаралари”), чиркин ҳид – йўқотилган эзгуликлар рамзи, китоб – Иблисона амаллар рамзи, сурат ва мусиқа – жаҳолат рамзи (“Қора китоб”);

В) топос рамзлар (макон, жой, манзил воситасида ифодаланадиган рамзлар): қирғоқ – ўтмиш, ҳаёт (яъни боғ) – умр рамзи (“Уруш одамлари”), ташландиқ уй – кераксизлик, англамсизлик рамзи (“Тун панжаралари”), муз тоғи, хароба хужра (“Қора китоб”);

Г) Пейзаж рамзлар: баҳор фасли (“Уруш одамлари”), сарғайган, губорли боғ тасвири (“Момоқўшиқ”), тун, водий (“Тун панжаралари”), ёмғир, тўфон – сув тошқини (“Қора китоб”);

Д) Портрет (қаҳрамонлар портрети воситасида ифодаланган) рамзлар; “Тун панжаралари” қиссасида ғилай кўзли, қора галстук (замонавийлик белгиси) боғлаган шайтон портрети орқали муаллиф унинг ҳар макон ва замонда одамларга ўз ёмонликлари билан “ҳамроҳ” бўлишини, Робияни сариқ сочли қиз дея тасвирлаш орқали ҳижрон ва айрилиққа рамзий ишора қилади. “Қора китоб” қиссаси қаҳрамонлари – чолнинг ўғиллари кўзларида қонга тўлганлик, ўлик, совуқ, ифодасизлик тасвири орқали эса қалбан ва руҳан ўлган, ёвузликдан совуқ кўзларида “муз парчаси” пайдо бўлган, Иблис қурбонига айланган танларнинг рамзий қиёфасини ёритади.

Рамзларни юқоридагидагича таснифлаш эпик асар композицияси (ички композиция)га асосланган, уларни асарнинг ташқи композицияси – архитектоникасига кўра таснифлаганимизда эса қуйидагича намоён бўлади:

- сарлавҳа рамзлар: “Қора китоб” – Иблис китоби, ёвузлик, жаҳолат тимсоли; “Момоқўшиқ” – қадимий қўшиқ; ўзликдан, миллий қадриятлардан дарак берувчи оҳанг; “Тун панжаралари” – хотиранинг, қисматнинг, ёлғизликнинг, абадий ёздик ҳамда нафс ва шайтонийлик хилқатининг панжаралари (“ҳибсхоналари”) каби маънолар рамзлашган.

-эпиграф рамзлар: “Мен катта бўлсам милтиқ сотиб оламан. Милтиқни нима қиласан? Отамни отаман!” (Бу ерда биологик ота эмас, балки урушга сабабчи бўлган “ота”лар назарда тутилмоқда.) – “Уруш одамлари”; “Бошимга кўрки не тун келтирубсен. Навоий” (“Тун панжаралари”). Яъни бошига айрилиқ ва укубатни келтирганки, бу азоблар (тун) ўзликни англашга бўлган имкон, восита маъносида келган.

Демак, персонаж (шунингдек, антропонимлар), деталь, топос, пейзаж ва портретлар ифодалаган рамзларни муайян эпик асар таҳлили давомида таснифлаш асар воқелигини, унинг умумий ғоясини конкретлаштириш билан бирга, мазкур унсурларнинг композиция-

даги ўрнини, композицион бутунликнинг шаклий ва мазмуний даражасини яққолроқ ифодалайди. Ижодкор қўллайдиган рамзлар галереяси унинг тасвир услуби, асар қуришдаги маҳорати ва асарни вужудга келтиришдаги тайёргарлик тадрижи ҳақида ҳам кенгроқ тасаввур беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бадий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. Муаллифлар жамоаси // Қуронбеков А. Адабий мажоз, ирфоний рамз ва тимсоллар. ТДШИ. – Т.: 2010. – 200 б.
2. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013. – 408 б.
3. Фромм Э. Инсон қалби. – Т.: O'zbekiston, 2016. – 104 б.
4. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 356 б.
5. Раджабова Ф. Истиклол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил. PhD дисс.-си автореф. -Т.: 2018. – 53 б.
6. Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. Қиссалар ва ҳикоялар. –Т.: Шарқ, 2008. – 400 б.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада ҳозирги қисса жанрида нутқий кўчим турлари рамз ва метафоранинг ўрни ва уларни таснифлаш тамойиллари тадқиқ этилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье исследуется роль символов и метафор в типах смысловых изменений в современном жанре рассказа и принципы их классификации.

#### **SUMMARU**

The article examines the role of symbols and metaphors in the types of meaning changes in the current story genre and the principles of their classification.

*Нашрга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган*

РАҲБАР ШАХСИДА ИЖОБИЙ ХАРАКТЕР ХИСЛАТЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ

Ёзиев Э. (ҚарДУ), Холмуратова М.К (Қарши шаҳри, 24-мактаб)

**Таянч тушунчалар:** бошқарув, замонавий раҳбар, бўйсунувчи, раҳбар шахси, характер, шахсий фазилатлар, касбий сифатлар, темперамент, қобилият, шахслараро муносабат, мулоқот, ахлоқ, ҳиссиёт, миллий қиёфа, ирода.

**Ключевые слова:** управление, современный руководитель, подчинённый, личность руководителя, характер, личные качества, профессиональные качества, темперамент, способность, межличностные отношения, общения, поведения, эмоция, национальный имидж, воля.

**Keywords:** management, modern leader, subordinate, personality leader, character, the personal quality, professional quality, temperament, ability, interpersonal relations, contacts, behaviours, emotion, national look, will.

Характер (юнонча, *character* – хусусият, ўзига хослик) деганда, психологияда – одамнинг хатти-ҳаракати ва атроф-муҳитга муносабатида намоён бўладиган индивидуал хусусиятлари тушунилади. Киши характери табиий, туғма бўлмай, балки кейинчалик ҳосил бўладиган, шахсда муҳит ва тарбия таъсири остида таркиб топувчи ҳамда унинг иродавий фаоллигида, теварак-атрофдаги оламга (бошқа кишиларга, меҳнатга, буюмларга), ўз-ўзига бўлган муносабатларида намоён бўладиган индивидуал хусусиятлар йиғиндисидир. Характернинг тараққийси кишининг иродаси, ақл-идроки ва ҳиссиётларининг тараққий қилиб бориши билан мустаҳкам боғлиқдир. Шу сабабли, кишининг иродаси, ақл-идроки ва ҳис-туйғуларининг тараққий қилиб бориши ва уларнинг тарбияланиши ҳақида айтилган фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммаси киши характерининг тараққийсига ҳам тегишлидир.

Характернинг шаклланишида ижтимоий муҳит ва тарбиянинг таъсири айниқса кучли. Ижтимоий муҳит деганда, инсоннинг яшаши ва ишлаши учун уни ўраб турган ижтимоий, моддий ва маънавий шарт-шароитлар тушунилади. Муҳит кенг маънода (макромуҳит) ижтимоий-иқтисодий тизимни - ишлаб чиқарувчи кучлар, ижтимоий муносабатлар ва тартиб-қоидалар мажмуини, жамиятнинг ижтимоий онг ва маданиятини ўз ичига олади. Тор маънодаги ижтимоий муҳит (микромуҳит) бевосита инсонни қуршаб олган оила, меҳнат, ўқув ва бошқа гуруҳлардан иборат. Ижтимоий муҳит шахснинг шаклланишига ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айни вақтда инсоннинг ижодий фаоллиги, фаолияти таъсирида ижтимоий муҳит ўзгаради, бу ўзгаришлар жараёнида одамларнинг ўзлари ҳам ўзгариб боради.

Мактабгача таълим муассасаси ва мактабдаги шахслараро муносабатлар характернинг махсус хислатлари таркиб топишида ўз таъсирини ўтказади. Меҳнат жамоаларида, норасмий гуруҳларда ҳам характер хусусиятларининг сезиларли даражада шаклланиши ва ўзгаришлари юзага келади. Илк ёшлик даврида шаклланган характер хислатлари ниҳоят даражада барқарор бўлиб, уларга айрим ўзгаришлар киритиш жуда қийин кечади. Характер хислатларининг чуқурлиги, барқарорлиги, доимийлиги кўп жиҳатдан шахс муносабатларининг онглилик даражасига боғлиқ. Инсоннинг ростгўйлик, меҳнатсеварлик хислатлари тасодифий таркиб топмаган бўлиб, унинг онгли қарашларига, ақидаларига мос тушса, у ҳолда ҳар қандай қийин ҳолатларда ҳам намоён бўлаверади. Шундай қилиб, психиканинг индивидуал сифат хусусиятлари шахснинг ижтимоий-типик муносабатлари билан қўшилган тақдирдагина характер хислатларини белгилаш, тавсифлаш имконияти вужудга келади.

Одатда, шахснинг характерига тегишли бўлган хусусиятлар характер хислатлари деб юритилади. Характер хислатлари кишида тасодифий учрайдиган хусусият бўлмай, балки кишининг хулқидаги доимий, барқарор хусусиятлар бўлиб, бу хусусиятлар шахснинг ўзигагина тегишли бўлади. Характер хислатлари шахсни муайян фаолиятга ундовчи омил

сифатида майдонга чиқиши мумкин. Маълумки, характернинг аксарият хислатлари шахнинг хатти-ҳаракатлари муваффақиятини белгиловчи туртки ва фаол майллар бўлиб ҳисобланади. Одатда шахслар ўзаро ўхшаш шароитларда бир хил мотивлар ва муносабатларга асосланиб, аниқ мақсадга интилиб, мақсадга эришишга мутаносиб ҳаракат усулларига нисбатан мойилликни намоён этадилар. Мойилликлар негизида характер хислатларининг ундовчанлик кучи вужудга келади ва унинг таъсири туфайли инсон табиий шароитга зид, мақсадга номувофиқ ҳаракат усулларидадан фойдаланади.

Биз қуйида раҳбарнинг муваффақиятли ишлаши ва обрў-эътибор қозониши учун зарур бўлган характернинг айрим хислатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз:

**Ватанпарварлик** - раҳбар шахсидаги энг юксак ва мураккаб хислатдан бири бўлиб, у она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш ва равнақига ҳисса қўшиш демакдир. Раҳбар ватанпарвар сифатида Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшаши, Ватан тараққиёти ва миллат обрўсига муносиб ҳисса қўшиши, фойда келтириши, фидойилик, ҳалоллик билан меҳнат қилиши, халқнинг шон-шуҳрати ва манфаатини ўйлаши, инсонпарвар бўлиши лозим.

**Фидойилик** – раҳбар шахсини безайдиган ва бошқарув жараёни учун зарур бўлган хусусият ҳисобланади. Фидойи раҳбар ўз танлаган йўли, маслағи, ғояси, касбу корига содиқ бўлиб, бу жиҳатлар унинг фаолият ва ҳаёт мазмунини ташкил этади. Ўз касбига меҳр қўйиш, топшириқларни сидқидилдан бажариш, меҳнатда жонбозлик кўрсатиш кабилар фидойи раҳбарларгагина хосдир. Бундай раҳбарлар учун севган касб-кори олдида вақт, соғлиқ, чарчашлик ва бошқа ташвишлар ўз мазмунини йўқотади. Раҳбар фидойилиги жамият тараққиёти, ватан гуллаб яшнаши учун муҳим аҳамиятга эга.

**Ижтимоий бурчни англаганлик** – раҳбардаги муҳим хусусиятлардан бири бўлиб, бу унинг ўз меҳнат жамоаси, эл-юрти, она Ватани олдидаги мажбуриятларини англаш, тушуниш ва бажаришида намоён бўлади. Бурчда объектив муносабатлар ифодаланган бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқий негизлари билан белгиланади. У инсоннинг ички кечинмалари, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руҳий ҳолатини ифодалаб, шахсдаги иймон-эътиқод, онглилик, ҳалоллик, виждон каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

**Ҳалоллик** - раҳбарнинг маънавий қиёфасидаги муҳим хислатлардан бўлиб, бу раҳбарнинг ички ва ташқи дунёсининг бирлигини, сўзи билан бажарадиган амалининг тўғри келишини, шахслараро муносабатларда очиқсўнгил ва самимий муносабатда бўлишини белгилайдиган ахлоқий фазилатдир. Раҳбарнинг ҳалоллиги унинг ўз вазифасини виждонан ва онгли бажаришида намоён бўлади.

**Виждонлилик** - раҳбарнинг ўз хатти-ҳаракатлари ва қилмишларини жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий нормалар нуқтаи назаридан баҳолаши ва назорат қилишида етакчи роль ўйнайдиган муҳим фазилат ҳисобланади. Раҳбар фаолиятида, ахлоқида, хулқида виждон ўз-ўзини назорат қилиш воситаси ҳисобланиб, қандайдир ички “овоз” унда қандай нарсанинг яхши ва қандай нарсанинг ёмон эканлигини айтиб, баҳо бериб туради. Мазкур тушунчада раҳбарнинг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият туйғуси ифодаланади.

**Масъулиятлилик** – раҳбарнинг бошқалар олдида ўз бурчини англаши, бажарилмаётган ишда масъулиятни дадиллик билан ўз зиммасига олиши, бошлаган ишини охирига етказишида зарур бўладиган муҳим хусусият ҳисобланади. Бошқа кишилар олдидаги ўз бурчини англаш ва уни киши хулқининг омилига айлантириш, шахснинг ўз фаолиятини бошқаларга кўпроқ яхшилик қилишга онгли ва ихтиёрий равишда йўналтириши масъулият тушунчасининг мазмунини ташкил этади. Ўз-ўзига танқидий қарайдиган киши доимо ўзида масъулиятни ҳис қилади, унга бепарволик ётдир.

**Танқидийлик** - раҳбарнинг талабчанлигида унинг бўйсунувчи шахсига чуқур хурмати, унинг кучи, қобилияти ва имкониятларига бўлган ишончида ифодаланади. Раҳбар, аввало, ўзига нисбатан талабчан бўлмоғи керак, шундагина унинг бошқаларга қўяётган талаблари ўринли, самарали бўлади. Раҳбар ўзини жамоанинг бир вакили деб ҳисоблаши,

ўз-ўзига талабчан бўлиши, танқид ва ўз-ўзини танқидни қўллаб-қувватлаши зарур. У етакчи сифатида ҳушёр ва сезгир бўлиши, бошқаларнинг ўзи ҳақидаги фикрларини билишга ҳаракат қилиши, шахсияти тўғрисида айtilган ҳар қандай ҳолисона танқидни ижобий қабул қилиши мақсадга мувофиқдир.

**Адолатлилик** - раҳбарнинг талабчанлиги билан узвий боғлиқ фазилат ҳисобланади. Адолат тушунчасининг мазмунида ҳақиқат, поклик, тўғрилиқ, куч-қудрат мужассамдир. Адолатли раҳбар шахсида ўткир ақл, соф мулоҳаза, олижаноблик ва мардлик мавжуд бўлиб, бу сифатлар уни барча ёмон ишлардан сақлайди, бошқарув соҳасидаги барча хатти-ҳаракатларни адолат мезони билан баҳолашга сабабчи бўлади. Раҳбарнинг тобе кишиларга бўлган муносабати манманликдан, ноҳолислик ва ўзбошимчалиқдан ҳоли бўлиши лозим.

**Мустақиллик** - раҳбарнинг нафақат обрўсини оширадиган, балки қийин вазиятларда уни асосий мақсад сари йўлидан етаклайдиган фазилатлардан биридир. Раҳбарда муайян даражада намоён бўладиган мустақиллик унинг ақлий фаолиятида намоён бўлиб, маълум маънода ирода билан боғлиқ бўлади. Раҳбарда мустақиллик бўлса, унда ўзига ишонч ҳам бўлади, бу эса ўз навбатида раҳбардаги субъектив талаблар юқори бўлишига олиб келади. Мустақиллик ташаббускорлик, танқидий қараш ва масъулиятни ҳис қилишдан иборат бошқа шахс хислатлари билан ҳам боғлиқдир.

**Ташаббускорлик** - раҳбарлик фаолияти учун зарур бўлган жуда қимматли сифатдир. Бундай сифатга эга бўлган раҳбар юқоридан маълум кўрсатма бўлишини кутиб ўтирмай, бирон бир ишга дадил киришади, мақсадни амалга ошириш учун йўл ва воситаларни танлайди ҳамда бошқаларни ордидан эргаштириб мақсадга эришишга ҳаракат қилади. Ташаббускорлик, одатда, теварак-атрофдаги шароит ҳамда ижтимоий ҳаёт талабларини эпчиллик ва мохирлик билан ҳисобга олиш ва, кўпинча, янгиликни олдиндан кўра билиш қобилияти бир вақтда кўринади.

**Ақлнинг танқидийлиги** - раҳбар учун зарур бўлган сифатлардан бири бўлиб, ўзининг ва бошқаларнинг ишига тўғри баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади. Бизга маълумки, танқид тараққиёт омили бўлиб, агар у асосли бўлса, уни ҳисобга олиш мавжуд камчиликларни бартараф этишга олиб келади ва тараққиётга ижобий таъсир кўрсатади. Раҳбардаги танқидий кўз билан қараш хислати бошқаларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларини диққат-эътибор билан текшириб кўра билиш қобилиятида намоён бўлади. Бундай хислатга эга бўлган раҳбар бошқаларнинг фикрларига эътибор билан кулоқ солиб, уларнинг ҳаммасини муайян принциплар нуктаи назаридан ақл чиғириғидан ўтказиши, ижобий ғояларни қабул қилиб фойдаланади, номақбуллари асосли равишда рад этади.

**Меҳнатсеварлик** – характернинг қимматли хислати бўлиб, бундай хислат эгаси бўлган раҳбарнинг фаолияти бирор ишни шунчаки бажариш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлмай, балки яхшилаб бажариш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлади. Меҳнатсеварлик хислати раҳбарнинг меҳнат фаолиятидаги ҳалоллиги, саранжом-сарипталиги ва интизомлилиги билан боғлиқ бўлади. Баъзи раҳбарларда меҳнатни севиш, тежаш - эҳтиёт қилишнинг сусайиши оқибатида, улар шахсида дангасалик, эҳтиёт қилмаслик, меҳнатга бепарволик билан қараш, топшириқларни юзаки бажариш рўй беради.

**Инсонпарварлик** - раҳбарнинг ходимлар билан муносабатида унинг кадр-қимматини ҳурматлаши, уларга ғамхўрлик кўрсатиши билан боғлиқ бўлган муҳим хусусият сифатида бошқарув жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Инсонпарварлик раҳбар шахсидаги меҳрибонликда, зийракликда, ходимларнинг руҳий ҳолати, дилидаги туйғуларини тушуна билишда, уларнинг эҳтиёжларини пайқай билиш ва амалий ёрдам кўрсатишга тайёр тура билишда ифодаланади. Раҳм-шафқат, меҳр-мурувват, саховат, ўзаро ёрдам хислатлари раҳбарни халқ ичида эъзозланишга, обрў-эътиборининг ошишига олиб келади.

**Самимийлик** - раҳбардаги энг яхши, олижаноб фазилатлардан бири бўлиб, у раҳбарнинг бошқалар билан бўладиган ўзаро муносабат ва мулоқотида намоён бўлади. Очқикўнгиллик билан беғараз, чин юракдан муомала қилиш самимиятнинг мукамал кўринишидир. Самимий инсонлар каттаю кичикка баробар бўлиб, барчанинг кўнглини бирдек



олишга интиладилар, доимо ҳақиқатни ёқлайдилар, маърифатга интиладилар. Раҳбардаги тўғрилиқ, поклик, оққўнгиллик, бағрикенглик, билимлилик, яхшилиқ хислатлари самимиётнинг озик манбаларидир.

**Хушмуомалалиқ** – раҳбардаги инсонпарварлик туйғусининг намоён бўлишида муҳим роль ўйнайдиган характер хислати ҳисобланади. Бўйсунувчиларга эътибор, меҳрибонлик ва хушмуомалалиқ ҳар бир раҳбарнинг хатти-ҳаракатларида ва сўзида намоён бўлиши керак. Раҳбарнинг сўзи ниҳоятда кучли таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлиб, унинг ширин сўзи ходимларнинг руҳини кўтаради, уларга мадад беради, ғам-ғуссаларини енгиллаштиради, келажакка умид бағишлаб, дилларини шод қилади. Бундай хислатли раҳбарда инсоф, ақл, илм, олижаноблик, кўркем феъл, яхшилиқ, сабр ва мулоимлик каби фазилатлар кўпроқ учрайди.

**Яхшилиқ қилиш** - умуминсоний ахлоқий қадриятлар ичида муҳим ўрин эгаллайди. Яхшилиқ чинакам инсоний фазилат бўлиб, ишонч, меҳр, оқибат каби ахлоқ-одоб сифатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Раҳбарлик ишининг моҳиятида яхшилиқ қилиш муҳим ўрин тутган бўлиб, унинг фаолият мазмунини пировард натижада одамларга қилган яхшиликлари, халққа теккан нафи, меҳр-муҳаббати, раҳм-шафқати билан ўлчанади.

**Ўз-ўзига баҳо** – раҳбарнинг муҳим сифатларидан бири бўлиб, унинг бирон-бир муаммоли вазиятга нисбатан ўз кучи ва қобилиятини мослаштириш жараёни бошқарув фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Одамлар билан бўладиган муносабатларда раҳбар ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда ўзини бошқалар билан таққослайди ва ўзида бошқаларга ўхшаш ёки фарқ қиладиган хислатларни топади. Шундан сўнг раҳбарда ўзи ҳақида, ўзлиги ҳақида маълум бир фикрлар пайдо бўлади. Раҳбарнинг ўз-ўзига берадиган баҳоси унинг ҳақиқий сифатларига мос бўлиши ёки мос бўлмаслиги мумкин.

**Раҳбарлик шаъни ва қадр-қиммати** - умуминсоний ва миллий ахлоқнинг муҳим белгиларидан бири сифатида бошқарув жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Раҳбарлик фаолиятида шаън, қадр-қиммат тушунчалари муҳим ўрин эгаллаб, меҳнат жамоасида, халқ ичида эришган ҳурматини билдиради. Раҳбарлик шаъни деганда, унинг ўз меҳнат жамоасидаги қадр-қиммати, яхши номи, обрўси, шуҳрати, донг чиқариши кабилар ҳам назарда тутилади. Қадр-қиммат деганда, раҳбарнинг меҳнат жамоаси ҳурматида сазовор бўлганини тан олиниши тушунилади. Раҳбарлик шаъни ва қадр-қиммати бошқарув жараёнини самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида қайд қилинган инсонга хос ижобий хислатларнинг ҳаммасини бир киши тўла-тўқис эгаллаб олиши жуда қийин, албатта. Лекин шундай фазилатларга эга бўлишга барча раҳбарлар интилиши керак. Раҳбарлик ишида юксак сифат ва фазилатларга эга бўлиш унинг одамлар билан тил топиша олишида, уларни тушуниш ва рози қила олишида, ўз атрофида соғлом вазият ва соғлом иқлим барпо этишида шуниндек, меҳнат жамоаси олдида турган вазифаларни мақсадга мувофиқ ва собитқадамлик билан бажаришни уюштири олишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик раҳбар шахснинг юксак одоб-ахлоқи, мустақил дунёқараши, кенг фикрлаши, узоқни кўра билиш қобилияти билан бошқалардан ажралиб туришини, иймон-этиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, ор-номусли, ҳаром-хариш ишлардан ҳазар қиладиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга бўлишини, ташкилотчи, талабчан ва қатъиятли бўлишини истайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Кабаченко Т.С. Психология управления. – М.: Педагогическое общество России, 2000.
2. Каримова В., Ҳайитов О., Джалалова С. Бошқарув психологияси. – Т.: Фан ва технология, 2008.
3. Маҳмудов И. Бошқарув психологияси. – Т.: YUNAKS-PRINT МЧЖ, 2006.
4. Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. – Т.: Академия, 2007.
5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. – Т.: Ўқитувчи, 2001.
6. Ғозиев Э. Умумий психология. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада замонавий раҳбар шахси учун зарур бўлган ижобий характер хислатлари таҳлил қилинган. Унда самарали бошқарув фаолияти учун зарур бўлган раҳбарнинг характер ва темперамент хусусиятлари, шахсий фазилятлари, миллий қиёфаси, ҳиссий-иродавий сифатлари масалалари ёритиб берилган. Муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар мазкур муаммони бутунги кунда ҳам чуқур ўрганиш кераклигини кўрсатади.

## РЕЗЮМЕ

В статье анализируются позитивные черты характера, необходимые для личности современного лидера. Она охватывает вопросы характера и темперамента, личностных качеств, национального имиджа, эмоциональных и волевых качеств лидера, которые необходимы для эффективного управления. Исследования автора показывают, что эта проблема еще нуждается в углубленном изучении.

## SUMMARY

In the state analyziruyutsya positive cherty harakter, neobxodimые dlya lichnosti sovremennogo leader. He covers the questions of character and temperament, personal qualities, national image, emotional and volatile qualities of the leader, which are effective for effective management. Issledovaniya avtora pokazivayut, that this problem eshche nujdaetsya in uglublennom izuchenii.

*Наишра проф. А.Жабборов тавсия этган*

## БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ЗАРАРЛИ АХБОРОТЛАР ТАҲДИДИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ёзиева У. Л. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *ахборотлашган жамият, таълим-тарбия, медиаўравонлик, интеллектуал, хавф, ахборот таҳдиди, ахборот истеъмоли маданияти, руҳий ривожланиши.*

**Ключевые слова:** *информационное общество, образование, медиа-насилие, интеллектуал, риск, информационная угроза, культура потребления информации, психическое развитие.*

**Keywords:** *information society, education, media violence, intellectual, risk, information threat, information consumption culture, mental development.*

Жаҳонда юзага келган қатор тенденциялар кишилиқ жамиятининг турли соҳаларини тубдан ўзгартириш, ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш ва таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларини татбиқ этишни тақозо этмоқда. Ахборот ҳажми, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг технологик имкониятлари кенгайиб бориши улардан жамиятнинг барча тармоқларида фойдаланишга замин яратмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу тармоқларда, хусусан, таълим-тарбия жараёнларида ҳам ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш масаласини келтириб чиқармоқда. Шу боис ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиш технологиясини такомиллаштириш ва бу орқали ўқувчиларни турли ғоявий таъсирлардан ҳимоялаш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимизда жамиятни ахборотлаштиришга доир давлат сиёсати ишлаб чиқилиб, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўқувчи-ёшлар маънавияти, маданиятини ривожлантириш муаммоси турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, ўқувчиларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва миллий менталитетнинг ўзаро алоқадорлиги, миллий тарбия асосида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, ўқувчиларда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришнинг

маънавий-профилактик технологияларини ишлаб чиқиш муаммоси долзарб масалага айланган.

Ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли ахборотлар манбалари сифатида интернет, мобил алоқа воситалари, дисклар орқали тарқалаётган оммавий маданият, одам савдоси, миллий ва умуммиллий маънавиятга зид бўлган турли ғоялар, компьютер ўйинлари, жангарилик, кашандалик, гиёҳвандликни тарғиб этувчи фильмлар ва бошқа шу кабиларни киритишимиз мумкин.

Зарарли ахборотлар таҳдиди тушунчаларининг этимологияси шундан иборатки, «зарарли» атамаси «киши маънавиятига, онгига салбий таъсир кўрсатадиган, зиёнли» деб таърифланса, «ахборот» атамаси «хабар, маълумот», «таҳдид» атамаси эса «дўқ қилиш, кўркитиш, бирор фалокатнинг, кўркинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи, хатар, хавф»<sup>1</sup> дея изоҳланади. Демак, зарарли ахборотлар таҳдиди - хабар ва маълумот орқали инсон маънавиятига, онгига салбий таъсир кўрсатиш ва хавф-хатар солишдир.

Зарарли ахборотлар хавфининг салбий оқибатлари қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- боланинг саломатлиги билан боғлиқ бўлган ҳолатлар: унинг тезда толиқиши, руҳий боғланиб қолиш, жисмоний касалликларнинг пайдо бўлиши, иш қобилиятининг йўқолиши ва бошқа шу кабилар;

- одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ муаммолар: маданий-маънавий нормаларнинг бузилиши, санъатга қизиқишнинг пасайиши, боланинг юриш-туришидаги муаммоларнинг пайдо бўлиши, виртуал дунё хатти-ҳаракатларини, ҳолатларини реал дунё хатти-ҳаракатлари, ҳолатларига кўчириш ёки ўтказиши ва улар билан аралаштириб юбориши;

- таълим олишдаги муаммолар: таълим олишга нисбатан қизиқишнинг пасайиши, вақтнинг етишмаслиги, ортиқча маълумотлар билан юкланиб қолишлик, фанларни ўзлаштира олмаслик;

- таълим жараёнидаги кўникмаларга эга бўлиш ва сифатли ва сифатсиз (ёлғон, бўҳтон, нотўғри, деструктив) маълумотларни фарқлай олишдаги муаммолар.

Ахборотга боғланиб қолмаслик учун, аввало, ахборот манбаига, таклиф этилаётган ахборотнинг ишончлилиги (илмий, маънавий, маданийлиги), тўғрилиги (тарихийлиги)га эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун зарур билимларни эгаллаш, таклиф этилган ахборотни таҳлил қила олиш, уларни танлаб ва танқидий қабул қилишга ўргатиш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади.

Олиб борган тажрибаларимиз таҳлили ахборот манбаларининг турлари ҳамда уларнинг ўқувчи ҳаётидаги ўрни кенгайтириб бориши, таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсири билан биргаликда салбий таъсирининг ортиб боришини кўрсатмоқда. Бундай ҳолат ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган эътиборни ва масъулиятни янада оширишни талаб этади.

Юқоридагиларни инобатга олиб ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарурлиги аниқланди:

- ўқувчиларга зарарли ахборотлар ва уларнинг турлари ҳамда шахс дунёқарашига салбий таъсири ҳақида (бошланғич синф ўқувчилари учун дастлабки тушунча) билимлар бериш;

- бугунги давр ўқувчисининг қизиқиш ва эҳтиёжларини ўрганиш асосида ва уни инобатга олиб улар фаолиятини тўғри йўналтириш ишларини ташкил этиш;

- зарарли ахборотлар таъсирига тушиб қолган ўқувчиларнинг оила ва маҳаллаларидаги мавжуд ҳолатни ўрганиш орқали муаммонинг асл сабабини очиб бериш;

- ўқувчиларни зарарли ахборотлардан ҳимоялашда ўқитувчи ва ота-оналарга педагогик билим беришнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишида таълим муассасасида ўқувчиларга зарарли ахборотлар таҳдиди ва уни бартараф этиш тизимини моделлаштиришнинг мақсади қуйидагилар билан ифода-

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2006. 1-3-4-том, - Б.19, 41, 605.

нади: ўқувчилар, тарбияланувчилар ва ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини хавфли таъсирлардан ҳимоялаш; таълим муассасасининг самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш; ахборотлар таҳдиди ва унинг натижасида пайдо бўладиган салбий таъсирларни пасайтириш; ўқувчилар ва ўқитувчилар мафкуравий иммунитетини ошириш ва бошқалар.

Муаммони ўрганишга доир адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ахборот-коммуникацион технологияларининг назарий асослари ишлаб чиқилган, аммо замонавий ўқувчига ахборотларга нисбатан танқидий фикр билан ёндашиш ёки бирор-бир хабарнинг яширин маъносини тушуниш, онгнинг оммавий ахборот воситалари томонидан бошқарилишидан ҳимояланишга ўргатиш методикаси ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотда бошланғич синф фанлари функционал тузилмаси ўқувчиларнинг зарарли ахборотларга қарши танқидий фикрлашни ривожлантирадиган ўқув материалларини аниқлаш ва педагогик шарт-шароитларни яратиш имконини берди. Ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг танқидий тафаккурни ривожлантириш технологиялари ўқув материаллари билан ишлаш (англаш, фикрлаш) ва амалий фаолият (тушуниш, англаш, таҳлил, баҳолаш) тажрибасини таркиб топтириш асосида такомиллаштирилди.

Олиб борилган тадқиқотда ўқувчилар танқидий тафаккурини шакллантиришга қаратилган методика таълим усуллари (кузатиш, суҳбат, ўйин, тренинг, муаммо, мунозара, рефлексив, медиатаълим) интерпретациявийлиги ўқувчилар индивидуал ва психологик хусусиятларига мослаштириш асосида ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг мазкур босқичида бошланғич синф ўқувчиларида зарарли ахборотларга нисбатан танқидий тафаккур ва иммунитетни шакллантириш учун қуйидаги йўналишларда қатор вазифалар амалга оширилди:

1-йўналиш: Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар (дастур ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш).

2-йўналиш: Ўқитувчилар билан олиб бориладиган ишлар (назарий, методик ва технологик тайёрлаш).

3-йўналиш: Ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар (суҳбат ва сўровномалар ўтказиш, мутахассислар билан давра суҳбати ташкил қилиш ва хоказолар).

4-йўналиш: Юқоридаги учта йўналишларни умумлаштириш.

Биринчи йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш учун «Бошланғич синф ўқувчисининг ахборот хавфсизлиги асослари» курсининг ўқув дастури ишлаб чиқилди ва тажриба гуруҳларида амалиётга жорий этилди.

Ушбу «Бошланғич синф ўқувчисининг ахборот хавфсизлиги асослари» ўқув дастури тарбиявий соатлар ва дарсдан ташқари ишлар мазмунига сингдирилган бўлиб, унинг биринчи босқичидаги машғулотлар маъруза, амалий ишлар ва экскурсиялар шаклида ташкил этилди. Бунда болаларнинг ахборот таҳдидлари тўғрисидаги билимларини кенгайтириш асосий мақсад қилиб қўйилди ва компьютер дисклари, уяли алоқа воситалари таҳдидларини назарда тутувчи реал вазиятлар яратилди ҳамда тушунтириш, суҳбат, кўргазма-намойиш каби усуллардан фойдаланилди.

Дастурнинг иккинчи босқичидаги вазифалар бошланғич синф ўқувчиларини ахборот билан ишлашга ва ахборот муҳитида яшашга ўргатишдан иборат бўлди. Машғулотларнинг асосий мазмуни ўқувчиларга матндаги асосий фикрни кўрсата олиш, ҳодисага баҳо бериш, шахсий фикрини эркин айтиш, мунозара юритиш, хулоса чиқариш, таклиф этилган ахборотга танқидий муносабат билдира олиш каби фикрий операциялар тизими асосида ўргатилди.

Иккинчи ва учинчи йўналишда ташкилий-педагогик функциялар амалга оширилди. Унда ўқитувчи ва ота-оналар учун сўровнома, педагогик ўқишлар ташкил этилди. Машғулотлар назарий билим, савол-жавоб, давра суҳбати, тренинглар эса мутахассисларни (офтальмолог, педиатр, психотерапевт) жалб этган ҳолда зарарли ахборотлар инсон ҳаёт

фаолияти, соғлиғи, жисмоний ривожланишига таъсирини ёритиб берувчи материалларни ўз ичига олди.

Педагог ва ота-оналарга ахборот таҳдидини аниқлаш, ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш йўллари, болаларни маҳсулотларни харид қилишдан тўхтата оладиган маркерлар, белгиларни топиш, ўқувчилар ўқиши учун адабиётларни танлаш, «педагог-ўқувчи-ота-она» алоқаси ўқувчиларда ахборот саводхонлигини шакллантиришда ўқитувчи ва ота-оналарнинг тарбиявий ишини ташкил этиш медиатаълим ва виртуал назорат механизми бўйича такомиллаштирилди.

Бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганишга йўналтирилган мазкур тадқиқотнинг тажриба-синов иши учун жами 36 нафар бошланғич синф ўқитувчилари, 52 нафар ота-оналар, 112 нафар ўқувчилар иштирок этган бўлса, тажриба синфи 55 нафар ва назорат синфи 57 нафар ўқувчини ташкил этди. Булардан 34 нафари 2-синф, 37 нафари 3-синф ва 41 нафари 4-синф ўқувчилари бўлди.

Тажрибалар даврида ташкилий-педагогик функцияларни амалга ошириш учун бошланғич синф ўқитувчилари орасида сўровномалар ўтказилди. Унга кўра, «Болалар қандай ахборотларга тез берилади?», «Сизнингча, ўқувчилар салбий ахборотларни қаердан оладилар?», «Ўқувчиларни зарарли ахборотлардан қандай ҳимоялаш мумкин?», «Ахборот манбалари (телевидение, радио, матбуот, Интернет) дан таълим жараёнида фойдаланиш мумкинми?», «Сизнингча, ўқувчиларнинг маънавиятига, тарбиясига ахборотларнинг таъсири қандай?», «Ахборотларнинг таъсири тўғрисида ота-оналар билан қандай ишлар ташкил этасиз?» каби саволларга олинган жавоблар таҳлили натижасида ўқувчиларни ахборот таҳдидларидан ҳимоя қилиш педагог ва ота-оналарнинг бирдек вазифаси эканлиги, аммо бу борада улар етарлича билимга эга эмаслиги аниқланди. Мазкур тажрибалар таҳлили тарбиявий соатлар мазмунига бошланғич синф ўқувчиларида ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантириш масаласини киритиш лозимлигини кўрсатди.

Олиб борилган тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида мавжуд ҳолатни ўрганувчи тажриба ишлари ташкил этилди. Респондентларга тақдим этилган «Ахборот нима?», «Қандай зарарли одатларни биласиз?», «Бўш вақтингизда нима билан банд бўлишни ёқтирасиз?», «Кун тартиби нима?», «Зарарли ахборотлар қайси йўللар билан тарқалади?», «Телефондан нима мақсадда фойдаланасиз?», «Телевизор ва компьютернинг қандай фойда ва зарари бор?», «Қайси мультфильм қаҳрамони сизга ёқади ва нима учун?» мазмунидаги саволларга олинган жавоблар таҳлилидан бошланғич синф ўқувчиларининг зарарли ахборотлар ҳақидаги тушунчалари ва ахборотлардан фойдаланиш маданияти шаклланмаганлиги ҳамда уларнинг кун тартиблари тўғри ташкил этилмаганлиги маълум бўлди. Ушбу муаммо таълим муассасаларида ташкил этиладиган дарсдан ташқари машғулотлар, тарбиявий соатлар мазмуни ва дарс сифатини янада ошириш лозимлигини кўрсатди.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўқувчиларни ахборот хавфсизлигига риоя қилишда ўзаро ҳамкорлик шакллари ота-оналарнинг медиатаълим (ахборот воситалари ва Интернет тармоғи билан ишлаш) ва виртуал назорат (ўқувчининг ахборот воситалари билан ишлаш жараёнини назорат қилиш, бола ҳуқуқ-атворини тузатиш) механизмларини такомиллаштириш, ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашда амалга ошириладиган ўқув ва амалий машғулотлар таълим жараёнида ва ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятларида ҳам изчил ва тизимли ташкил этиш, бу жараёнда етакчи бўлган ўқитувчиларни муҳим илмий-методик тавсиялар ҳамда назарий маълумотлар билан қуроллантириш зарур деган ҳулосага келинди.

## РЕЗЮМЕ

Мақола бошланғич синф ўқувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг зарурати, ахборот таҳдидининг салбий оқибатлари олдини олишнинг педагогик шарт-шароитлари ва такомиллаштирилган технологияларига бағишланган.

## РЕЗЮМЕ

Статья посвящена необходимости защиты младших школьников от вредной информации, негативным последствиям информационных угроз, педагогическим условиям и усовершенствованным технологиям их профилактики.

## SUMMARY

The article focuses on the need to protect primary school students from the threat of harmful information, the negative consequences of the information threat, the pedagogical conditions of prevention and advanced technologies.

*Наширға пед.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган*

## ТАЛАБАЛАРДА ЧИЗМА ШРИФТЛАР БАЖАРИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШДА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Раджабов М.Р., Файзуллаев Х.А., Боймуратов Ф.Х. (ҚарМИИ)**

**Таянч сўз ва иборалар:** *чизма шрифтлари, бош ҳарфлар, рақамлар, ёзма ҳарфлар, спецификация, ёрдамчи тўрлар, тарқатма материал, намуна, шрифтнинг ўлчамлари.*

**Ключевые слова:** *шрифты чертежные, прописные буквы, цифры, строчные буквы, спецификация, вспомогательная сетка, раздаточный материал, образец, размер шрифта.*


**Keywords:** *drawing fonts, uppercase letters, numbers, lowercase letters, specification, auxiliary grid, handouts, sample, font size.*

Техник саводхон ходимларни тайёрлаш бўйича талаблар чизмачилик ўқитувчиси олдида мазмунан янги вазифаларни қўймоқда.

Барча конструкторлик ҳужжатларидаги ёзув (ҳарф ва рақам)лар қўлда чизма шрифтлари билан ёзилади. Саноат ва қурилиш тармоқларида чизма ва бошқа конструкторлик ҳужжатларидаги ёзувларда: буюмнинг номи, ўлчамлари, материал ҳақида маълумотлар, деталга ишлов бериш, спецификация ва бошқа ёзувлар бўлади. Агар чизмаларда ёзувлар эътиборсизлик билан ёзилган бўлса, буюмни яшаш ва ишлаб чиқаришда ҳам хатоликка йўл қўйилиши мумкин. Шундай экан, биз- ўқитувчилар бўлажак мутахассисларни талабалик давриданок бундай хатоликларга йўл қўймасликларини уқтириб, уларга стандарт шрифтларни бажаришни ўргатишимиз лозим.

Ўқув дастурида кўрсатилган график топшириқларни бажаришда талабадан уларни тахт қилишда ёзувлар шрифт талабларига риоя қилган ҳолда бажарилиши талаб этилади. Топшириқлар тўпламига муқовани 14 мм, 10 мм ўлчамдаги шрифтлар билан бажариш талаб этилади. Талаба Ўз.ДСт 2.304-97 да кўрсатилган шрифт ва рақамларни ўрганади, уларнинг ўлчамлари, яъни ҳарф ва рақамларнинг баландлиги, эни, чизиғининг қалинлиги каби маълумотларни ўрганади. У шрифтларни бажаришда ёрдамчи тўрлар бажариши кераклигини тушунади ва уни бажаришга киришади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, талабаларда шрифт ва рақамларни бажаришга киришишда ҳадик, ишни бошлай олмаслик, бошлаганда ҳам тез ташлаб қўйиш каби ҳолатлар кўп кузатилади. Биз тарқатма материал сифатида А3 форматда ёрдамчи тўрлар компьютер графикаси ёрдамида олдиндан тайёрлаб қўйилган (топшириқни бажаришнинг энг қийин жараёни ҳисобланади) тарқатма материалларни тарқатдик (1-шакл). Тарқатма материалда шрифтларнинг намуналари ва уларнинг остки қаторида ёрдамчи тўрлар олдиндан тайёрлаб қўйилган. Бу тарқатма материал талабанинг шрифт ва рақамларни бажаришга бирдан киришиб кета олишига имкон беради ва унда кўникмалар шакллана бошлайди.



1-шакл.




2-шакл.

Ушбу тарқатма материал ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, 14 мм, 10 мм, 7мм ва 5 мм ўлчамлардаги шрифт ва рақамларнинг намуналари келтирилган. Аҳамиятлилиги шундаки, ҳар бир ўлчамдаги шрифт намунасининг остига олдиндан тайёрлаб қўйилган ёрдамчи тўрларда талаба ҳарф ва рақамларни бажаришни машқ қилади. Талаба аввалига 14 мм ўлчамдаги бош ҳарфларни намунага қараб ёрдамчи тўрларда бажаради (2-шакл). Ҳарфлар баландлиги ва энини катакларни санаб ўрганади, катак ўлчами ҳарф чизиғи қалинлигига тенг эканлигини эътиборга олса, ҳарф ўлчамларини мияда ҳисоблаши мумкин бўлади. Сўнгра 14 мм ўлчамдаги ёзма ҳарфларни бажаришга киришади (3-шакл). Вазифа бир оз қийинлашади, яъни ҳарф элементлари бош ҳарфларга қараганда анча фарқ қилади. *b, d, f, g, h, j, l, p, t, u, q*, ҳарфларининг баландлиги 14 мм қолган ҳарфларнинг баландлиги эса 10 мм эканлигини ва сатрда қандай жойлашишини намунага қараб ўрганиб олди.




3-шакл.

10 мм ўлчамдаги ҳарфларни бажариш янада қийинлашади, чунки ёрдамчи тўрлардаги катакларнинг ўлчами ўзгаради, яъни ҳарф чизиғи қалинлигига қараб уларнинг ўлчами кичраяди (4-шакл). Юқорида 14 мм ўлчамдаги шрифтларни бажарганида талабада кўникма шакллана бошлаган эди, энди у кичикроқ ҳарф ва рақамларни бажаради. Рақамларнинг баландлиги бош ҳарфлар билан тенг эканлигини эслаб қолади. Ўлчам қўйишда рақамларни ёзишда эътиборли бўлиш кераклигини тушунади.



4-шакл.

Кейинги босқичда 7 мм ўлчамдаги бош ҳарф ва рақамларни бажаради. Бунда ёрдамчи тўрлар ўрнига оралиқ масофаси ҳарф баландлигига тенг бўлган иккита параллел чизиқлар орасида шрифт ва рақамларни бажаришни ўрганади. 7 мм ўлчамдаги ёзма ҳарфларни бажаришда эса тўртта ўзаро параллел чизиқлар орасида бажаради. Чизиқлар орасидаги масофа 2-5-2 мм эканини эслаб қолади (5-шакл).



5-шакл.

Шрифт ва рақамларни ўрганиб талаба топшириқлар тўплами учун муковани тайёрлашга киришади. Қаторлар орасидаги масофаларни намунадагидек (мукова намунаси ҳам тарқатма материал сифатида тарқатилади) жойлаштиради, муковада сўзлар ўртада чиройли жойлашиши учун уларнинг қанча жойни эгаллашини тахминий ҳисоблайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тарқатма материал ёрдамида талаба ҳарф ва рақамлар элементларининг ёрдамчи тўрларда жойлашишини, уларнинг ўлчамларини, чизигининг қалинлигини, ҳарф ва рақамлар орасидаги масофани ва бошқа ҳолатларни ўрганади. Талаба ҳарф ва рақамларни ёзишни бажариб бўлгач, намунага қараб бажарган ишини текшириб олиш имкониятига эга бўлади, яъни шрифтларни бажаришни мустақил ўзлаштира олади. Талабаларда ўзи бажарган ишдан қониқиш ҳисси пайдо бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. То'хтайев А. ва бошқалар. Mashinasozlik chizmachiligidan ma'lumotnoma. Qo'llanma. – Т.: ИЛМ ЗИYO, 2010. –164 б.
2. Yodgorov J., Sobirov T., Yodgorov N. Geometrik va proyeksion chizmachilik. O'quv metodik qo'llanma – Т.: Fan, 2007. – 275 б.
3. Хейфец. Инженерная компьютерная графика. – СПб: БХБ. – Петербург, 2005.
4. Боголюбов С.К. Черчение. – Москва: Машиностроение, 1989. – 331 с.
5. Боголюбов С.К. Инженерная графика. – Москва: Машиностроение, 2000. – 345 с.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада талабаларда чизма шрифтларини бажариш кўникмаларин ҳосил қилишда тарқатма материалларнинг аҳамияти ва уларни қўллашнинг самараси ҳақида услубий тавсиялар келтирилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье приведены методические рекомендации о важности раздаточных материалов для формирования у студентов навыков выполнения чертежных шрифтов и результаты их применения.

#### SUMMARY

The article provides guidelines on the importance of handouts for the formation of skills among students when performing drawing fonts and on the results of their application.

*Наирузга пед.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган*



## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА КИТОБХОНЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Мухаммадиева М. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** мактабгача таълим муассасаси, тарбияланувчи, тарбиячи, бадий адабиёт, китобхонлик, масъулият, маънавий-маърифий камолот.

**Ключевые слова:** организация дошкольного образования, воспитанник, воспитатель, художественная литература, книголюб, ответственность, духовно-воспитательное совершенство.

**Keywords:** organization of preschool education, pupil, educator, fiction, book lover, responsibility, spiritual and educational excellence.

Китобхонлик борасида қадим тарих ва анъаналарга эга бўлган юртимизда бугунги кунда ҳам ёш авлод маънавий-маърифий тарбиясида ушбу кадриятга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бадий адабиётнинг бекиёс ва сарҳадсиз имкониятларини инобатга олган ҳолда Президентимиз Ш.Мирзиёев ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусни, жумладан, тўртинчи ташаббус сифатида ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ташаббусини илгари сурди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш борасида қарор ва фармонлар қабул қилиниб, бир қатор йўлланмалар, кўрсатмалар берилмоқдаки, улар ҳақиқатдан ҳам ёшларни эрта болалик давриданок бадий адабиётга ошно қилишда тарбиячилар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Зеро, бугунги кун талаби таълим соҳасида ҳар бир педагог-тарбиячи борки ёш авлодни келажак ҳаётга тайёрлашда ўз соҳасининг устаси бўлибгина қолмай, болани кичик ёшдан бошлаб ҳар томонлама тарбиялашга жиддий эътибор қаратишдан иборатдир.

Маълумки, бола шахси педагогик ва психологик нуқтаи назардан жуда нозик ҳис-туйғуларга бой бўлиб, тарбиячи-педагог ана шу туйғуларни илғашди, бола руҳиятини кўтариши, таълим-тарбия жараёнида инсонпарварлик тарбиясининг асосий таркибий қисми ҳисобланган маъсулиятлилиқ тарбиясига алоҳида эътибор бериши зарур.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларда масъулиятлилиқни шакллантиришнинг самарали усулларида бири бу - бадий адабиётлар билан таништиришдир. Бизга яхши маълумки, ҳозирги вақтда республикамизда мактабгача таълим муассасалари учун қабул қилинган “Илк қадам” умумий дастурини амалга ошириш шартларида: Ўқув-методик таъминот (дастурлар, технологиялар, ўқув қўлланмалари, илмий-методик ва ўқув методик адабиёт, болалар, ота-оналар учун мўлжалланган адабиёт... [1;15-6] асосий манба сифатида кўрсатилган бўлиб, дастур доирасида бадий асарлар асосида ўтказиладиган машғулотлар ишланмалари тизими ишлаб чиқилди.

Бадий адабиёт боланинг ҳис-туйғуларига ва онгига, уни идрок этишига, эмоционал-лигига фаол таъсир кўрсатади. Бола руҳиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги унинг кўр-кўрона ўзлаштирилган қоидаларга бўйсунган ҳолда ҳаракатланишига, имкониятларининг сунъий ҳолда чекланишига, позитив ҳис-туйғуларининг юқори даражада шаклланмаслигига олиб келади. Катталар ва тарбиячилар томонидан айтиб берилган ҳикоя, эртак, ривоят, ўқиб бериладиган асарлар болалар онгига ижобий таъсир этади. Бадий адабиётлар таъсирида улғайган бола ҳеч қачон такаббурлик қилмайди, ҳеч кимга ҳақорат кўзи билан қарамайди, ёлғон сўзламайди. Ўзига нисбатан талабчан, масъулиятли ва ростгўй бўлиб улғаяди. Умуман олганда, бадий адабиёт болаларда иймон-этикод, ватанга муҳаббат, бурчга нисбатан масъулиятни шакллантиришда қудратли воситадир. Шунинг учун кичкинтойларга атаб ёзилган асарлар уларнинг ёш хусусиятларига, тафаккур савияларига мос бўлиши, болалар қалбида чуқур ўй-фикрларни уйғотиб, ёрқин образлар ва юксак ғояларга бой бўлмоғи зарур. Шундагина унинг таъсири болаларни улкан ва порлоқ ишларга илҳомлантира олади. Энг муҳими, мавзулар тушунарли, содда ва қизиқарли тилда

ёритилиши катта аҳамият касб этади. Болалар адабиётини қуйидагича ёш даврларга ажратиш мумкин:

Биринчи, мактабгача таълим ёшидаги болалар китобхонлиги (2 ёшдан 7 ёшгача)

Иккинчи, мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги (7 ёшдан 11-12 ёшгача)

Учинчи, ўрта ва катта ёшдаги болалар китобхонлиги (13-14 ёшдан 15-17 ёшгача)[2;8-б]

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни бадиий адабиётлар билан таништириш асосан, ота-оналар, буви-боболар, маҳалла эртақчилари, тарбиячилар томонидан амалга оширилади. Ҳали ўқиш, чизиш ва ёзишни билмайдиган мактабгача таълим ёшидаги болалар дунё сирлари билан айнан бадиий адабиёт орқали танишади. Бадиий асар билан таништирилаётганида бола ўз ҳаётий тажрибасида тўпланган маълумотлар асосида кўз олдида аниқ ҳолатни, образни келтиради, ходиса ифодаланишидан таъсирланади, таъсирчанлик қанча юқори бўлса, унда ҳақиқийлик ҳақидаги тасаввурлар шунчалик бой бўлади.

Машғулотларда болани ҳар томонлама ривожлантириш вазифаларини бажара бориб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ахлоқий сифатларини шакллантириш, масъулиятлиликни таркиб топтириш масалаларига ҳам эътибор берилади.

Машғулотларда кишиларнинг меҳнат фаолиятлари ва жасоратларини ёритувчи бадиий асарлар, расмни кўргазмалардан тизимли ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда аста-секинлик билан ватанпарварлик, меҳнатни қадрлаш, масъулият ҳисси шакллана бошлайди. Маъсулият ҳиссини шакллантириш жараёнида ватан, кишилар меҳнати ва табиатдаги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги шеър ва ҳикояларни эшитиш орқали болада ватан ва унинг бойликларини асраш, уни эъзозлаш ҳақида дастлабки тушунчаларга эга бўладилар. Бу эса болаларда туғилиб ўсган, вояга етган ва яшаб меҳнат қилаётган жойи унинг ватани эканлиги, кенг маънода эса бепоён диёримиз, унинг халқи, барча бойликлари ватан тушунчаси таркибига кириш ўргатилади. Ватанимизни, унинг бойликларини кўз қорачиғидек асрашга ўрганиб боради. Маъсулиятлилик ана шу тариқа шаклланиб, ривожланиб боради.

Масалан, “Куйни севган гуллар ҳақида эртақ”ни ўқиб беришда педагог-тарбиячи болалар диққатини қуйидаги ҳолатга жалб қилади. Қизча лола очилишини кутмасдан уни зўрлаб очмоқчи бўлади. Лекин лола очилмайди. Шунда қизча ўз хатосини тушунади, шундай дейди:

— Кечир мени, лолахон, сени зўрлаб очмоқчи бўлдим.

Кейин қиз ёқимли куй чала бошлади.

— шунда лола очилиб, қизчага табассум ҳада қилади!.

Болалар бундай бадиий асарларни эшитиб, ёзувчи тасвирлаган ҳаётий воқеаларни сўз билан тасвирлашга интилсинлар, қизчанинг шошқалоқлиги яхши оқибатларга олиб келмаслиги, табиатга онгли муносабатда бўлиши, муҳими ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиб бажаришга ўрганиб борадилар. Бадиий асар эшитиш жараёнида бола ўзини асарда тасвирланган ҳаёт, воқеа-ҳодисалар ичида ҳис қилиши, ана шу асар ғоясини тушунганлигидан далолат беради. Бу жараёнда педагог-тарбиячи бадиий асар мазмунини аниқ етказиб бериши учун турли хил дидактик материаллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шундагина асар мазмунини аниқ тушуниб етган ўқувчи ундаги воқеа-ҳодисалар гувоҳига айланади. Мактабгача таълим муассасасидаги машғулотларда кўпинча бадиий адабиёт билан танишишда нутқни ривожлантириш методикасининг вазифалари амалга оширилади, холос. Бадиий адабиётдан фойдаланишда матн мазмунининг оддий оғзаки усулда тақдим этиш билан чекланганлик болани матннинг маънавий теран томонларини ҳис этиш ва англаш имкониятини пасайтиради.

Бадиий адабиётдан кўпинча ахлоқ ва маънавийни шакллантиришда ҳамда шахснинг инсонпарварлик сифатларини ривожлантиришда восита нуқтаи назаридан фойдаланиш керак. Педагог асарни танлашга, уни ўқиш методикасига ва бадиий асарлар бўйича суҳбат ўтказишга ҳамда шаклланган ахлоқий-маънавий тасаввурларни боланинг ҳаёти ва фаолиятига татбиқ қилинишига эътиборини қаратиши лозим. Болалар учун адабиёт танлаётганда,

асарнинг болага ахлоқий-маънавий таъсири, энг аввало, унинг бадийлик нуктаи назаридан қийматига боғлиқлигини унутмаслик керак.

Асарларни танлаш уларнинг ахлоқий-маънавий қадриятлилигига мос равишда тарбия дастури доирасида ҳамда мактабгача таълим муассасаси таълими асосида амалга оширилади.

Бадий адабиётда ёзувчилар ижобий ва салбий қаҳрамонларни тушунарли шаклда, уларнинг амалга оширган ишларини аниқ тарзда ифодалаш орқали тақдим этадилар. Болаларга ахлоқий меъёрларга мослиги нуктаи назаридан қаҳрамонларнинг ҳаракатлари тушунарли бўлади ва уларда ижобий қаҳрамонларга ўзларини тенглаштириш истаги пайдо бўлади.

Бадий адабиётни ўқиш давомида тарбиячига болаларга қаҳрамоннинг кечинмаларини етказишда ифодаланаётган ҳолатларга, персонажлар ҳаракатларига ва энг асосийси ўз ҳис туйғуларини, муносабатини билдириш жуда муҳимдир. Бу ерда мимика, қўл ҳаракатлари, товуш, ўзни тутиш ва болаларга ўзига хос қарашлар катта ёрдам беради. Шундай ҳикояларни танлаш лозимки, уларда қаҳрамон ҳаракатларини ва шахсий сифатларни баҳолаш, пайдо бўлган ҳолатлардан чиқиш йўлини излаш мумкин бўлсин.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, болалар ўзлари тинглаган бадий адабиёт намуналари орқали аста-секин атроф-муҳит билан танишадилар, юрт қудрати ва уни ардоқлашни, табиатни асрашни, меҳнатни улуғлашни ўзларининг бурчи сифатида англайдилар

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Грошева И.В. ва бошқалар. Илк қадам. Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. – Тошкент, 2018. - 60 б.
2. Жумаев М. Болалар адабиёти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 223 б.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада мактабгача ёшданок болаларни бадий адабиётга қизиқишини ошириш ва шу орқали уларнинг маънавий-маърифий камолоти, масъулиятлилиқ сифатларини шакллантиришни таъминлаш йўллари ҳақида фикр юритилади.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье дается представление о путях повышения интереса детей младшего школьного возраста к художественной литературе и тем самым обеспечения формирования у них духовно-воспитательного совершенства, качеств ответственности.

#### **SUMMARY**

The article gives an idea of ways to increase the interest of children from primary school age to fiction and thereby ensure the formation of spiritual and educational perfection in them, the qualities of responsibility.

*Наширға пед.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган*

«ЗЕЛЁНАЯ ЭКОНОМИКА». МИРОВОЙ ОПЫТ И ОСОБЕННОСТИ  
РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Шодиев Т.Ш. (Международный Вестминстерский университет в Ташкенте),  
Бутабоев М.Т. (ТУИТ).

**Ключевые слова:** *пределы роста, налог Тобина, природный капитал, дефицит ресурсов, энергосберегающие технологии, ресурсосберегающие технологии, утилизация отходов, альтернативная энергетика.*

